

Б. О.Абдолниёзов

ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Тошкент- 2008 йил

Дастур асосида яратилган дарсликда чорва молларининг келиб чиқиши, анатомик – физиологик ва маҳсулдорлик йўналишининг хусусиятлари, конституцияси, экстеръери, интерьери, уларни урчитиш ва наслчилик ишларини ўтказиш йўллари, ем-хашак турлари, норма асосида озиқлантириш масалалари келтирилган.

Хусусий чорвачилик қисмида қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик ва қуёнчилик тармоқлари тўғрисида баён этилган. Шунингдек, ветеринария асослари, зоогигиена фани бўйича маълумотлар берилган.

Дарслик агрономия факультетлари талабаларига, магистр ва аспирантларига, фермер хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Тақризчи – У.Н.Носиров,

қишлоқ хўжалик фанлари

доктори, профессор.

Б.О.Абдолниёзов

ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан агрономия факультетларининг талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент – 2008

КИРИШ

Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Мамлакатимиз халқ хўжалигида чорвачиликнинг аҳамияти жуда катта. Чорва молларидан қимматбаҳо озиқ - овқат маҳсулотлари – сут, гўшт, ёғ ва бошқалар олинади.

Чорвачилик енгил саноатга хилма – хил хомашё етказиб беради. Сўйилган молнинг фақат териси, гўшти ва ёғигина эмас, балки ички органлари, қон, шохлар, туёқлар ва суяги ҳам ишлатилади. Масалан, сўйилган моллар ошқозонидан пепсин ва меъда шираси, ички секреция безларидан, (қалқонсимон, гипофиз, меъда ости ва бошқа), одам ва молларга керакли гармонлари бўлган хар хил даволаш препаратлари олинади. Қондан гематоген, гемакрин ва бошқа даволаш воситалари ҳамда казеин елини ва озуқавий қон уни тайёрланади. Суяклардан тугмалар ва моллар озуқаси бўладиган суяк уни етиштирилади. Шунинг учун ҳам халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун хомашё етказувчи соҳа– чорвачиликни жадал ривожлантириш керак.

От, эшак, хачир, хўкиз ва туялардан улов сифатида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни қанчалик механизациялашидан қатъий назар аҳоли эҳтиёжи учун юк ташиш, миниш, фермаларда енгил ишларни бажариш учун моллардан фойдаланилади. Улар дағал, ширали ўтларни, омехта емларни, яйловларни, ўсимлик маҳсулотлари, балиқ, ёғ-мой саноати қолдиқлари ҳамда тегирмон чиқиндиларини кенг истеъмол қилади.

Чорвачиликни жадал ривожланиши деҳқончиликни ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўсимликлар томонидан ҳосил қиладиган органик моддаларнинг тўртдан уч қисми одамзод озиқланишига яроқсиз, масалан, сомон, поя, тупон ва деҳқончиликнинг бошқа чиқиндилари. Лекин улар ҳамда махсус ўстириладиган, озуқавий экинлар, (маккажўхори, жўхори, қанд лавлаги, озуқавий сабзи, нўхат, беда ва бошқалар), Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун қимматли озиқалардир. Ўз навбатида чорвачилик деҳқончилик учун энг қимматли органик модда – гўнгни етказиб беради. Мол истеъмол қилган органик моддаларнинг 40% га яқини гўнг тарзида ерга қайтиб келади. Унинг билан тупроқ бойитилади.

Бу моддаларни тупроққа киритиш – уни унумдорлигини ошириш ва юқори ҳосилдорликка эришишнинг асосий воситасидир. Озуқавий экинларни юқори ҳосили хўжаликка озуқаларнинг сифатлилигини, буни билан – мол ва парранда маҳсулдорлигини оширишни, бош сонини ўсишини таъминлайди. Демак, қишлоқ хўжалигининг бу икки асосий соҳалари бир–бири билан чамбарчас боғлиқдирлар; деҳқончиликни чорвачилик билан ўзаро ривожлантириш қишлоқ хўжалигида истиқболли тадбирдир.

Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши

Барча уй ўайвонлари ёввойи аجدодлардан келиб чиққанлар. Уй ҳайвонларига одамзот эҳтиёжини қондирадиганлари киритилади. Бу аввало қорамол, қўтос, гаял, балий моли, буйвол, қўй, эчки, шимолӣй буғу, туя, лама, чўчка, от, эшак, куён, ит, мушук, ғоз, ўрдак, курка, цесарка, товуқ, ҳамда каптар, асалари, ипак курти. Асалари ва ипак куртидан бошқа барча уй ҳайвонлари умуртқалилар турига киритилган. Уй ҳайвонларига ҳовуз ва аквариумларда урчитиладиган балиқлар, қушлар (канарейка, тобус), ва лаборатория ҳайвонлари яқин туради. Ёввойилардан уй ҳайвонларига утими бўлиб инсон томонидан урчитилаётган буғу, тулки, қутб тулкиси, сувсар, норка, нутрия ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳайвонларни хонакилаштириш ҳозир ҳам давом қилмоқда.

Ҳайвонлар келиб чиқишини археологик тадқиқотлардан, ёввойи ва уй ҳайвонларининг суяқларини ўрганишдан (хрониологик усул), қадимги ривоятлар ва дostonлардан, ҳозирги замон мол зотларини ёввойи ҳайвонлар билан чапиштириб олинган, (уй қорамолини зебу, буйвол билан ёввойи отни уй оти билан, ёввойи тўнғизни уй чўчқаси билан, ёввойи қўйни уй қўйи билан), зот серпуштлигидан, уй ҳайвонларига хос хусусиятларни ёввойи турлари билан солиштиришдан аниқлаш мумкин.

Молларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш

Бу тўғрида аниқ маълумотлар деярли йўқ, лекин археологик қазилмалардан топилган суяқларни, тоғларда акс эттирилган расмлардан, санъат ёдгорликларидан кишлоқ хўжалик молларининг келиб чиқиши, қўлга ўргатилиши ва уларни хонакилаштириш вақти тўғрисидаги даврни тахмин қилиш мумкин.

Ўзбекистон минтақасидаги қадимги манзилгоҳлар Қовунчи – тепа (Тошкент вилояти), Тупроқ – қаъла (Хоразм вилояти), ва Далварзин (Фарғона водийси), уй ҳайвонларни хонакилаштириш масаласи мукамал ўрганилган.

Ўзбек археологик олими, академик У.Исмоилов ўз кашфиётларига таяниб, аجدодларимиз мезолит, (бундан 10-11 минг йил илгари), даврига келиб ҳайвонларни овлаш билан бирга уларни қўлга ўргатишни бошлаганлар ҳамда бу даврнинг сўнгги босқичларида, (8-9 минг йил илгари), эса хонакилаштирилганлар.

Неолит даврида, (6-7 минг йил илгари), Ўрта Осиё минтақасида чорвачилик шаклланган ва ривож топган. Шунини айтиш керакки, Оврўпада қорамолларни қўлга ўргатиш бундан 6-7 минг йил олдин ёки Ўрта Осиёдан 4-5 минг йил кейин амалга оширилган, (Носиров У, 2001),.

Уй ҳайвонларини урчитиш, аввало, эҳтимол, чегараланган миқдорда амалга оширилган бўлса керак, кейинчалик эса у хўжалик фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Хонакилаштирилган ҳайвонлар яшаш учун одамга қатор воситалар берганлар. Улар гўшт, жун, ёғ, суяк, транспорт ва ерга ишлов бериш учун уловбop куч бўлган ва, нioхoят, сўнг уй ҳайвонларининг сutiдан фoйдаланиш рўй берди.

Хонакилаштириш, шубҳасиз, узoқ давом этган ва қийин жараён бўлган ва ибтидоий oдам уни қаттиқ меҳнат билан амалга оширган.

Қорамолни хонакилаштириш жараёнида ташқи муҳит унга таъсир қилган, унинг ташқи тузилиши ва хулқ – аtвори анча ўзгарган. Бунга қуйидаги сабаблар таъсир кўрсатган:

1. Молнинг ҳаракати камайди, чунки у боғланди, натижада ҳаракат органлари ва тўқималарда ўзгаришлар содир бўлди, лекин унинг ўсиши ва ривожланиши ижобий томонга ўзгарди.
2. Мол тайёр oзуқани истеъмoл қиладиган бўлди, бу жараён уни овқат хазм қилиш органларида ўзгаришлар бўлишига олиб келди.
3. Молларни танлаб қочириш натижасида функционал ўзгаришлар содир бўлди. Буларга жинсий фаолият, серпуштлик, тез етилувчанлик, гўштдорлик сифатларни яхшиланиши, иш қобилияти киради.

Бу жараёнлар oқибатида хонакилаштирилган ҳайвонлар ўзгарувчан бўлдилар, уларнинг ҳар хил

экстерьер – маҳсулдор хиллари, (серсут, серсут-гўштор ва гўштор),, пайдо бўлди.

Хонакилаштирилган қорамол ёввойи турларига нисбатан кичикроқ, гавдаси эса чўзинчоқ бўлади. У йилнинг ҳар қандай мавсумида ҳам 2-3 бола туғадиган, соғим даврида 4000-5000 кг сут берадиган, унинг ўсиши ва ривожланиши, гўштни ҳосил бўлиши тезлашди, нерв фаолияти шартли рефлекслар, (масалан, сигирлар бемалол соғиладиган бўлди),, ҳосил бўлди, мол ювош, ҳаттоки беғамлик аломатлари содир бўлди.

Хонакилаштирилган молнинг жуни хилма – хил рангли бўлди, оқибатда унинг туси ўзгарди.

Хоразм худудида чорвачиликнинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади, лекин бу тўғрида бугунги маълумотлар жуда ҳам камчилдир. Толстов С. П (1948), томонидан келтирилган маълумотлар бўйича эрамиздан олдинги IV – III минг йилликлар билан белгиланган неолитик манзилгоҳ – Жаббос қалъада уй ҳайвонларининг қолдиқлари умуман топилмаган.

Хоразмнинг қадимги чорвачилиги тўғрисидаги аниқ маълумотлар илк бор эрамиздан олдинги III – минг йилликнинг иккинчи ярмидан II – минг йилликнинг бошларигача бўлган давр тилга олинади, (Толстов С. П 1948),, Формозов А. А (1945),, Виноградов А. В (1968),.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё минтақасида уй ҳайвонларининг барчаси хонакилаштирилган. Бу худудда яшаган халқларнинг қадимги аجدодлари ёввойи ҳайвонларни дунёда биринчилар қаторида хонакилаштириб, уй ҳайвонларига айлантирганлар ва чорвачилик билан шуғулланишга асос солганлар.

Уй	ҳайвонларининг	ёввойи	аждодлари
-----------	-----------------------	---------------	------------------

Охирги маълумотларга кура, барча куп хужайрали ҳайвонлар 23 турга, 66 синфга, 1270519 хилга булинадилар. Тулик хонакилаштириш эса факат 2 тур – умурткалилар ва бугимоёклилар орасида кайд килинади. Шунинг билан барча умурткалиларнинг 7 туридан факат сут эмизувчилар, парранда ва баликларга кирадиган ҳайвонлар хонакилаштирилган.

Қорамол. Олдин Осиёда, кейинчалик Оврупода уй қорамолини аждоди деб ёввойи тур аниқланган. Оврупо туридан қорамолнинг кўйидаги зотлари – симментал, қизил чўл, голланд, холмагор, ярослав, герефорд, шортгорн, абердин – ангусс, швиц, тирол, жерсей ва айрим бошқалари, Осиё туридан – қозоҳ, қирғиз, сибир, колмик, якут, манжурия моли келиб чиққан.

Ё

1-расм. Ёввойи тур. Харті реконструкцияси. Яғринигача баландлиги 2 метр. ввойи турлар ҳозир йўқ, унинг охирги вакили Польшадаги кўриқхонада 1627 йили ҳалок бўлган. Турнинг ташқи кўриниши тўғрисида тасвирлар

сақланган. Оврупо тури 800 кг тирик вазнли, катта боши ва олдинга йўналтирилган ўткир шоҳлари билан йирик буқа бўлган. Унинг яғрин баландлиги 180-200 см ва сигирлариники 160-175 см га тенг келган, унинг туси қора ёки қора – қўнғир, жуни узун бўлган. Оврупо турининг кўпгина қиёфаси ҳозирги кул ранг Украина молида сақланган.
--

Америка бизони, Оврупо зубри, буйвол, қўтос, гаур, бантенг ва зебу уй ҳайвонларининг яқин уруғдоши

хисобланадилар.

Зебу, (*Bos taurus indicus*). Хонаки қорамол сифатида Ҳиндистон, Япония, Туркия, Арабистон, Осиё ва Африканинг баъзи бир бошқа мамлакатларида кўпайтирилади. Зебусимон мол Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида ҳозирда ҳам урчитилади.

Зебу молларига хос хусусиятларнинг асосийси – тананинг елка-яғрин қисмида мускул ва ёғ тўқималаридан ҳосил бўлган ўркач бор. Унинг оғирлиги 8-10 килограммга етади. Зебу моллари иссиқ шароитга яхши мослашган, қон – паразит касалликларига чидамли.

Конституцияси мустаҳкам ҳўкизларнинг тирик вазни 420-450 кг, сигирларники 220-260 кг га тенг, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги паст, (соғим даврида 1000-1200 кг),, лекин сутнинг ёғлилиги 4,9-5,2 %.

баланд

—

3

2-расм.

Зебу

буқаси

ебунинг жуда кўп турлари орасида серсут, гўштдор, ишчи, юк ташийдиган, уловга кўшиладиган ва салт минаядиганлари ҳам бўлади.

Зебу кеч етиладиган, гўштини сифати юқори эмас, сўйим чиқими 40-48%.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида боқиладиган зебусимон қорамол қадим замонларда зебуни қорамол билан чатиштириб олинганларидир. Зебусимон сигирлардан таркибида 4,3-4,7% ёғи бўлган 1300-2000 кг сут олинади, (Мавланов Н. О, 1968),.

совуқ, хаводаги кислороднинг камлиги одатдаги яшаш шароити ҳисобланади.

Қ 3-расм.

Тува автоном областидаги «Большевик» колхозининг Додон лақабли қўтос буқаси ўтослар сут, гўшт беради, иш ва уловга қўшилиб фойдаланилади. Урғочи қўтослардан соғим даврида 6,5 -7,5% ёғли 400-420 кг га яқин сут соғиб олинади. Улар 6 ойга яқин соғилади. Уларнинг бўғозлик даври 255-256 кун давом этади. Кўкламда болалайди. Гўшти сифатли, мазали, сўйим чиқими 48-50%. Жуфтланиш фасли - сентябр оyi. Қорамол билан чатиштиришдан олинган дурагай қўтосларнинг урғочилари пуштли, эркаклари эса – пуштсиз бўлади. Дурагай сигирлар 5,0% ёғли 900-1000 кг сут берадилар. Гўшти мазали, сўйим чиқими 56-62% гача.

Буйвол (Bos bubalus), Ҳозирги вақтда буйволларнинг ёввойи ва хонакилаштирилган турлари бор. Уларнинг ёввойи тури Ҳиндистон ва Малай архипелагида сақланиб қолган. Буйволларнинг икки гуруҳи мавжуд - Осиё ва Африка турлари. Осиё буйволларининг энг тарқалган тури – арна, миндор (Филлипинда), ва аноа (Целебесда),. Улардан миндор тури хонакилаштирилган.

Осиё буйволлари ботқоқлик туманларда яшайди.

4-расм.

Буйвол
Хонакилашган буйволлар жуда ювош ҳайвон, иссиқ, намли жойларда урчишга мослашган. Озуқа

Буйволлар ишчи ҳайвон. Кеч етилади, узоқ яшайди (30 йилгача),. Қорамол билан чатишади, лекин насл бермайди. Қон-паразит касалликларига чидамли.

Бантенг (*Bos sondicus*), Бантенглар «зонд буқаси» деб ҳам аталади. Уларнинг ёввойи вакиллари Зонд, Малайя ярим оролларида,

га етади. Жуни қисқа ва зич, ранги малла.

Бизон (Bison), Бизонлар Америка ва Оврупо гуруҳларига бўлинади.

Америка бизони йирик мол, яғрин баландлиги 200 см гача, тирик вазни 800-1000 кг, калла, бўйин ва елка қисми қалин ва зич жун билан қопланган.

АҚШ да галловий зоти билан чатиштириш натижасида **катталохам**да бир йўла абердин – ангусс, шортгорн, герефорд зотлари билан

Бизонлар эртароқ хонакилаштирилган эди, лекин кеч етиладиган ва гўштининг сифати ёмон бўлганлиги туфайли уларнинг ўрнини қорамол эгаллаган. Зубр ва бизонлар оддий қорамол билан чатиштирилганда авлод беради.

Шунингдек, қорамолларнинг бошқа қон – қариндоши – гаял ва гаур ҳам ўзининг зоологик, биологик ва бошқа хусусиятлари билан қорамолдан фарқ қилади. Улар ёввойи ҳолда жанубий ва жанубий-шарқий

р фақат ёввойи ҳолда учрайди, гаял эса хонакилаштирилган, лекин кўпинча Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида ярим ёввойи ҳолда яшайди.

Гаялдан гўшт, сут ва ишчи ҳайвон сифатида фойдаланилади. Гаял оддий мол билан чатишади ва авлод беради, (Н. О. Мавлонов, 1968),.

Қўйлар. Уй қўйлари 4 турдан келиб чиққан: муфлондан, аркардан, аргалидан ва ёлдир қўчқордан. Оврупо қўйлари муфлондан келиб чиққан, у Ўрта ер денгизи оролларида (Корсика, Сардиния ва бошқа), яшайди.

Бу турнинг қўчқорлари 40-50 кг, она қўйлари 30 кг тош босади. Ҳайвонлар жуни бир хил эмас: килтик узунлиги 1-2 см, тивит – 5-6 см. Муфлондан шимолий қисқа думли, яъни романов қўйлари келиб чиққан.

Муфлонни аскания зотли қўйлари билан чатиштириб тоғли меринос олинган.

Осиё қўйлари **аркар ва аргалидан** келиб чиққанлар. Аркар – ёввойи чўл қўчқори, Туркманистон ва

Қирғизистон худудида учрайди. Қўчқорлар тирик вазни 100 кг, она қўйларники 40-50 кг. Аркардан барча узун думли, ориқ думли ва ёғли думли қўйлар келиб чиққан. Биринчисига - меринослар, цигайлар ва тез етилувчан гўштдор қўйлар; иккинчисига – қорақўл, балбас, мазех ва карабах қўйлари киради.

Аргали Тянь-шаннинг баланд тоғли туманларида, Соён тоғларида, Камчаткада яшайди. Бу турнинг қўчқорлари 200-250 кг, она қўйлари 100 кг тирик вазнига эга. Аргалидан думбали қўйлар келиб чиққан. Аргалининг баланд тоғли турлари архар деб аталади. Архарларни прекос зотли қўйларини чатиштиришдан архар — меринослар олинган.

Шимолий Америкада, Тунис, Алжир ва Марокко худудида ёлдор қўчқорлар яшайди. Эркаклари 80 кг, урғочилари 40 кг келади. Ёлдор қўчқор қўйлардан эчкиларга ўтувчи турдир. У мустаҳкам тана тузилиши билан, эчкиникига ўхшаш боши, қисқа бўйни, йирик шоҳлар, узун ёлдор ва узун қуйруқ билан тавсифланади.

Ёлдор қўчқор Оврупо ва Осиё уй қўйлари билан чатишмайди.

Муфлонлардан, аркарлардан, аргалидан Оврупо ва Осиё уй қўйларидан пуштли насл олинади.

Эчкилар. Уй эчкилари бир неча ёввойи турлардан – безоарли ва бурама шоҳли эчкидан, ибексдан келиб чиққан. Ҳозирги замон эчкиларнинг асосий аجدоди деб Кичик Осиё, Кавказ орти, Туркменистоннинг тоғли туманларида учрайдиган безоарли эчки ҳисобланади. Йириклиги бўйича ёввойи эчкилар қўчқорларга яқин. Ёввойи ва уй эчкилари ўзаро чатишадилар ва пуштли авлод берадилар.

Туялар. Уй туяси икки хил – икки ўрқачли ёки бактриан ва бир ўрқачли ёки дромедар бўлади. Ёввойи хилда туя Н. М. Пржевальский томонидан Монғолия саҳроларида топилган. Икки ўрқачли туялар Осиёда, бир ўрқачлилар Аравия ва Африкада тарқалган.

Бактриан ва дромедар ўзаро енгил чатишадилар ва пуштли авлод берадилар.

Чўчқалар. Уй чўчқалари келиб чиқиши бўйича икки асосий гуруҳ – Оврупо ва Осиё илдизларига бўлинади. Оврупо чўчқалари Оврупо ёввойи тўнғиздан келиб чиққанлар, унинг эркаги 140-180 кг келади. Ёввойи тўнғизлар Оврупо, Осиё, Африка ўрмонлари ва чангалзорларида яшайдилар. Бўғозлик даври 117 кун, пушторлиги – хар туққанида 4-6 тадан туғади. Оврупо ёввойи тўнғизни тумшуқи узун, тор, қулоқлари турувчи, танаси ясси.

Осиё чўчқалари шарқий ва жанубий Осиёда, (Хитой, Индонезия, Япония),, яшайдиган ёввойи шарқий Осиё тўнғизидан келиб чиққан. У Овруполи тўнғиздан эртароқ хонакилаштирилган.

Шарқий Осиё тўнғизи овруполилардан майда, тумшуқи бирмунча қисқа, танаси бироз думалоқ.

Шаркий Осиё тўнғизи овруполилардан майда, тумшуқи бирмунча қисқа, танаси бироз думалоқ.

Оврупо ва шаркий Осиё ёввойи тўнғизидан Оврупо ва Осиё чўчқаларининг асосий зотлари келиб чиққан.

Оврупо ва Осиё халқларининг алоқалари Оврупо ва Осиё чўчқаларининг аралашшига келтирди, натижада зотлар ҳам аралашди, жумладан Испания, Италия, Португалия, Франциянинг жанубий – ғарбий қисмидаги қадимги ўрта ер денгизи чўчқалари роман гуруҳига, (неополитан ва португал чўчқалари),, бирлашди.

Отлар. Уй отининг аждоди деб тарпан ҳисобланади. Тарпан XIX асргача Оврупо ва Осиё чўлларида, ўрмонларида яшаган. Тарпанларнинг яғрин баландлиги 135 см дан ошмаган. Улар пешона ёлисиз йирик бошли, турғун ёлдорли, бўз тусли, белида қора камар ва олдинги оёқлари зебраникига ўхшаш.

Пржевальскийнинг ёввойи оти Монголиянинг қуруқ сувсиз чўлларида учратилган. Молларнинг яғриндаги баландлиги 135 см гача, боши қўпол, пешонаси ёлсиз, ёли қисқа, яғрини тор, танаси узун. Бу отлар чўлда уюр бўлиб, 12-18 биялар бир той етакчилигида яшайдилар. Уй отлари билан улар чатиштирилса, пуштли авлод берадилар.

Эшаклар. Уй эшаклари уларнинг Африка ёввойи аждодидан келиб чиққанлар. Эшаклар отлардан майдадирлар. Қаштанлар уларда фақат

олдинги оёқларида бўлади. Бу ҳайвонлар Осиёда, Африкада ва Ўрта ер денгиз давлатларида, (Испания, Португалия, Италия ва бошқа),, кенг тарқалган.

Уй эшакини уй оти билан чатиштирганда пуштсиз гибрид – мул олинади. Улар зўр ишчанлиги билан ажралиб туради.

Қуёнлар. Уй қуёнларининг уруғ бошлиғи бўлиб жанубий – ғарбий ва ғарбий Оврупо, (Испания, Франция, Италия),, ҳисобланади.

Ўрдақлар. Уй ўрдақлари ёввойиларидан (кряква),, уй мускуслари эса – ёввойи жанубий америкали мускусли ўрдақлардан келиб чиққан. Кряква ўрдақи ер юзининг хар хил қисмларида хонакилаштирилган.

Ғозлар. Уй ғозлари ёввойи ғоздан келиб чиққан. Улар яқин даврларда Оврупода, деярли бутун Осиёда

Товуқлар. Уй товуқлари ёввойи банкиев товуқларидан келиб чиққан улар Ҳиндистонда хонакилаштирилган. Банкиев товуқлари –

катта бўлмаган ўрмон паррандасидир. Улар чангалзорларда ёки бамбук бутазорларида яшайдилар. Бу товуқлардан одам тухум, гўшт, тивит ва пар олади. Декоратив ва урушқоқ товуқлар ҳам бор.

Куркалар. Уларни Мексиканинг қадимги халқи (майя), хонакилаштирганлар. ХҲ асрнинг бошларида улар Испанияга келтирилган. Улардан гўшт олиш учун боқадилар. Тирик вазни 20 кг гача, (Исроил куркаси 40 кг гача), етади.

Куркаларнинг ёввойи турлари Америкада яшайди.

Асаларилар. Уй асал берувчи арилар ўзларининг ёввойи аجدодларидан келиб чиққанлар. Асаларилардан асал, мум ва бошқа махсус маҳсулотлар, уларни қишлоқ хўжалик экинлар ва мева-дарактларни чангланишида фойдаланилади.

Ипак қуртининг ватани – Хитой. Улар ёввойи ипак қуртларидан келиб чиққан.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 ..

[Обсудить данную работу](#)[Обсудить данную работу](#)

Похожие:

[Чорвачилик ва паррандачилик комплекслари чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик илмий асослари](#)

Маълумки, республикамизнинг умумий майдони 447,4 минг км² бўлиб, шундан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлар 269,2...

[Документы](#)

1. [/Чорвачилик фермаларини механизациялаш фанидан лаборатория.doc](#)

[Классик механиканинг ривожланиши](#)

Ньютон механикасини постулатлари ва экспериментал асослари. “Натураль фалсафани математик асослари” асарининг яратилиши хақида

[6 7 – маъруза газ хроматографияси. Усулнинг назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида юқори эффектив усул. Газ хроматографик усулда дори воситалари чинлигини ва микдорий таҳлил қилиш асослари. Маъруза вақти](#)

Итиш мақсади: Талабаларни газ хроматографиясини, дори моддалар таҳлилида қўлланилиши, усулнинг назарий асослари, газ хроматографик...

[Чорвачилик \(Корамолчилик, Қўйчилик, эчкичилик\) тармоқлари иқтисодиёти](#)


Бу инсон организми учун зарур микдор ёки тиббиёт нормативларидагига нисбатан анча кам. Шунинг учун республика ҳукумати мамлакатнинг...

[Тарбия назарияси. \(18 Соат\) 10. Тарбия жараёнининг моҳияти, принциплари. Шарқона тарбиянинг назарий, миллий асослари. \(2С\) Режа](#)

Тарбия жараёнининг моҳияти, принциплари. Шарқона тарбиянинг назарий, миллий асослари. (2С)

Разместите кнопку на своём сайте:

[Документы](#)



База данных защищена авторским правом ©uz.denem

При копировании материала укажите ссылку

[обратиться к администрации](#)

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг анатомик – физиологик ва маҳсулдорлик йўналишининг хусусиятлари

i.

Ҳайвонлар танасининг тузилиши. Тери қопламининг тузилиши ва вазифасининг хусусиятлари

Ҳайвон организми хужайра ва хужайрасиз таркибга эга тирик моддалардан қурилган. Хужайралар катта – кичиклиги, шакли ва вазифасига қараб бир – биридан ажралиб туради. Умумий тузилиш ва умумий вазифалар билан бирлашган хужайралар ва хужайрасиз модданинг айрим гуруҳлари **тўқималарни** ҳосил қилади. Тўқималардан **тана органлари** ташкил бўлади.

Ҳар бир орган маълум шаклга эга ва махсус вазифа бажаради. Ўз тузилиши бўйича бир–биридан фарқланувчи, лекин қандайдир вазифани бажарувчи айрим **органлар системасини** ҳосил қилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлар организми одам организмидек қуйидаги системалардан иборат: тери қоплами, ҳаракат (скелет ва мускуллар), овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, ички секреция, сезги ва нерв бошқарув органлари.

Тузилиши ва вазифасига қараб бир – биридан фарқ қилиб ва бирмунча мустақилликга эга бўлиб, барча системалар ўзаро яқин бирликда ишлайдилар, шу туфайли организм ажралмас, бир бутун бўлиб ифодаланади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида органлар бир– бирови билан ўзаро алоқани, одамдагидек, нерв ва гуморал йўл билан, (қон орқали), амалга оширадилар.


Тананинг умумий тузилиши барча қуруқликда яшовчи умуртқалиларда бир хил; уларда бош, бўйин, кўкрак, қорин, думғаза ва қуйруқ бўлимлари, елка, тос қисми ва эркин ҳаракатланувчи қўл- оёқлар, елка билан панжа қисмидан ташкил топган. Кўкрак ва сондан, болдирдан ва орқа оёқлардан иборат тос бўлимидан тузилган.

Шу режа асосида қишлоқ хўжалик ҳайвонлар скелети тузилган.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг тери қопламининг хусусиятлари

Тери қоплами асли теридан ва ҳосилаларидан иборат: сочлардан, туёқлардан, тирноқлардан, шохлардан, тер, ёғ ва сут безларидан, пардан ва тангачалардан. Тери организмни ташқи муҳитни механик, ҳарорат, биологик (касалликларни қўзғатувчи), зарарли таъсиридан ва қуришдан сақлайди. У организм томонидан иссиқликни беришни бошқаради, модда алмашинувининг айрим маҳсулотларини ажратади, ташқи муҳитнинг ҳароратли, механик (лат ейиш, уколлар), ва бошқа қўзғатишларини идрок

қилади.



13-расм. Қорамоллар терисининг гистологик тузилиши. I эпидермис: 1 — шохсимон қатлам; 2 — донатор қатлам. II — дерма ёки ҳақиқий тери. III — тери ости ёғ қавати; 3 — тер безлари; 4 — тер безларининг каналли; 5 — ёғ бези; 6, 7, 8 — жуннинг вертикал кесиги; 9 — нерв; 10 — нерв учлари; 11 — артерия; 12 — вена; 13 — лимфа томири; 14 — ёғ тўқимаси.

Тери икки асосий қатламдан иборат: сиртки кўп қаватли эпителийдан ҳосил бўлган эпидермисдан ва ички — асли теридан. Тери остида бириктирувчи тўқимали қатлам бор, унда мол яхши боқилганида ёғ тўпланади. Ёғ қатлами айниқса чўчқаларда ривож топган. У тери ости ёғ клетчаткаси дейилади. Тери остидаги қаватда кўндаланг тери ости мускуллар мавжуд, улар кучли қисқарганда тери силкинади, шу сабабли теридан чанг, сув ва ҳоказолар узоқлашади.

Асли тери хужайралар ва бириктирувчи тўқимадан иборат. Бу ерда кўп сонли қон ва лимфатик томирлар шохланади, улар терини сезги нервлар охирилари озиқлантирадилар. Асли терида соч илдизлари, (паррандада парлар), ёғ ва тер безлари жойлашган.

С

13-расм. Қорамоллар терисининг гистологик тузилиши. I эпидермис: 1-шохсимон қатлам; 2-донадор қатлам; II-дерма ёки ҳақиқий тери; III-тери ости ёғ қавати; 3-тер безлари; 4-тер безларининг каналли; 5-ёғ бези; 6, 7, 8-жуннинг вертикал кесиги; 9-нerv; 10-нerv учлари; 11-артерия; 12-вена; 13-лимфа томири; 14-ёғ тўқимаси. очлар (паррандада парлар), тери қопламини чангдан ва совутишдан ҳамда ҳашаротлар чақишидан сақлайди.

Ёғ безлари шохланган пуфакчалар (альвеоллар), шаклига эга. Улар сочлар илдизи яқинида жойлашган ва чиқарув томири орқали илдизлар кинига очилади. Безлар ажратадиган «тери ёғи» ўсаётган сочлар, терини мойлайди ва қуришдан ва сув билан намланишидан сақлайди.

Ёғ безлари от ва итларда, кучсиз равишда чўчқалар ва қорамолда ривож топган.

Қўйларда тери ёғи ва тер ёғли тер ҳосил қиладилар. Улар жун сочини тутам қилиб ушлайди ва ифлосланишдан, намни, сийдикни (аммиак), ва ҳоказоларни зарарли таъсиридан сақлайди.

Тер безлар — трубкали, ўрам шаклида, унинг ички деворлари безли тер ажратадиган хужайралар билан қопланган. Тер безларининг чиқарув томирлари ҳам сочларнинг

илдиз қинига очилади.

Тер безлари отларда ва қўйларда яхши ривожланган, ит ва буғуларда тер безлари йўқ. Тер – сувли суюқлик, унда организм учун зарарли бўлган модда алмашинув маҳсулотлари: мочевина, сийдик кислотаси, учувчи ёғ кислоталари, оксил, (отларда кўпик ҳосил қилади, кўпиради),, минерал тузлар (шунинг учун ҳам тернинг таъми шўр),.

Тер ҳосил бўлиши иссиқни бошқаришда, яъни организм томонидан иссиқликни ҳосил қилишда ва қайтарилишида катта аҳамиятга эга. Иссиқлик организмда диссимилияция— озуқавий моддаларни энергия ҳосил қилиб парчаланиши оқибатида рўй беради. Организм узлуксиз равишда иссиқликни йўқотади, кўпинча бу жараён уни тери орқали тарқалиши натижасида ҳамда сувни буғланиши ва ўпкадан, (нафас олганда),, тери юзасидан, (тер ажралганда),, бўлади. Ҳар грамм терни буғланиши учун 0,58 ккал организмнинг иссиқдан сарфланади, шунинг учун ҳам иссиқлик берилиши тўхтамайди. Сув буғланиши доимо ўпка юзасидан ҳам, (тер безлари бўлмаган итларда ва буғуларда буғланиш фақат ўпка юзасидан амалга ошади),, содир қилинади. Ҳавонинг юқори ҳароратида нафас олиш тезлашади ва ўпка томонидан буғланадиган сув миқдори кўпаяди.

Ҳавода сув буғлари кўпайганда сувни тери ва ўпка юзасидан буғланиши тўхтайдди. Шунинг учун намли, лекин юқори ҳароратда бўлган ҳайвонлар ҳолати ёмонлашади. Лекин қизиб кетиш содир бўлмайди, чунки организмдаги диссимилияция жараёнлари кучсизланади.

Агарда очиқ муҳитнинг ҳарорати тери ҳароратидан паст бўлса, қон томирларининг ингичкалиги рефлекс ёрдамида тораяди ва ундан ўтаётган қоннинг миқдори камаяди. Натижада тери ҳарорати пасаяди, тери ва муҳит ҳарорати текисланади ва иссиқлик берилиши камаяди. Иссиқликни йўқолиши тер безлари фаолиятиинг рефлектор равишда пасайиши оқибатида ҳам рўй беради. Шу пайтда организмда диссимилияция кучаяди.

Иссиқликни бошқариши натижасида тана ҳарорати маълум даражада ушланади.

Тери ифлосланганида ёғ ва тер безлари тешиклари тикилиши мумкин, бунда иссиқликнинг бошқаруви ва тери орқали модда алмашинув маҳсулотларининг ажралиши бузилади. Ундан ташқари ифлослик, тери ёғи ва терни тери юзасидан парчаланиш маҳсулотлари бактериялар, шу жумладан касаллик чиқарувчиларнинг, ривожланишига ёрдамлашади. Шунинг учун ҳам терини ва уни қопловчи жунни доимо артиб, тоза тутиш керак.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг овқат ҳазм қилиш органлари тузилишининг ва физиологик фаолиятининг хусусиятлари

Овқат ҳазм қилиш органларига оғиз бўшлиғи ва томоқ, қизилўнгач ва ошқозон,

ингичка ичаклар, жигар ва меъда ости беzi, йўғон ичаклар киради.

Оғиз бўшлиғини лаблар, лунж, тишлар, милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай чегаралайди. Оғиз бўшлиғида тил жойлашган ва сўлак безларнинг йўли очилади. Лаблар овқатликни ушлаш ва сезиш учун хизмат қиладилар. Айлана мускул туфайли лаблар ҳаракатчандир. Отда, қўйда ва эчкида лаблар енгил ҳаракатчан, қорамолда ва чўчқаларда лаблар кам ҳаракатчан.


Овқатликни ушлашга ҳаракатчан мускул органи—тил ҳам ёрдамлашади. У овқатликни чайналганда тишларга қўйишга ҳамда уни оғиз бўшлиғидан томоқ бўшлиғига силжишида қатнашади.

Тилнинг шиллик пўстлофида ҳар хил шаклдаги ғуддачалар (емчаклар), улар таъмли пиёзчалардан иборат ва таъм органи ҳисобланади. Шунинг учун тил ҳайвонда озуқа ва уни сифатини аниқлайдиган орган ҳисобланади.

Тишлар ўзининг тузилиши ва вазифасига қараб куракка, қозик тишга ва жағ тишларга бўлинади. Курак тишлар олдинда — барча уй ҳайвонларида, кавшовчилардан ташқари, остидагидан ҳар бир жағда жойлашади. Кавшовчилар пастки жағда саккизта курак тишларга эгадирлар, юқорида бўлмаган курак тишлар ўрнига қалинлик — қалин қотиб кетган эпителий билан қопланган тиш пластинасини ҳосил қилади. Курак тишлар озуқани ушлаш ва кемириш учун хизмат қилади.

Қозик тишлар куракларнинг орқасида жойлашган, бир донадан юқори ва пастки жағларнинг ҳар томонида. Қорамол ва бияларда қозик тишлар — химояланиш ва хужум қилиш қуролидир.

Жағ тишлари кавшовчиларда ва отларда олтитадан, чўчқаларда жағнинг ҳар томонида еттитадан жойлашган. Уларнинг вазифаси — озуқани эзиш.



14-расм. Қорамолларнинг овқат ҳарам қилиш органлари системасининг умумий суръати.

1 — оғиз бўшлиғи; 2 — тил ости бўлак беzi; 3 — жағ ости бўлак беzi; 4 — қулоқ ёни сўлак беzi; 5 — қулоқ беzi; 6 — қулоқ беzi; 7 — қулоқ беzi; 8 — қулоқ беzi; 9 — қулоқ беzi; 10 — қулоқ беzi; 11 — қулоқ беzi; 12 — қулоқ беzi; 13 — қулоқ беzi; 14 — қулоқ беzi; 15 — қулоқ беzi; 16 — қулоқ беzi; 17 — қулоқ беzi.

Оғиз бўшлиғига ўз ширасини сўлак безлари тўкади: қулоқ ёнидагилар, жағ, тил остидагилар — жуфт ва тоқлари — лаблар, лунжлар, тил ва юмшоқ танглайнинг шилимшиқ пўстининг деворида жойлашган. Сўлак чиқариш — шартсиз рефлекс: оғиз бўшлиғига тушган озуқа сезги нерв охирини қичитади, қўзғалиш марказга интилма нерв орқали сўлак ажралиш марказига берилади. Кавшовчи ҳайвонларда қулоқ яқинидаги сўлак безлари сўлакни тўхтовсиз ажратади. Сўлак шилимшиқ пўстлоқида намликни сақлайди, озуқани сингдиради,

натижада у енгил ютилади. Озуқа қанчалик дағал бўлса, сўлак шунчалик кўп


ажралади. Сигир бир суткада 50 л сўлак ажратади.

Оғиз бўшлиғидан овқатлик томоқга тушади, кейинчалик тил ва томоқ мускулларининг қисқариши таъсирида қизилўнғачга ютилади. Қизилўнғачнинг деворларидаги мускулларнинг перисталтик қисқариши сабабли овқатлик ошқозонга ёки ошқозонларга (агарда у бир камерали бўлмаса), сурилади. Кавшовчи ҳайвонларда қизилўнғач антиперисталтик ҳаракатга эга, яъни овқатликни тескари томонга оғиз бўшлиғига йўналтиради, бу жараён кавш қайтаришда рўй беради.

Ошқозон тузилиши қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг турига қараб ҳар хилдир. Чўчқада ва отда ошқозон бир камерали, кавшовчиларда, (қорамол, қўй, эчки, буғуларда), – кўп камерали, улар 3 ошқозон олди қисмлардан (катта қорин, кат қорин, китобча), ва асли ошқозон – ширдондан иборат. Уларда безлар йўқ, фақат овқат ҳазм безлари ширдоннинг шилимшиқ пардасида бор.

Ошқозоннинг ҳамма бўлимлари бир– бирови билан тешиклар орқали боғланадилар. Бундай мураккаб ошқозон кавшовчи ҳайвонлар дағал, қийин ҳазм бўлувчи, кўп микдордаги клетчаткадан иборат ўсимлик синчиклов қайта ишлашни талаб этадиган озуқа еганидан ҳосил бўлган.

Озуқа икки марта чайналади: олдин – шошиб, кейинчалик эса синчиклаб озиқланишнинг бундай усули ҳозирги замон кавшовчи ҳайвонлар аجدодларига ҳаётда яшашига устунлик берган.



Катта қоринга 100 л зиёд суюқлик сиғади. У қорин бўшлиғининг чап томонида жойлашади. Овқатлик оғиз бўшлиғида енгил чайналиб, сўлак билан ҳўлланиб ютилади. Ҳайвон озуқа еганидан 15-20 дақиқа сўнг тинч жойни топади, айрим пайтда ётади ва кавшовни бошлайди. Озуқа гуваласи юмшатилади, эзилади, аралаштирилади ва вақти– вақти билан оғиз бўшлиғига қайтарилади. Сўнг гувала синчиклаб чайналади, сўлак билан сероб ҳўлланади ва яна катта қоринга ютилиб, яъни механик

ва химиявий ишловга дучор бўлади.

О

15-расм. Қорамоллар кўп камерали ошқозонининг схематик тузилиши: 1-катта қорин; 2-қизилўнғачнинг охири қисми; 3- қизилўнғачнинг ноғи; 4-ҳатқорни; 5- тўрқорни; 6- ширдон.

овқатлик билан катта қоринга ўсимлик ферментлари ва ҳар хил микроорганизмлар – бактериялар ва инфузорийлар тушади. Ўсимлик ферментлари қисман оқсилларни,

ёғларни ва углеводларни парчалайди. Кўпгина бактериялар томонидан ажраладиган целлюлоза ферменти таъсирида овқатлик ошқозонда 40 дан 70% гача клетчатка парчаланаяди.

Микроорганизмлар фаолияти натижасида катта қоринда газлар ва ҳар хил органик кислоталар ҳосил бўлиб озукани жадал бижғийди. Углеводлар ва озуканинг парчаланиш махсулотларидан, (аммиак ва органик ёғ кислоталари),, бактериялар ўз танасининг оксилини синтезлайдилар. Овқатлик билан кат қоринга тушиб, микроорганизмлар ошқозон ширасининг нордон муҳитида нобуд бўладилар, улар танасининг оксили енгил ҳазм бўлады. Бир суткада катқоринга 200 г гача микроорганизмлар оксили ўтади. Шундай қилиб, катқорин микроорганизмлари кавшовчи ҳайвонлар томонидан қийин ҳазм бўладиган ўсимлик оксилларини ҳазм бўлишига ёрдамлашадилар.

Кавшовчи ҳайвонлар учун катқорин бактериялари ёрдамида шунингдек, В₁, В₂ ва бошқа витаминлар синтезланади ва булар билан кавшовчилар организми таъминланади.

Катқоринга ўтган овқатлик пепсин ферменти мавжуд оксиллари ошқозон шираси таъсирида оддий бирикмаларгача парчаланаяди.

Катқориндан бўтқасимон овқатлик майда порциялар билан ичакларнинг ингичка бўлимига тушади, бу ерда меъда ости безининг, ўтнинг ва ичак шираси таъсирига учрайди. Бу овқат ҳазм қилиш ширалари ўз таркибидаги ферментлардан иборат, уларнинг таъсирида озукавий моддаларни сувда эрийдиган оддий бирикмаларга бутунлай парчаланаяди.

Ўт меъда ости без ферменти ва ичак шираси таъсирини кучайтиради, озуканинг оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг охириги махсулоти (аминокислоталар, глицерин, ёғ кислоталари ва глюкоза),, озуканинг минерал моддалари билан сув эритмаларни ҳосил қилади ва ингичка ичаклар қилчалари орқали қон ва лимфага сурилади.

Ичакнинг ингичка бўлимида озукавий моддаларнинг асосий қисми сурилади. Қийин ҳазм бўлувчи ўсимлик озукаси кўп камерали ошқозон ва жуда узун ичаклар ёрдамида амалга ошади.

Ичак танадан 20-25 марта узун; қорамолда у 50 метргача бўлады; битта ингичка ичакнинг узунлиги 40 метрга яқин.

Овқатликнинг қолган ҳазм бўлмаган қисми ичакнинг қалин бўлимига ўтади, бу ерда кавшовчиларнинг овқатлик ҳазм бўлиши ва озукавий моддаларни, сувни ва минерал тузларнинг сўрилиши яқунланади. Овқатликнинг ҳазм бўлмаган қолдиқи нажосатга шаклланади, улар ортки чиқарув тешигидан вақти – вақти билан ташқарига чиқарилади. Одатда кавшовчи ҳайвонларда овқатлик ошқозон – ичак йўлидан 7-9 кун мобайнида ўтади.

Қон озукавий моддаларнинг парчаланиш махсулотлари билан турғун венага йиғилади,

у жигарга киради ва бу ерда капиллярларга бўлинади. Жигар капиллярларидан ўтиб қонга тушган захарли моддалар, зарарсизланади, кам зарарли енгил эрийдиган бирикмаларга айланади, кейин организмдан чиқарилади. Жигарнинг химоя воситаси ана шунда.

Жигардан қон ортки **ичи бўш** венага тушади, сўнг юракнинг ўнг бўлмасига, ундан бутун тана бўйлаб озукавий моддаларнинг парчаланиш маҳсулотларини етказди. Тана хужайраларида улар хазм бўлади: оксилга, углеводларга ва ёғларга айланади. Оксилсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас, чунки улар тана хужайралари таркибига киради. Организмдаги барча ҳаётий жараёнлар хужайрада бетўхтов оксиллар алмашинуви билан боғлиқ. Оксиллар тананинг янги хужайраларини тузишга, сут, жун ва ҳоказолар ҳосил бўлишига кетади. Улар азотсиз моддалар билан алмашилиши мумкин эмас.

Ёғлар протоплазма ва хужайралар пўстлоғини асосий қисмининг таркибига киради, ёғнинг бир қисми тери ости клетчаткада, қорин ёғда, ички органлар атрофида бириктирувчи тўқимада захирада сақланади ва энергия манбаи бўлиб фойдаланилади.

Углеводлар глюкоза шаклида қон билан жигарга ўтказилади, бу ерда глюкозанинг зиёди глюкогенга, (ҳайвонот крахмали), айланади ва захирада сақланади. Ундан ташқари глюкоген мускулларда тўхтаб қолади. Углеводлар билан сероб озиқлантирилганда, (масалан, бўрдоқига бокиладиган), улардан ёғ синтезланади. Углеводлар энергиянинг асосий манбаидир, у мускуллар ишига, тана ҳароратини сақлашга, нерв системасининг ишига сарфланади.

Минерал моддалар – кальций, фосфор, натрий, калий, темир ва бошқалар тузлари – суяк ва мускул тўқималари, тери, хужайра ва тўқима ширалари, қон, сут плазмаси таркибига киради. Улар ҳайвон организмнинг нормал ҳаётий фаолияти учун керак.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ОЗИҚЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

I. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўғри озиқлантиришда озуқа базасининг аҳамияти

Чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шarti – мустаҳкам озуқа базасини яратишдир. Етарли миқдорда озуқа тайёрламай қишлоқ хўжалик ҳайвонлари бош сонини ва унинг маҳсулдорлигини ўстириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам хўжаликда озуқа етарли, сифати яхши бўлмоғи лозим. Бунинг учун молларни озуқа билан тўлиқ таъминлаш учун хўжаликда озукавий гектар етарли бўлмоқи, ажратилган ерлардан юқори ҳосил олиш тадбирлари амалга оширилмоқи лозим. Озуқа базасини мустаҳкам қилиш учун юқори маҳсулдор озукавий экинлар экилиб, уларни агротехникаси юқори агротехнология асосида ўтказилиб, етилган озукавий экинлар ўз вақтида йиғиштирилиб, озуқалар тайёрлаш, сақлаш технологияси вақтида, сикатли қилиб ўтказилмоқи лозим. Чорвачиликни мустаҳкам озуқа базасини таъмин қилишда маккажўхори, лавлаги, дуккакли экинлар, айниқса беда, кўк экинлар, такрорий оралик

экинлар ва бошқалар алоҳида ўрин тутадилар.

Мол бош сонини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун озуқа базасини яратиш талабларидан ташқари, молларни тўғри озиқлантиришни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Молни зотини яхшилаш ҳам бузоқларни маҳоратли ўстириш ва вояга етган молларни тўғри озиқлантириш билан эришилади. Сермахсул молни фақат йўналтирилган озиқлантириш билан ўстириш исботланган.

Молнинг барча ҳаётий шароитларидан озиқлантириш муҳим омил ҳисобланади, чунки бу жараён организмнинг ўсиш ва ривожланиш тезлигига, молларни тирик вазни ва маҳсулдорлик сифатига, уларни ирсий асосига таъсир қилади. Озиқлантиришнинг маълум хили таъсирида молни нафақат экстеръери, балки унинг ички органлари, аввало овқат ҳазам қилиш органлари шаклланади. Жумладан, таналар рационига асосан ҳажмли озуқалар киритилса бундай озуқалардан тўла фойдаланувчи моллар олинади, бу – сутлик қорамолчиликда жуда муҳимдир, чунки озуқани тўлаш бунда энг юқори бўлади.

Молларни етарлича озиқлантирмаслик, айниқса уларни ўсиш пайтида, тана тузилишининг уйғунлигини ва тўғрилигини бузади. Ёмон озиқлантиришда мол одатда ясси ва чуқур бўлмаган танали, тери осилган орқага, осилган қоринча ва бошқа етишмовчиликларга эга бўлади.

Ўсиш тезлиги, ривожланиши ва молнинг тирик вазни озиқлантириш шароитига тўғридан-тўғри боғлиқ. Жумладан, ўтказилган тажрибада икки ҳўкизчалардан (келиб чиқиши бир хил, бир кунда туғилганлар),, бириси сероб озиқлантирилган, иккинчиси тақчил озиқланган. Натижада биринчиси 750 кг, иккинчиси – 250 кг тош босган, фарқи 500 кг ни ташкил қилган.

Тўғри озиқлантириш молларнинг серпуштлигига таъсир қилади. Чорвачилик тажрибасида молларни етарлича озиқлантирмаслик ёки кам тўйимли ва биологик тўла қимматли бўлмаган озуқалар билан озиқлантириш натижаси эканлиги исботланган. Молларни ҳаддан ташқари зиёд озиқлантириш ҳам қисирликка олиб келади.

Озуқаларда молга керакли бўлган озуқавий моддаларни етишмаслиги уларни соғлигини бузилишига олиб келади. Озуқа етишмаслигидан авитаминозлар, суяк касалликлари, овқат ҳазм қилиш, модда алмашинуви ва бошқа касалликлар содир бўлади.

Озуқалар танланишига олинadиган маҳсулот сифати боғлиқ. Сутлик сигирларни озиқлантириш сут таркибига, айниқса уни муҳим таркиби бўлган-сут ёғига ҳамда сутнинг таъми ва мазасига таъсир кўрсатади. Чўчқаларни, масалан, бўрдоқилашда арпа берилса ёғлиқ гўшт пишиқ, дондор бўлади, агарда рационга бўрдоқининг охирги даврида кўп миқдорда кунжара, сули қўшилса ёғли гўшт юмшоқ, суркалгандек бўлади.

Молларни юқори наслий сифатларини яхши озиқлантирмасдан сақлаш мумкин эмас. Қониқарсиз озиқлантириш нафақат молларни ўзига, балки уларни авлодига таъсир

қилади, уларни наслий сифатларини ўзгартиради.


Ва, ниҳоят, маҳсулдор мол ва озуқани маҳсулот билан қоплаш молларни озиқлантириш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Илғор фермер хўжалигининг тажрибаси, илмий тадқиқотлар билан озиқлантириш тўғри ташкил қилинганида молларни маҳсулдорлиги кескин ошиши тасдиқланган.

Озуқанинг химиявий таркиби

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш учун ҳар хил озуқалардан фойдаланилади. Кўпинча ўсимлик озуқалари: силос, илдизмевалилар, дон, яйлов ўти, пичанлар, далачилик қолдиқлари (сомон, тўпон), донни техникавий қайта ишлашдан, ёғ-экстракция, вино, пиво заводларининг ва бошқа қолдиқлар ишлатилади. Молларни ҳайвонот озуқаларидан: сут ва уни қайта ишлашдан чиққан қўшимча маҳсулот, гўшт ва балиқ саноатининг қолдиқи ва бошқалардан фойдаланилади.

Озуқалар бир-биридан ўзининг тўйимлилиги бўйича кескин ажраладилар, чунки уларнинг химиявий таркиби бир хил эмас. Ҳозирги вақтда мол ва ўсимликларга керакли химиявий элементлардан қуйидагилари бизга маълум: углерод, кислород, водород, азот, фосфор, олтингурут, хлор, калий, натрий, кальций, магний, темир, марганец, мис, бор, кремний, молибден, алюминий ва бошқалар.



16- расм. Ем-хашақларни таҳлил қилиш схемаси.

Углеро
д,
кислор
од,
водоро
д ва
азот
ўсимли
к ва
ҳайвон
от
органи
зминин
г
кўпчил
ик
қисмин
и –
тахмин
ан

оғирлигининг 25%ни ташкил қилади. Химиявий жиҳатдан бир-бирови билан бирикиб бу элементлар ҳар хил мураккаб моддаларни ҳосил қиладилар.

Ем-хашак энг аввало сув ва курук моддалардан ташкил топган. Курук моддалар таркибида органик модда ва кул бор. Органик моддалар азотли ва азотсиз моддалардан иборат. Азотли моддалар – оксил ва оксилсиз азотли бирикмаларга, азотсиз моддалар эса углеводлар ва ёғга бўлинади.

Сув. иссиқликда озуқа нусхаларини қуритиш билан аниқлайдилар. Озуқаларда сув 4 дан 94 % гача бўлади. Яхши қуритилган ўт пичанида 4% сув бор, дон, ўсимликлар уруғи, техникавий ишлаб чиқариш қолдиқлари, (кунжара, кепак),, 10-14%, дағал ўтлар, пичан, сомон, тўпон, - 15-20%, кўк ўт ва силос – 60-85%, илдизмевалилар – 80-92%, барда, жом, мезгадек сувли озуқалар – 90-95% сувдан ташкил топган. °Унинг миқдорини 100-105

Озуқада сув қанчалик кўп бўлса унинг тўйимлилиги паст ва уни сақлаш шунчалик қийин.

Қуритилгандан сўнг нусханинг қолдиқи бу **курук модда**, минерал (кул), ва органик моддаларга ажратилади. Ёнмаган қолдиқ кул дейилади, унинг бош элементлари натрий, кальций, калий, фосфор, темир ҳисобланади. Ўсимлик озуқаларда кул 5% дан кам ва ўсимликларда у текис эмас: ўсимлик барги ва поясида дон ва илдизлардагига қараганда 2 дан зиёдрокдир, илдиз ва тугунакларда кальций ва фосфор кам, уруғлар ва донларда фосфор кўп, кальций оз, донда – минерал қисми кўпинча пўстда жойлашади, шунинг учун ҳам кепакда кул моддалар унга нисбатан кўпроқдир. Дуккакли экинлар (нўхат, беда ва бошқалар),, минерал моддалар, айниқса кальций бошоқли дон экинларида анча зиёд.

Мол танаси айнан ўсимликлардаги элементлардан ташкил топган, лекин уларнинг нисбати бошқача. Минерал моддалар мол танасига ўта керак, чунки улар барча орган ва тўғималарнинг таркибига киради ва нормал модда алмашинуви учун муҳим аҳамиятга эга.

Кальций ва фосфор қишлоқ хўжалик ҳайвонлар организмига минерал модданинг 65-70% ини ва молнинг 2% вазнини ташкил этади. Скелет суякларида кальций 90%, фосфор 80-85%, бошқа тўқималарда эса атиги 1% кальций ва 15-20% фосфор бор. Бу элементларнинг етишмаслиги мол ўсишини тўхтатади, ёш молни рахит, вояга етганларида остеопороз, (суякларнинг мўртлиги),, бўлишига сабабчи бўлади. Кальций ва фосфорга бўлган талаб, айниқса, бўғоз ва сут бераётган молларда анча.

Суяк кулида бу элементларнинг нисбати 2% га тенг, (кальцийнинг 2 қисмига фосфорнинг бир қисми тўғри келади),, сутда – 1,3: 1 га, шунинг учун ҳам рационларда кальций ва фосфор нисбати 1:1 дан 2:1 гача етарли ҳисобланади.

Молларнинг организмини нормал фаолияти учун **микроэлементлар** гуруҳига кирувчи айрим элементлар керак. Уларга темир, мис, йод, кобальт, марганец, рух ва бошқалар киради. Темир, масалан гемоглобиннинг таркибий қисми сифатида керак. Темир ва миснинг етишмаслиги анемия касаллигини келтиради. Йоднинг

етишмаслиги қалқонсимон безнинг касаллантиради.

Курук модданинг органик қисми азотли ва азотсиз моддаларга бўлинади.

Озуқанинг **азотли моддалари ҳам протеин** дейилади. Уни миқдорини аниқлаш учун озуқадаги азотни 6,25 га кўпайтирадилар, (хом протеинда 16% азот бор, $100:16=6,25$),. Бу рақам тахминийдир, чунки ҳар хили азотли моддаларда азотнинг миқдори ҳархилдир. Масалан, озуқалардаги хом протеин миқдорини аниқлаш учун қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: буғдой, жавдар, арпа, сули учун 5,83, макажўхори ва дуккакдилар учун – 625, пахта, кунгабоқар, соя-5,3, гўшт ва тухум учун – 6,25, сут учун – 6,38. молларни протеинга бўлган талабини тўлиқ қондириш керак, уни бошқа озуқавий моддалар билан алмаштириб бўлмайди.

Протеин миқдори озуқаларда ҳар хилдир. У билан кунжара ва шротлар айниқса бой, (30-45%),, дуккакдилар дони, (25-30%),, бошоқли дон экинлари донида 10-12%, дуккакдилар пичанида 12-15%, лекин пичанда ва бошоқли дон экинларининг пичанида ва сомонида оздир – 4-6%, илдизмевалиларда – 0,5-1%. Ҳайвонот озуқалар протеинга анча бой – 70-90% гача, гўшт уни ва қуритилган қонда айниқса кўп.

Хом протеин оксил ва оксилсиз бўлган азотли бирикмалар – амидлар таркибида бор.

Оксиллар организмнинг барча орган ва тўқималар таркибида албатта бўладиган озуқавий моддадир. Ҳамма ҳаётий жараёнлар оксил алмашинуви билан боғлиқдирлар ва оксилсиз организмда ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Оксиллар таркибига углерод, кислород, водород, азот, олтингугурт, айрим пайтда фосфор ва темир киради.

Мол танаси 13-20% оксилдан таркиб топган.

Оксилсиз азот бирикмалари асосан оксил синтезида ҳосил бўлувчи оралик маҳсулотлар ёки улар ферментлар ва бактериялар таъсирида оксил парчаланишида пайдо бўладилар. Улар билан ширали озуқалар айниқса бой, силосда 60% гача, хашаки лавлагиди 50% гача. Оксилсиз азотли бирикмалар 70% биологик қимматли бирикмалардан, кўпроқ аминокислоталардан ва фақат 30% - бирикмалар ёки амидлардан ташкил топилган.

Азотсиз моддалар икки гуруҳга – ёғлар ва углеводларга бўлинадилар.

Озуқа ёғи мол организмда энергиянинг асосий манбаидир. Улар моддаларни хужайравий алмашинувида, молнинг соғлиги ва маҳсулдорлигини сақлашда керакдирлар. Ёғ миқдорини озуқани эфир билан ишлов бериш йўли билан аниқлайдилар, бунда ёғ эрийди.

Озуқалардаги ёғ миқдори ҳар хилдир. Дағал ўтлар (пичан, сомон), ва ширали озуқалар (илдизмевалилар, силос), ёғ билан жуда камбағал (0,1%),. Донли озуқалардан ёғ, айниқса, маккажўхори ва сулида кўп (5-6%),. Мой берувчи экинлар уруғида кўп ёғ кунгабоқарда (30-40%), ва кунжараларда (10% гача),.

Мол танасидаги ёғ миқдори хар хил (3-4% дан 45-50% гача), ва молнинг тури, ёши ва семизлик даражасига боғлиқ.

Углеводлар таркибига **клетчатка** ва азотсиз экстрактив моддалар киради. **Клетчатка** ўсимлик хужайраларининг пўстини таркибий қисмидир.

Ўсимликларни ёш қисмида хужайра пўсти ингичка ва соф клетчатка – целлюлозадан иборат ўсимликларни етилган қисмларида хужайралар деворлари қалинлашади ва қотади. Бунда нафақат клетчатка миқдори кўпаяди, балки лигнин, кутин ва суберин номли моддалар ҳисобига ўзгаради. Бу моддалар соф клетчаткани сингдиради ва у янада дағаллашади.

Клетчатка овқат ҳазм қилувчи ширалар таъсирида эримади. Озуқани чайнаш ва кавшовчиларни ошқозонида, от ва чўчқаларнинг кўр ичагида бактериялар фаолияти жараёнида унинг яхлитлиги бузилади. Клетчатканинг энг кўпи сомонда (40-45%),, пичанда (20-30%), ва бошқа дағал озуқаларда учрайди. Донли озуқаларда клетчатка кўп эмас (2-10%),, илдизмевалиларда – ундан ҳам кам. Ҳайвонот озуқалари – сут, гўшт ва балиқ унда – клетчатка деярли йўқ. Кўп клетчаткадан таркиб топган озуқалар паст тўйимлидирлар. Мол танаси таркибига клетчатка кирмайди.

Азотсиз экстрактив моддалар ўз таркиби бўйича хилма-хилдирлар. Улардан крахмал ва шакарнинг озуқавий қиммати кўпдир, чунки улар мол организмида енгил ҳазм бўладилар. Крахмал уруғларда, меваларда ва туганакларда айниқса кўп (қуруқ модданинг 60-70%),, ўсимликларнинг пояси ва баргларида крахмал 2% гача бўлади. Мол танасида крахмал гликоген, (мол крахмали),, шаклида қатнашади, у жигарда тўпланади ва захира озуқавий модда аҳамиятига эга.

Шакар кўпинча меваларда ва илдизмеваларда, айниқса қанд лавлагида (20% гача), бор. Ҳайвонот шакари фақат уй ҳайвонларининг сутида 3-6% гача учрайди.

Витаминлар - мол организмнинг нормал фаолияти учун керакли жуда юқори биологик актив органик моддалардир. Улар деярли барча фермент системалар таркибига кирадилар ва шундай қилиб организмдаги модда алмашинув жараёнида қатнашадилар. Озуқанинг асосий озуқавий моддаларига нисбатан витаминлар жуда оз миқдорда бўладилар, лекин унинг биронтаси озуқада бўлмаса модда алмашинуви бузилишига ва молни авитаминоз билан касалланишига келтиради, (цинга, рахит, полиневрит),.

Бўғоз молларда витамин етишмаса хомилани озикланиши бузилади, бу хомила сўрилиб кетишига ёки абортга олиб келади. Авитаминоз моллар туққанидан сўнг “йўлдош” ажралмай тўхтаб қолади. Ёш мол кучсиз бўлиб туғилади, касалланаверади, унинг ўсиш тўхтатади, яхши емайди, кучсизланади. Вояга етган моллар вазини йўқотади, маҳсулдорлиги ва серпуштлигини пасайтиради, эркакларида жинсий активлик пасаяди.

Молни (паррандани), озиклантиришни ташкил қилиш организмни витаминларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда бўлмоқи лозим.

Витаминлар кўпинча ўсимлик озуқалар таркибида бўлади.

Витамин А ёки ўсиш ва кўпайиш витамини, молни нормал ўсиши ва кўпайишини таъминлайди. Шунинг билан бирга кўзнинг шиллиқ пўстлогининг ҳимоя хусусиятларига таъсир қилади.

Витамин А организмда барча кўк ўтларда бўладиган каротиндан (провитамин А), синтезланади. Каротин айниқса беда баргида, кўк силосда, сариқ ва қизил сабзида, сариқ маккажўхори донида кўп. Каротин билан бошоқли дон ва дуккакли ўсимликлар донлари камбағал. Ёмон йиғилган ва ёмон сақланаётган пичанда каротин камаяди.

Витамин А фақат ҳайвонот озуқаларида – сутда, балиқ ёғида, балиқ уни, тухум сариғида бордир.

Витамин Д – рахитга қарши витамин, организмда кальций ва фосфор алмашинувини бошқаради. У етишмаса ёш мол рахит билан касалланади.

Балиқ мойида витамин Д айниқса кўп. Озроқ миқдорда бу витамин ўсимликларни кўп қисмида ва яхши қуритилган пичанда топилади. Донли озуқалар ва илдизмеваларда Д витамини кам. Қуёш нурлари таъсирида Д витамини организмдаги эргостерондан ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам молларни тоза ҳавода сақлаш ва уларни яйратиш тадбирлари уларнинг организми учун муҳимдир.

Витамин Е – кўпайиш витамини. У барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларига керак. Озуқада Е витамини бўлмаганида эркак моллар уруғи сифатсиз, сперматозоидлар сони ва уларнинг ҳаракатчанлиги камаяди ва хаттоки бутунлай йўқолади. Шунинг билан бирга уруғдонларда дегенеретив ўзгаришлар бўлиб, уларни вазни ҳам камаяди. Уруғчи молларда Е витамини йўқолса қочирилса-да хомила ўлади ва сўрилади.

Витамин Е нинг моллар организмдаги миқдори озуқалардаги унинг таркибига боғлиқ. Ўсимликларнинг кўк қисмида, буғдой, жавдар унида ва ачитқида витамин Е жуда кам. Юқорида келтирилган витаминлардан ташқари С, К, В гуруҳи (В₁-тиамин, В₂ –рибафлавин, В₁₂, В₅-никотин кислотаси, В₃ – пантотен кислотаси, холин ва биотинлар),, мол организми учун ўта зарурдир.

Озуқанинг химиявий таркибига таъсир қилувчи омиллар

Озуқани химиявий таркиби ва тўйимлилиги кўп жиҳатдан ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш шароитларига боғлиқ. Бу шароитлар ичида кўпроқ таъсир **тупроқ ва ўғитга** боғлиқ. Тупроққа ўғит, айниқса азотли дориларни бериш натижасида протеин миқдори кўп бўлган озуқалар олинади. Озуқа таркибига **иқлим** шароитлари, ҳарорат, қуёш ёруғи, ёғингарчилик сони ва бошқалар ҳам таъсир қилади. Қуруқ иқлимда ўстирилган экинларда протеин миқдори намли иқлимда ўстирилган ўсимликлардагига нисбатан кўпдир. Ўсимликлар **нави ва ўстириш агротехникаси** ҳам катта аҳамиятга эга. Ўсимликларни **экиш вақти ва усули, уруғлар сифати, экинлар зичлиги** ва ўсимликларга **қараш** уларни химиявий таркибини ўзгартади. Зичроқ экилган ўсимликларда оксил миқдори кўпаяди, клетчатка миқдори камаяди. Илдизмевалар сийрак экинларда бироз йирик бўладилар, лекин қуруқ моддалар миқдори кам бўлади. Озуқа сифати **йиғиштириш ва сақлаш усуллари**га кўпинча боғлиқ. Кеч йиғилган пичан дағалроқ, чунки унда клетчатка кўп. Ёмғирли кунда йиғилган пичан паст тўйимли бўлиб, ёмон сақланади, моғорланади. Хўл ҳоналарда сақланган илдизмевалар моғорланади. Нотўғри сақланган озуқалар кишда кўпинча музлайди.

Озуқаларни **қайта ишлаш** усуллари уларни химиявий таркибини ўзгартади. Масалан, йирик қилиб тортилган кепак, кунжаралар ҳар хили химиявий таркибга эга. Ҳайвонот озуқаларининг химиявий таркиби қатор шароитларга боғлиқ; сутники – моллар тури ва зотига, соғим даврига ва озиқлантириш шароитига, балиқ ёғи, балиқ, гўшт-суяк униники – хомашё сифатига ва уни қайта ишлаш технологиясига.

Шунинг билан бирга озуқаларни фақат химиявий таркибига қараб баҳолаш етарли эмас, чунки айрим озуқаларда (буғдой, маккажўхори, сули дони), асосий озуқавий моддалар бўлса-да ёш молларни нормал ўсишини ва ривожланишини таъминламайди.

Ҳар хили озуқалар оксиллари бир-биридан аминокислоталар таркибига қараб фарқланадилар. Ҳозирда 30 га яқин аминокислоталар турлари маълум. Аминокислоталардан лизин, триптофан, треонин, лейцин, изолейцин, валин, метионин, фенилаланин, гистидин, аргининлар ҳаётий муҳим, ўрини ҳеч нарса боса олмайдиганлардир ва моллар уларни озуқаларда албатта олмоқлари лозим. Бу аминокислоталар организмда ҳосил бўлмайдилар, шунинг учун ҳам уларни йўқлиги ёки етишмаслиги ёш молларни ўсишини тўхтатади, вояга етган молларнинг организми ёмон ҳолатга тушади. Оксилида аминокислоталар мавжуд бўлган протеин мол оксили ҳосил бўлишига етарли бўлмаган **тўлақимматли бўлмаган** дейилади. Ўз таркиби бўйича озуқа протеини мол танасидаги протеинга яқин бўлса унинг тўйимлилиги ёки биологик қиммати юқори. Қуйидаги ҳайвонот озуқаларининг протеини энг юқори биологик қимматга эга: сут, қон, гўшт ва балиқ уни, сутни қайта ишлаш қолдиқлари ва бошқалар. Бундай озуқалар протеини мол танасида 75-90% га фойдаланилади. Дуккакли экинлар, уларнинг пичани, кўк ўтлар ва силослар протеини юқори биологик қимматлилиги билан ажралиб туради, (75-80%),.

Озуқалар тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши

Озуқанинг тўйимлилиги – ҳаётий жараёнларни, ўсишга, ривожланишга ва маҳсулотни ҳосил бўлишига керак бўлган мол организмнинг озуқавий моддаларга талабини қондириш хусусиятидир. Хар хили озуқаларнинг тўйимлилиги хар хил; у аввало улардаги тўйимли моддаларни миқдори ва сифатига боғлиқдир. Озуқада сув қанчалик кўп бўлса, унинг тўйимлилиги шунчалик пастдир. Қуруқ моддалари кўп бўлган озуқалар ўзининг тўйимлилиги бўйича қанча органик модда уларда кўплигига боғлиқ. Агарда озуқанинг кўп таркибида кўп клетчатка бўлиб, крахмал, қанд, ёғ ва азотли моддалар кам бўлса, озуқанинг умумий тўйимлилиги баланд эмас, чунки клетчатка мол организмда ёмон ҳазм бўлади. Крахмал, қанд, ёғ ва протеинлар билан бой озуқа – юқори тўйимли ҳисобланади.

Озуқалар тўйимлилиги уларнинг ҳазм бўлиш даражасига, яъни молнинг овқат ҳазм бўлиш органлари томонидан озуқанинг озуқавий моддаларини ҳазм бўлиш тўлалигига боғлиқ.

Хар хил қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун бир хил озуқаларни тўйимли ҳазм бўлиши хар хилдир, чунки уларда овқат ҳазм қилиш органларининг тузилиши ва физиологик фаолияти бир хил эмас.

От, чўчка, сигир, парранда озуқаларни хар хил ҳазм қиладилар. Лекин ҳазм қилиш жараёнининг моҳияти барча молларда бир хил. Озуқалар таркибига кирувчи озуқавий моддалар ҳазм бўлиш ширалари, ферментлар ва микроорганизмлар таъсирида овқат ҳазм қилиш органларда оддий, эрийдиган ҳолатгача парчаланиши натижасида ичакнинг қилчалари орқали енгил сўрилади, қонга ва лимфага тушади, ҳазм бўлмаган моддалар танадан нажас шаклида четланади. Мол организми томонидан ҳазм бўлган моддалар миқдори қабул қилинган озуқа миқдорига фоизда ифодаланган қисми **ҳазм бўлиш коэффиценти** дейилади. Ҳазм органлари хар хил молларда хар хил бўлганлиги туфайли таркибида кўп клетчатка бўлган дағал ўтларни ҳазм бўлиш коэффиценти бир хил эмас. Масалан, кавшовчи молларда бундай озуқаларнинг коэффиценти кавшовчи бўлмаган молларга қараганда юқоридир. Ўтлоқ пичанни кавшовчилар 61% га, отлар – фақат 52% га ҳазм қиладилар.

Озуқаларни ҳазм бўлишига қатор бошқа шароитлар: молнинг ёши, индивидуал хусусиятлари, берилган озуқанинг ҳажми ва таркиби, озуқаларни тайёрланиши, озиқлантириш техникаси ва бошқалар таъсир қилади. Ёш моллар клетчаткани вояга етганларга қараганда ёмонроқ ҳазм қиладилар. Қарри, тишлари ейилган молларда озуқаларни ҳазм бўлиши пасаяди.

Бир хил озуқаларни ҳазм бўлишига мослашган моллар уларни енгил ҳазм қиладилар. Ёш пайтида қандай озиқланиш турига мол ўрганса, вояга етганида ҳам шу турга яхшироқ мослашади.

Озуқаларни майдалаш, талқон қилиш, уларни бойитиш ва таъмини яхшилаш молларни иштаҳасини яхшилайти, шунинг учун ҳам ҳазм бўлишга яхши таъсир

қилади, чунки овқат ейимидаги кучли иштаҳа овқат хазм қилиш ширасини кўп ажралишига ва ошқозон-ичак трактининг жадал ишлашига ундайди. Шундай жараён ўтишига силос, кўк ўтлар, илдизмевалилар, ачитқиланган озуқалар ёрдамлашади.

Молга бир маротабасида кўп озуқа бериш овқат хазм бўлишини ёмонлаштиради ва хазм бўлишини бирмунча пасайтиради. Шу миқдордаги озуқа бир неча мароталаб, бўлиб берилса уни хазм бўлиши яхшиланади, чунки мол организмида хазм бўлиш безларининг сонли рефлексор кўзғалиш натижасида шираларни ажралиши ва овқат хазм бўлиш трактининг ишлаши кучаяди. Протеин миқдори кам бўлса, озуқаларнинг хазм бўлиши пасаяди. Масалан, кавшовчи молларга кам протеинли сомон ва картошка берилса, моллар нажасида хазм бўлмаган крахмал пайдо бўлади; бу озуқаларга оқсил билан бой озуқалар қўшилса, нажасида крахмал пайдо бўлмаган.

Озуқада клетчатка миқдори кўп бўлса озуқани бошқа қисмлари хазм бўлиши ёмонлашади. Масалан, қўйларни баланд тоғлар ўтлари билан озиқлантиришда қуруқ моддада клетчатка миқдори 25,1% бўлиб, органик моддаларни хазм бўлиши 75% ни ташкил қилган, лекин клетчатка кўпайиб 28,4%, 29,8%, 30% бўлганида, хазм бўлиш тегишлича камайган – 67%, 61%, 54%.

Озуқаларни хазм бўлиши молга ҳар хили ўтлар берилганида яхшиланган.

Кавшовчи молларда озуқаларнинг хазм бўлишига силос ва бошқа ширали озуқалар таъсир кўрсатганлар. Ширали озуқалар молга берилганда ошқозонга тушадиган оғирлик пасаяди, чунки бу озуқаларда кам клетчатка бор, ичаклардаги хазм бўлиш кучаяди. Овқат хазм бўлиш жараёнининг бундай ўзгариши пировардида берилган озуқаларнинг умумий хазм бўлишига келтиради.

Дағал хашаклар ҳам кавшовчи молларни озиқлантиришда катта аҳамиятга эгадирлар. Бу озуқаларда қанчалик клетчатка кўп бўлса хазм бўлиш жараёни ёмонлашиши маълум. Лекин клетчаткани озуқа таркибида бўлгани катта аҳамиятга эга. Ичакда клетчатка бўлмагани овқат хазм бўлишни бузиши мумкин, бундай вазият сигирларни баҳорда фақат кўк озуқа, қишда кўп миқдорда илдизмевалар билан боқилганида рўй беради. Шунинг учун ҳам кавшовчи моллар рационда маккажўхори – дуккаклилар – сомонли силос ўз ўрнини эгаллаши лозим.

Озиқлантириш тартибига риоя қилинганда молларда овқат хазм қилиш безларидан шира ажралишини кўпайтирувчи шартли рефлекслар ҳосил бўлади, бунинг натижасида озуқалар хазм бўлиши кучаяди.

Озуқалар тўйимлилигини баҳолаш

Озуқалар тўйимлилигини баҳолаш учун нафақат уларни хазм бўлишини, балки хазм бўлувчи озуқавий моддаларни қайси қисми организм томонидан ўзлаштирилишини ва мол танасининг таркибий қисмига ўтишини ундан олинадиган маҳсулот миқдорини билиш керак. Шунинг учун озуқаларни маҳсулотли таъсирини, масалан ёғни мол

танасида тўпланишига қараб баҳолайдилар.

Хар хили озуқаларнинг тўйимлилигини тенглаштириш қулай бўлиши учун, улардан бирисини шартли равишда ўлчов бирлиги деб олса бўлади. **Озуқаларнинг умумий тўйимлилигининг шартли ўлчов бирлиги озуқа бирлиги дейилади.** Унинг умумий тўйимлилиги тахминан 150 г ёғ тўпланишига тенг. Озуқанинг тўйимлилиги комплекс равишда, кўпгина кўрсаткичлар билан аниқланади.

Озуқалар турлари ва уларнинг тавсифи

Озуқалар қуйидаги гуруҳларга бўлинадилар: 1), дағал, 2), ширали, 3), кучли, 4), ҳайвонот озуқалари, 5), минерал ва витаминли ўтлар.

Дағал озуқалар

Дағал озуқаларга **пичан, сомон ва тўпон** киради.

Пичан барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг озиқлантиришда ишлатилади. Чўчка ва паррандага уни пичан уни шаклида берадилар. Пичан тўйимлилиги қуйидагиларга боғлиқ: ўсимликларни ботаник таркиби, ўрим вақти, ўрим ва қуритиш усули, сақлаш шароитлари ва бошқалар.

Пичанда қанчалик дуккакли ўтлар (бедада, эспарцетда ва бошқаларида), кўп бўлса, унинг тўйимлилиги шунчалик юқоридир, (протеин ва минерал моддалар, айниқса кальций миқдори ошади),. Пичандаги бошоқли ўтлар ҳам қимматли ўтлар ҳисобланади. Пичанда хар хили ўтлар кам қимматлидир. Уларда кам қимматлилар билан бирга ейилмайдиган, мол учун зарарли ва заҳарли ўтлар ҳам учрайди.

Ўтни пичанга ўтлар энди гуллаган вақтидан бошлаб, ўсимликларнинг гуллаши охиригача ўришни якунлаш керак. Ўрим вақти ўтган пичан таркибида клетчатка кўп бўлиб, у витаминлардан камбағал, дағал бўлади. Бундай пичанни моллар яхши емайди ва у ёмон ҳазм бўлади. Яхши йиғилган пичан кўк ёки кўк-қорамтир рангли ва хушбўй бўлади. Ёмон йиғилган пичан қорайган, баргини йўқотган бўлади, бундай пичан, айниқса яхши қуритилмагани, моғорланади ва айниган ҳидга эга.

Қорамол, қўй ва отларга пичан қайта ишланмасдан берилиши мумкин. Фақат дағал пояли пичанни сомондек майдалайдилар.

Витаминли пичанни ёш ва зотли моллар учун тайёрлайдилар, бунда ўсимликлар гуллаш олдидан ўрилиши лозим. Қуритиш тез фурсатларда, бостирма остида ўтказилади. Витаминли пичан қуруқ берк хоналарда сақланади. Энг яхши пичан экилган дуккакли ва дуккакли-бошоқли ўтлардан олинади.

Пичан уни тайёрланадиган пичаннинг намлиги 14% дан зиёд бўлмаслиги керак.

Пичан унини гуллашидан олдин дуккакклилар, дуккаккли-обошқлилар ва ўтлоқдаги ўтлардан тайёрлайдилар. Пичан майдаланади, талқон қилинади. Парранда ва ёш чўчкалар учун талқоннинг ингичкалиги 1 мм, бошқа моллар учун 2 мм дан ошмаслиги керак. Пичан унининг тўйимлилиги пичан тўйимлилигидан юқори. Беда баргларида тайёрланган пичан унида 23% га яқин хом протеин, 2% ёғ, азотсиз экстрактив моддалар 44%, хом клетчатка 17% ва минерал моддалар 12% гача бўлади.

Пичан барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, айниқса, чўчка ва паррандага берилади. Хар хил усулда сунъий равишда қуритилган ўтлардан **ўт уни** тайёрланади. Пичан унидан у қуруқ моддаларни, протеин ва айниқса, каротинни кўплиги билан фарқланади.

Пичан ва ўт унини буғлаш ёки пишириш тавсия этилмайди – бу ундаги витаминларни емиради. Уни сув билан намлаш мумкин, энг яхшиси буғланган, яъни пиширилган илдимевалилар, силос ва кучли озуқалар билан аралаштириб молга бериш керак. Паррандага беришда пичан унини майдаланган дон билан аралаштириб берадилар.

Пичан уни қуруқ, салқин ва қоронғи хоналарда қути ва халталарда сақланади.

Сомоннинг сифати ташқи кўринишидан аниқланади. У ёруғ, ялтироқ, чангсиз, зангсиз бўлиши керак. Бузилган сомон молга берилмайди. Сомон тўйимлилиги экин турига, уни тайёрланган вақтига, тупроққа, ўғитга, бегона ўтларни аралашма даражасига боғлиқ.

Бошоқли дон сомони, айниқса, куздагисиникида клетчатка кўп (35-45% гача),, протеин ва ёғ кам. Клетчатка кўплигидан сомоннинг ҳазм бўлиши ва умумий тўйимлилиги юқори эмас. Баҳорги сомонда клетчатка кам ва уни яқунлари тўйимлилиги бўйича пичаннинг паст сортларига яқинлашади.

Сомонни оддий қайта ишлаш усули-майдалаш-сомон кесигини тайёрлаш, қорамол учун 3-4 см, отларга 1,5 – 2 см. Бунинг учун хомини сомон кескичдан ўтказадилар. Бундай сомонни молга беришдан олдин сув билан, тузлаб берадилар, буни моллар иштаҳа билан ейдилар.

Сенаж – ўрилгандан кейин сўлдирилган ва 45-55% намликда йиғиштирилиб консервация қилинган озуқа чиришини вужудга келтирувчи микроорганизмлар таъсирида ҳамда ўсимлик ҳужайралари нафасланишида карбонат ангидрид газини йиғилиши оқибатида озуқани бузилишини олдини олиш учун муҳитнинг физиологик қуруқлиги ҳосил қилиниб ўтлар консервация қилинади. Силосдан фарқли ўларок сенаж нордон бўлмайди. Сенаж қилинганида озуқавий моддалар нобуд бўлиши 12-18% дан ошмайди, пичан ва силос тайёрлашда эса ўтларнинг йўқолиши бундан анча зиёд бўлади. Умумий тўйимлилик бўйича сенаж силосдан анча юқори ва қанд билан бой. 1 кг сенаж ўртача 0,35 озуқа бирлигига тенг. Сенажнинг юқори тўйимлилиги аввало ундаги қуруқ модда кўплиги ва ўсимликлар барги сақланганлиги, (пичан тайёрлаш учун қуритилганда унинг кўп қисми йўқолади),, билан тушунтирилади.

Қорамол рационидида сенаж силос ва пичанни ўрнини тўла қоплайди. Сенаж дағал ва

ширали ўтлар ўртасида оралик ўт ҳисобланади.

Сенаж **тайёрлаш технологияси** ўтларни ўришдан, сўлдиришдан, уюмга йиғишдан, майдалаб тарнспорт воситасига ортишдан, сақлайдиган жойга тўкиб шиббалашдан ва ҳаво кирмайдиган пленка билан беркитишдан иборат. Шунинг билан бирга имконият бўлмаса сўлдирилган ўтни майдаламасдан хандакка тўкиб шиббалаб бостирса бўлади, лекин майдалаб босиш ҳар томонлама абзал.

Иккинчидан, бизнинг кескин континентал иқлимда, совуқ қишда сенаж қопланган плёнка устидан 15-20 см тупроқ солиб, сомон лой билан сувалса сенаж яна яхши сақланади.

Сенажнинг сифатини баҳолашда унинг **ранги, ҳиди, таъми, таркибига** эътибор бериш керак.

Сифатли сенаж бостирилган хомашё турига қараб сариқ-яшил, жигар ранг ва оқ-жигарранг тусли бўлади. Бузилган сенаж ранги ўзгаради, улар қорамтир **тус** олади: қўнғир, қорамтир-жигарранг, кулранг, қора.

Яхши сенаж таъми – кучсиз нордон яъни мазалироқ хушбўй. Паст сифатли яъни бузилган сенажнинг таъми аччиқроқ, ёқимсиз бўлади.

Сифатли сенаждан мевали **ҳид** келади. Бузилганида эса сирка, тахир ёғ, селёдка ҳидли бўлади.

Яхши сенажда ўсимликлар **таркиби** тўла сақланади. Бузилган сенажда ўсимликлар таркиби тўла бузилади; сенаж бўялиб, қўллар билан уқаланганда кир доғлари қолдиради.

Сенаж сифатини кўз чамалаб, балл бериб ҳам аниқласа бўлади, лекин уни аниқ билш учун нусхалар лаборатория тахлилидан ўтиши керак.

Сенаж босиш жараёнида тарозида ўлчалмаган бўлса, унинг умумий оғирлиги хандак ҳажмини (узунаси, эни, баландлигини бир-бирига кўпайтириб),, 1 м^3 сенаж оғирлигига кўпайтирадилар. Сенаж босилганидан 10-15 кун ўтганидан сўнг, ўлчанади. 1 м^3 беда оғирлиги 550 кг тенг.

Мисол. Хандакнинг узунаси 40 м, эни 8 м, чуқурлиги (баландлиги), 3,5 м, 1 м^3 беда сенажи 550 кг. Хандак ҳажми $40 \times 8 \times 3,5 = 1120\text{ м}^3$.

Хандакдаги сенаж оғирлиги 616 тоннага тенг, ($1120\text{ м}^3 \times 550\text{ кг}$),.

Сомонни қайта ишлашнинг бошқа усуллари ҳам бор. Уни махсус қозонларда буғлайдилар. Ва молга беришдан олдин кучли озуқалар қўшилади. Сомонга ишқорлар ва кислоталар эритмалари билан химиявий ишлов берилади. Цементланган чуқурларда сомонни аммиак суви билан ҳам қайта ишлаб, уни азот билан бойитиб ҳазм бўлишини оширадилар.

Талқон тўйимлилиги бўйича 1,5-2,5 марта сомон тўйимлилигидан юқори, лекин у ёмон қурийди, кўп намлиқни ўзига тортади, шунинг учун тезда бузилади. Уни қиш бошланишида молга бериб тамомлаш керак.

Ширали озуқалар-қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантиришда алоҳида ўрин тутди. Улар модда алмашинувига, овқат ҳазм бўлишига, молларни маҳсулдорлигини ошишига ижобий таъсир қилади, чунки уларда углеводлар, амидлар, витаминлар ва енгил ҳазм бўладиган минерал тузлар миқдори кўпдир. Ширали озуқалар клетчаткаси майин ва енгил ҳазм бўлади. Бу озуқалар моллар томонидан иштаҳа билан ва кўп миқдорда ейилади. Ширали озуқаларга **силос, илдизмевалилар, полиз экинлари, сабзавот қолдиқи ва кўк ўтлар** киради.

Силосланган озуқа. Силос тўйимли ва қимматли ширали озуқади. Юқори сифатли силос ўзининг тўйимлилиги бўйича тайёрланган озуқавий экинлар тўйимлилигига яқинлашади. Силослаш ширали ва кўк ўтларни энг оддий ва ишончли консервалаш усулидир. Унинг мағизи шундаки, микроорганизмлар томонидан ҳосил бўлган бижғиш натижасида янги майдаланган ва зич жойлашган ўсимлик массасида уни консервалайдиган ва чиришдан сақлайдиган органик кислоталар йиғилади. Сут-ачитқи бактериялар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган сут-ачитиш байжғишида энг яхши силос олинади.

Муваффақиятли силослаш гарови – силосланаётган хомашёда қанднинг бўлиши. Бактериялар маълум шароитларда қонни сут кислотасига айлантирадилар, у эса энг яхши консервант ҳисобланади. Сут кислотаси билан бошқа кислоталар, хусусан уксус кислотаси ҳам ҳосил бўлади. Сифатли силосда 2% га яқин бўш кислоталардан таркиб топади.

Бундай шароитда силосни озиқлантиришга ярамайдиган мойнордон ва чириш бактериялари ривожланмайдилар.

Силослаш жараёни рН (нордонлик), 4,0-4,2 га етганда яқунланган ҳисобланади.

Силослаш даражасига қараб озуқавий экинлар **енгил силосланадиган, қийин силосланадиган ва силосланмайдиганларга** бўлинадилар. Қанд миқдори кам бўлган озуқалар яхши силосланадилар. Буларга маккажўхори, жўхори, кунгабоқар, сули, илдизмевалилар барги ва бошқалар киради. Қанд минимуми қандни ҳақиқатдаги миқдorigа яқин бўлса, масалан дуккакдилар қийин силосланадиган озуқаларга киради, уларни енгил силосланадиган озуқалар билан аралаштириб силослаш лозим.

Сутнордон бижғиш анаэроб (кислородсиз), муҳитда яхши ривожланади, чунки сутнордон бактерияларга кислород керак эмас. Тез фурсатда озуқани босиш ва синчиклаб шиббалаш билан хандақдан ҳаво сиқиб чиқарилади, демак силосдаги озуқавий моддаларнинг йўқолиши қисқаради ва асосан сутнордон бактерияларни ривожланиши пасаяди.

Силосланадиган озуқани зичлиги ва ундаги сутнордон бижғишни муваффақиятли

ривожланиши уни намлигига боғлиқ. Энг маъқул намлик 65-75% дир. Зиёдроқ намликда қанд эритмасининг қуюқлиги нормал бижғиш учун етарли бўлмаслиги мумкин, камроқ намликда – силос массаси зич шиббаланмайди ва унда кўп ҳаво қолади. Шунинг учун етарли бўлмаган ва зиёд намлиги бўлган озуқаларни аралаштириб бирга силослаш керак.

Силослаш учун асосий хомашё бу маккажўхори сўталар билан ва сўтасиз. Уни протеин билан бой (озуқавий ловия, беда ва бошқалар),, озуқалар силослаш маъқул. Силослаш учун далачилик ва полизчилик қолдиқлари, пичан, ярамайдиган ёввойи ўтларни ҳам ишлатиш мумкин. Гуллашдан олдин ўрилган бу ўтлар арзон ва сифати бўйича қониқарли силос беради. Полиз экинларидан озуқавий тарвуз, қовоқлар ҳам силосланади. Кўп нами бор экинлар силослашда сомон, тўпон, маккажўхори сўталарининг ўзаки қўшилади.

Маккажўхоридан ширали, майин, тўйимли ва ҳазм бўлувчи силос тайёрланади. Маккажўхоридаги қанднинг зиёди уни қийин силосладиган дуккакли озуқалар билан силослаш имконини беради. Бу маккажўхори силосини протеин билан бойитишда жуда муҳимдир. Шу мақсадда маккажўхорини озуқавий ловиялар билан аралаштириб экадилар. Бундай экинларнинг 1 гектаридан 7000 озуқа бирлиги ва 600 кг ҳазм бўлувчи протеин ҳосили олинади.

Маккажўхорини силосга сўталар сут-мум ва мум ҳолатдаги етилишда ўрадилар. Маккажўхори сўталари сут-мум ҳолатида айрим силосланганида юқори қимматли кучли силосланган озуқа олинади, уни барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари иштаҳа билан едилар. Маҳсулдор сигирларга, бузоқларга, чўчка ва паррандага бундай озуқа айниқса керакдир. Силосланган сўталар билан молни боқиш бутун рационнинг, шу жумладан пичан ва сомоннинг озуқавий моддаларидан тўлиқ фойдаланишга имкон яратади. Сўталар пўстлоқида қон гемоглобинини ҳосил бўлишида қатнашадиган каротин ва хлорофиллнинг етарлича миқдори бордир.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантиришда комбинациялашган (қўшилган), силос муҳим аҳамиятга эга. Бундай силоснинг тўйимлилиги фойдаланилган экинлар таркибига боғлиқ; у одатдаги силосдан тўйимлидир – 1 кг комбинациялашган силосда 0,25 озуқа бирлиги, 20 г ҳазм бўладиган протеин, 10-15 мг каротин ва 4-5% кўп бўлмаган клетчатка мавжуд. 25-30% сўтали маккажўхори, 60-70% қанд лавлагиси, сабзи, картошка, полиз экинлари ва 5-10% дуккаклардан таркиб топган силос шундай тўйимликка эга.

Силослаш техникаси

Силосланаётган экинни зичроқ босилиши учун уни сомон-силос-кескичларда ва силос комбайнларида (ўримда), майдалайдилар. Экинларни майдалаш хужайраларни нобуд бўлишини тезлаштиради ва улардан таркибида қанд бўлган ширани тезроқ ажралишини тайминлайди.

Маккажўхори, судан ўти, топинамбур, кунгабоқар кесикларини катталиги 3-5 см, беда, дуккакли-бошоқли дон аралашмаси, илдизмевалилар ва карам барги 1-1,5 см гача майдалангани яхши.

Силослашни бошлашдан олдин силос иншоотларини, хандакларни яхшилаб тайёрлайдилар, ён томонларини шувайдилар, тагини бетонлаб, 20-30 см сомон билан қоплайдилар, барча томонларини оҳаклайдилар.

Силос иншоотларини иложи борица танаффуссиз тўлдириш керак, (хандакларни 1-2 кун ичида),. Силосланаётган массани текислайдилар ва яхшилаб шиббалайдилар.

Маккажўхори сўталарини бутун ва майдаланган ҳолда, пўсти билан ва пўстсиз силослайдилар. Агарда силос чўчкалар ва парранда учун мўлжалланган бўлса, сўталарни озуқа майдалагичларда кесмасдан майдалаш керак.

Хандакка келтирилган маккажўхори массаси 70% намликда бўлиши лозим. Уни текислаб, оғир тракторлар билан шиббалайдилар. Хандак баландлигига чад тўлдирилиб, устини полиэтилен пленка билан бекитилади ва 20-25 см тупроқ билан қопланади. (5-7 см лой билан шувалгани ундан ҳам яхши),. Молга бериш учун силосни олиш хандакнинг бир томонидан бошланади. Кесиб олинган юзани очиқ ҳавода қолдирмасдан, брезент билан бекитиб қўйиш силосни қуёш нурларидан, ёмғирдан сақлайди. Хандак таги доимо супирилиб, тоза ҳолатда сақланиши лозим.

Озуқаларни химиявий консервлаш

Қийин силосладиган ўсимликларни силослашда химиявий консервантлар, асосан кислотлар, уларнинг аралашмаси ва тузлар ишлатилади. Кислотали препаратлардан чумоли ва бензой кислоталардан кенг фойдаланилади.

Чумоли кислотаси – 85% қуюқликдаги рангсиз эритма. Қийин силосладиган экинларни силослашда 1 тонна массага 2-3 кг, силосланмайдиганларга – 4-5 кг солинади.

Чумоли кислотаси чириш бактерияларининг ривожланишини кучли эзади ва сутнордон бактерияларга кучсиз равишда таъсир қилади. Силосга сепилишидан олдин ўзига хос хидини йўқотиш учун чумоли кислотасини 1:3,5=4 нисбатда сув билан суюлтирилади ва пуркагич ёрдамида силосга сепадилар.

Бензой кислотаси – ҳидсиз, оқ кукун. Ўтларни силослашда 1 т хомашёга уни 3 кг қўшадилар. Бензой кислотаси ачитқини ва чириш бактерияларни ривожланишини тўхтатади, лекин сутнордон бактериялар ҳаёт фаолиятига деярли таъсир қилмайди. Силос массасига уни қуруқ шаклда, қўлда текис тақсимлаб сепадилар.

Кислоталик препаратлардан ташқари кўк массани консервация қилиш учун натрий пиросульфити, натрий нитрити ва бошқалар қўлланилади. Бу препаратлар ҳам чириш бактериялар ва ачитки хужайраларининг фаолиятини тўхтатади.

Препаратлар билан тайёрланган силос молга босилганидан 2 ой ўтганидан кейин берилади.

Силосланган озуқаларни баҳолаш

Силос сифати кўз чамалаб (ранги, ҳиди ва таркиби бўйича), ва лаборатория усули билан аниқланади. Яхши силос оч сариқ – яшил рангли ва ўсимликларни таркиби тўлиқ сақланиши билан тавсифланади. Ёмон сифатли силос– қорамтир, ёқимсиз, ўткир ҳид билан, ўсимликнинг таркибий қисми сақланмайди.

Бармоқлар орасида уқаланганда яхши силос енгил учадиган хушбўй ҳид қолдиради, ёмон силос – узоқ вақт учмайдиган мой кислотасининг ёқимсиз ҳиди қолади. Моғорланган, чириган силосни молга бериб бўлмайди.

гача қизади, силос жавдар нонининг сиртидаги ҳидини эслатади. Бундай силоснинг сифати юқори эмас.°Силослаш технология тўғри ўтказилса силос мева ҳидига эга бўлади. Етарлича зичланмаган ва яхши бекитилмаган силос массаси 65-70

Силос сифатини аниқ баҳолаш учун лабораторияда олинган қатор кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Бунда силос балл системаси бўйича баҳоланади, шунинг билан бирга аъло силос 16-20 балл, яхшиси 11-15 балл, қониқарлиси- 6-10 балл ва ёмони – 6 баллдан кам қилиб баҳоланади.

Силоснинг тўйимлилиқ қиммати хомашё сифатига, силослаш технологиясига ва қатор бошқа кўрсаткичларга боғлиқ.

1-жадвал

Хомашё тури ва силоснинг тўйимлилиги

Силос тури	1 килограммдаги	
	Озуқа бирлиги	Ҳазм бўлувчи протеин
Маккажўхори, дони сут-мум пишган	0,2	14
Маккажўхори, дони мум пишиш фазасида	0,25	16

Кунгабоқар	0,16	15
Сорго (жўхори),	0,22	11
Судан ўти	0,23	18

Хўжаликда тайёрланган силосни амалда босилган миқдорини ҳисобга олиб ёки босилганидан 20 кун сўнг ҳисоблаш усули билан аниқлайдилар. Ундан ташқари, силосдаги озуқа бирлиги, ҳазм бўлувчи протеин ҳисобга олинади, бунинг учун силос тўйимлилигининг кўрсаткичлари унинг оғирлигига кўпайтирилади яъни хандак ҳажми 1 м³ силос оғирлигига кўпайтирилади. Масалан, хандак чуқурлиги 3 метр, узунлиги 30 метр, эни 6 метр (3х30х6=540м³). 1 м³ маккажўхори силоси 750 кг га тенг, шунда силос оғирлиги 540 м³х750 кг=405 тоннага тенг.

Силоснинг ўзига хослиги – бошқа турдаги озуқаларга қараганда бироз юқори нордонлигида. Яхши сифатли силос мол организмига салбий таъсир қилмайди. Лекин паст сифатдаги силосни молга бериш молнинг соғлигига ва маҳсулдорлигига зарарли таъсир қилиши мумкин.

Молларга силос ейишни аста-секинлик билан, 7-10 кун давомида ўргатадилар. Сигирларга уни кунига 25-30 кг, вояга етган қўйларга 3-4 кг, чўчқаларга – 2-3кг берадилар.

Илдиз ва туганак мевалилар молларни қиш даврида озиқлантиришда катта аҳамиятга эгадирлар. Улар кўп миқдорда енгил эрийдиган углеводлардан иборат, уларнинг кўписи витаминлар билан бой. Протеин, ёғ ва минерал моддалар (айниқса фосфор ва кальций), илдиз ва туганак мевалиларда камчил. Шунинг учун ҳам уларни протеин ва минерал моддалар билан бой бошқа озуқаларни қўшиб молга бериш керак. Улар моллар томонидан иштаҳа билан ейилади ва енгил ҳазм бўлади. Молларнинг маҳсулдорлиги (соғим, гўшт, ёғ ва жуннинг кўпайиши), бу озуқалар билан боқилганда кўпаяди, улар юқори ҳосил берадилар. Шунинг учун ҳам озуқа балансида катта ўринга эгадирлар. Бундай озуқалар айнқса сутлик мол ва чўчка учун қимматлидир.

Илдиз ва туганак мевалиларда кўп сув бор (70-90%),, уларда клетчатка ва ёғ кам. Протеин билан ҳам улар бой эмас(1-2%),. Қуруқ модданинг асосий қисми углеводлар – қанд, крахмал, пектин моддалардан иборат.

Минерал моддалар, жумладан кальций ва фосфор илдиз ва туганак мевалиларда оз (0,03-0,04%). Илдиз мевалилар витаминлар билан бой.

Сариқ рангли сортлар, айнқса қизил сабзи, каротинга бой. Бу озуқалар яхши ҳазм

бўладилар, кавшовчилар ва чўчқалар уларнинг органик моддаларини 90% гача ҳазм қиладилар.

С да сақлаш мумкин. Паст ёки юқори ҳароратда музлайдилар ва хужайралар нафасида озучавий моддаларни йўқотадилар ва ўсиши мумкин. Илдиз ва тугунак мевалиларни омборхоналарда қуруқ, тоза, чиримаган ҳолда сақлайдилар. °Намлик кўплигидан илдизли ва туганакли мевалиларни сақлаш қийин. Уларни 0,5-3

Молларни озиқлантиришда қанд ва хашаги лавлагини, сабзини ва картошкани ишлатадилар.

Қанд лавлагида 25% қуруқ модда бор, тўйимлилиги бўйича хашаги лавлаги ва картошкадан устун келади. 1 га ердан қанд лавлаги 450-500ц ва ундан кўп озуча бирлиги ҳосилини беради.

Хашаки лавлагини кўпинча сутлик мол рационига қўшадилар, бунда соғим кўпаяди. 1 га ердан 500-700 центенер ҳосил олинади. Унинг барги ҳам қорамол ва чўчқаларга едирилади. Хар хил молга 3-5 кг хашаки лавлаги берилади.

Сабзи – наслдор ёш молларга ҳамда сутлик сигирларга айниқса қимматли озуча ҳисобланади. Унда 12-15% қуруқ модда бўлиб, сабзи каротин билан бой, диетик хусусиятлари билан ажралиб туради. Сутлик молга кунига 20 кг гача, бўрдоқидаги чўчқаларга рационнинг умумий тўйимлилигини 40-50% гачасини берадилар.

Картошқада 25% гача қуруқ модда бор, унинг 20% крахмалдан иборат. Картошқада В витаминлар гуруҳи С витамини кўп. Картошқа қорамолга, отларга ва қўйларга ҳўл ҳолда, чўчқаларга эса – ҳўл ва пиширилган ҳолда берилади. Молга беришдан олдин ифлос картошқа ювилади, майдаси – ундан ташқари майдаланади. Ўсган картошкани молга эҳтиётлик билан берадилар чунки бундай картошқада соланиндек заҳарли, овқат ҳазм қилиш органларини касаллантирувчи модда бордир. Бундай картошкани молга беришдан олдин ўсигини синдириб пиширадилар ва молга кам миқдорда берадилар.

Полиз экинларидан хашаги тарвуз, хашаги кади, қовоқча молга берилади. Улар кўп ҳосил берадилар. Полиз экинлари сут берувчи ва бўрдоқиланадиган қорамоллар учун яхши озуча ҳисобланади,

Хашаги кади – чўчқачиликда кенг фойдаланилади. Химиявий таркиби ва тўйимлилиги бўйича полиз экинлари илдизмевалиларга ўхшайдилар. Уларни ҳўл ҳолда қорамолга 30 кг гача берадилар. Полиз экинларини молга биринчи навбатда бериш керак, чунки уларни сақлаш қийин.

Кўк ўт

Чорвачилик маҳсулотларининг кўп қисми молларни ёзда сақлаш даврида олинади,

чунки йилнинг айнан шу фаслида маҳсулот сифатли ва арзон бўлади. Ўзбекистон шароитида моллар кўк ўтни йил давомида олиши мумкин.

Ёз ойларида қорамол, қўй, отлар рацион асосан кўк ўтлардан иборат; чўчкалар ва парранда рационига кўк ўт тўла қимматли озуқа сифатида қўшилади. Кўк ўтлар табиий ва сунъий яйловлардан ҳамда дала ерларидан олинади. Уни яйловларда боқиш йўли билан ҳамда ўриб охурларда бериш йўли билан молларга берадилар.

Кўк ўтда 60-85% сув, унинг қуруқ моддасида эса 20-25% протеин, 30% гача хом клетчатка, 4-5% ёғ, 35-50% азотсиз экстрактив моддалар ва 9-11% кул бор. Ўтнинг тўйимли моддалари яхши ҳазм бўладилар; жумладан органик моддасини қавшовчилар 85% гача, чўчкалар ва отлар – 70% гача ҳазм қиладилар. Ёш ўтнинг органик моддаси умумий тўйимлилиги бўйича кучли озуқаларга яқин, биологик қиммати бўйича эса улардан анча юқоридир.

Кўк ўт каротин манбаи сифатида жуда қимматли. 1 кг ўтда у 70 мг ва ундан ҳам кўпдир. Каротин ўтларда ёш пайтида айниқса кўп, кейинчалик унинг миқдори камаяди.

Кўк ўтлар қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг урчишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўрни босилмайдиган аминокислоталар, ёғли кислоталар, енгил ферментланадиган углеводлар, витаминлар, макро ва микроэлементлар ва экстроген моддалар мавжуд.

Ҳар хили озуқавий абзаллиги бўйича кўк ўтлар бошқа озуқаларга қараганда энг тўла қимматли озуқа ҳисобланади. Ўсимликлар барглари айниқса қимматлидир, уларда пояга қараганда озуқавий моддалар кўп.

Озуқавий экинларнинг химиявий таркиби ва тўйимлилиги кўпинча уларнинг ривожланиш даврига боғлиқ.

Кўк ўтларнинг кўп қисмини моллар табиий яйловлардан оладилар. Уларнинг озуқавий қиммати ўсимликларни ботаник таркибига, улардаги озуқавий моддалар ва ейимлигига боғлиқ. Шу ҳислатларга кўра кўк ўтлар моллар учун қимматли озуқа ҳисобланади. Лекин бу ўтлар ҳар доим ҳам кўк ҳолатда бўлмайди, чунки вақт ўтиши билан улар қурийди, дағаллашади. Барча озуқалар бир вақтда етилмайди. Бу етишмовчиликларни **кўк конвейерни** ташкил этиб бартараф этиб бўлади. Кўк конвейер деганда молни эрта баҳордан кеч кузгача узлуксиз равишда кўк ўт билан таъминланиши тушунилади.

Кўк ўт учун ўстириладиган экинлар сифатида бир йиллик ва кўп йиллик дуккакли ва бошоқли дон экинлари – беда, маккажўхори, жўхори, судан ўти ва бошқалар экилади. Уларни асосан ўриб молга едирадилар.

Кучли (концентрат), озуқалар

Кучли озуқалар таркибида озуқавий моддалар кўплиги билан тавсифланади,

биологик нуқтаи- назардан улар доим ҳам тўла қимматли эмас, (бундай озуқалар таркибига айрим ҳаётӣ муҳим аминокислоталар кирмайди),.

Кучли озуқалар гуруҳига бошоқли дон ва дуккакли экинлар дони, қатор ишлаб чиқаришнинг қўшимча маҳсулотлари ҳамда ҳайвонот озуқаларининг айрим турлари киради.

Донли озуқалар химиявий таркиби бўйича 2 та гуруҳга бўлинади: углеводлар билан бой-бошоқли дон экинлар дони, протеин билан бой-дуккаклилар дони.

Маккажўхори барча кучли озуқалар, айниқса, чўчқалар ва қорамол бўрдоқиланганда кенг фойдаланилади. Бошқа дон-озуқавий экинлар ичида маккажўхори энг ҳосилдорлиги.

Арпа қорамолга, чўчқаларга-майдаланган, отларга —ясси ҳолда берилади.

Сули билан отлар, наслдор қочирувчилар, ёш моллар озиқлантирилади. Уни бутун, ясси ва ун шаклида молга берадилар.

Дуккакли экинлар дони протеинга бой ва ёғ билан камбағал (соя-бундан истисно),. Озуқавий ловиялар донида 30% гача ҳазм бўлувчи протеин бор. Молларга 1-2 кг атрофида берилади. Ундан кўп берилса озуқа қийин ҳазм бўлади, ич кетади ва ичакларда газлар пайдо бўлади.

Озуқаларни **витаминлар** билан бойитиш учун донни ундирадилар. Уни наслдор молларга ва паррандага берадилар.

Дуккаклилар (соя, нўхат), донини чўчқаларга беришдан олдин пиширадилар яъни буғда димлайдилар.

Кучли озуқалар молларга норма ва тузилган рацион асосида берилади.

Х

Омихта ем

ар хили озуқалардан аралаш ҳолатда маълум таркибда ва тўйимлиликда тайёрланади. Омихта ем билан озиқлантиришда ундаги озуқавий моддалардан фойдаланиш яхшиланади. Протеиннинг биологик киммати айниқса кўтарилади. Ундан ташқари, омихта емларни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан фойдали. Омихта емлар моллар рецептлар асосида тайёрланади. Заводларда омихта емлар сочилган, брикет, гранула (донадор), шаклида чиқарилади. Омихта емларни фермер, паррандачилик ва чўчқачилик хўжаликларида мавжуд озуқалардан омихта ем тайёрлаш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Бевосита хўжаликда тайёрланган омихта ем молларни ёшини, физиологик ҳолатини, маҳсулдорлигини эътиборга олиб тайёрланади. Лекин бунинг учун хўжаликда етарлича дон, қўшимча озуқалар, минерал моддалар, витаминлар етарли миқдорда ва сифатда бўлмоқи керак. Хўжаликларда омихта емни тайёрлашнинг яна бир томони комбинатларда тайёрланадиган омихта емлар кўпинча

сифатсиз, унинг таркибий қисми рецепт асосида қилинмайди ва ниҳоят, улар ҳаддан ташқари қиммат. Шунинг учун фермерлар, чорвачилик хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар масалани бу томонини чуқур англаб, хўжаликда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишда, молларни сифатли озиқалар ва омехта ем билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор беришлари керак.

Сунъий усулда тайёрланган аралаш озуқалар

Карбамид яъни синтетик мочевина, кавш қайтарувчи ҳайвонлар рационидида протеин миқдорини ошириш учун ишлатилади. Карбамид асосан, таркибида азот манбаси оз бўлган ем-хашака қўшиб берилади. Ёш моллар уни ёмон ўзлаштиради. Сигирларга суткасига 100г гача ёки оксилга бўлган умумий талабини 15-20% миқдорида карбамид бериш мумкин. Ярим ойдан катта бузоқларга умумий талабига кўра 40-50 г, яъни 20-25%, бўрдоқига боқилаётган йирик молларга 50-90%, яъни 25-30% миқдорида берилади. Умуман карбамид рациондаги қуруқ моддаларнинг 1% дан ошмаслиги керак. Қўйларга суткасига 13-18 г дан бериш мумкин. Карбамидни соф ҳолда бермасдан кўпроқ емга аралаштириб ёки сувда эритиб, пичанга сепиб, намлантириб бериш тавсия этилади.

Саноатда ишлаб чиқарилган омехта ем таркибида 2,5-3% га яқин карбамид бўлиши керак.

Витаминли препаратлар чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра саноатда махсус витаминли препаратлар ишлаб чиқарилади. Бу препаратлар кукун ва суюқ ҳолда тайёрланади ва чорва моллари озуқаларига аралаштирилиб берилади.

Антибиотиклар чорвачиликда кенг қўлланилади. Улар молларни касалликлардан сақлашда, соғлигини мустаҳкамлашда ва айниқса, ёш моллар жадал ўсиши, ривожланиши ва семириши учун муҳим аҳамиятга эга. Антибиотиклардан пенициллин, баомицин, тетрамицин ва бошқалар ишлатилади.

Биопрепаратлар ҳам ветеринария соҳасида, айниқса чорва молларининг айрим юкумли касалликларини даволашда, соғлигини яхшилашда, ўсиш ва ривожланишини тезлаштиришда катта аҳамиятга эга. Бундай препаратлар юкумли касалликлар қўзғатувчи бактерия, вирус, замбуруғлар ва уларнинг озуқавий муҳитдаги фаолияти натижасида кўпайтириб тайёрланади. Сўйилган соғлом моллар тўқималаридан биологик стимуляторлар, (ёш молларнинг жадал ўсишига ёрдам берувчи препаратлар), тайёрланади.

Минерал қўшимчалар. Минерал озуқалар умумий рацион таркибида айрим химиявий моддалар кам бўладиган қўшимча ҳолда берилади. Бундай қўшимчалар ичида кўп қўлланиладиганлари: кальций, фосфор, натрий ва айрим микроэлементлар.

Ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланадиган озуқалар

Ҳайвонот муҳсулотларидан бир неча хил озуқа, (сут, сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар, сут чиқиндилари ва ҳоказолар), тайёрланади. Шунингдек, қушхона чиқиндилари, (қон уни, суяк уни, ҳайвонларнинг ички органлари), балиқ, консерва заводлари, пиллачилик, паррандачилик фабрикалари, инкубация станциялари, мўйна тайёрлаш хўжаликлари чиқиндилари ҳам қуритилиб, ун қилинган ҳолда фойдаланилади. Бу хилдаги озуқалар таркиби протеинга, витамин ва минерал элементларга бойлиги билан қимматлидир.

100 кг гўшт унида ўртача 50-80% озуқа бирлиги, 15-35 г ҳазм бўладиган протеин, 100 г балиқ унида 50-90 г озуқа бирлиги ва 20-50 г протеин, 100 г ёғи олинган сутда 13 г озуқа бирлиги ва 3 г протеин бўлиши аниқланган. Бундан ташқари 1 кг гўшт-суяк унидан 52 г кальций, 32 г фосфор, 1 кг балиқ унида 67 г кальций ва 32 г фосфор бўлади. Минерал қўшимчаларни барча турдаги моллар ва паррандалар рационига киритиш ижобий натижа беради.

Донадор (грануланган), озуқалар ўт уни, ем ва витаминлар ҳолида турли хил минерал моддалар қўшиб тайёрланади. Улар қуруқ сочма ҳолда бўлганлиги учун узок вақт сақланади ва молларга механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин бўлади. Донадор озуқалар чорва ва паррандалар учун 1-2 мм дан 5 мм гача, чўчка болалари учун 7 мм, катта ёшдаги чўчкалар учун 9-10 мм, бузоқлар учун 16 мм, сигирлар учун 25 мм бўлади. Айрим ҳолларда таркиби оксил, витаминлар, минерал моддалар ва антибиотиклар билан бойитилади.

Биркетланган озуқалар – пичан, сомон, кунжара, дон ва ҳоказолар аралашмалирини майдалаб, прессланган ҳолда тайёрланади. Шунга кўра сақлаш учун жой талаб этилади. Қуруқ бўлганлиги учун узок вақт сақлаш ва механизмлар ёрдамида тарқатиш мумкин. Қорамолга бериладиган брикмали озуқалар таркиби қуйидагича бўлиши мумкин. Масалан, маккажўхори сўтаси ёки бошоқли дон пояси 40-90%, буғдой ёрмаси 5-15%, шунингдек кунжара, шрот, қанд лавлаги турп, фторсизлантирилган фосфат, ош тузи, карбамид бўлиши қабул қилинган. Отлар учун тайёрланганда: 40-45% пичан, 25-35% арпа ва бошқа қўшимчалар бўлади.

Озуқаларни молларга беришга тайёрлаш

Хар хил озуқалар (сомон, пичан, кепак, картошка, илдизмевалилар, дон, кунжара ва ҳоказолар),нинг тўйимлилигини ва ҳазм бўлишини яхшилаш мақсадида уларга турли усулларда ишлов берилади.

Шоли сомони тўйимлилиги жиҳатидан бошқа турдаги экин сомонларидан бирмунча устун туради.

2-жадвал

Сомон турлари ва уларнинг химиявий таркиби, %

Сомон турлари	Протеин	Ёғ	Клетчатка	Анорганик экстракт моддалар	Кул	Озуқа бирлиги	Ҳазм бўлувчи протеин
Арпа	4,6	1,8	33,6	39,2	5,8	0,35	12
Жавдар	3,6	1,5	37,3	39,6	3,0	0,23	7
Кузги буғдой	4,4	1,6	34,2	36,9	6,0	0,22	11
Баҳорги буғдой	4,5	1,6	36,7	36,8	5,4	0,20	8
Шоли	4,8	1,4	25,6	39,8	12,4	0,24	20

Шоли сомонини едиришга тайёрлашни, унинг тўйимлилигини оширишнинг бир неча усуллари мавжуд.

I. Физикавий усул.

1. Майдалаш. Қорамоллар учун 4-5, қўйлар учун 2-3 см қилиб сомон майдаланиши керак. Молларга беришдан олдин унга кучсиз намакоб сепилади, дон ёрмаси, силос ва майдаланган илдизмевалилар қўшиб аралаштирилади. Айрим ҳолларда умумий миқдорининг 1,0-1,5% атрофида карбамид қўшилади.

2. Намлаш. Мазасини яхшилаш ва моллар ейиши учун майдаланган сомон илиқ тузли сувда намланади. Бунинг учун 80-100 л сувга 1,5-2 кг туз солиб эритма тайёрланади ва шунча эритма билан 1 ц майдаланган сомон намланади. Намланган сомон силос билан аралаштирилиб молларга берилади. Силос шираси билан намланган сомонни чорва моллари иштаҳа билан ейди. Аралашмани молларга беришдан олдин бироз вақт сақлаш керак, шунда у анча майинлашади.

3. Иссиқ сув билан намлаш. Чуқурликка майдаланган сомон 35-50 см қалинликда солинади ва ичига иссиқ сув қуйилади, (100 кг сомонга 120-150 кг иссиқ сув),. Кейинчалик чуқурча 8-10 соатга брезент билан ёпилиб сақланади.шундан сўнг бундай

усулда тайёрланган сомонни молга бериш мумкин.

4. Буглаш. Бугланган сомон юмшайди ҳамда ёқимли бўлади, моғор ва бошқа замбуруғлар билан зарарланган бўлса, анча зарарсиз ҳолга келади, моллар уни яхши ейдилар. 100 кг майдаланган шоли сомони солинган чуқурликка 80-100 литр сув солиниб, чуқурлик брезент билан бекитилади. Буглатиш 30-40 дақиқа давом қилади. Шундан сўнг сомон 6-8 соат мобайнида чуқурликда қўйилиб, кейинчалик молга берилади.

II. Химиявий усул.

Сомонга химиявий, айниқса, термохимиявий усулда ишлов бериш янада яхши самара беради. Термохимиявий усулда ишланган озуқанинг мазаси кучаяди, сомоннинг қаттиқ қобиғи юмшайди ва сувда эрийдиган органик кислоталар ҳосил қилувчи фойдали бактерияларнинг ҳаёт фаолияти учун қулай шароит яратилади, натижада озуқа моддаларининг ҳазм бўлиши ва сомоннинг тўйимлилиги ошиши рўй беради.

2. Оҳак суви билан ишлаш. 1 тонна майдаланган сомонга 30 кг сўндирилмаган ёки 90 кг сўндирилган оҳакнинг сув эритмаси сепилади ва 2-3 соат давомида усти брезент билан ёпилиб димланади. Димланаётган сомондан ноннинг ҳиди келиши уни едиришга тайёр эканлигини билдиради.

Оҳак билан ишланган сомоннинг тўйимлилиги ҳазм бўлувчанлиги ва ейимлилиги анча ошади. Бундай сомондан сигирларга 15-20 кг, 6-12 ойлик ёш моларга 10-12 кг, бир ёшдан катта молларга 15-18 кг дан бериш мумкин.

3. Ачитқилар (хамиртуруш), ҳам ем-хашакни молларга бериш учун тайёрлашда салмоқли ўрин тутади. Масалан, кепак, дон ёрмаси, кунжара, широт кабиларга ачитқи қўшилса таркиби витамин, оксил моддаларга бойийди ва таъми яхшиланади. Агар 0,5-1 кг хамиртурушни 5 л сувда эритиб, 100 кг қуруқ озиққа қўшилса, у ҳайвонлар учун, айниқса қорамол ва қўйлар учун жуда яхши озуқа ҳисобланади.

4. Дағал хашак (сомон), триходерма лигнорумнинг ферментли препарати билан ҳам ишланади.

Триходерма лигнорум – микроскопик замбуруғ ишлаб чиқарувчи целлюлолитик ферментлар таъсиридар. Молларнинг овқат ҳазм қилувчи органларида қийин ҳазм бўлувчи полисахаридлар, масалан клетчатка парчаланади.

Триходерма лигнорум ферментлик биомассаси ҳосил қилган маҳсулот (қуруқ вазнда), қуйидаги моддалардан таркиб топган: протеин – 21,2%, ёғ- 7,4%, клетчатка-4,5%, кальций-0,8%, фосфор – 1,2%, лизин-2,6%, метионин-1,02%, цистин-0,4%.

Чорва молларини боқиш

Чорва молларини тўғри боқиш уларнинг ўсиш ва ривожланишни жадаллаштиришда ҳамда маҳсулдорлигини кескин оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Химиявий таркибига кўра тўла қимматли ва тўйимли озуқалар билан боқишга молларни тўғри озиқлантириш дейилади. Физиологик жиҳатдан тўла қимматли деганда молларнинг физиологик ҳолати (бўғозлиги, соғин даври, сутдан чиқарилганлиги, маълум мақсад асосида боқилиши ва ҳоказоларга кўра), ва уларнинг ёши, вазни, жинси, маҳсулдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда озуқа миқдорига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш тушунилади. Агар моллар сифатсиз озуқа билан нотўғри боқилса, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади, соғлиги ёмонлашади, ёш моллар ўсиш ва ривожланишдан тўхтади.

Тўла қимматли озуқалар мол маҳсулдорлигини оширади, ўсиш ва ривожланишини тезлатади, серпуштлигини яхшилади ҳамда соғлом ва йирик насл олиншини таъминлайди.

Чорва молларига озуқалар норма асосида берилиши керак.

Мол организмнинг озуқа моддаларига бўлган талабини қондириш учун сарфладиган ем-хашак миқдори **озуқа нормаси дейилади. Рацион** озуқа нормаси асосида молларга бир суткада бериладиган ем-хашак миқдоридир. Рацион мол органик моддаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган ва маҳсулдорлигини ошишига, физиологик ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Рацион тузишда ҳар хил ва биринчи галда арзон ем-хашакдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, рацион молларнинг турига, ёшига, наслдорлигига, физиологик ҳолатига (бўғозлиги, ориқ-семизлиги ва ҳоказо), маҳсулот йўналиши ва биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда тузилади. Булардан ташқари, ҳар бир хўжаликнинг табиий, иқтисодий ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳам ҳисобга олинishi керак. Рацион барча турдаги мол ва паррандалар учун тузилади ва вақти-вақти билан таркиби ўзгариб тузилади. Рацион бир суткага, 10 кунга, 1 ойга ва бир фаслга мўлжалланиб, хўжаликда ҳақиқатда бор бўлган озуқалардан тузилади.

Рацион тузишда моллар гуруҳини, маҳсулдорлик йўналишини ёки физиологик ҳолларини олиб, ем-хашак таркибидаги протеин, кальций, фосфор, каротин каби муҳим элементлар миқдорига алоҳида эътибор берилади. Молларга бериладиган ем-хашак турлари озуқа бирлиги, яъни 1 кг сулининг мол организмга бериладиган энергияси (қуввати), асосида белгиланади.

Шундай қилиб, молларга бериладиган ем-хашак уларнинг ўсишини, ривожланишини, урчишини ва кўпайишини ҳамда маҳсулдорлигини тобора ошишига қаратилган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланиши

Исталган хилдаги молларни яратиш учун индивидуал ривожланиш қонуниятларни, молни ўстиришда таъсир омилларига эътибор қилингандагина имкон бўлади.

Организмнинг индивидуал ривожланиши (онтогенез), тухум хужайраси оталанган вақтдан ва зигота (муртак), ҳосил бўлишидан бошланади ва наслий қобилият (генотип), ва ташқи муҳит шароитларни, (озуқа, сув, ҳаво, сақлаш шароитлари ҳамда иқлим, тупроқ ва ҳоказолар), организмга бўлган таъсири учун ҳаёт давомида ўтади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланишига нотекислик ва даврийлик хосдир. Улар кўпинча олий сут эмизувчиларга киради, онтогенези она қорнидаги (эмбрионал), ва туғилганидан сўнгги (постэмбрионал), даврларга бўлинади. Шу даврлардаги ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш чорвадорларга бу қонуниятларни ишлаб чиқариш талабига қараб бошқаришга имкон беради. Ҳайвон қоникарли озиқлантирилса унинг ҳамма органлари нормада ривожланади, ўсиш тезлиги ортади, қоникарсиз боқилган да ўсиш жараёни бутунлай тўхтаб қолиши мумкин.

Она қорнида ҳомила органларининг етарлича ривожланмасдан қолган ҳодисасига **эмбрионализм** дейилади. Бу ҳодиса ҳайвон туғилганда умумий вазнини камлиги, оёқлари қисқалиги, боши катталиги, бошқа камчиликлар кўплиги, юрак қон айланиш системаси ва овқат ҳазм қилиш органлари ҳам яхши тараққий этмаганлиги яққол кўриниб туради.

Бузоқ туғилганидан кейинги парвариш қилиш даврида яхши ривожланмай қолиш ҳодисаси **инфантилизм** деб номланади. Молни озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш яхши ривожланмаслик оқибатларини бартараф қилиш имконини беради. Лекин ўсишдаги узок давом этган тўхташни бутунлай қоплаб бўлмайди.

Молларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида хоҳлаган типдаги маҳсулдор моллар етиштириш мақсадида қўлланиладиган боқиш, асраш ва машқ қилдириш усуллари йиғиндисига ҳайвонларни **мақсадга мувофиқ равишда ўстириш** дейилади. Бузоқ туғилгандан сўнг ўсиш қонуниятини ҳисобга олиб ундан хоҳлаган хилдаги молни ўстириш мумкин. Жумладан, серсут сигирни олиш учун молга шундай шароит яратишга интилиш керакки, бузоқларни 6 ойлигигача суткалик ўсиши 750-800 граммга етиши керак.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсишини назоратга олиш амалий аҳамиятга эга. Молнинг вазни ортишига қараб бузоқлар тўғри ёки нотўғри ўсаётганлиги тўғрида хулоса қилинади ва боқиш, сақлаш жараёнларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ўсиш тезлиги ҳайвоннинг вазнига нисбатан аниқланади. Мол ўсиб борган сари қўшилган абсолют вазнга нисбатан ўсиш жараёни орқада қолади. Шунинг учун **абсолют ўсиш**, яъни маълум вақт (сутка, ой), мобайнидаги ўсиш

билан **нисбий** ўсишни, яъни молнинг дастлабки вазнига нисбатан ҳозирги вақтгача бўлган ўсишни бир-биридан фарқ қила билиш керак.

Нисбий ўсиш (%), қуйидаги формула билан ифобаланади:

$$H = \frac{B - A}{A} \times 100\%,$$

A

бунда H – нисбий ўсишни;

A – даврни бошланишидаги тирик вазни;

B – даврнинг охиридаги тирик вазни билдиради.

Сутдан қиккан давр давомийлигини сигирларнинг сут махсулдорлигиға таъсири

Гуруҳлар	Даврлар давомийлиги, кунда	Соғим давридаги	Соғим давридаги уртача сутқалик соғим
----------	----------------------------	-----------------	---------------------------------------

	Сутдан чиккан	Согим	сут микдори, кг	кг	%
Назорат	67,4	350,2	3649±110,4	10,5	103,0
1-тажрибадагилар	45,4	356,4	3995±94,2	11,2	110,8
2-тажрибадагилар	30,4	353,8	3582±97,1	10,1	100,0

Шунингдек 45-60 кун сутдан чиккан давр давомийлигида булган сигирларнинг 30 кун дам олганлариникига караганда 240 кг куп булиб, согим даврида улар 3822 кг, иккинчилари эса 3582 кг сут бердилар.

Сутдан чиккан даврда сигирларнинг озиклантириш норма асосида олиб борилиб, туғишдан олдин улар яхши семизликда булмоки лозим.

Демак, туғишга яхши тайерланган сигирларнинг сутдан чиккан даври 45-60 кун давом этмоки лозим.

Сутнинг еглилик даражасига ҳам бир канча омиллар таъсир килади. Согим даври давомида сут микдори камайиб боради, унинг таркибидаги ег ва оксил микдори, аксинча, ошади. Сигирлар ешининг ошиши билан сут таркибида булган ег ва оксил микдори кам узгаради, (У.Н. Носиров. 2001),.

Сигирларни серсутлигини ошириш учун амалда уларни хар бир килограмм ошган сут микдорига 200-250 грамм омихта ем кушиб берадилар. Бу усулни сигир тукканидан сунг 20-25—кунларидан бошлаб амалга оширадилар. Сигир кушилган омихта емга кундалик сутни оширмаса, рационга омихта ем кушишни тухтатадилар. Бу усул зоотехник тажрибасида **сигирларни серсутлигини ошириш тадбири** дейилади.

Гўшт махсулдорлиги

Гўшт махсулдорлиги хайвонларнинг марфологик ва физиологик хусусиятлари билан юзага келади. Бу хусусиятлар ирсият, хайвонларни устириш давридаги озиклантириш ва саклаш шароитларида шаклланади. Хар хил хайвонлар гўштининг солиштирма тавсифи жадвал 11 да келтирилган.

Хар хил хайвонлар гўштининг сифатлари, (М.Ф.Иванов маълумотлари),

Яхши бурдокиланган хайвонлар	Таркибидаги курук модда, %		1 кг гўштнинг калорияси, (ккал),
	Яхлит гўштда	Хайвон танасида	
Хукиз	33	20	1580
Куй	37	19	1430
Чучка	63	51	2700

Яхлит гўштга мускул тукумасидан бошка егли, суякли, бириктирувчи тукумалар, пай ва тогай киради. Гўшти егга булган нисбати бир таксим бирга тенг булган корамол гўшти энг сифатли хисобланади.

Мускул тукумалар таркибига урни босилмайдиган аминокислоталардан (аргинин, лизин, метионин, триптофан, цистин ва бошкалар),, кирган тула кимматтли оксиллар киради. Худди улар билан гўштнинг туйимлилик киммати аникланади. Молнинг яхлит гўштида оксиллар 13-22% ни ташкил килади.

Хайвоннинг узиш даврида мускул тукумалар узунлиги ва диаметри купаяди. Шунинг учун бузоклар гўшти майин ва мазалидир.

Гўшт ранги миоглобин моддасининг микдорига боглик, (таркиби буйича коннинг гемоглобинига якин буялган модда),; бузок гўшти вояга етган мол гўштининг рангига нисбатан очикрок.

Ег хайвон организмида мухим омилдир; у туйимли моддаларни захираси; сув алмашинувида катнашади, химоя вазифасини бажаради. Ег тукумаси буш бириктирувчи тукумаси юпка катлам билан булинган егли хужайралардан иборат. Еш молларнинг егли хужайралари майда, уларда вояга етган молларнинг егли хужайраларига караганда сув ва оксил куп ва ег кам. Бузок гўштида ег жуда кам (3%),, бурдокиланган мол гўштида эса энг куп (55% гача),.

Ег корин бушлигида, ички органлар-буйраклар, ичаклар, ошкозон ва бошкаларда, тери ости клетчаткада, мускуллар ичида ва уларнинг орасида жойлашади. Ег тупланиш даражаси билан, асосан, мол семизлиги аникланади. Семизлик ошиши билан ег биринчи навбатда орка, сунг урта ва тананинг олдинги кисмларида туланади. Мускулатура ва тери ости егли тукумаларнинг ривожланиши молга юмалок шаклни беради.

Бириктирувчи тукималар асосига паст туйимли ва каттиклик билан ажраладиган тула кимматли булмаган оксиллар, (коллаген ва эластин),, киради. Бириктирувчи тукима мускул толаларига ва егли тукималарга маълум тузилиш беради. Яхлит гўштда унинг микдори купайса гўшт сифати пасаяди. Еш молларнинг бириктирувчи тукималари таркибида сув купрок, шунинг учун уларнинг гўшти вояга етган мол гўштига караганда камрок каттик.

Суяк тукимаси паст туйимлилик кимматига эга. Молнинг яхлит гўштида суяк кисмига 14 дан 27% тугри келади. Суякнинг энг куп кисми бузоклардадир. 14 ойлигига уларнинг солиштира огирлиги камаяди. Яхлит гўштдаги суяклар микдори молнинг гўшт махсулдорлигини бахолашда хисобга олинади.

Кейинги вақтда мол гўштининг сифатига булган талаблар узгарди: у кам егли, у бирмунча ширали ва майин, купрок оксилли булмоки керак. Дунё бозорида 2 ешгача булган, 380-450 кг тирик вазни еш мол гўшти кадрланади.

Гўшт ишлаб чиқишида **чучкачилик**-чорвачиликнинг энг тез етилувчан соҳаси-катта аҳамиятга эга. Чучкалар куп болалидирлар, уларнинг бугозлик даври нисбатан киска (113-115 кун),, шунинг учун ҳам киска вақтда, меҳнат ва воситаларнинг минимал сарфлаб улардан куп сифатли махсулот олиш мумкин. Илгор хужаликларда йилига бир она чучкадан уртача 2-2,5 тонна тирик вазнда гўшт олинади.

Чучкалар юкори суйим чикимига эга-еш чучкаларда у 72-75% га, яхши бурдокиланган вояга етганларда-82-85%. 100 кг келадиган чучкаларнинг яхлит гўшти 52% мускул, 38% егли ва 10% якин суякли тукимадан ташкил топган. Чучка гўшти ва еги юкори озукавий кимматга ва яхши таъм сифатига эга.

Мамлакатимизнинг гўшт балансида **куй гўштининг** урни салмокли. Унинг энг бир кимматли хусусиятларидан-бошка хил молларнинг гўштидаги холестириннинг камлиги. Иктисодий жихатдан бир ешгача булган куй гўшtidан фойдаланиш самаралидир. Гўшт-жун берувчи зотлар куйларини жадал бурдокилаш 6-8 ойлик кузичоклар тирик вазнини 40-45 кгга етказиш имконини беради.

Кишлок хужалик **паррандалардан-гозлардан, урдаклардан ва куркалардан**-кимматли, диетик гўшт олинади. Бу максатда ихтисослашган гўштдор зотлар товукларидан ҳам фойдаланадилар.

Паррандалардан товук ва куркаларнинг очик рангли гўшти энг яхши туйимли хусусиятларга эга; сувда сузадиган паррандада у бирмунча кизилдир. Очик рангдаги гўштининг киммати нафакат унда бирмунча куп протеин борлигида, шунинг бирга тула кимматли ва тула кимматли булмаган оксиллардаги ҳамда айрим аминокислоталар орасидаги яхши нисбатда.

Овкатликларда **от гўшtidан** ҳам фойдаланадилар. От гўшти энг юкори колбаса сортларининг урнини босаолмайдиган компонентиدير. Бошқирдларда, козокларда, киргизларда, якутларда от гўшти хар доим ҳам корамол ва куй гўшtidан юкори бахоланган. От гўшtidан узбекларда жуда мазали, сифатли кази тайерланади.

Зебулар, буйволлар гўштидан ҳам фойдаланиладилар.

Жун махсулдорлиги

Айрим тур кишлок хужалик хайвонларининг жун копламидан тукилиб еки босма килиб ишланган буюмлар тайерлаш учун фойдаланилади. Жун асосан куйлардан олинади. Уларнинг зотлари жуннинг сифатига караб **майин жунли, ярим майин жунли, дагал жунли ва ярим дагал жунлиларга** булинади. Майин ва ярим майин жунли куйларнинг жуни бир хил, дагал ва ярим дагал жунлиларники-бир хил эмас. Бу тарика гурухларга булиниши асосида жунчаларнинг гистологик тузилиши етади, улар тивит, дагал тук ва утимли сочга ажратилади.

Майин ва ярим майин жунли куйларни йилда бир марта киркадилар ва улардан одатда бир тулик копламли жун олинади. Дагал ва ярим дагал жунли куйларни йилда 2 марта –бахорда ва кузда киркадилар.

Куйларнинг териси тер ва ег безлари билан бой. Бу безларнинг шираси, (ег тер),, майин ва ярим майин жунли зотлар жунининг кимматли хусусиятларини сакланишига имкон беради. Жунли ва гўшт-жунли куйлар зотларидан 5-6 кг, кучкорларидан 10-13 кг жун олинади.

Коракул, сокол ва решетилов зотларидан 2-3 кунлик пайтида суйилган кузичокларнинг териси олинади. Энг куп кора рангли терилар таркалган, уларнинг кисмига коракул териларининг 90% и тугри келади. Кул ранг, сур ва жигар ранг терилар улардан анча кам микдорда олинади.

Ишчи унумдорлиги

Ишчи хайвонлар сифатида отлар, туялар, муллар, эшаклар, хачирлар, шимолий бугулар ишлатилади.

Миниладиган отларнинг иши аравага кушиладиганлариникидан ажралиб туради. Миниладиган отларнинг белига 120-130 кг огирлик еки унинг тирик вазнининг 25-30% нормал юк хисобланади.

Отнинг ишчи кобилиятини аниклашда унинг юриш тури хам эътиборга олинади. От юришининг асосий аллюрлари (юриш тури),- одим, елиш (сакраб чопиш),, йургалаш, йуртиш.

Тогли ва кумли ерларда отларга юк ортадилар. Максимал даражада отнинг тирик вазнини 1/3 кисми огирликдаги юк ортилиши мумкин.

Парранданинг тухум етказиш махсулдорлиги

Парранда тухуми сарик пуст ва кобик билан копланган тухум хужайрасидир. Агарда парранда орасида эркаклари булмаса узининг озик хусусиятлари буйича ажралиб турадиган оталанмаган тухум олинади. Узининг катта-кичиклиги буйича паррандадан хар хил тухум олинади. Паррандалар тухумининг огирлиги куйидагича: товукники-50-65г, курканики-110г, гозники-120-180г, цесарканики- 45, гўштдор каптарники-18-25, бедананики-8-10 г. Химиявий таркиби буйича хам парранда тухуми хар хил, (жадвал 14),.

14-жадвал

Кишлок хужалик паррандалар тухумининг химиявий

таркиби, %

Парранда тури	Сув	Курук модда	Органик моддалар				Ноорганик моддалар
			Жами	Шу жумладан			
				протеин	еглар	Углеводлар	
Товуклар	73,6	26,4	25,6	12,8	11,8	1,0	0,8
Куркалар	73,7	26,3	25,5	13,1	11,7	0,7	0,8
Урдаклар	69,7	30,3	29,3	13,7	14,4	1,2	1,0
Гозлар	70,6	29,4	28,2	14,0	13,0	1,2	1,2

Паррандалар тухуми диетик махсулотдир. Товукларнинг биологик тухум бериши уларни хужалик курсаткичларидан юкоридир. Товуклар тухумдонида 4-5 минг ооцитлар борлиги аникланган. Лекин уларнинг озгина кисми етилади ва тухумга айланади. Умри буйича товукнинг берган тухуми 1519 донадир. Бир йилда тухум берадиган яхши товуклар 240-270, урдаклар- 120-180, куркалар-100-150, гозлар-50-80 тухум берадилар.

Пушtdорлик

Кишлок хужалик хайвонларининг пушtdорлиги купинча уларнинг махсулдорлигини белгилайди. Хар хил тур ва зот хайвонлар пушtdорлиги буйича фаркланади: куйлардан йилда одатда бир кузи, романов, шимолий киска думли куй зотларидан-иккитадан, айрим пайтда олтигача кузи олинади.

Корамолда йилда бир, баъзан икки, айрим вазиятларда сигирлар турттадан ҳам бузук тукканлар.

Чучкалар юкори пушtdорликка эга. Бир тукканида 20 ва ундан ҳам куп бола туккан вазиятлар булган. Илгор хужаликлар 100 сигирдан 100-105 бузук, 100 она куйдан - 135-150 майин жузли зотли кузичоклар олинади.

Хайвонлар пушtdорлиги нафакат ирсий хусусиятларга, балки ташкилий-зоотехникавий тадбирларга ҳам боглик: биринчи марта кочириш еши, она молларни тукканидан сунг кочириш вакти, озиклантириш даражаси ва бошка омиллар.

Хайвонлар махсулдорлигига таъсир килувчи омиллар

Сут махсулдорлиги ирсият ва бошка омилларга боглик. Бунда молларнинг зотдорлик хусусиятлари, уларни озиклантириш ва саклаш, еши, сутдан чиккан даврнинг давомийлиги, биринчи марта кочириш еши ва айрим бошка омиллар купрок ахамиятга эга.

Корамолни урчитиш жараенида танлаш, озиклантириш ва саклаш шароитларида махсулдорлиги буйича куйидаги гурухларга булинган зотлар шаклланади:

1. Серсут, лекин сутининг еглилиги паст булган зотлар (кизил чул, кора-ола ва бошка), –согимлар 4000-5000 кг, сутнинг еглилиги 3,4-3,7%. Бу зотларни нукул сутни купрок истеъмол килувчи, саноат марказлар енидаги туманларда урчитиш самара беради.
2. Сутти серегли зотлар (жерсей, кизил горбатов, кизил эстония, ярослав, тагил),, согими 3000-4000 кг, сутнинг еглилиги 4,2-4,5%. Ег (мой), ишлаб чикариш туманларда урчитиш махсадга мувофик.
3. Сут согими хар хил, сутнинг еглилиги уртача бўлган зотлар (симментал, кострома, швиц ва бошка),. Уларни хар хил табиий-иктисодий минтакаларда урчитадилар.

Сут хосил килувчи манбалар-сут безига кон билан борувчи озуканинг туйимли моддалари. Шунинг учун ҳам сутнинг микдори ва сифати купинча сигир еган озука микдори ва унинг химиявий таркибига купинча боглик.

Озиклантириш таъсирида согимнинг окими кескин узгаради. Сигир етарлича озиклантирилмаса максимал суткалик согим ва ойлик согим анча пасаяди, согимнинг пасайиши тезлашади, уларни давомийлиги кискаради. Озиклантириш яхшиланса лактацион эгри чизик бир текис юкорига кутарилади, сунгра секин пасаяди.

Озиклантириш даражаси канчалик баланд булса, сутнинг чикими шунчалик куп булади, шунинг билан унинг таннархи паст, чунки махсулдорлик ошиши билан хар килограмм сутга сарфланадиган озука сарфи камаяди. Масалан, тирик вазни 500 кг, йилига 2000 л сут берувчи сигирга умумий туйимлиликда 2800 озука бирлиги, яъни 1 кг сутга 1,4 озука бирлиги сарфланади, шундай сигирга, лекин йилига согими 4000 кг тенг булса 3800 озука бирлиги, яъни 1 кг сутга атиги 0,95 озука бирлиги талаб килинади.

Шундай килиб, кам махсус сигирларни хужаликда бокиш сермахсул сигирни бокишдан 1,5-2 марта кимматга тушади.

Айрим озукалар сутнинг еглилигини ошишига таъсир килади. (масалан, канд лавлаги, пахта кунжараси),, бошкалари эса, аксинча, уни пасайтиради-карам барги, жем (лавлаги колдики),.

С га пасайиши сутнинг еглилигини 0,2 %га камайтиради, согимни эса 7-10% га купайтиради, (И,С,Попов, Е,Я.Борисенко ва бошкалар),.°Моллар сут махсулдорлигига ва сутнинг сифатига саклаш шароитлари ҳам таъсир килади. Сигир хона харорати 10

Ўздаги юкори харорат молларнинг махсулдорлигига жиддий таъсир курсатади. Хароратнинг ошиши билан согим микдори ҳам, унинг еглилиги ҳам пасаяди.

Сутлик молларни боглаб саклаганда сигирхонадаги намликни ҳам хисобга олиш керак. Нормадан зиед ошган намлик молларга юкори хароратдек таъсир курсатади.

Молларни еши улгайган сари махсулдорлик сезиларли даражада узгаради. Биринчи ва иккинчи марта туккан сигирларнинг согим микдори одатда вояга етган сигирлар согимидан камдир. Зотдорлик хусусиятига ва подада наслчилик ишнинг куйилганлигига караб энг юкори сут махсулдорликни беш-олти марта туккан сигирлардан оладилар, шундан сунг уларнинг махсулдорлиги аста-секин пасаяди.

Таналар **биринчи марта эртарок кочирилса** уларнинг усиши ва ривожланиши секинлашади, наслнинг сифати емонлашади, келгусида эса сут махсулдорлиги пасаяди, шунинг учун ҳам яхши ривожланган таналарни кочириш вояга етган сигирларнинг 70% тирик вазнига етганида амалга оширилгани маъкул, масалан, кизил чул зотли таналар 17-18 ойлигида 340-350 кг тирик вазнига етсалар, уларни биринчи марта кочириш керак.

Сигирнинг сут махсулдорлиги **сутдан чиккан даврнинг давомийлигига** ҳам боғлиқ. Нотекис озиклантиришда бу давр 45 кундан камайтирилса келгусидаги согимлар пасайиши тажрибада ва илмий-тадқиқотларда исботланган.

Сутдан чиккан даврнинг 60-70 кундан узайиши согим даврини кискаришига, согимнинг умумий миқдори пасайишига ва молдан самарасиз фойдаланишга олиб келади. Шунинг учун ҳам сигирларнинг сутдан чиккан даври 45-60 кун давом этгани маъкул ҳисобланади.

Сигирни туккандан то куйга келиб қочиришгача булган давр **сервис-давр**, яъни салт давр дейилади. Сигир тукканидан сунг 21-28-кунлари куйга келгани нормал ҳисобланади, бу даврда у қочирилса согим даврнинг давомийлиги кискариб, маълум даражада сут миқдори согим даврида камайиши содир бўлади. Сервис-даврнинг 90 ва ундан ҳам зиёд кунларга чузилиши уларнинг насл бериш хусусиятининг пасайишига келтиради ва сигирнинг кесир қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам согим давридаги сут махсулдорлиги ўртача 2500-3000кг булган сигирларни биринчи куйга келишида, юқори миқдорли, (4000 кг ва қўп),, сигирларни иккинчи куйга келишида қочириш маъкул.

Сигирларнинг суткалик согимлари согим даври давомида ўзгариб туради: согим даврнинг охирида согимлар миқдори унинг бошланишидаги еки ўрталаридагилардан бирмунча кам бўлади. Согим даврининг боришини таҳлил қилиш учун **согимлар доимийлигининг индекси**, (согим даврининг иккинчи юз кунлигидаги согим миқдорининг биринчи юз кунлигига булган нисбати), аниқланади.

Махсулдор сигирлар согими энг юқори чуққига эришилганидан сунг (бу давр одатда согим даврининг иккинчи-ўчинчи оғи),, кам махсулдорлиқига қараганда оғма-оғ текис пасаяди.

Текис локтацион эғри қизик мустаҳкам конституцияга эга, махсулдор сигирларни тула қимматли ва қоникарли даражада озиклантирилишида рўй беради.

Сигирларнинг согими улар қасалланганда пасаяди. Жумладан, туберкулез қасалига дучор булган сигирларнинг сут миқдори соғломларлиқига нисбатан 20-35%, бруцеллезга қалинганларлиқига қараганда 40-60% га кам бўлади.

Жинсий ўғғониш ҳолати ҳам сигирларнинг согим миқдорига таъсир қилади. Қўйқиш даврида суткалик согимлар 2-4 кун ичида 10-20% га пасаяди.

Мул-қул озиклантиришда йирик тирик ваззли сутдор ҳил сигирлар майдароқларга қараганда одатда қўпроқ сут берадилар. Бу ҳодиса шунинг билан тушунтириладики, йирик мол озукани сутга қўпроқ айлантиради, қўнқи унинг ички оғанларининг ҳажми қаттадир. Маълумқи, махсулдорлиқ бўйқча рекордқи сигирларнинг барқаси 700-800 кг тирик вазнга эга булганлар. Шунинг учун ҳам ҳўжалиқда йирик тирик ваззли моллар сонини қўпайишига эришиш қерак. Леқин тирик ваззнинг қўпайиши молларни сут ҳилда бўлишини сакламоқи лозим. Акс ҳолда бу жараен бурдоқи

холатига узгариши ва сут махсулдорлигини камайишига келтириши мумкин.

Молларнинг гўшtdорлиги ҳам ирсий ва бирканча бошка омилларга боғлиқ. Гўшт махсулдорлиги молларнинг ешига, озиклантириш даражасига, тур ва зотли хусусиятларга ва жинсига қараб анча узгаради. Бирмунча йирик бўлиб тугилган бузоклар майдаларига қараганда яхши усадилар. Бузоклар нимтасида мускул ва ег туқималарига нисбатан суяк ва бириктирувчи туқималар купдир. 12-14 ойликгача бузокларнинг мускул туқимаси анча усади, суяк туқимаси эса бирмунча паст жадалликда ривож топади ва унинг солиштирма огирлиги ешига қараб пасаяди. Мол улғайиши билан унинг танасида сув микдори камайиб қуруқ модда ва мускул ичидаги еглар тупланиш қисми купаяди., бириктирувчи туқималарнинг солиштирма огирлиги камайиб тула қимматли оксиллар микдори гўшт нимтасида купаяди.

Гўшtnинг озукавий баҳоси аввало икки аминокислоталар-триптофан, (тула қимматли оксиллар микдорини тавсифлайди; (1г оксилли азотга 89,5 мг), ва оксипролин, (тула қимматли бўлмаган оксиллар микдорининг курсаткичи), нисбати билан аникланади. Бу нисбат 5-7 дан зиёд бўлмагани маъқул. Ундан ташқари гўшtnинг озукавий афзаллиги ундаги тенги йук аминокислоталар, туйинмаган егли кислоталар, витаминлар ва минерал моддаларнинг микдorigа боғлиқ. 6-9 ойлигигача бузок организмда ег туқималардаги сув ҳисобига тупланади.

Бузок жадал устирилганда унинг тирик вазни тезроқ усади, гўшtnинг морфологик таркиби яхшиланади, гўшт нимтасида унинг қимматли қисмлари купаяди.

Молнинг гўшт махсулдорлигига озиклантириш хили катта таъсир курсатади. 70-80% ҳажмли озукалардан таркиб топган (силос, илдизмевлилар, қук ва дағал озукалар),, рационлар едирилганда бузок 18 ойлигида бундай озукавий моддаларни омихта емларда устирилганларга қараганда яхши фойдаланади. Бунда биринчи вазиятда овқат хазм бўлувчи органлар яхши ривожланади ва сут хилдаги мол шаклланишига имкон тугдирилади. Омихта хил емлар билан озиклантириш, аксинча, гўшт хилдаги тез етилувчан моллар шаклланишига ердамлашади; бунда мускул туқима усиши ва ег тупланиши тезлашади, гўштда сув микдори камаяди.

Ургочилар ва ахталанган ҳуқизчалардан сифатлироқ гўшт олинади. Ургочилар гўшти ингичка толали таркибга эга ва мазали бўлади. Карри сигирларнинг гўшти-чандирли (каттик),, унинг нимталарида сув ва ег камдир. 5-6 ешдаги сигирлар гўшти майин бўлади.

Қочирувчи-буқалар гўшти дағал толали ва каттиқдир. Шунинг учун ҳам буқаларни ахталантириш ва кейин бурдоқига боккан маъқул. Ахталаш модда алмашинуви жадалини пасайтиради ва бурдоқилашни яхшилантиради.

Жун махсулдорлиги. Қуйлардан олинadиган жун сифати қупгина омилларга боғлиқ. Жумладан, унинг ингичкалиги штапел доирасига боғлиқ.

Қуйларни нотугри озиклантириш еки уларни қасаллиги, («оч ингичқалик»),, сабабли жуннинг ингичқаланиши толаларни ингичкалиги бўйича тақсимланишига ва жунни

куватини кескин пасайишига олиб келади. Жуннинг ингичкалиги куйларни жинсига ва ешига ҳам боглик: кучкорларда жун она куйларникига караганда дагалрок; еш улгайиши билан жун дагаллашади. Жун узунлиги купгина омилларга, шу жумладан йил фаслига ва куйларни озиклантиришга богликдир. Кишда жун усиши секинлашади (40-50% га),, ез-кузги даврда у максимал жадалликга чикади. Энг узун жун куйнинг куракида, буйнида, бели ва букинида, энг киска жун-корнида усади.

Жуннинг пишиклиги толалар калинлигига боглик. Жун сифати унинг ифлосланганлигига ҳам боглик.

Отларнинг ва бошка хайвонларнинг ишчанлик сифатлари тортиш кучига, харакатланиш тезлигига, кувватига, ишчанлик кобилиятига, чидамлилигига ҳамда аравалар тузилишига, йулнинг кундалангига ва копланишига боглик. Отнинг иш кобилияти унинг хужалик хили, зот хусусиятлари, тирик вазни, конституцияси, нерв системаси, машк курганлигига ва бошка омиллар билан аникланади.

Тухум махсулдорлиги. Паррандани тур ва зот хусусиятларидан ташкири тухум махсулдорлигининг узгаришига ташки мухит, айникса, озиклантириш таъсир курсатади. Жумладан, тухум пустидаги кальций ва фосфор микдорига бу моддаларнинг рациондаги микдорига ва паррандани Д витамин билан таъминланганлигига боглик. Парранда рационининг протеин, витаминлар ва минерал моддалар буйича балансланганлиги-тухумларни юкори уругланганлигининг ва жужа чикишининг керакли шароитидир.

Куеш нури ва жужахоналарни сунъий еруглантириш паррандага чукур таъсир курсатади. Еруг нурлари сарикини купайтириш ва тухум хосил булиш жараенини тезлаштиради, парранда тухум беришини купайишини таъминлайди. Паррандани еруглик даражасини бошкариш технологик жараенда мухим рол уйнайди. Тухумни жадал ишлаб чикариш юкори махсулдор насли ва гибрид паррандадан фойдаланишга асосланади.

Кишлок хужалик хайвонларининг махсулдорлигини

ошириш йуллари

Кишлок хужалиги ишлаб чикаришининг, шу жумладан чорвачиликни жадаллаштириш шароитида кишлок хужалик хайвонларининг махсулдорлигини оширишга алохида эътибор бериш керак. Бунга наслчилик ишлари ва озиклантириш даражалари мос булмоги лозим. Озука муаммосини дехкончиликдан тупланадиган озукалар билан ҳамда уларни сифатини ошириш билан хал килиш, омихта емларни, оксилли-минерал кушимчаларни, химиявий озукавий воситаларни ва кучли озукаларни саноат асосида ишлаб чикаришини талаб этади. Наслчилик иши эса аввало озиклантириш ва асрашнинг конкрет шароитида хужалик фойдали асоратлар билан

ажраладиган молларни танлашга ва бу сифатларни саралаш билан мустахкамланишига асосланади.

Юкори синфлардаги соф зотли букаларни, кучкорларни, эркак чучкаларни ва айгирларни жадал ишлатиш моллар махсулдорлигини мақсадли равишда оширишга имкон беради.

Сутли корамолчиликда молларни генетик жihatдан такомиллаштиришнинг асосий курсаткичлари, махсулдорлик даражаси, куп яшашлик, сутни ажратиш тезлиги, мастит касаллигига мослашганлик хисобланади. Шунинг эса тутиш керакки, факат конституционал жihatдан кучли моллар юкори махсулдорликни курсата оладилар.

Гўнг

Кишлоқ хужалик хайвонлар гунги тупрок унумдорлигини ошириш учун кенг фойдаланади. Минерал угитлар кишлоқ хужалигида ишлатилмай келинганда, усимликлар хосилдорлиги ошиши далага асосан керакли микдорда сифатли гунг чиқарилиши билан амалга оширилган. Албатта моллардан чиқадиган гунг тегишли жойга чиқарилиши керак. Бу жараёнларни амалга ошириш учун гунгдан фойдаланиш коидаларини ҳар бир дехқон, фермер, агроном яхши билмоки лозим.

Гунг нажас, хайвонлар сийдики ва мол тагига тушалган нарсадан, (купинча сомон, кум), иборат. Гунгнинг химиявий таркиби мол турига, унинг ешига, ейилган озукага, тушаладиган нарсанинг микдори ва сифатига, молхонанинг тузилишига, гунгни саклаш усули, давомийлигига ва тайерланишига боғлиқ: озукалардаги деярли барча азот, фосфор ва калий хайвон организмида хазм булганидан сунг, чиқиндига айланади; калий-купинча сийдикда; азот эса куп микдорда нажас ва сийдик билан ажралади.

Отлар ва қуйлар ажралмалари купрок қуруқ модда ва усимликлар қисмидан, камрок майдаланган ва оз сувли бўлади, корамол ва чучкалар қолдикига қараганда.

15-жадвал

Ҳар бош молдан йил давомида чиқадиган гунгнинг микдори (тушамалар билан), тонна

Мол тури	Асраш даври, кунлар			
	220-240	200-220	180-200	180 дан кам
Корамол	10-12	9-10	6-8	4-5

От	7-8	5-6	4-4,5	2,5-3
Куй	1,0	0,9	0,6-0,8	0,4-0,5
Чучка	2,25	1,75	1,5	1,0

16-жадвал

Хайвонлар экскрементидаги (колдикидаги), азот, фосфор ва калийнинг тахминий таркиби, %

Хайвон тури	Нажасда			Сийдикда		
	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
Корамол	0,3	0,2	0,1	1,0	0,01	1,5
Куй	0,6	0,3	0,2	1,5	0,01	1,6
от	0,6	0,3	0,3	1,4	0,01	1,5
Чучка	0,6	0,4	0,3	0,6	0,05	0,8

Гунг олиш учун тушама катта ахамиятга эга. Тушама сифатида купинча кум, рош, сомон, кипик ва хоказолар ишлатилади. Тушама нафаснинг суюк кисмини узига сингдириб ва аммиакни шимиб, уларни йуколишдан саклайди; ундан ташкари тушаманинг узида ҳам озукавий моддалар бор, улар гунгнинг физикавий хусусиятларига таъсир килади. Барча тушаманинг узига нам шимади ва уни имкон борича курук ҳолатда ишлатиш керак. Сомон тушамасини йирикрок кесилган ҳолда, (20-25 см),, фойдаланган маъкул-бунда у намни яхшироқ шимади ва гунг билан кейинги ишларни енгиллаштиради, (зичлантириш, сочиш),.

17-жадвал

Тушама учун кулланиладиган воситаларнинг хусусиятлари

Тушама таркиби ва хусусиятлари	Тушама турлари			
	Галласимонлар сомони	Дуккаклилар сомони	Дарахт барги	Кипик
Таркиби (%), Азот	0,3-0,9	1,-2	0,8-1,4	0,2
Фосфор	0,2-0,3	0,3-0,9	0,2-0,3	0,3
Калий	0,5-1,1	0,6-1,8	0,2-0,4	0,7
100 кг курук тушама сувни ушлайди (кг),	180-300	280-330	200-400	420-455
1 кг тушама аммиакни сингдиради	0,8-3,7	5-8	11-17	2-3

18-жадвал

Соф гунгнинг тахминий таркиби, %

Гунг	Сув	Органик модда	№	P2O5	K2O	CaO
Қорамолники	77,5	20,3	0,45	0,23	0,50	0,40
Қуйники	64,6	31,8	0,83	0,23	0,67	0,33
Отники	71,3	25,4	0,58	0,28	0,53	0,21
Чучканики	72,4	25,0	0,45	0,19	0,60	0,08

19-жадвал

Гунг сийдикининг таркиби

Мол тури	1000 огирлик кисмидаги таркиби, %			Бир суткада ажраладиган сийдик, литр
	Азот	Фосфор кислотаси	Калий оксиди	
Корамол	10,0	0,1	15,5	7-9
Куй	15,0	0,1	18,9	1-2
От	14,0	0,1	16,5	7-12
Чучка	6,0	0,5	8,0	3-5

Гунг сийдикидаги азот ва калий усимликлар томонидан енгил узлаштирилади. Азот сийдикда аммиак тузлари ҳолатида булади. Унинг ҳосилдорликка булган таъсири аммоний сульфиддекдир. Гунг сийдики коникарсиз ҳолатда сакланса унда азот деярли қолмайди. Гунг сийдикни кишда ва кузда музланган далага чикариш тавсия этилмайди. Гунг сийдикдан усимликлар вегетациясида фойдаланиш мумкин. Унинг азотини йукотишдан саклаш учун ва усимликлар қуймаслиги учун 1-3 марта сув қушилади.

20-жадвал

Парранда тезаги, (%),

Мухим кисми	Товукники	Урдакники	Гозники
Азот	1,63	1,0	0,55
Фосфор	1,51	1,4	0,54
Калий	0,85	0,62	0,95

Сув	53,0	56,6	77,1
Охак	2,4	1,7	0,84
Магnezий	0,74	0,35	0,20
Органик моддалар	25,5	26,2	13,1

Йил давомида товук 5,5 кг, урдак 8 кг, гоз 11кг курук тезак беради. Азот парранда тезагида сийдик кислота шаклида булади. Бундай тезак далага текис берилмаса ниҳоллар куйиши мумкин. Бунинг учун курук тезакни майдалагич агрегатлардан утказадилар. Ерга беришдан олдин парранда тезагини тупрок билан аралаштириб аммиакни шимилиши учун ишлатадилар.

Ерга парранда тезагини бериш нормаси курук ҳолатда 2-5 кг ҳар бир вояга етган дарахт тагига. Далачиликда яхши майдаланган парранда тезагини гектарга 5-15 центнер чиқарадилар.

Гунг хонада еки далада сакланганда гунгни тугри ва зич жойлаштириш керак. Озукавий моддалар, шу жумладан унинг энг қимматли қисми –азот нафакат сакланганда, балки уни далага чиқарганда ҳам йуқолади. Далада гунгни узок вақт майда уюм қилиб ҳаттоки сочиб ерга қуммасдан қолдириш мумкин эмас. Энг яхшиси гунгни далага сочиб, тезда уни ҳайдамок керак.

Гунгни уғитлик аҳамияти ундаги азот, фосфор ва калий таркибига боғлиқ. Усимликлар гунг фосфор ива қалитни минерал уғитдагиларга Қараганда яхшироқ узлаштиради. Гунг азоти эса минерал уғитга нисбатан емонроқ узлаштирилади. Усимликлардан гуза, қанд лавлаги, маккажухори айникса гунг берилишига қучли таъсирланадилар 1 га гунг бериладиган норма 36-40 тонна яхши тайерланган гунг ҳисобланади.

Гунгни минерал уғитлар билан аралаштириб далага чиқариш ута самарали ҳисобланади.

Гунг касаллик чиқарувчи микроблар ва гижжа инвазиялар ривожланиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хужалиқда ҳавфли касалликлар, масалан қуйдирги, менингит, қорасон булса, бундай касал молларнинг гунги албатта ёқилиб йуқотилади. Касаллик содир булса гунг биотермик дезинфекция қилинади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг қисир қолиш ҳоллари ва уларга қарши қураш чоралари

Ҳайвонлар қисир қолиши хўжаликка жуда катта иқтисодий зарар етказади. Қисирликнинг асосий сабаблари – молларнинг жинсий органлари касалланиши, уларни қониқарсиз боқиш ва нотўғри асраш, уруғ сифати ёмон бўлиши ва ҳоказолар.

Молларни йил давомида нормал уруғлантириб, яхши насл олиш учун қочиришга яхши тайёргарлик кўриш керак. Аввало моллар яхши боқилмоғи ва нормал семизликда бўлиши, улар очиқ ҳавода кўпроқ асралмоқи лозим. Мол озғин бўлса жинсий майл ўз вақтида содир бўлмайди, бўлса ҳам моллар яхши қочмайдилар. Молларни ҳаддан ташқари семириб кетиши эса жинсий фаолиятнинг пасайиб кетишига ва мол қисир қолишига олиб келади. Шунингдек урғочи молнинг қариши оқибатида ҳам жинсий фаолият бузилади. Молларнинг қисир қолишининг асосий сабабларидан - уруғнинг сифатсизлигидир. Шунинг учун ҳам уруғ сифати доимий равишда текширилиб турилмоғи лозим. Бунинг учун микроскоп ёрдамида уруғдаги сперматозоидларнинг ҳаракати – уни йўқотган, нотўғри ёки эгри-бугри тузилган сперматозоидлар сони аниқланиб, уруғдан фойдаланиш бўйича хулоса қилинади.

Уруғ сифатли бўлиши учун қочирувчи эркак моллар рационлари энг яхши озуқалардан тузилиши лозим, улар доимий равишда ҳаракатда бўлиб, 2-3 соатдан кунига енгил ишларда фойдаланиши, улар тозаланиб, чўмилтирилиб туришлари керак.

Сунъий равишда уруғлантириш сифатли бўлиши учун техник – қочирувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Сунъий қочириш энг такомиллашган усул ҳисобланади. Бу усулнинг аҳамияти аввало шундаки, битта юқори қимматли қочирувчидан табиий қочиришдагига нисбатан анча кўп авлод олинади. Натижада хўжалик буқага, эркак чўчқага, қўчқорга, айғирга бўлган талаб анча камаяди.

Молларни сунъий қочириш билан вибриоз, трихомоноз каби инфекцион касалликлар олди олинади.

Чуқур музлатилган уруғ билан подадан чиқиб кетган қимматли эркак қочирувчи моллар уруғидан кенг фойдаланилиши мумкин.

Сунъий қочириш усулида қочирилган урғочи мол қайси эркак мол билан, қачон қочирилганлиги махсус дафтарга ёзиб қўйилади. Бундай йўл билан ҳисобга олиб бориш, насл олинadиган эркак моллардан фойдаланиш, урғочи молларни қисир қолишини олдини олиш, янги туғилган бузоқларни туғилган вақтини, тирик вазнини аниқлаш имкониятини беради.

Наслдор қочирувчилардан сунъий қочириш усулида самарали фойдаланилади. Уларнинг соғлигига, ёшига, семизлигига, индивидуал ва зот хусусиятларига ва наслик қимматига қараб қочириш нормаси ўртача қуйидагича: қочирувчи буқага 200-250, қўчқорга 300-400, чўчқага 110-150, айғирга 150-200 урғочи. Жадвал

Айрим машҳур қочирувчи – буқалар уруғи билан 10000 бошгача сигир қочиришлари

мумкин.

Хусусий чорвачилик

Қорамолчилиكنинг аҳамияти, биологик хусусиятлари

Қорамолчилик чорвачиликнинг етакчи соҳасидир, аҳолини сут, гўшт маҳсулотлари ва енгил саноатни тери, шох, ва бошқа хомашё билан таъминлайди. Дунёнинг кўпгина давлатларида чорвачилик маҳсулотларининг умумий қийматида қорамолчилиكنинг товар маҳсулот қилиши 50 фоиздан зиёдини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган сутнинг 98,5% фоизи ва гўштниг 64,5% фоизи қорамолчиликка тўғри келади. Республикамизда урчитилаётган сигирларнинг ҳар бирдан соғим даврида 2500- 3000 килограмм сут, 200-250 кг гўшт, 25-30 килограмм тери ва 7-8 тоннагача органик ўғит, қорамол терисидан қимматбаҳо чарм ва қўшимча маҳсулотлар – қон, суяк, шох, жун ва ҳоказолар олиниб, аҳоли ва енгил саноат эҳтиёжлари учун ишлатилади. Шу билан биргаликда техника ва механизмлардан фойдаланиш имконияти бўлмаган тоғлик худудларда ер ҳайдашда, юк ташишда ва бошқа хўжалик ишларида қорамол ишчи ҳайвон сифатида ишлатилади. Қорамол гўнги ер унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишда алоҳида ўрин тутаети.

Қорамол, айниқса, сутдор сигирлар одамзот учун керакли юқори қимматли озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда озуқалардан самарали фойдалаети.

21-жадвал

Ҳар хили қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ейдиган озуқа миқдорини овқатлик сифатида қайтарилишини озуқавий моддалар миқдorigа бўлган нисбати, (“Қорамолчилик”, 1977),

Ҳайвонлар	Қайтарилган энергия фоизи			Қайтарилган протеин фоизи	
	Жами озуқа	Ҳазм бўлувчи протеин	Озуқани маҳсулдор қиммати	Жами озуқа	Ҳазм бўлувчи протеин
Сутлик сигир, ўртача	10,0	15,1	33,8	14,7	22,7

Сутдор сигир	-	-	48,9	-	41,0
Ахталанган хўкиз	4,7	6,9	14,8	6,4	11,8
Чўчка	15,1	17,5	29,9	10,2	13,2
Уй паррандаси	6,4	7,5	12,6	14,5	18,6

Қорамол ўзининг биологик хусусиятлари туфайли арзон ўсимлик озукалари ва озиқ-овқат саноатининг чиқиндиларини кўп миқдорини истеъмол қилади ва самарали ишлатади. У азотли оксилсиз моддаларни (карбамид, айрим аммоний бирикмалар), ҳайвонот оксилларига айлантириш мумкинлигини ҳам келтириш муҳимдир. Бундай моддалар билан қорамолни протеинга бўлган эҳтиёжини қоплаш мумкин.

Қорамолнинг бу барча хўжалик ва биологик хусусиятлари қорамолчиликни чорвачилик соҳаси сифатида тез ривож топишини таъминлайди.

Қорамолнинг биологик хусусиятлари

Қорамол хонакилаштирилгач, унинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги, тирик вазни, конституцияси ва экстеръери тубдан ўзгарди. Танлаш ва саралаш натижасида унинг сут ва гўшт маҳсулдорлиги ошди, у тез етилувчан бўлиб, серпуштлиги ҳам ошди. Нерв системасида кўпгина ўзгаришлар рўй берди. Мол қўлда боқишга ўрганди. Бунда сут берувчи сигирларнинг елин шакли ўзгариб, унинг хажми катталашди, сут беи яхши ривожланади, у кўп сут берадиган бўлди.

Ёввойи ҳолатда фақат ўзининг бузоқига етадиган 2-3 кг сут берувчи сигир эндиликда озиқлантириш ва асраш тадбирларининг яхшиланиши натижасида кунига 20-30 ва ундан ҳам кўп сут берадиган бўлди ва бу хусусиятлар наслдан- наслга ҳам ўтадиган бўлди.

Моллардан насл олишда катта ўзгаришлар рўй берди. Илгари сигир фақат баҳор ойлари туғадиган бўлса, эндиликда йилнинг барча фаслида бола берадиганга айланди.

Юқорида келтирилган биологик хусусиятлари пайдо бўлиши билан қорамолнинг турли хил йўналишлари ва зотлари вужудга келди.

Қорамол зотлари


Қорамоллар маҳсулот тури, миқдори ва бошқа хусусиятларига кўра сут, гўшт етказиш йўналишидаги, қўш-сут- гўшт, гўшт- сут ва гўшт йўналишидаги зотларга бўлинади.

Ўзбекистонда сут етказиш йўналишидаги қорамол зотларидан қора-ола, қизил чўл, бўшуев, қизил эстония, қизил литва, латвия қўнғир, англери, қизил дания, голштин қора-ола, қизил-ола, қўш йўналишдаги - швиц, гўштдор йўналишдаги – қозоқи оқ бош, абердин - ангусс, санта-гертруда зотлари урчитилади. Маълумотларга кўра Ўзбекистонда урчитилаётган қорамолларнинг 40 фоизини қора-ола, 29 фоизини қизил зотлар, 22 фоизини қўнғир зотлар, 0,1 фоизини бўшуев зоти ва 6 фоизини гўштдор зотлар ташкил қилади.

Қора – ола зоти

Республикамизнинг Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида туманлашган, лекин айрим бошқа вилоятларда ҳам урчитилади.

Голштин қора-ола молларни ҳам бу туркумга киритса бўлади, чунки бу зотларнинг келиб чиқиши деярли умумийдир. Ташқи кўриниши бўйича ҳам уларни фақат мутахассис ажратиши мумкин.



3-р. даража. Қорачи-ола даражадаги сийир.

Қ

ора-ола молларнинг Ўзбекистон хили ўзининг тана тузилиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан қора-ола зотли молларга хосдир. Моллар йирик ва серсут тана тузилиши хилида. Бузоқлар туғилганида 28-32,6, 6 ойлигида – 150-160, 12 ойлигида – 230-250, 18 ойлигида – 300-350 килограмм тирик вазнга эга бўладилар.

Сигирларнинг ўртаса тирик вазни 450-500 кг, айримлари 600-650 кг тош босади. Букалариники 1000-1200 кг. Сўйилгандаги гўшт чиқими 55-57 фоизга етади. Яхши шароитда йилига ёғлилиги 3,5-3,6 фоизли 5-6 минг килограмм сут бериш қобилиятига эга. “Чёлка” 860 лақабли сигир (“Чиноз” наслчилик заводи), бешинчи туғишида 3,8 фоиз ёғлиликдаги 10518 килограмм сут берган. 1970-1975 йиллардан бошлаб қора-ола зотли молларни голштин қора-ола зоти билан чатиштириш ишлари амалга оширилди. Голштин қора-ола молларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи авлод дурагайлари кўпайди. Озиқлантириш ва сақлаш шароитлари яхшиланган хўжаликларда голштин қора-ола зотли молларнинг муҳсулдорлиги сезиларли даражада кўтарилди. Молларнинг тана тузилиши ва айниқса, елиннинг морфо-функционал хусусиятлари яхшиланди.


Қора-ола зотли моллар Ўрта Осиё минтақасидаги маҳаллий қорамолларни яхшилашда ҳамда маҳсулдор моллар подаларини яратишда ижобий таъсир кўрсатди. Авлиёта ва бушуев зотлари ҳам қора-ола зотли моллар иштирокида яратилган, (У.Н.Носиров, 2001),.

Қорамолнинг қизил зотлари

Келиш чиқиши бир илдиздан бўлган қизил чўл, англер, қизил Дания, латвия қўнғир, литва ва қизил эстония қизил зотлари киради.

Қизил чўл зоти

Республикамизга режали равишда 1928-1930 йилларда Украинадан келтирилган. Тарихий маълумотларга қараганда бу зотли моллар Республикамизга 1882 йили немис-меннонитлар томонидан келтирилган ва маҳаллий зебусимон молларнинг маҳсулдорлигини кўпайтирида ижобий таъсир кўрсатган. Ҳозирги пайтда ҳам Республика вилоятларида кенг тарқалган зот.



Туси қизил. Бу зотли сигирнинг маҳсулдорлиги қора-ола зотига қараганда камдир. Қизил чўл зотли мол кескин континентал иқлимга яхшироқ мослашган, касалликларга чидамлироқ, сақлаш шароитига унчалик талабчан эмас. Шунинг учун бу зотли моллар Республикамизнинг Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда туманлашган. Ўртача сут соғими ёғлилиги 3,7-3,8% ли, 2800-3000 кг.

35-расм Қизил чўл зотли сигир.

Сермаҳсул сигирлардан йилига ёғлилиги 3,7-3,8% ли 5-6 килограмм сут соғиб

олинади. Янги туғилган бузоқларнинг тирик вазни 28-30 кг, 6 ойлигида 145-155 кг. Сигирларнинг тирик вазни 450-500 кг, буқаларники 800-900 кг га тенг, сўйим чиқими 54-55%.

Қизил чўл зотли молларнинг гўшт маҳсулдорлиги қониқарли даражада. Жадал боқилган новвосларнинг кунлик ўсиши 800-900 граммга тенг. Хоразм вилояти хўжаликларида юқори меъёردа боқилган қизил чўл зотли новвосларнинг тирик вазни 23 ойлигида 528 килограммга етган ва сўйим чиқими 57,5 фоизни тақшил қилган.

Қизил чўл зотли молларни маҳсулдорлигини, елинининг морфо- функционал хусусиятларини янада такомиллаштириш мақсадида соф ҳолда урчитиш билан бир

қаторда англер, дания қизил ва кейинги йилларда голштин қизил-ола зотларнинг кони қуйилмоқда. Олинган биринчи авлод англер зотли дурагайларнинг тирик вазни қизил чўл зотли тенгдошларига нисбатан 5-8 фоизга юқори. Вояга етган сигирларнинг сут соғими англер зотли дурагайларда 3790 килограмм ва уларнинг тенгдошлари қизил чўл зотида 3254 килограммга тўғри келган ёки 536 килограммга (16,5 фоизга), кўпайган.

Голштин қизил-ола зотли сигирлардан олинган дурагайлар биринчи туғишида ёғлилиги 3,9-4,0 фоизли, 3350-3400 кг сут (оналариники 3,75% ёғли, 2800 кг),, иккинчи туғишида тегишлича 4,0-4,1 % ёғли, 3400-3500 кг сут (оналариники 3,82 %

ёғли, 3000-3120 кг),, учинчи марта туққанлари 4,1-4,2% ёғли, 2600-3750 кг (оналариники 3,9% ёғли, 3200-3370 кг), сут берганлар. Дурагайларни тана тузилиши, елинининг ривожланиши яхшиланган.

Бу борадаги илмий –ишлаб чиқариш ишлари давом эттирилади.



36-расм. 1/2 Қизил чўл х 1/2 Голштин қизил-ола II-морта туққан-сигир

Англер зоти – дунёдаги машҳур сут йўналишидаги зот. Молларнинг туси-жигар ранг –қизғиш, уларнинг


тўқ ва оч ранглари ҳам мавжуд. Тана тузилиши ихтисослашган сут йўналишидаги молларга хос. Боши енгил ва энсиз, бўйни узун ва ингичка, нозик ва майда бурмали, орқа қисми торроқ, оёқлари тўғри қўйилган, елини яхши ривожланган. Елининг тери заҳираси катта, сўрғичлари кенг жойлашган, сут қудуқчаси ва веналари аниқ шаклланган. Сигирларнинг тирик вазни 480-550 кг, буқаларники 850-900 кг. Вояга етган сигирлардан ёғлилиги 4,2-4,4% ли 4000-5000 кг сут соғиб олинади.

Ўзбекистонга англер зотли моллар 1955-60 йилларда келтирила бошланган. Ҳозирги пайтда бу зотдан қизил чўл молини “яхшиловчи” зот сифатида фойдаланилмоқда.


Дания қизил зоти – кўп мамлакатларда тарқалган мол. Ўзбекистонда қизил молларни такомиллаштириш мақсадида 1956 йилдан бошлаб Дания қизил зотли буқалардан фойдаланилмоқда. Улардан олинган дурагай молларнинг маҳсулдорлиги йил сайин кўпайиб, тана тузилиши яхшиланган.

Дания қизил зотли моллар сут етиштиришга ихтисослашган йўналишда, мустаҳкам конституцияли, қизил тусда, йилига ҳар бир сизгирдан ёғлилиги 4,1-4,3% ли 4800-5000, рекордчилардан – 13 минг кг сут соғиб олинган. Сизгирларнинг тирик вазни 550-650, буқаларники 1000-1300 кг, сўйим чиқими 55-58%.

Болтиқ бўйи қизил зотлар. Бу зотлар гуруҳига Латвия қўнғир, қизил Литва ва қизил Эстония зотлари киради. Уларнинг келиб чиқиши, яратилиши услуби, тана тузилиши,




38-расм. Эстония қизил зотли сизгир.




37-расм Латвий қўнғир зотли сизгир.

маҳсулдорлик ва биологик хусусиятлари бир-бирига жуда яқин. Болтиқ бўйи қизил зот моллар қизил тусда, конституцияси мустаҳкам. Боши, бўйни ва оёқлари кўпинча қизғиш-жигар рангда.



40-расм.

Бушует зотидан бўлаган Неверная лақабли сизгир. Иккинчи соғин даврида 4,2% ёғи бўлаган 2476 кг сут берган. Сиздарё области Гулистон районидagi „Октябрь“ колхозига қарашли.



39-расм. Литва қизил зотли сигир.

косасимон шаклда, сўрғичлар тўғри жойлашган, териси юпка.

3


40-расм. Бушуев зотидан бўлган Неверная лақабли сигир. Иккинчи соғин даврида 4,2% ёғи бўлган 2476 кг сут берган. Сирдарё области Гулистон районидаги “Октябрь” колхозига қарашли.

отлар асосан, сут йўналишида. Бўйни ингичка, елка ва бели тўғри, елини

Сигирлар вазни 460-520 кг, буқаларники 850-900 кг. Вояга етган сигирлардан йилига ёғлилиги 3,8-4,1%ли 3200-4000 кг, юқори маҳсулдорлиларидан 8-10 минг кг сут соғилади. Ўрта Осиёга шу жумладан Ўзбекистонга ҳам бу моллар кўплаб келтирилган, хўжаликларда қизил чўл зотли моллар билан биргаликда сақланади ва урчитилади. Икки ва уч зот қатнашган дурагайлардан соф зотли сигирларга қараганда 512 кг (22,5%), сут кўп соғиб олинган Ўзбекистонда ушбу зотлар англер зоти билан яхшиланмоқда.

Бушуев зоти – Сирдарё вилоятида районлаштирилган, (40-расм),. Мирзачўлнинг табиий-иқлим шароитига яхши мослашган моллар тана тузилиши бўйича сут йўналишида, уларнинг танаси оқ, қулоқлар супраси ва кўзининг атрофи қора. Жунлари оқ рангда бўлса-да, терисининг баъзи жойларида қора тусдаги доғлар мавжуд. Конституцияси мустаҳкам, бўйи ўртача баландликда. Янги туғилган бузоқларнинг тирик вазни 22-25 кг, 6 ойлигида 100-110 кг, 12 ойлигида 180-200, 18 ойлигида- 300-330 кг келади. Сигирларнинг ўртача вазни 380-450 кг, буқаларники 750-850 кг. Уларнинг гўшт маҳсулдорлиги қониқарли. Гўштга боқилган новвосларнинг ўртача кунлик ўсиши 750-800 грамм, бўрдоқиланган новвослар 18 ойлигида 420-450 кг га етади, сўйим чиқими 53-57%.

Сигирларнинг йилига ўртача сут соғими-ёғлилиги 3,9-4,1% ли 2000-2500 кг ни ташкил қилади. Маҳсулдор сигирлардан йилига 3000-4000 кг дан сут соғиб олинган. Қон-паразит касалликларига чидамли. Ҳозир ушбу зотли моллар сони кескин камайиб, генофонд ҳолатига келган.



41-расм. Маҳаллий зебусимон буқа.

Маҳаллий зебусимон моллар – ҳозир ҳам аҳолининг шахсий хўжаликларида боқилади, улар асосан сут йўналишидадир. Бу қорамол қуйидаги қимматли биологик хусусиятларга эга: кескин континентал иқлимга мослашган, сақлаш ва

озиқлантириш шароитларига, тейлериоз ва пироплазмоздек қон-паразити касалликларига чидамли, кўп насл беради, сутидаги ёғ фоизи анча юқори (5,0 фоизгача),.

Зебусимон молларнинг бундай хусусиятлари аҳолининг шахсий хўжаликлардаги ҳар хил экстенсив шароитларга ҳам мос келади ва оилага етарли миқдорда сифатли сут беради.


Молларнинг туси қора, қизил-ола, толғир, қўнғир ва бошқа тусдагилари ҳам учраб туради. Бу моллар кичик, паст бўйли ва танаси энсиз. Елини, сўргичлари кичкина.

Янги туғилган бузоқларнинг тирик вазни 14-16, 6 ойлигида 65-70, 24 ойлигида 175-200 килограмм.

Вояга етган сигирларнинг тирик вазни 240-280, буқаларники 400-450 килограмм, гўшт маҳсулдорлиги паст. Сигирлардан йилига ўртача ёғлилиги 4,0-5,0 фоизли 800-1300, айримларидан 2000 килограммгача сут соғиб олинади.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

Қўш маҳсулдорли зотлар. Бу гуруҳга швиц, олатов, кострома, симментал қизил горбатов, лебедин, кавказ қўнғир ва бошқа зотлар киради. Ўзбекистонда фақат швиц зоти урчитилади, холос. У Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар тоғолди худудларида районлаштирилган.




42-расм. Швиц зотли сийир.

килограммга етади.

Туси аосан қўнғир. Молларнинг сут маҳсулдорлиги – ёғлилиги 3,7-3,8 фоизли 2800-3800 килограммни ташкил қилади. Сигирларнинг тирик вазни 500-550, буқаларники - 1000 килограмм, сўйим чиқими 57- 58%.

Републикамизда асосан швицлаштирилган қорамол урчитилади. Дурагай сигирлар йилига ёғлилиги 3,8-3,9% ли 3100-3350 килограмм сут беради. Сермахсул сигирлар сут соғими йилига 8-10 минг



43-расм. Қозоқи оқ бош зотли буқа.

оқ рангда, суяклари мустаҳкам, танаси кенг, мускуллар билан яхши тўлишган.

Гўштдор зотлар гуруҳига абердин-ангусс, галловей, герефорд, қозоқи оқ бош, қолмик, лимузин, санта-гертруда, шароле, шортгорн ва бошқалар киради.

Қозоқи оқ бош моллар табиий яйловлардан унумли фойдаланиш ҳамда кескин континентал иқлим шароитига мосланиш хусусиятига эга,

Туси қизил. Боши, тананинг қорин ости қисми, оёқлари ва думининг тўпиқ қисми

Янги туғилган бузоқларнинг вазни 27-30, 8 ойлигида 220-240 килограммга етади. Сигирлар вазни 500-550, буқаларники 800-900 килограмм. Сўйим чийими 60-62 фоиз. Молларнинг гўштдорлик сифати яхши.


Санта- гертруда зоти Ўзбекистонга 1967 йили келтирилган.

Молларни туси, асосан, қора қизил, қизғиш ранглари ҳам учрайди. Янги туғилган


бузоқларнинг вазни 29-30, 8 ойлигида 220-240 килограмм. Сигирларнинг вазни 550-600, буқаларники 900-1200 килограмм. Яхши гўшtdорлик хусусиятига эга. Сўйим чиқими 60-66 фоиз.

Санта-гертруда моллари Жиззах вилоятидаги “Бахмал” хўжалигининг тоғ олди табиий иқлими шароитига яхши мослашган.

Иқлим шароити иссиқ бўлган



45-расм. Абердин-ангусс зотли буқа.



44-расм. Санта-гертруда зотли буқа.

минтақаларда Санта-гертруда зотини соф ҳолда учратиш ва маҳаллий мол билан чатиштириш яхши натижа беради.

Абердин–ангусс зоти Ўзбекистонга 1955-1957 йилларда келтирилган.

Гўшtdор қорамол ичида энг тез етилувчан ва энг сифатли

гўшт берадиган зот ҳисобланади. Туси асосан қора, моллар тўқол (шоҳсиз). Оёқлари калта, калласи енгил, бўйни кенг ва қисқа танаси тўртбурчак гўшtdорлик шаклида.

Бузоқлар туғилганида 24-27, 8 ойлигида 190-210 килограммга етади. Сигирлар 500-550, буқалар 650-700 килограмм тош босади. Бўрдоқи молларнинг сўйим чиқими 65-70 фоиз. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1000-1500 килограмм. Бошқа зотлар билан чатиштирилганда гўшtdнинг сифати тезда яхшиланади.

Чорвачиликда наслчилик ишлари

Зот тўғрисида умумий тушунча

Чорва моллари ва паррандаларнинг келиб чиқиши, конституцияси, экстеръери, хўжалик ва маҳсулот йўналишига кўра бир хил бўлган ва ўз хусусиятларини наслига бера оладиган гуруҳ зот дейилади. Барча зотларнинг бу хусусиятини асосан наслчилик ишлари билан бошқариб борилади.

Зотларни бир-бири билан боғлиқ бўлган 4 гуруҳга (қадимги, ҳаммабоп, яхшиланган ва маҳаллий зотларга), бўладилар. Лекин ҳозирги вақтда наслчилик ишлари юқори

даражада ривожланганлигига кўра зотлар 3 гуруҳга, (маҳаллий, маданийлаштирилган ва оралиқ ёки яхшиланаётган зотларга), бўлинади.

Маданий зотлар асосан табиий танланиш асосида, узоқ йиллар мобайнидаги “онгсиз” танлаш ва тубан, экстенсив усулда олиб борилган чатиштириш ишлари натижасида вужудга келган. Лекин улар чидамли, ташқи муҳит шароитига яхши мослашган, мустақил конституцияли, ҳаммабоп, лекин кеч етилувчан ва маҳсулдорлиги паст бўлган вакиллардан ташкил топган.

Маданийлаштирилган зотлар маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларни экстеръери, конституцияси, маҳсулот йўналиши, келиб чиқиши, ирсий белгилари асосида танлаш, саралаш ишларини жадал олиб бориш натижасида яратилган гуруҳ ҳисобланади. Маданий зотлар ирсий белгилари ва маҳсулдорлигига кўра бошқа зот гуруҳларидан анча устун туради. Бундай зотларнинг таркибий қисми бир-бири билан тизимларидан, урғочи вакиллариининг кўплаб оилаларидан ва махсус хилларидан ташкил топган бўлади.

Оралиқ зотлар асосан маҳаллий ва маданийлаштирилган зотлар ўртасида бўлиб, уларнинг юқори кўрсаткичларга эга бўлган айрим вакиллари билангина наслчилик ишлари олиб борилади.

Чорва молларининг зотлари асосий маҳсулот йўналишига кўра, маълум гуруҳ ёки вакилларга бўлинади. Масалан, қорамоллар сут, гўшт, гўшт-сут, сут-гўшт учун боқиладилар, чўчқалар – гўшт, гўшт-ёғ ва ёғ учун боқиладилар. Отлар – салт миниладиган, енгил, аравага қўшиладиган ва оғир юк тортувчиларга бўлинади.

Зотларни районлаштириш

Чорва молларини маҳсулот йўналиши ва зотларига кўра районлаштириш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Бунда барча зот ва тур ҳайвонлари, улардан етиштириладиган маҳсулот турлари ва унинг миқдорига кўра мамлакатларимизнинг турли табиий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш минтақалар ҳамда туманларида кўпайтириш, боқиш ва маҳсулдорлигини ошириш ишлари бажарилади.

Зотларни районлаштиришда ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шароити, аҳолининг зич ёки сийрак жойлашганлиги, саноат корхоналарининг оз-кўплиги ҳисобга олинади. Шаҳарлар атрофида ва ишлаб чиқариш марказларига яқин жойларда сут чорвачилиги, чўл ва дашт минтақаларда, узоқ яйловларда гўшtdор қорамолчилилик ривожлантирилади. Чунки шаҳар аҳолисини сут ва сут маҳсулоти билан таъминлашда яқин фермер ва аҳоли хўжаликлари анча қулай ҳисобланади.

Кум, дашт ва чўл туманларда қорамолчилик ривожланади.

Республикаимизнинг Тошкент, Сирдарё вилоятларида сут йўналишидаги қора-ола, бушуев, Фарғона водийсида – швиц, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро,

Навоий вилоятларида - қизил чўл зоти районлаштирилган.

Чорвачиликда наслчилик ишлари

Чорвачиликда утказиладиган наслчилик ишларининг асосий максоди молларнинг махсулдорлигини ошириш, бунинг учун уларни зотдорлигини яхшилаш, тез етилувчан, вазндор, серпушт, касалликларга чидамли молларга эга булишдан иборат. Наслчилик ишларининг самараси юкори булиши учун хужаликда танлаш ва саралаш ишлари юкори савияда куйилиши талаб этилади, бунинг учун эса молларни келиб чикиши, уларни усиши ва ривожланиши, махсулдорлиги, серпуштлиги ва хоказолар тугрисида аник маълумотлар булмоки зарур, шундагина уларни комплекс бахолаш, яъни бонитировкани утказиш имкони тугдирилади.

Моллар сифатини нисбатан киска вақтда яхшилашда сунъий кочириш усулидан кенг микесда фойдаланиш муҳим омиллардан биридир. Махсулдорликни ошириш максодида чорвачиликда чатиштиришнинг ҳар хил усулларида фойдаланилади.

Наслчилик ишлари самараси юкори булиши учун хужаликда моллар нормалаштирилган тарзда озиклантирилмоки талаб этилади, бунинг учун хужаликнинг озукавий базаси мустаҳкам булмоки лозим.

Чорвачиликда янги зотни яратиш ва мавжуд зотларни такомиллаштириш, уларни айрим хужалик-биологик хусусиятларини яхшилаш максодида танлаш ишларини тугри олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Танлаш тадбири молларнинг усиши ва ривожланишига, конституциясига, махсулдорлигига, ирсий хусусиятларни наслига утказиш хусусиятларига караб утказилади.

Чорвачиликда 2 хил танлаш мавжуд: ялпи ва яккама-якка. Ялпи танлаш моллар усиши ва ривожланиши, конституцияси, махсулдорлигига караб, яккама-якка танлаш эса уларнинг ирсий хусусиятларни ҳам эътиборга олинган ҳолда утказилади.

Танлаш утказилгандан сунг, олинган маълумотлар асосида моллар сараланади, яъни эркак ва она молларни жуфтлаштириш тадбири амалга оширилади. Саралаш усули билан молларда яхши хужалик-биологик хусусиятлар мустаҳкамланади. Саралаш самарали булиши учун тадбир белгиланган тарзда утказилиши лозим: масалан, махсулдор она моллар курсаткичлари буйича улардан юкорирок булган эркак моллар сараланади. Ялпи танлаш ва саралаш усулларида якин кариндош моллар узаро жуфтлаштирилмайди, чунки бунда заиф ва сифатсиз авлод пайдо булиши мумкин. Лекин юкори малакали мутахассис молларни айрим хусусиятларини яхшилаш учун якин кариндошлик урчитишни ҳам куллаши мумкин.

Моллар бонитировкаси

Молларни ирсий, конституционал белгилари, махсулдорлиги, серпуштлиги, яъни комплекс равишда баҳолаш бонитировка тадбири асосида утказилади. Бонитировкани зотни яхши биладиган зоотехник утказади.

Бонитировка йилнинг озукавий жихатдан яхши булган ойларида, (республикамиз шароитида сентябр-октябр),, утказилади. Бунинг учун аввало зоотехникавий хисоботлар, молларни келиб чиқиши, усиши ва ривожланиши, махсулдорлиги тугрисидаги маълумотлар тартибга солинади.

Қабул қилинган қоидалар бўйича молларнинг наслдорлик қиммати бир қанча белгилар йиғиндиси, масалан, сигирлар сўт махсулдорлиги, тирик вазни, экстерьерига қараб, қочирувчи- буқалар келиб чиқиши, вазни, экстерьер ва авлодининг сифатига қараб; еш моллар келиб чиқиши, вазни, экстерьерига қараб баҳоланади.

Сержун зот қўйлар жуннинг сифати ва миқдори, вазнига, экстерьерига, қучқорлар эса жуннинг сифати, экстерьер, тирик вазни ҳамда авлодининг сифатига қараб баҳоланади. Қорақул тери берадиган зот қўйлар қузилик вақтида терисининг сифати, вояга етганда эса экстерьер, тирик вазни ва бошқа белгиларга қараб баҳоланади.

Серпуштлиқ, тез етилувчанлик, серсўтлиқ, экстерьер ва тирик вазн қучқаларни баҳолашнинг асосий қўрсаткичлари ҳисобланади.

Хайвонларнинг келиб чиқиши, махсулдорлиги, тирик вазни ва экстерьерига берилган баҳога асосланиб, ҳар бир хайвон маълум бир синфга белгиланади. Масалан, қизил қўл зотли вояга етган сигир 1 синф бўлиши учун 305 кун давом этган соғим даврида еғилиги 3,7 % бўлган 3000 кг сўт бериши лозим.

Қўйлар, қучқалар ва отлар учун элита, қорамол учун элита-рекорд энг юқори синф элита, биринчи ва иккинчи синфдан ташқарилар паст синф ҳисобланади.

Еш моллар учун тирик вазн стандартлари жинсига ва ешига қараб синфга белгиланади.

Майин жунли қўйларни бонитировка қилишда уларнинг синфи жуннинг сифатига қараб белгиланади. Яхши, узун ва қалин, жунли, матлуб хилдаги қўйлар биринчи синфга; қалин, аммо қалта жунли қўйлар иккинчи синфга; узун, лекин бироз сийрак жунли қўйлар учинчи синфга қиритилади.

Хужаликдаги барча наслдор моллар ҳар йили бонитировка қилинади. Бонитировка бошланишидан олдин барча молларнинг инвентар номерлари текширилади, йўқолган номерлар қайта тикланади, шундан сўнг моллар тарозида тортилиб, уларнинг тирик вазни аниқланади. Молларнинг синфлари аниқлангандан сўнг улар гуруҳларга бўлинади; бунда моллардан насл олинадиган, хужаликда қелғусида фойдаланиладиган, четга сотиладиган ва бурдоқига боқилиб подадан чиқариладиганлар. Гуруҳларга асосланиб молларнинг наслчилиқ мағизи белгиланади, қелғусида бу гуруҳдаги моллар билан асосий наслчилиқ иши утказилади. Масалан,

рекордчи сигирлар орасида энг яхшиларидаи пода учун букалар етиштириш белгиланади.

Бонитировка якуни билан танлаш ва саралаш тадбири утказилади, яъни синфи буйича энг яхши она молларни энг яхши эркак моллар билан кочириш режаси тузилади.

Зоотехника хисоботи

Чорвачилик хужаликларида молларни келиб чиқиши, махсулдорлиги, авлодининг сифати ва хоказолар буйича белгиланган шакллар асосида мнтазам равишда зоотехника хисобот олиб борилмоки лозим. Ана шу хисоботлар канчалик тугри олиб борилса, чорвадорда моллар тугрисида аник маълумот булади ва у, айникса, наслчилик ишларини режали равишда, муваффакиятли олиб боришига имкон тугдирилади.

Молларни хисобга олиш турларидан бири уларга белги куйиш хисобланади. Уларни кулогига халка такиш хисобга олишнинг энг кулай усулидир. Одатда куйлар ва корамол кулогига халка такилади. Чучка ва корамол купинча кулогига ракам уйиб босиш йули билан тамгаланади, улар махсус кискичлар ердамида босилади.

Корамол шохига ракамларни киздириб босиш йули ҳам кулланилади.

Лекин бу ракамлар молда умрбод сакланмайди; кулоктаги халкалар йуколади, кулок ва шохларга уйиб босилган белгилар урни ушиб билинмай колади. Шунинг учун моллар ракамини вакти-вакти билан текшириб ва янгилаб туриш лозим.

Молларни урчитиш усуллари

Чорвачиликда молларни ва паррандани урчитиш асосан уч хил усулда олиб борилади: 1), соф зотли урчитиш; 2), зотларни чатиштириш; 3), турлараро чатиштириш ёки гибридлаш.

Соф зотли урчитишда моллар бир хил зотга мансуб бўлади. Бу усул молларни махсулдорлигини ошириш учун ҳамда зотни янада такомиллаштириш учун қўлланилади.

Майин жунли меринос зотли қўйлар, араби зот отлар, қорақўл қўйлар соф зотли урчитиш асосида яратилган.

Соф зотли урчитишда яқин қариндош моллардан ҳам фойдаланилади, бу усулга **инбридинг** дейилади. Уни авлод қимматли моллар наслини саклаб қолиш, керакли хусусиятни яхшилаш мақсадида қўллайдилар. Лекин инбридингнинг салбий томонлари ҳам бор. Яқин қариндошлик урчитиш натижасида серпуштликнинг

пасайиши, конституцияни кучсизланиши ва наслни кичикланиши рўй бериши маълум, шунинг учун ҳам бу усулдан кенг фойдаланиб бўлмайди.

Яқин қариндошлик урчитишга ҳамма тур моллар мослашган эмас. Ундан айниқса кучли равишда отлар ва чўчқалар, камроқ – қорамол ва қўйлар қийналадилар.

Ҳар бир наслчилик хўжаликда молларнинг тизими мавжуддир. Улар айрим хусусиятлар – маҳсулдорлиги, экстерьер, серпуштлиги ва ҳоказолар бўйича бири-бирига ўхшаш энг яхши уруғбошидан бўлган сермахсул эркак моллар гуруҳидир. Тизим маълум эркак вакилининг лақаби билан аталади. Масалан, Ўзбекистонда урчитилаётган қизил чўл зотида машҳур бўлган Бенц-Удалой, Премьер, Андалуз қочирувчи – буқалар тизимлари ишлаган.

Хўжаликда она молларнинг оилалари мавжуд бўлади. Оила ҳар бир асл урғочи (сигир, бия, чўчқа, қўй), вакилидан тарқалган урғочи моллар гуруҳидир. Оиланинг сермахсул вакиллари танлаш тадбирларида яқиндан ишлатилади.

Чатиштиришда ҳар хил зотларга мансуб моллар урчитилади. Қариндош бўлмаган, ҳар хили шароитда ўстирилган молларни урчитиб уларнинг ҳаётчанлигини кучайтириш, мустаҳкамлигини, чидамлилигини ва маҳсулдорлигини ошириш ҳодисаси **гетерозис** деб номланади. Хўжалик олдида қўйилган вазифаларга, ҳамда чатиштиришда қатнашаётган молларнинг сифатига ва зотига қараб чатиштириш **саноат, галма-гал, қон сингдириш, қон қўйиш** турларга бўлинади.

Санот асосида чатиштиришда биринчи бўғин дурагайларда гетерозис хусусиятидан тўла фойдаланиш учун икки хил зот урчтилади. Олинган дурагайлар насл учун қолдирилмайди, чунки кейинги авлодларда гетерозис ҳодисаси суст такрорланади. Бу усул кўпроқ гўшт етиштириш мақсадида қўлланилади. Жумладан, санта-гертруда гўштдор зот буқалари билан гўштдорлик хусусиятларини яхшилаш учун қизил чўл зотли сигирлар қочирилиб, дурагайларда гўштдорлик яхшиланди.

Чўчқачилик ва паррандачиликда саноат чатиштиришнинг юқори шакли бўлган тизимлараро гибридизация катта иқтисодий самара беради.

Галма-гал чатиштириш фақат товар хўжаликларда қўлланилади ва молларни ҳаётчанлигини ошириш ва маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради. Бундай чатиштиришда иккита ёки ундан ҳам кўпроқ зотлар қатнашиши мумкин. Бир марта чатиштиришдан олинган дурагай урғочи молларнинг яхшилари яна бир зотнинг соф зотли эркакларидан қочирилиб, дурагай мол олинади. Бу усулдан фақат товар фермаларида қўлланилиб, наслчилик хўжаликларда фойдаланилмайди.

Қон сингдириш. Бу усул урчитилаётган зот бошқа зотлар билан чатиштирилиб, унинг асосий хусусиятлари тубдан ўзгартирилади. Натижада олинган дурагайларнинг биринчи бўғинидаги эркак моллар гўштга топширилади, урғочилари эса яхшиловчи зот эркаклари билан яна чатиштирилиб, иккинчи поғона авлод олинади. Уларнинг қонида яхшиловчи зотнинг қони $\frac{3}{4}$, учинчи поғонада $\frac{7}{8}$ ҳиссани ташкил этади.

Қон қуйиш усулида чатиштиришда асосан бирор зотнинг асосий хусусиятлари ўзгартирмаган ҳолда сақланади. Фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланилади. Бунда яхшиланувчи зот яхшиловчи зот билан бир марта чатиштирилади.

Қайта такрор ишлаб чиқариш ёки завод усули. Бунда иккита ёки ундан кўпроқ зотлар ўзаро чатиштирилади, - асосий мақсад зотларнинг яхши хусусиятларини мужассамлантириб, янги зот барпо этишдир. Чатиштиришда иккита зот қатнашса – оддий, бир неча зот қатнашса – **мураккаб чатиштириш** дейилади. Олинган дурагайларга яхши озиқлантириш ва асраш шароитлари яратилмоқи лозим.

Турлараро чатиштириш (гибридлаш),. Чорвачиликда гибридизация деб ҳар хил турдаги молларни чатиштириш ходисасига айтадилар. Гибридлаш усули фойдаланувчи молларни олиш учун қўлланилади. Бу усулнинг салбий томони шундаки айрим тур молларни чатиштиришдан олинган гибридлар бутунлай ёки қисман пуштсиз бўладилар. “Аскания – Нова” кўрикхонасида ўтказилган илмий-ишлаб чиқариш тажрибаларда (бантенг х қорамол, зебу х бантенг), узоқ гибридларда сперматогенез (уруғ ҳосил бўлиш жараёни), бузилади. От ва куланларнинг гибридларида сперматогенез умуман йўқ; бантенг – уларда биринчи тартибдаги сперматитлар ҳосил бўлади, мулларда – ундан ҳам эртароқ босқичда якунланади.

Пуштли гибридларнинг барчасида (қорамол х зебу, муфлон х уй қўйи, бир ўрқачли туя х икки ўрқачли туя), сперматогенез нормал ҳолда ўтган, яъни актив, ҳаётчан спермиялар (уруғ), ҳосил бўлган.

Қорамол билан қўтос ўзаро чатишадилар, лекин гибридларнинг эркаклари бепуштирлар; урғочи – гибридлардан эса қочиришда фойдаланилган буқалардан яна фойдаланилса насл олинади. Қўтос ва қорамол гибридлари чидамлилиги, кўп яшашлиги, совуққа чидамлилиги ва сутдорлиги, (қўтос билан таққослаганда), билан ажралади.

Қорамол билан зебунинг гибридлари пуштлилар. Зебусимон сигирларнинг соғими 2480 кг, сутнинг ёғлилиги 4,97% га етади. Зебусимон мол қон-паразит касаллигига, (пираплазмоз), чидамли.

Ўзбекистонда XX асрнинг 40-50- йилларида маҳаллий зебусимон моллар завод зотли буқалар билан қочирилиб яхшиланган.

Ёввойи ва уй чўчқасини чатиштириб насл олиш қийин эмас, лекин гибридлар хўжалик аҳамиятига эга эмас.

Молларда гибридизация ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда.

Молларни урчитиш техникаси

Подани қайта (такрор), ишлаб чиқариш деганда подадан чиқарилган ва сотилган моллар ўрнини бошқа белгиланган мақсаддаги моллар билан тўлдириб, уларнинг бош сонини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи сифатли яхшилаш, уни таннархини камайтириш ва самарадорлигини ошириш тушунилади. Бунинг ремонтбоп урғочи моллар вақтида қочирилиши, она молларнинг қисирлигини йўқотиш, олинган наслни тўлиқ сақлаш, паст маҳсулдор молларни подадан четлаштириш, чорвачилик маҳсулотларини контенсиив равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилишдек тадбирлар амалга ошириши лозим. Подада қайта (такрор), ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун молларни физиологик ва жинсий етилиши, куйга келиш, тухум хужайрасининг етилиши, жинсий даврлар қайталаниши, биринчи марта қочириш вақтини аниқлаш, уни ташкил қилиш усуллари, молларни бўғозлик даври, улардан наслий ва хўжалик жиҳатдан фойдаланиш ва бошқа омиллар эътиборга олиниши керак.

Молларни физиологик ва жинсий етилиши

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитишда уларнинг физиологик ва жинсий жиҳатдан етилиш вақти эътиборга олинади. Физиологик етилиш пайтида молларнинг ўсиши якунлана бошлайди ва улар энг кўп маҳсулот бера бошлайди. Қорамолда бу давр 5-6 ёшида, қўйларда 3-4 ёшда, чўчқаларда 2-3 ёшда, отларда 6-7 ёшда рўй беради.

Молларнинг батамом ривожланиб етилишдан анча олдин улар жинсий жиҳатдан вояга етади. Яхши боқилган қорамол тахминан 6 ойлигида, чўчқалар 5-6 ойлигида, қўйлар 6-8 ойлигида, отлар – бир ярим яшар бўлганда қочириш қобилиятига эгадирлар. Шунинг учун ҳам молларнинг эркаклари урғочиларидан бу даврда ажратиб сақлашлари лозим. Моллар қониқарсиз боқилса жинсий жиҳатдан кечроқ етиладилар. Ҳали ўсиш жараёни тугалланмаган ёш молларни эрта қочириш уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, чунки она қорнидаги бола молнинг ўсиши учун зарур бўлган озиқ моддалардан фойдаланади.

Молларни анча кеч қочириш иқтисодий жиҳатдан бефойдадир, чунки бунда келгуси маҳсулдорлиги ва бола бериш даражаси пасаяди.

Шунинг учун ҳам ҳар хил тур молларни биринчи марта қочиришнинг қуйидаги мақбул муддатлари белгиланган.

Биринчи марта қочириш вақтидаги ёши

Қорамол: буқачалар – 14-16 ойлигида

таналар – 16-18 ойлигида.

Отлар: айғирлар – 3-4 ёшда

байталлар – 3-4 ёшда.

Қўйлар: қўчқорлар – 1,5 ёшида

урғочи қўйлар – 1,0-1,5 ёшида.

Чўчқалар: эркак чўчқалар – 10-12 ойлигида

урғочи чўчқалар – 8-10 ойлигида.

(М.Ф. Томмэ, Е.А.Новиков, 1966),.

Юқорида келтирилган муддатлар тахминийдир, уларни молларни яхши парвариш этиб қисқартирса ҳам бўлади.

Жинсий майл

Жинсий жиҳатдан етилган, нормал ривожланган эркак ҳайвонлар ҳар доим жинсий фаолиятга қобилятли бўлади.

Урғочи ҳайвонларда вақти-вақти билан тухум ҳужайралари етилгандан кейин жинсий майл пайдо бўлади. Тухум ҳужайраси етилган, жинсий органлари қочиришга тайёр бўлган урғочи молларни уруғланиши мумкин. Жинсий майл пайдо бўлиши муддатлари ҳар хил урғочи молларда турлича бўлади. Масалан, сигирларда жинсий майл ҳар 18-25 кунда такрорланиб туради. Қўйларда жинсий майл фақат кузда бўлади ва фақат бу даврда уларни қочириш мумкин.

Урғочи молларга нерв фаолиятининг кучайиши билан боғлиқ бўлган жинсий майллик молларнинг безовта бўлиши, ташқи жинсий органларининг ўзгариши, улардан шилимшиқ моддалар ажралиб чиқиши намоён бўлади. Бу даврда, масалан, сигирлар сутини камайтирадилар. Урғочи молларда жинсий майл пайдо бўлишини аниқлаш учун уларнинг олдида эркак ҳайвонни яқинлаштириш йўли билан билиш мумкин. Жинсий майлдаги урғочи мол эркак ҳайвоннинг ҳаракатига қаршилиқ қилмайди, яъни бундай ҳолатдаги сигирлар бошқа молларга йирғийдилар.

Семизлиги норма ҳолатдаги урғочи молларнинг жинсий майли яққол кўриниб туради, озғинларида эса у кам сезилади.

Жинсий майлнинг молларда давом этиш муддатлари қуйидагича: сигирларда 24-36 соат, қўйларжа 24-36 соат, чўчқаларларда 36-48 соат, байтолларда 5-7 кун.

Тухум ҳужайраси тухумдондан ажралиб чиққандан кейин унинг уруғлана олиш

қобилияти фақат бир неча соат, (4-8 соат), давом этади. Шунинг учун ҳам жинсий майлга келган мол ўз вақтида қочирилиши керак.

Жинсий майл содир бўлганидан сўнг молни қайси вақтда қочиришни билиш катта аҳамиятга эга. Масалан, сигирларни жинсий майл бошланганидан сўнг 12 соат ўтказ ва иккинчи марта ҳам 12 соат ўтгандан сўнг қочирилади, яъни бир жинсий майлда сигир икки марта қочирилади. Шунда қочириш самарадорлиги 85-90 фоизга яқинлашади.

Молларнинг жинсий майли қайта пайдо бўлиш муддатлари қуйидагича: сигирларда – 18-25 кундан кейин, қўйларда – 14-21 кундан сўнг, чўчқаларда – 14-18 кундан, бияларда – 15 -20 кундан кейин.

Қочириш усуллари

Чорвачиликда табиий (эркин, қўлда қочириш) ва сунъий қочириш қўлланилади.

Эркин қочирувчи эркак мол она моллар билан бирга сақланади ва улар жинсий майлда бўлган ҳолатда қочиради. Лекин бунда моллар орасида инфекцион касалликлар тарқалиши мумкин. Ундан ташқари, подада бир неча эркак қочирувчи мол бўлса, урғочиларни қайси эрқаки қочирганини билиш ва наслини келиб чиқишини аниқ билиш, саралаш тадбирларини ўтказиш қийин.

Эркин ҳолда қочириш усулининг камчилиги кўп. Эркак қочирувчи моллар тез куч-қувватдан қолади, урғочи молларни қочганлиги тўғрисида аниқ маълумот бўлмайди, ирғиш пайтида майда урғочи моллар шикастланиши мумкин.

Эркин ҳолда қочириш усулидан йилқичиликда, отлар уюрида кенг фойдаланилади, бунда 20-30 байтол орасига битта айғир қўйиб юборилади.

Қўлда қочирганда қочирувчи эркак мол она моллардан айрим сақланади. Қочиришни эса қўтонда ёки белгиланган майдонда амалга оширадилар. Жинсий майлдаги сигирларни дастгоҳга киритиб қочириш яхши самара беради.

Қўлда қочиришнинг камчиликлари – насл олинадиган эркак ҳайвонлардан фойдаланиш чегараланиб қўйилганлиги ҳамда уруғ сифатини аниқлашнинг имконияти йўқлиги.

22-жадвал

Эркак ҳайвонлар учун қочириш нормалари, (бир йилда),

(М.Ф.Томмэ, Е.А.Новиков маълумтолари, 1966),

Эркак хайвон	Эркин ҳолда қочириш	Қўлда қочириш	Сунъий уруғлантирилганда	
			Ўртача	Кўпи билан
Буқа	30-40	60-80	200-250	20000
Кўчқор	30-40	80-100	300-400	18000
Айғир	20-25	50-60	150-200	-
Чўчка	-	20-30	-	-

ҚОРАМОЛ БОҚИШ, АСРАШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Ташки муҳит ва ҳужаликда олиб бориладиган наслчилик ишлари таъсирида молларнинг танаси, ирсий сифатлари ва махсулдорлиги узгаради. Кишлоқ ҳужалик хайвонларини урчитишда уларни асраш ва боқиш шароитини одамзот яратади, ана шунинг учун ҳам бу омилларнинг хайвонлар ирсий ва махсулдорлик сифатлари тараккиётига курсатадиган таъсирини тартибга солиб туриш мумкин. Боқиш даражаси ва унинг типи хайвонларнинг усиш тезлигига ва уларнинг махсулдорлигига купрок таъсир курсатади.

Ем-хашак таркибидаги озик моддалар ва витаминлардан хайвонлар ҳаётӣ омилларини (нафас олиш, кон айланиш, овкат хазм килиш, нерв системасининг фаолияти ва бошқаларни), нормал йулга солиш, шунингдек, махсулотни (сут, гўшт, мойни), купайтириш учун фойдаланилади. Хайвонларнинг нормал овкат хазм килишлари учун, шунингдек, нерв туқималари, ички секреция безлари ва хоказо органлар фаолияти нормал ҳолда бориши учун минерал моддалар керак булади. Минерал моддалар организмдаги моддалар алмашинувининг мураккаб жараёнида иштирок этиб, хайвоннинг бутун органлари ва туқималари таркибига киради.

Қорамолларнинг кавш кайтарувчи хайвонлар сифатидаги узига хос хусусияти овкат хазм килиш апаратининг катта ҳажмли ширали емлар (силос, илдизмева), ва хашакларни ейишга ва хазм кила олишга мослашганлигидан иборат. Бунда ем-хашакнинг асосий қисми микроорганизмлар таъсирида кичик коринда хазм килинади. Кавш кайтарувчи хайвонлар катта коринда доимий микрофлора булиши организмнинг кийин хазм килинадиган ем-хашаклардан фойдаланиши учун катта аҳамиятга эга. Корин сикмасидаги мавжуд бактериялар ем-хашакдаги азотли бирикмалар (амидлар),дан фойдаланиб, уларни оксилга айлантиради ва бу билан хайвон

организмига тушадиган оксил микдорининг купайишига имкон беради.

Хайвонларнинг ем-хашакка буладиган эҳтиёжи, уларнинг зот хусусиятларига, тирик вазнига, махсулдорлигига, физиологик ҳолатига, шунингдек ҳаво ҳароратига, йил фасллари ва асраш шароитига боғлиқ булади. Турли хужаликларда сигирлар соғиладиган муайян бир йилнинг узида ем-хашакнинг турлича сарфланишига хайвонларнинг сут бериш учун ем-хашакдан ҳар хил фойдаланиши, шунингдек кулланадиган боқиш хили сабаб булади.

Корамол боқининг тахминан қуйидаги асосий хилларини ажратиш мумкин :

1.

Кучли озиклардан меъёри билан сарфланган ҳолда озик рациониди ширали (силос, илдимевалилар), ва кук озукаларни куп қилиб боқиш. Боқининг бу хили хайвонлар соғлиғига яхши таъсир қурсатади, у биологик жihatдан жуда қимматли ва иқтисодий жihatдан фойдали ҳисобланади. Сигирларнинг қишдаги рационларига умумий озуқа рационининг 60-65 фоизгача силос, қанд лавлағи ва бошқа ширали озукалар қиритилади; қолгани ҳар 100 кг тирик вазнига 1 кг ҳисобидан хашаклар, (дуққакли ёки утлоқда усган қичан, баҳорги қалла экинлар қомони), берилади. Ёзда кук ем-хашакнинг бир қисми умумий озиклиги 50 % гача бўлган силос билан алмаштирилади. Кучли озик сигирларнинг куп, оз сут беришига қараб ҳар 1 кг сут олиш учун 100 - 300 граммгача сарфланади.

2.

Сигирлар рационлари қишда хашак ва силосдан, ёзда эса кук ем-хашакдан таркиб топан ҳолда боқиш. Ем-хашак балансида хашак, ем-хашак ва силос 85 - 90 % ни, қучли озукалар эса 10 - 15 % ни ташкил этади. Боқининг бу хил табиий ем-хашакли қатта қайдонлари бўлган минтақаларда қулланилади.

3. Асосан қучли озуқлар ва қисман ширали озик сарфлаб боқиш. Махсулдор сигирларни узок вақт давомиди таркибиди қуплаб қучли озуқлар бўлган рацион асосиди боқиш хайвонларнинг ишлаб қикарувчанлик қобилиятига салбий таъсир қурсатади. Сигир боқининг бу хили иқтисодий жihatдан фойдасиздир, қунки бунди қимматга тушувчи қучли озиклар қуплаб сарфланади.

Молларни боқиш тартиби қатта аҳамиятга эга. Моллар овқатланишди вақт ва тартибга жуда тез одатланади. Сутқа қобайниди овқатликни 2 - 3 бўлиб бериш яхши натижа беради.

Мол қолхонади боқилса, одатди, олдин қучли озуқа, кейин ширали, ундан сунг эса хашак берилади. Қучли ва ширали озукалар соғишгача берилади. Соғиб бўлингандан кейин қичан берилади.

Моллар қоланмасдан боқилганди ширали озуқа ва хашакларни бемалол ейди. Уларга қучли озукалар соғилаётган қайтди индивидуал нормалар бўйича берилади.

Бокиш шароити бир хил булганида автоматик ичиргичлар оркали сугоришнинг жорий этилиши сигирлар сутини 10 - 15 % га оширади. Агарда автоматик ичиргич булмаса, сигирлар кунига 3 - 4 марта сугорилади. Хаар бир сигир кунига урта ҳисобда 40 - 60 литр сув ичади. Кишда сувнинг ҳарорати 6 - 10 градусдан паст булмаслиги лозим. Сигирларга, айниқса бугоз сигирларга совук сув бериш ярамайди, акс ҳолда сигир бола ташлаши мумкин.

Молларнинг озука моддаларига булган талаби уларнинг физиологик ҳолати, тирик вазни ва маҳсулдорлигига қараб узгаради. Шунинг учун ҳам туғишига яқин қолган пайтда, болаларидан сунгги дастлабки кунларда ва бузук эмизадиган вақтида сигирлар турлича нормада озиклантирилади, (Б.В. Фандеев, 1966),.

ҚОРАМОЛНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Озиклантиришни сигирнинг сут бериши, тирик вазни, ёши ва физиологик ҳолатига қараб нормалаштирадilar. Бунда молларни озукавий моддаларга булган умумий талаби озукавий бирликда, ҳазмланувчи протеинда, курук моддада, алмашинувчи энергияда ва асосий минерал моддаларда, (кальций, фосфор, ош тузи), ҳисобга олинади. Хужаликда мавжуд озукалар ҳисобига мувофиқ озукавий рационлар тузилади. Молларнинг асосий озука моддаларига булган миқдори ва турлари танланади. Рационни тугри тузиш учун аввало сигирнинг тирик вазини билиш керак. Сигирларнинг тирик вазни йилига 2 марта аниқланади: баҳорда – яйловга чиқаришдан олдин, (яйловга чиқарилганда – улчанмайди), ва кузда - боғлаб саклашга утишдан олдин. Моллар эрталаб озиклантиришдан олдин улчанади. Сигирларни тарозида тортиш имкони булмаса, уларни тирик вазини улчов утқизиш йули билан аниқлаш мумкин.

БЎҒОЗ ВА СУТДАН ЧИҚҚАН СИГИРЛАРНИ

ОЗИҚЛАНТИРИШ

Сутдан чиккан даврда сигирларни яхши озиклантириш ва тугри асраш нақадар муҳимлигига етарли эътибор бермайдиганлар катта хатога йул қуядилар. Бу даврда молни яхши озиклантириш – келгуси соғим даврида сигирдан юқори маҳсулот олиниши туфайли катта иқтисодий самара беради.

«Катъий қилиб айтганда, - дейди машҳур зоотехник – олим Е.А. Богданов, - олинadиган бузукларнинг келажакда истаган майлда устириш она қорнидаги даврида бериладиган парваришга боғлиқ. Молнинг келажакда соғлом, касал, заиф, қувватли, келишган булишига мана шу даврда асос солинади, чунки бунда она танасида жинсий қисмларнинг шаклланишида бу ҳодисалар ҳомила ривожлана бошладиган ҳатто уруғлангунча руй берса-да, молнинг келгуси тақдири учун бефарқ эмас».

Сутдан чиккан даврда бугоз сигирни тугри озиклантириш жуда муҳимдир. Тугиш пайтида сигир тирик огирлигининг анча қисми қамаишини ҳисобга олиб, сутдан чиккан давр мобайнида унинг давомига қараб, уртача тирик вазн 25-50 килиграмм ва ундан ҳам купга, яъни тирик огирликнинг 5-10 фоизига қупайишини ва сигир тугиш вақтига келиб уртадан юкори семизликда булишини таъминлаш лозим. Бугоз сигирнинг вазнини бу даражага етказиш факат нормал ва тула кимматли озиклантириш асосида амалга оширилади.

Бугоз сигирларни туйдирмай бокиш ҳам, ёхуд ортикча туйдириш ҳам зарарлидир. Агар туймаслик она корнидаги хомиланинг ривожланишини биров тухтатса, келгусида эса махсулотни пасайтирса, сигирларга куп озука едириш – хомиланинг хаддан ташқари усишига олиб келади, бунинг натижасида тугиш жуда кийин утиши, хатто бузук эмас, сигирнинг узи ҳам нобуд булиши, согин даврида эса сут қамаишига, сигир уз вақтида куйга келмаслигига олиб келади. Тугишга яхши тайёрлаш учун сутдан чиккан сигирларни озука рационлари таркибида етарли микдорда протеин, углевод, минерал моддалар (кальций ва фосфор), витаминлар булиши керак. Бугоз сутдан чиккан сигирларни озиклантириш даражаси уларнинг соглигига, семизлигига ва кутилаётган соғим микдорига боғлиқ. Агарда сигирдан юкори сут махсулоти олиш кутилаётган бўлса ва утган соғим даврида у уз огирлигини бирмунча йукотган бўлса, сигирни одатдагидан купрок озиклантириш керак. Сутдан чиқариш пайтида сигирлар организмда озука моддалар захираси етарли бўлса, улар уртача озиклантирилади. Агарда сигирнинг семизлиги уртадан юкори бўлган тақдирда сутдан чиккан даврда сигир организмни ва унинг фаолиятини саклаб турадиган рацион сал чегараланган булиши керак.

Бундай сигирларга энг яхши озука – дуккакли пичан, биров маккажухори силоси бериш ёки яхши утли яйловда бокиш тавсия этилади. Бугоз сигирларнинг озука рационилос, илдизмевалилар, омехта аралашма ва сифатли дуккакли пичандан ташкил топади. Бундай рационда етарли даражада протеин, минерал модда ва витаминлар бор. Ём-хашакда кальций ва фосфор етишмаганда рационга қушимча тарзда бўр, преципитат, суяк уни қушилади. Ош тузи нормаси сигирнинг хар бир 100 килограмм тирик огирлигига 8-10 грамм тугри келиши керак. Агарда пичан бутунлай йук бўлса, уни юкори сифатли баҳорикор сомон билан алмаштириш мумкин. Сутдан чиккан сигирларни бокишда махсус нормалардан фойдаланиш тавсия этилади. Уларда молларнинг ҳаётини саклаш, хомилани ривожлантириш ҳамда сигир танасида озука моддаларни йигиш талаблари ҳисобга олинган. Бу нормалар сутдан чиқиш даврида уртача семизликда бўлган сигирларга мулжалланган. Ёш усаётган, уртадан паст семизликдаги сигирлар учун озиклантириш нормаси хар бир озука бирлигига 110 - 120 грамм ҳазмланувчи протеин, 9 - 10 грамм кальций, 5 - 6 грамм фосфор, 40 - 60 миллиграмм каротин бўлган 1 - 2 озука бирлигига қупайтирилади.

23-жадвал.

Бугоз, сутдан чиккан сигирларни озиклантириш нормалари, (сутдан чиккан давр давоми – 60 кун),

Сигирларнинг тирик вазни, кг	Озука бирлиги, кг	Кунда бир бошга талаб килинади				
		Хазмланувчи протеин, грамм	Ош тузи, грамм	Кальций, грамм	Фосфор, грамм	Каротин, мг

3000 кг гача булган режали согимда

300	5,0	600	30	45	25	200
350	5,5	660	35	55	30	220
400	6,0	720	40	60	35	240
450	6,5	780	45	70	40	260
500	7,0	840	50	80	45	280

3000 кг дан 5000 кг гача булган режали согимда

350	6,5	780	40	65	35	325
400	7,0	840	45	70	40	350
450	7,5	900	50	80	45	375
500	8,0	960	55	90	50	400
550	8,4	1010	60	95	55	420
600	8,7	1050	65	100	60	440
650	9,0	1080	70	110	65	450

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

23-жадвалда сутдан чиккан сигирларни ем-хашак билан озиклантириш нормаси курсатилган. Айрим кунлар буйича эса сигирларни озиклантириш уртача хар бир

кунда белгиланган нормалардан бошқачарок булиши мумкин. Озиклантиришни куйидагича узгартириш тавсия этилади : сутдан чиккан даврнинг биринчи 10 кунлигида норма 10 - 15 фоизга камайтирилади, иккинчисида тулик норма берилади; учинчи ва туртинчи 10 кунликда – норма 10 - 20 фоизга купайтирилади, бешинчида 5 - 10 фоизга камайтирилиб, туғишдан бир хафта олдин норма яна 10 - 15 фоизга камайтирилади (бешинчи ва олтинчи ун кунликда озиклантириш нормасини камайтириш яхши семизликдаги ва серсут сигирлар учун, урта семизликдаги ва нимжон сигирларга рационни камайтириш шарт эмас).

Сутдан чиккан сигирларни озиклантириш тула кимматли, етарли хажмдаги ем-хашаклар, (сифатли пичан, маккажухори силоси ва илдизмева), бериш хисобига эришилади. Пичан, айникса, бошоклилар – дуккаклилар, сигирни тула кимматли протеин, витаминлар, минерал моддалар, Д-витамини ва кисман каротин билан озикланишида катта ахамиятга эга.

Бугоз сутдан чиккан сигирларга дагал хашаклар хар бир 100 килограмм тирик огирликка 1,0 - 1,5 килограмм микдорида берилади.. Юкори сифатли маккажухори силосини протеин буйича балансланган рационларда 100 килограмм тирик огирликка 3 - 4 кг бериш мумкин. Бунда рационни шакарли ем-хашаклар билан бойитиш жуда мухимдир. Бунинг учун хар бир бош сигирга 10 - 15 килограмм хашаки лавлагига ёки 100 килограмм тирик огирликка 2 - 3 килограмм хашаки лавлагига бериш максадга мувофик.

Рационларни протеин буйича баланслаш учун омихта емлар (яхшиси кепак), ва минерал кушимча берилади. Минерал моддалар бугоз сигирларга биринчи навбатда хомила усиши ва ривожланиши учун берилиши лозим. Рационда кальций ва фосфор етишмаслиги нимжон бузук туғилишига ва туғишдан кейин «йулдош»нинг тухтаб колишига сабаб булади. Туғишдан 5-7 кун олдин рациондан ширали ва омихта ем микдори камайтирилади ёки бутунлай чикарилади. Бу вақтда сигирга еганича яхши пичан берилади.

Огилхонада саклаш даврида вазни 500 кг, йиллик сут микдори 3000 кг атрофида булган сутдан чиккан сигирнинг кундалик рационни куйидагича булиши мумкин (килограмм хисобида):

Пичан бошокли – дуккакли - 5 - 7

Маккажухори силоси - 15-20

Канд лавлагига - 4 ёки

Хашаки лавлагига - 10 - 15

Арпа ёрмаси - 0,75 - 1,0

Бугдой кепаси - 0,6 - 1,0

Бугозликнинг иккинчи ярмида сигирга картошка пояси, пахта кунжараси ёки широтини бермаслик лозим, чунки уларнинг таркибида бугоз сигирларни касаллантирадиган захарли моддалар (масалан, соланин, госспол), мавжуд.

Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида рационни тугри тузиш айниқса муҳимдир. Баҳорнинг ярмида ва ёз ойларида республикада рацион асосини кук утлар ташкил қилади. Йилнинг ноқулай мавсумларида озука етишмаганда (айниқса баҳор бошларида), қушимча равишда силос ишлатилади. Унинг тутган урни шахсий хужаликни яйлов ути ёки экилган кук утлар билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқдир.

Ййлов шароитида энг яхшиси сутдан чиққан сигирларни айрим гуруҳда асраш, уларга турар жойга яқинроқ ва имкони борича утлоки яхши булган яйловларни ажратиш лозим. Ййловда асраганда сутдан чиққан сигирларни чоптириб хайдаш ярамайди. Уртадан паст семизликда булган сигирларни қушимча озиклантириб, туғишдан олдин яхшироқ танада бўлишига эришиш керак.

БУГОЗ, СУТДАН ЧИҚҚАН СИГИРЛАРНИ АСРАШ

Бугоз сигирларни сутдан чиққан даврда тугри асраш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай сигирларни кам толиқишига, сигирхонадаги умумий кун тартибидан камроқ таъсирланишига интилиш керак. Соғиладиган моллар сони куп булган хужаликларда бугоз сутдан чиққан сигирларни айрим хонада асраш қулайроқ. Молхонада бугоз сигир курук, сифатли тушама билан таъминланиши лозим (Ўзбекистон шароитида ёғоч кипиги, похол ва хоказо),.

Сутдан чиққан сигир кунига 2 - 3 марта озиклантирилади. Уларни ифлос, могорлаган, чириган ем-хашаклар ейишига ва киш даврида совук сув ичишига йул қуймаслик лозим. Акс ҳолда сигир бола ташлаши мумкин.

Ем-хашакларни синчиклаб тайёрлаш – бугоз сутдан чиққан сигирларни озиклантиришда зарурий шарт ҳисобланади. Улар танасини хар куни тозалашга ва сайр эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сигирларнинг бола ташлашига олиб келиши мумкин булган жароҳатлар, урилишларнинг олдини олиш учун энг яхшиси сутдан чиққан сигирларни молхонада ва сайр майдончасида бошка моллардан булак асраш лозим. Шамолли, совук, корли кунларда бугоз сутдан чиққан сигирларни сайр қилишга чиқармаслик тавсия этилади.

Купинча хаво очик кунларда, ветеринария ходимлари моллар учун профилактик ювиш уюштирадилар. Бундай тадбирни бугоз сутдан чиққан сигирлар учун ҳам ташкил қилиш керак. Эҳтиёт чораларига риоя қилиб айрим майдончада ювиб тозалаш лозим.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида, ёзда бугоз сутдан чиққан сигирларни тоза сув билан душ остида ювиш мақсадга мувофиқдир. Бугоз сигирларни ортиқча уринтирмаслик лозим, лекин бу даврда улар учун албатта сайр ташкил қилиниши керак. Акс ҳолда туғиш, «йулдош» тухташи ҳамда туғишдан кейинги огирланиш кузатилади. Сигирлар сайр қиладиган жой тугрукхона ёнида бўлади. Бу ерга уларни ҳар куни 2-3 соатгача чиқариб туриб, иложи борича ерда ётишидан хабардор бўлиш лозим. Сутдан чиққан сигирлар елинини укалаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Сигирлар елинини укалаш сутдан чиқарилганидан беш кун кейин бошланади. Биринчи беш куни сигирлар елинини укалаш суткада бир марта (эрталаб), кейинги кунлари 2 марта, (эрталаб ва кечкурун), утказилади. Сутдан чиққан сигирларда укалаш соғиладиган сигирлардагидек белгиланган соатда ва тартибда утказилади.

Туғишдан 15 – 20 кун олдин укалаш тухтатилади. Сутдан чиққан даврда сигирлар елинини укалаш безсимон туқималар ривожланишига таъсир қилиб, сутнинг яхши ажралишига имкон беради., туқканидан сунг эса сигирлар елинининг мастит билан касалланиши ёки дағалланиши сезилмайди. Елиннинг укаланган паллалари окмайди, бу эса уз навбатида туқкандан кейин сигирлар рационига тезроқ ширали ва омихта озукаларни киритиб, сутнинг қупайишига қараб озиклантиришни қучайтиришга имкон беради. Елиннинг укаланган паллаларида сут ажралиш жараёни бир оз жадалроқ утиб, соғиш 1 – 2 дақиқа олдин тамом бўлади, ҳатто елиннинг олдин касалланган паллалари вақтинча йуқолган вазифаларини тезроқ қайта тиклайди. Нихоят, укалаш молларни соғиш вақтида тинчгина туришга ургатади.

СОГИЛАДИГАН СИГИРЛАРНИ ОЗИКЛАНТИРИШ

Соғиладиган сигирларни озиклантириш нормалари уларнинг тирик вазни, соғими ва сутнинг ёғ микдори хисобга олган ҳолда тузилади. Озиклардаги ош тузи микдори қуйидаги нормаларни эътиборга олиб хисобланган: ҳар 100 кг тирик вазнга 5 г ва соғиб олинадиган ҳар килограмм сутга қараб 4 г туз қушилади. 24 – жадвалда – 500 кг тирик вазни ва сутининг 3,8 – 4,0 % ли ёғи бўлган соғиладиган сигирлар учун озиклантириш нормалари келтирилган. Агарда сигирнинг сутидаги ёғлилик микдори қуп ёки кам бўлса 4 – жадвалдан фойдаланиш керак, бунда соғилган сутни стандартдаги 4 % га айлантириш имкони бўлади. Натижада озиклантириш нормаси аниқ белгиланади. Масалан, сигир қунига 3,9 % ёғлиликдаги 10 кг сут бермоқда. 4 – жадвал бўйича соғимнинг ушбу микдори 4,0 % ли ёғлиликдаги 8,0 кг сутга тенг бўлиши аникланади.

Соғин сигирга 24– жадвал бўйича озукавий моддаларнинг талаби аникланади. Агарда сигирнинг тирик вазни 400 кг бўлса, унинг кундалик талаби 8,0 озука бирлигига, 840 хазмланувчи протеин, 50 г ош тузи, 50 г кальций, 35 г фосфор ва 320 мг каротинга тенг бўлади. Бошқа мисолни қурайлик. Назорат улчов утказилган кунда сигир 4,8 % ёғлиликдаги 10 кг сут берди, бу 4 % ёғлиликдаги 12,0 кг сут микдорига тенг.

Сигирнинг тирик вазни 500 кг, 24–жадвалдан молни озукавий моддаларга бўлган талаби 10,6 озука бирлиги, 1140 г хазмланувчи протеин, 70 г ош тузи, 75 г кальций, 50 г фосфор, 450 мг каротинга тенглигини аниқлаймиз.

Таъкидлаш керакки, озиклантириш нормалари, согимнинг жуфт маъносига мулжалланган; агарда согим ток ракамда ифодаланса, талаб юкоридаги ва пастки согим курсатгичларнинг уртачасида аникланади. Шунга ухшаш аниклашларни молнинг тирик вазни буйича ҳам утказадилар.

24- жадвал

Сутнинг ёглилиги 3,8 – 4,0 % га тенг булган согиладиган

сигирни озиклантириш нормалари

Бир сигирга кунига талаб килинади

Согим, кг	Озука, бирлиги, кг	Хазмла- нувчи протеин, г	Ош тузи, г	Кальций , г	Фосфор, г	Каротин, мг
--------------	--------------------------	------------------------------------	---------------	-------------	-----------	-------------

Тирик вазн 300 кг

4	5,3	550	30	30	20	120
6	6,3	650	40	40	30	240
8	7,3	760	50	50	35	290
10	8,3	870	55	55	40	340
12	9,3	990	65	65	45	390
14	10,4	1120	70	70	50	440
16	11,5	1250	80	80	60	490
18	12,7	1390	90	90	65	540
20	14,0	1530	95	95	70	590
22	15,3	1680	100	105	80	640
24	16,6	1840	110	110	85	690

26	17,9	2000	120	120	90	740
----	------	------	-----	-----	----	-----

Тирик вазн 400 кг

4	6,0	620	35	35	25	220
---	-----	-----	----	----	----	-----

6	7,0	730	45	45	30	270
---	-----	-----	----	----	----	-----

8	8,3	840	50	50	35	320
---	-----	-----	----	----	----	-----

10	9,0	960	60	60	40	370
----	-----	-----	----	----	----	-----

12	10,0	1090	70	70	45	420
----	------	------	----	----	----	-----

14	11,0	1220	75	75	55	470
----	------	------	----	----	----	-----

16	12,0	1360	85	85	60	520
----	------	------	----	----	----	-----

18	13,0	1500	90	90	70	570
----	------	------	----	----	----	-----

20	14,2	1650	100	100	75	620
----	------	------	-----	-----	----	-----

22	15,4	1800	110	110	80	670
----	------	------	-----	-----	----	-----

24	16,7	1960	115	115	85	720
----	------	------	-----	-----	----	-----

26	18,0	2120	125	125	95	770
----	------	------	-----	-----	----	-----

28	19,3	2380	130	130	100	830
----	------	------	-----	-----	-----	-----

30	20,6	2440	140	140	105	870
----	------	------	-----	-----	-----	-----

Тирик вазн 500 кг

4	6,6	680	40	40	25	250
---	-----	-----	----	----	----	-----

6	7,6	790	50	50	30	300
---	-----	-----	----	----	----	-----

8	8,6	900	55	55	40	350
---	-----	-----	----	----	----	-----

10	9,6	1020	65	65	45	400
----	-----	------	----	----	----	-----

12	10,6	1140	70	75	50	450
14	11,6	1270	80	80	55	500
16	12,6	1400	90	90	1,5	550
18	13,6	1540	95	95	70	600
20	14,7	1680	105	105	75	650
22	15,9	1830	115	115	85	700
24	17,1	1980	120	120	90	750
26	18,4	2140	130	130	95	800
28	19,7	2300	135	135	100	850
30	21,0	2460	145	145	105	900
32	22,3	2620	155	155	115	950
34	23,6	2780	160	160	120	1000
36	24,9	2940	170	170	130	1050
38	26,2	3100	180	175	135	1100
40	27,5	3260	185	185	140	1150

25 - жаdвал

Хар хил ёглиликдаги сутни ёглилиги 4 % булган

Согим Сутнинг ёглилиги, %

кг	3,0	3,2	3,4	3,6	3,8	4,2	4,4	4,6	4,8	5,0	5,2	5,4	5,6	5,8	6,0
2	1,5	1,6	1,7	1,8	1,9	2,1	2,2	2,3	2,4	2,5	2,6	2,7	2,8	2,9	3,0

4	3,0	3,2	3,4	3,6	3,8	4,2	4,4	4,6	4,8	5,0	5,2	5,4	5,6	5,8	6,0
6	4,5	4,8	5,1	5,4	5,7	6,3	6,6	6,6	7,2	7,5	7,8	8,1	8,4	8,7	9,0
8	6,0	6,4	6,8	7,2	7,6	8,4	8,9	9,2	9,6	10,0	10,4	10,8	11,2	11,6	12,0
10	7,5	8,0	8,5	9,0	9,5	10,5	11,0	11,5	12,0	12,5	13,0	13,5	14,0	14,5	15,0
12	9,0	9,6	10,2	10,8	11,4	12,6	13,2	13,8	14,4	15,0	15,6	16,2	16,8	17,4	18,0
14	10,5	11,2	11,9	12,6	13,3	14,7	15,4	16,1	16,8	17,5	18,2	18,9	19,6	20,3	21,0
16	12,0	12,8	13,6	14,4	15,2	16,8	17,6	18,4	19,2	20,0	20,8	21,6	22,4	23,2	24,0
18	13,5	14,4	15,3	16,2	17,1	18,9	19,8	20,7	21,6	22,5	23,4	24,3	25,2	26,1	27,0
20	15,0	16,0	17,0	18,0	19,1	21,0	22,0	23,0	24,0	25,0	26,0	27,0	28,0	29,0	30,
22	16,5	17,6	18,7	19,8	20,9	23,1	24,2	25,3	26,4	27,5	28,6	29,7	30,8	31,9	33,0
24	18,0	19,2	20,4	21,6	22,8	25,2	26,4	27,6	28,8	30,0	31,2	32,9	33,6	34,8	36,0
26	19,5	20,8	22,1	23,4	24,7	27,3	28,6	29,9	31,2	32,5	33,8	35,1	36,4	37,7	39,0
28	21,0	22,4	23,8	25,2	26,6	29,4	30,8	32,2	33,6	35,0	36,4	37,8	39,2	40,6	42,0
30	22,5	24,0	25,5	27,0	28,5	31,5	33,0	34,5	36,0	37,5	39,0	40,5	42,0	43,5	45,0

сутга утказиш жадвали

Бошқа сигирлар учун соғим даврининг кейинги 2 ойида озиклантириш нормаларини 5 – 10 % купайтириш керак. Бу хомила ривожига кетадиган кушимча талаблар билан боғлиқ. 3 – жадвалда келтирилган нормалар урта семизликдаги, вояга етган сигирларга мулжалланган. Биринчи ва иккинчи марта туккан ҳамда уртадан паст семизликда булган сигирларга уларнинг усиши ва семизлигини ошириш учун кушимча озукалар берилиши лозим, (26-жадвал),.

26–жадвал

Ёш сигирларнинг усиши учун керак булган кушимча озиклантириш

Режалаштирилган кунлик усиш, кг	Нормага кушимча талаб килинади			
	Озука бирлиги, кг	Хазмланувчи протеин, г	Кальций, г	Фосфор, г
0,2	1,0	100	7	5

0,3	1,5	150	10	8
0,5	2,5	250	15	12

Жадвалдан куришиб турганидек, келтирилган озука турлари билан рацион молларни барча озукавий моддаларга булган талабини каноатлантиради.

Рацион тузганда шуни эсда тутиш керакки, молларнинг норма буйича озукавий моддаларга булган талабига тулик эришиш кийин. Шунинг учун ҳам рацион нормага якинлаштириб тузилади, лекин хар бир таркибий кисмдаги озукавий бирлик буйича озукалар купрок сарфланса-да нормадаги рационни протеин (оксил), ва каротин (про-витамин А), буйича тенглаштириш айникса мухимдир. Рациондаги кальций ва фосфорларнинг нормадан унчалик хавф тугдирмайди, чунки улар организмдан чикарилади, лекин бу минерал моддаларнинг етишмаслигида организм узининг скелетидаги захираларни сарфлайди, бу эса молни жиддий касалликларга олиб келиши мумкин.

СИГИРЛАРНИ КИШ ДАВРИДА ОЗИКЛАНТИРИШ

Ахолининг ёрдамчи ва дехкон хужаликлари , фермер, ширкат ва бошка тур кишлок хужалиги корхоналарига караганда молларни озукалар билан таъминлашда узига хос хусусиятларга эга. Улардаги шарт-шароитлар эътиборга олинаиб, махсулдорлиги турлича булган сигирлар учун тахминий рацион тузилади. Бунда ахолининг ёрдамчи ва дехкон хужаликлари учун осон, арзон топиладиган озукалар рационга киритилади. Пичан, илдизмевалилар, озукавий колдиклар 27– жадвалда тахминий рационда келтирилган. 1–жадвалга караганда молни барча озукаларнинг таркибий кисми буйича етарли таъминланиши батафсил келтирилмайди, чунки рацион озука бирлиги, хазмланувчи протеин, кальций, фосфор ва каротин буйича дастлаб балансланган эди. Рациондаги озукалар барча озукавий моддалар буйича тенглаштирилиши мумкин булган бошка озукалар билан алмаштирилиши керак. Озукалар туйимлилиги уртача курсаткичлар буйича ҳисобланади. Озукалардан пичан, силоснинг сифати айникса куп узгариши мумкин. Ушбу омил ҳам молларни озиклантиришда эътиборга олинаши керак.

27– жадвал

Хар хил махсулдорлик даражасидаги сигирлар учун

тахминий рацион, кг

Озука	Согимга караб, едириладиган озука микдори, кг			
	8 кг	12 кг	16 кг	20 кг
Пичан яйловники, уртача	8	8	10	12
Сомон	4	4	2	-
Силос донли-хар хил утлардаги	5	5	7	10
Лавлаги хашаки	-	3	4	6
Сабзи кизил хашаки	2	2	4	5
Озик-овкат колдиги	6	8	10	10
Нон колдиги	-	0,5	1,0	2,0
Бугдой кепаги	1	1	1	-
Кунжара, широт	-	-	-	1
Ош тузи, г	55	70	90	105

СИГИРЛАРНИ ЁЗДА ВА ЯЙЛОВДА БОКИШ ДАВРИДА ОЗИКЛАНТИРИШ

28– жадвал

450-500 кг тирик вазндаги сигирлар учун кук утлар нормаси

Кундалик согим, кг	Кук утларнинг кундалик нормаси, кг
8 кг гача	30 – 35
10 – 12	35 – 45
14 – 16	45 – 55

Мол учун ёзда яйлов ути асосий хисобланади, кук утлар, атала ёки ем билан озиклантириш эса кушимча деб белгиланади.

Шуни билиш керакки, энг яхши табиий яйловда ҳам сигир бир кунда 50 кг кук утдан зиёдини ейолмайди. Шунинг учун ёзда ҳам сигирлар кушимча озиклантиришга мухтождирлар. Имконият булса сигирларга кук утни урилган ҳолатда, озик-овкат қолдигини атала ҳолатида (соғим микдорига қараб 1-2 челак), ёки ем (омихта, кепак, широт),,, бериш керак.

Ёзда яйловда утлаётган сигирни сугориш эсдан чиқмаслиги керак. Кунда сигирга 3 – 4 марта сув ичириш лозим. Тузни ялайдиган шаклда берган маъкул. Баҳордан – ёзга ва ёздан – кузга утар даврларда сигирларни яйловга чиқаришдан олдин дагал хашак билан кушимча равишда озиклантириш керак.

Ёзда яйловда боқиш имконияти булмаган ҳудудлардаги шахсий хужаликларда сигирлар боғланган ҳолатда, бостирма остида боқилади. Бу даврда хужалик томоркасида етиштирилган кук беда, дала утлари, озик-овкат қолдиги, омихта ем ва бошқалар сигирнинг соғимига, тирик вазнига қараб рацион асосида берилиши лозим.

ЙИЛНИНГ	ТУРЛИ	ФАСЛЛАРИДА	МОЛНИ	АСРАШ
ВА		УНГА		КАРОВ

Ёзда саклаш. Ёз – яйловда боқиладиган моллар соғлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Яйловда мол тула қимматли кук ут ейди, қуёш нурлари, тоза ҳаво ва ҳақозоларнинг самарали таъсирида булади. Бу омиллар натижасида сигирлар яхши қочадилар, уларда туғишдан кейинги асоратлар жуда кам учрайди. Ўзгараётган об-ҳаво таъсирига дуч келиб моллар чиникадилар, кам касалланадилар.

Сигирлар яйловда 14 – 16 соат мобайнида булмоғи керак. Боқининг энг яхши вақти – эрта тонг ва кечки пайт. Кундузи, айниқса иссиқда, моллар турар жойда сакланади. Урин шундай танланадики, ундан шамол эсиб турсин ҳамда дарахтлардан ёки махсус бостирмадан соя тушсин. Яйловгача булган масофа 2 – 3 км дан ошмаслиги керак. Ўзоқроқ масофа булса кук утнинг анча қисми боскиланади ва утиш учун анча вақт сарфланади. Яйловнинг ҳолатига қараб мол подасининг қатталиги 100 – 150 бошдан зиёд булмаслиги керак. Яйловда сув ва туз имконига қараб доимо булмоғи керак. Молларни яйловга чиқаришдан олдин эгалари уларнинг туёқларини тузатишлари ва шохларининг уткир томонларини кесишлари, ветеринария ходимлари эса-уларни соғ-қасалини текширишлари лозим.

Кишда саклаш. Бу фаслда молхона кенг, ёруг ва курук хаво алмашуви яхши булмоги керак. Эшик ва ойналар шарк ва жануб томонда булиши лозим. Жанубдан эсган шамол хавфли эмас, шимолники эса молларни кучли совукдан таъсирланишига олиб келтиради. Шимол томонидан очилган эшик шамоллаш касалликлари таркалишига сабаб булади. Ундан ташкари эшиклар бундай курилганида молхона ёзда яхши куримайди, чунки унинг ичига куёш нури кирмайди.

Охурлар осилган ҳолатда булгани маъкул, бунда озука ерга тукилмайди ва мол уни оёғи билан босмайди. Ойналар албатта очилмоги лозим, улар молни оркасида ёки ён томонида жойлашсин, биринчидан совук хаво молни камрок совутсин, иккинчидан, куёш нури молни кузига «урмасин». Иложи борица пишган гиштдан килинган пол энг маъкули хисобланади.

Агарда бу фаслда мол нотугри сакланса, молхонада айникса кишда, харорат етарлича тутилмаса, озуканинг анча қисми молнинг узини киздириш учун сарфланади. Молнинг терисига эътибор билан қараш лозим, чунки у молни совукдан саклайди, иссиқда эса намликни тер орқали буглатиб, ортикча иссиқликни камайтиради. Шунинг билан бирга у ёрдамчи нафас органи сифатида ҳам хизмат қилади. Терида жуда қуп тешиқчалар мавжуд, улар орқали организм карбонат кислотаси ва сув бугларидан озод булади, шунинг учун ҳам терига тугри қараш сигирни соғлигини ва сут маҳсулдорлигини саклашда зарурий омилдир.


Молга қаровда ургатилган тартибга қаттиқ риоя қилиш зарур, яъни белгиланган муддатда озиклантириш, сугориш, сигирларни артиш, молхонани йигиштириш лозим. Соғишни ҳар доим белгиланган соатларда утқазиб керак. Тартибнинг ҳар қандай бузилиши сигирларни соғлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир қурсатади. Мол саклашда ҳона харорати 8 – 12 градус булгани жуда маъбулдир. Хароратнинг бундай пасайиши озукани анча қуп сарфлайди, қупайиши - молни заиф ҳолатга келтиради ва маҳсулдорликни камайтиради.

Ёруглик 1:10 – 1:15 га тенг булмоги лозим, пол сатҳи ойналар сатҳидан 10-15 марта зиёд булмоги керак. Бунинг устига ойналар жойлашиши молнинг кузларидан юқоридан булиши лозим. Молхона ҳажми бир сигирга қами билан 18-20 м² булиши, елвизак булмаслиги лозим.

Республикамизнинг анча совук шимолий ҳудудларида кишда молхонадан гунгни олмасдан, ҳар қуни уни устига рош, қум солинади. Бундай усул молни тагини иссиқ саклайди, шу билан бирга гунг етилади ва фойдаланишга деярли тайёр хисобланади. Эрта баҳорда эса йигилган бу гунг тозалаб олинади ва далага чиқарилади. Албатта молни таги доимо озода булмоги лозим. Молхона ёнида қатта булмаган майдонча ва айвон булиши айтиш муддао. Бу ерда моллар ҳар қуни, совук қунлардан ташкари (10-15 градусдан паст), сайр қиладилар. Сигирларни ҳар қуни тозалаш, ифлосланган жойларини эса илик сув билан ювиш керак. Қиш даврига утишдан олдин молхона таъмирланади ва дезинфекция қилинади. Молни кишда тугри саклаш – молларнинг соғлиги ва юқори маҳсулдорлиги гаровидир.

СИГИРЛАРНИ СОГИШ ТЕХНИКАСИ ВА УЛАРНИНГ СЕРСУТЛИГИНИ ОШИРИШ

Сигирларни соғиш – молга карашнинг энг мураккаб ва масъулиятли кисмидир. Юкори махсулдорликка эришиш учун молларни белгиланган вақтда озиклантириш ва соғиш керак. Сигирлар ургатилган кундалик тартибга урганадилар ва уни хар кандай бузиш махсулдорликнинг камайишига олиб келади.



46 - расм. Сигирни мушт ёрдамида соғиш усуллари.

20 – 25 кг сут берадиган сигирни кунига 3 марта : эрталаб, тушда ва кечкурун – соғиш ва озиклантириш мақсадга мувофиқдир. Соғишлар уртасидаги вақт иложи борица тенг булмоғи лозим. Сигирларни озиклантириш соғишдан 1,5 – 2 соат олдин ёки ундан сунг утказилади. Бунда биринчидан, молнинг озукага диққати булинмайди, иккинчидан, сут узига озука хидини сингдирмайди. Омихта емлар, нон колдикларини ширинлик сифатида бевосита соғишдан олдин бериш мумкин. Соғиш бошланишидан аввал елинни илик сув (40-45 градус), билан ювиб сочик билан куп-курук килиб артиб дастлабки укалашни утказиш керак. Сунгра сутнинг биринчи томчиларини (сутнинг энг ифлосланган кисми),, айрим идишга, колган сутни челакка согадилар. Олдин елинни охирги чоракларини, кейин

олдингиларини, шундан сунг охирги чоракларини согадилар, чунки уларда одатда сут куп булади. Сигирларни тез соғиш лозим, канчалик сут булса хам соғиш 4-5 дакика давом этиши керак. Соғишнинг охирида укалаш утказилади, бу сут ажралишини тезлаштиради ва сутнинг охирги энг ёгли томчиларини соғиб олишга имкон беради (охирги томчиларида сутнинг ёглилиги 8 – 10 % га етади),.

Сигирни соғиш техникасида укалашнинг ахамиятини яна бир бор уктирмокчимиз. Ундан окилона фойдаланиш сигирларнинг сут махсулдорлигини 10 – 15 % га купайтиради. Фаол укалаш айникса биринчи марта туккан, хали сут беzi тулалигича

шаклланмаган сигирлар учун жуда керак. Моллар учун елинни укалаш табиийдир. Барча сут эмизувчилар ва жумладан бузоклар кандай килиб узининг онасини эмишини кузатинг-чи, улар елинни боши билан уриб укалайдилар. Бундай фаол физикавий таъсир натижасида елин нерв системасига етказади; томирлар кенгаяди, елинни сут йулларидаги мускул толалари бушашади. Буларнинг хаммаси сутнинг туларок чикишига ёрдамлашади. Маълумки, согилмай колган сут янги томчилар хосил булиши жараёнини кийинлаштиради. Шунинг учун сигирга карашда уни тутри согиш нақадар муҳим булса, уларнинг елинини дастлабки ва якунловчи укалашни мохирона амалга ошириш ҳам шунчалик кераклидир.



47 - расм. Елинни уқалаш:

а — соғишдан олдин; б — соғишдан кейин.

Сутни
тула
соғиб
олиш —
сутлил
икни
ошири
шнинг
бирдан
-бир
усулид
ир.
Сигирл

арни кулда соғишнинг икки усули бор : бармоқлар билан соғиш ва мушт билан соғиш. Биринчи усулни биз тавсия килмаймиз, чунки у сигирларда огрик сезишини кузгайди, сургичлар шикастланади, уларнинг шакли узгаради. Бармоқ билан соғишда сургичларга кандайдир воситалар суртиш керак, бу сутни ифлослантиради, бундай усул билан соғишни узи ҳам соғувчини чарчатади ва катта куч талаб килади.

Мушт билан соғиш сутни бактериал ва механик ифлосланишдан саклайди, кулнинг физикавий кучланиши бир текис таксимланади. Мушт билан соғилганда бутун сургич муштда ушланади, катта ва курсатгич бармоқ устида куйилади, кейинчалик кетма-кет бошка бармоқлар юкоридан пастга караб қисилади, 46-расмда курсатилганидек сут оқиб туради. Сунгра бармоқлар ростланади, лекин мушт сургичдан олинмайди, тушган сутнинг янги томчилари яна сиқиб чиқарилади ва бу жараён сут тулик соғиб олингунча давом этади.

Соғиб олиш тозалиги соғиш тезлигига боглиқ. Тажрибали соғувчи ҳар дақиқада сургичларни 80-100 қисиш килади (бундан зиёд тезлик сутнинг янги томчиларини сургич каналига кириб улгура олишига имкон бермайди). Камроқ тезликда эса сут елинда тухтайди, соғим микдори камаяди. Яхши тезликдаги соғиш секинроқ тезликдагидан 10-15 % сутни куп соғиб олишга ёрдамлашади.

Елинни укалаш соғишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Укалаш сут бериш жараёнини тезлаштиради, тажрибалар курсатганидек уни мохирона куллаш, соғим даврида махсулдорликни 10-12 % купайишига имкон яратади. Укалашни 47 — расмдагидек утказадилар. Олдин елин унғ ва чап ярми ҳамда олдинги ва ортки қисмлари юкоридан

пастга караб кескин силаб укаланади. Якунловчи укалашда дастлабгидагидек елиннинг унг ва чап ярми юкоридан пастга хамда четларини уртага караб, бирмунча кутариб ва пастга тушириб силанади.

Шундан сунг елиннинг хар булагни айрим укаланади, бунда юкоридан пастга караб бирданига елинни юкорига итариб харакат килинади. Якунловчи укалашдан сунг сигирни яна соғиш керак. Укалашни айникса биринчи марта ва янги туккан сигирларда синчиклаб утказмок лозим. Мохирона ва тула соғишнинг бирданига елинни ошишига келтиради. Соғимларнинг янада усишига эришиш учун озиклантиришни шундай ташкил килиш керакки, кундалик рационда 1,5-2 озука бирлиги хажмида кушимча озука булмоғи лозим. Шундай микдордаги кушимчаларни сигир кушимча сутни бергунга кадар бериш керак.

Сутлиликни ошириш тадбири одатда сигирни сутдан чикаришдан бошланиб, сутдан чиккан даврда яхши озиклантириш билан давом этирилади. Туғишга яхши тайёрланган сигирни туккандан сунг, физиологик нуктаи-назардан соғлиги тугрилангандан кейин сутлиликни ошириш тадбирини куллай бошлайдилар. Одатда бундай вазият туккандан сунг 15-20-кунларда руй беради. Сигирлар сут беришни соғим даврининг 2-3 ойигача купайтирадилар, сунгра энг юкори чуқкигача етиб маълум бир даражада туриб, аста-секин пасайтира бошлайдилар. Мохирона ташкил килинган соғиш нормаланган ва кушимча озиклантириш билан бирга сигирлар махсулдорлигини 1,5 марта купайишига имкон беради. Сутлиликни оширишда озукалардан илдизмевали ва омихта емлар энг самаралидир. Лекин бунда сигирларга хаддан ташкари зиёд озука берилмаслиги керак ва соғимни энг купига эришгандан сунг сигир сутни купайтирса, озука бериш нормада бажарилади.

СОГЛОМ

БУЗОК

ОЛИШ

ЙУЛЛАРИ

Бузокни танлашда унинг зотига алохида эътибор берилмоғи лозим, чунки хар бир зотнинг узига хос белгилари ва хусусиятлари бор. Республикамизда энг куп таркалган корамол зотлари-кора-ола, кизил чул ва бошка кизил, швиц ва Бушуев зотлари мавжуд. Уларнинг куписи яхши озиклантириш ва саклаш шароитларида юкори махсулдорликка эгадир. Лекин молни шахсий хужалик шароитида урчитиш учун худудда кенг таркалган, табиий – иклимий шароитга мослашган зотни афзал курадилар. Бузок организмнинг усиши ва ривожланиши она корнидалигидан бошланади. Бу даврда соғлигига, касалликка, кучсизланганлигига, кучига ва молни етишмовчилигига доир купгина доир купгина омиллар кечади. Она танасида хомилани ривожланишигача ва хаттоки уругланишигача булган холатлар булгучи мол организмга бефарк эмас. Келтирилган далиллар ота-оналарнинг жуфтлашиш масаласи накадар мухим эканлиги тугрисида фикр юритишга асос булади.

Аввало сигирни юкори сифатли бука ёки унинг уруги билан кочириш керак. Шунда наслдор сифатларга эга булган бузок олинади. Хозирги даврда сунбий кочириш кенг таркалган, бу усулда молларни самарали ва тезлик билан сифатини яхшилаш мумкин. Сунбий кочиришда наслдор кочирувчи-букалардан фойдаланадилар. Улардан олинган

авлод юкори махсулдор ва хаётчан булади. Айрим кишилар асраётган ва авлодининг сифати текширилмаган букалар билан сигирларни кочириш тавсия этилмайди, чунки бундай букаларнинг уруғлатиш қобилияти паст ва шунинг учун ҳам молларнинг кисири қолиш эҳтимоли катта. Ундан ташкари юкумли гинекологик касалликларнинг тарқалиш хавфи ошади.

Бузокни эмбрионал (она ичидаги), ривожланиши 285 кун (тебраниш 240 дан 311 кунгача), давом этади, шунинг учун ҳам мол эгасига сигирни уруғлатиш вақтини тугри танлаш жуда муҳимдир. Соғлом бузок олиш учун хомила она ичидаги пайтида хужаликда етарли микдорда тула қимматли озукалар бўлгани маъқул.

Кавшовчи моллар учун энг тула қимматли ва биологик фойдали бу яйлов утидир. Шунинг учун ҳам сигирларни кочиришнинг мақбул вақти май-июн ойлари ҳисобланади.


Молларни яйловда боқиш иложи бўлмаган ҳудудларда бу пайт май-сентябр ойлари дир. Бу вақт республикамиз шароитида энг қимматли озукалардан беда ва табиий ут етарли ҳосил берувчи вақт ҳисобланади. Шундай қилиб қишда тугилган соғлом, дуркун бузоқлар ёзги яйлов даври бошланишига қараб узишга улғирадилар ва узлари утлашни урганадилар. Сигирлар ҳам бошқа даврда тукканига қараганда ана шу кезларда қуп сут берадилар, чунки яйловга чиққанида улар соғимни анча қупайтирадилар.

Бузоқларнинг қишда тугилиши яна шунинг билан маъқулки, бу фаслда қишлоқ аҳолиси жамоа ва шахсий хужаликларда бошқа даврларга қараганда қамроқ банд буладилар.

Бугозлик – мол ҳаётида масъулиятли даврдир. Бу даврда сигирларни тула қимматли озукалар билан таъминлаш жуда муҳимдир. Хомилада бугозликнинг биринчи ярмида туқималар ва органлар шаклланади, юрак, упка, жигар, ошқозонга асос солинади ва уларни қелгуси узиши нормаллашади. Бугозликнинг иккинчи ярмида, айниқса, охириги 2 ойда, хомиланинг анча узиши руй беради.

Масалан, 7 ва 9 – ойгача хомиланинг умумий оғирлиги 20 дан 25 килограммни ташкил қилади. Бу пайтда сигирга хомилани нормал узишини таъминлаш мақсадида етарли микдорда озуқа бериш керак.

Бугозликнинг охириги ойларида она ичида хомиланинг энг жадал узиш даврини эътиборга олиб, сигирни соғиш тухтатилади, чунки сут билан организмдан озукавий моддаларнинг анчаси чиқиб кетади.



Нормал вазиятда сигир хужалик йили давомида бир бузок бериши керак. Бунинг учун сигир тукканидан сунг 90 кунгача натижали

48 - расм. Қўп ишлатиладиган зоотехникавий терминларни тушунтириш:

1 – хўжалик йили (365–366 кун); 2 – тугиш; 3 – сервис даври (18–80 кун); 4 – сигирни қочириш; 5 – ҳомиладорлик даври (285 кун); 6 – сутдан чиқиш; 7 – сутдан чиққан давр (80 кун); 8 – тугиш; 9 – лактацион давр (305 кун).


кочирилиши лозим. Акс холда у кисир хисобланади, чунки 80 кундан зиёд салт булиб (корнида хомиласиз), юрса, йилда бузок олиб булмайди, $(285+80=365 \text{ кун})$, (48-расм). Сигирнинг биологик цикли 3 та даврга ажратилади. Сигир тукканидан натижали кочиришгача булган давр – сервис-давр ёки салт юриш даври, ундан кейин – лактацион давр ва, нихоят, сутдан чикканидан туғишгача булган давр – сутдан чиккан давр дейилади.

48 – расмдан куришиб туриб-дики, агарда сигир тукканидан сунг биринчи куйга (у тукканидан сунг 21 – 28 кунларга тугри келади), келганида натижали кочирилса, лактация давоми кискарган булади (уртача 25 кун сервис – давр, 285 кун бугозлик даври, 60 кун сутдан чиккан давр), яъни $285+25+50=260 \text{ кунга тенг}$. Шунинг билан бирга сигирнинг макбул лактацион даври 305 кунга якин булмоғи лозим (шу давр ичида ундан соғиб олинган сут микдорига караб сигир бахоланади).

Хуллас сигир канчалик кейинрок куйга келиш пайтида натижали кочирилса лактацион давр шунчалик узаяди.

Хулоса килиб шуни айтиш керакки, сигир канчалик кам махсулдор булса, уни биринчи куйга келиши биланок кочириш керак. Сермахсул сигирни эса иккинчи, яхшиси учинчи куйга келишида кочириш хар томонлама ҳам макбул иш булади, $(285+70+50=305 \text{ кун сигир соғилади})$.

Сутдан чиккан бугоз сигир хар доим кузатиб борилиши керак. Туғишнинг биринчи белгилари сигирнинг умумий безовталанишида белгиланади, у огирлигини оёкларига ташлайди, купинча корнига карайди, ётади, туради ва хоказо. Бу пайтда сигирни буш, боғламасдан куйиш, унга кулай холатда булиш имконини яратиш лозим. Туғиш купинча сигир ётганида, камрок – турган холатда руй беради. Махсус акушер ёрдами хомила нотугри чикаётган вазиятида керак. Хомиланинг тугри ва нотугри жойлашганлиги 49–50 расмларда келтирилган. Хомилани тугри холатида туғиш 30 дакикадан 1 соатгача давом этади.



49 – расм. Хомилани тугри жойлашганлиги:


а – боши билан ётади (хомила узатилган олдинги оёқчалари билан чикмоқда); б – тосда ётади (хомила узатилган орқадаги оёқчалари билан чикмоқда).

Олдин хомила пуфаги ок-сарик сока шаклида чикади, у бачадон буйинчаси канали оркали бузокни сирпанишини енгиллаштиради, кейинчалик олдинги ётишида оёкчалари ёки ортки оёкчалар – хомиланинг тос ётишида куринади. Сигир йирик хомила тугса ёхуд, унинг тоси булса ёки биринчи марта тугаётганида кийин туғилишлар руй берса бирмунча ёрдамлашса

булади. Бунинг учун кулларни яхши ювиб ва уларни 5 % ли йод дамламаси билан

суркаб, юмшок махкам ипчани олиб, бузок оёқларига илмок соладилар ва сигирда тулгоқ тутиш пайдо булганида хомилани сигир танасига нисбатан олдинга паст йуналишга тортадилар.

Хомиланинг нотугри холатида – қачон оёқчалари, боши кайрилган булса, ветеринария тез ёрдами талаб килинади. Бузокни тоза коп матоси ёки брезентга қабул килиш



30 - расм. Хомилани тунишда нотўғри жойлашганлиги:

- а – олдинги оёқларда ётгани (бошча оёқлар орасида қисилган);
б – борма тўғри оёқда ётгани (ҳарнига белда ётибди);
в – думлашда ётгани.

керак. Туғишдан сунг хомила пустлоғи, бузок огзи ва бурнидаги шилимшикни йукотиш, биров узингизга тортиб тилни енгил тугрилаб куйиш керак. Агарда бузок нафас олмаса, навбатлашиб олдин кукрак кафасини кисиб ва бушаштириб сунъий нафас олдириш лозим.

Агарда киндик узи узилмаса, у дезинфекцияланган ип билан бузок корнидан 8 – 10 см масофада боғланади ва биров пастдан дезинфекцияланган кайчи ёрдамида кесадилар. Кесилган киндик охири йод дамламаси билан куйдирилади. Агарда киндик узи узилган булса, уни боғламаса ҳам булади, лекин охиридан бир неча томчи кон чиказиб йод дамламасига ботириб оладилар. 3 – 4 кунда киндик курийди ва 10 – 15 кундан сунг тушиб қолади.

Киндик дорилангандан сунг, сигирга бузок ялаш учун яқинлаштирилади, Сигир бу билан жуда яхши укалаш килади, бу уз навбатида янги тугилган бузокда купгина омиллар - кон айланишини кучайтиради, тер ва мой безларининг ишини, тери оркали газ алмашинувини яхшилади, она организми ва сигирхона орасидаги харорат фаркини камайтиради. Бузокни ялаш сийдик ва дастлиабки тезак ажралишига ёрдамлашади. Шилимшик эса сигир организмга кириб сут ажралиши ва «йулдош»ни нормал ажралишига имкон яратади. Агарда сигир бузокни яламаса уни кизиктириш лозим, бунинг учун бузок танаси устига бугдой кепаги сепилади. Агарда шундан сунг ҳам сигир бузокни яламаса, у сочик, тасла булаги билан куригунча артиради ҳамда шилимшикдан биринчи галда кузлари, бурун тешиги ва кулоклари тозаланади, кейинчалик бутун танаси сомон бовлик билан суркалади.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

СИГИРГА ТУККАНИДАН СУНГ КАРАШ

Сигир тукканидан сунг унга яхшилаб караш лозим. Унинг соглиги ҳамда ишлаб чиқарилган огиз сути сифати ана шунга боғлиқ. Эсда тутиш керакки, тукканидан сунг юз бериши мумкин булган мураккаб холатлар огиз сутининг биологик киммати ва иммун хусусиятларини пасайтиради. Туғиш куну сигирга еганича сифатли пичан ва илик сув берилади. 2-3 куну

рационга 1-2 кг омехта ем, 4-5 кундан сунг ширали ва кук утлар кушилади; согим микдорига караб кунлик рацион купайтирилиб борилади.

Тукканидан сунг сигир елини одатда шишади, шишларини йукотиш учун елин укаланиб тез-тез (кунига 5-6 марта), согилиши керак. Нормал тукканидан 2-3 кун сунг сигирни кундалик сайр килдириш елиндаги шиш камайишига жуда яхши таъсир килади. Молхона тозалигига каттик риоя килмок, тушамани тез-тез алмашлаб турмок керак, чунки бу даврда сигирнинг жинсий органларидан куп фасод чикади.

ОГИЗ СУТ ДАВРИ

Огиз сути хосил булиши асосан 4 - 6 кунгача давом этади. Бузок тугилганидан сунг, биринчи 30-120 дакика давомида оёгига туради. Куннинг куп вактида (18-20 соат), бузоклар ухлайдилар. 1 - 3 кунлик соглом бузоклар танасининг харорати 38,5-39,3 °C лар атрофида, нафас олиш тезлиги хар дакикада 150-170 мартага, нафас харакатларининг сони эса 50-70 тага тенг.

Янги тугилган бузок сакланган хонада харорат 18-20 °C , илик хавонинг нисбий намлиги 70 % да булиши макбул. Бузок хаётининг дастлабки соатлари ва кунлари энг мураккаб хисобланади. Яшашнинг янги шароитга мослашиши руй беради, унда касаллантирувчи микроорганизмлардан ва шамоллашдан саклаш мухим. Маълумки, бузок химояга карши хусусиятларсиз тугилади. Уларда иммунитетни онасининг огиз сутини эмиш жараёнида шаклланади. Огиз сутининг бошлангич томчилари озукавий моддаларга ута бойдир. Шунинг учун уни бузокка 1-1,5 соатдан кечиктирмасдан ичирмок лозим. Огиз сути бузок хаётининг дастлабки кунларида тула кимматли озука хисобланади.

29-жадвал

Огиз сутининг узгариши (% хисобида, кизил чул зотли

сигирлар буйича),

Озукавий моддалар	Огиз сути (биринчи согим),	Нукул сут (тугишдан сунг 10-кундаги),
Курук модда	31,23	12,48
Ёг	5,91	3,74
Оксил	22,4	3,39
Шу жумладан казеин	9,81	2,69
Альбумин + глобулин	12,54	4,39

Сут шакари	2,53	0,71
Кул	1,21	0,78

У керакли озукавий моддалар – оксиллар, ёглар, углеводлар, витаминлар, ферментлар, минерал моддалар, билан ута бойдир. Огиз сутида нукул сутдагига караганда оксиллар 5-6, минерал моддалар 2, А ва Д витаминлари 5 марта купдир. Огиз сутида янги тугилган бузук организмни касалликлардан саклайдиган иммун таналарнинг куп микдори бор. Огиз сутининг ачитиш хусусияти юкоридир, бундай ҳолат овкат хазм килишга ижобий таъсир килади.. Сут ачитиш бактерияларининг ҳаёт фаолияти учун ҳам яхши шароит яратилади. Огиз сути ичакларни бошлангич тезакдан тозалайди. Огиз сутининг таркиби ва сифати ҳар куни пасая боради.

Сигир тукканидан сунг биринчи кунида 1 л огиз сутида 250-300 грамм курук моддалар булса, 4 - 5 кундан сунг уларнинг микдори 100-120 граммга тушиб қолади, бир ҳафтадан сунг эса у нормал сутга айланади.

Бузук огиз сутини онаси елинидан биринчи 1-2 кунда туйиб ичиши зарур. Агарда соғиб берилганда огиз сути совиса, иссик сувда (50-55 °С), 36-37 °С гача иситилади.

Сигирни соғиш пайтида тозаликка алоҳида эътибор қаратилади. Соғишдан олдин сигир елинини илик сув билан синчиклаб ювиш ва курук сочик билан артиш керак. Огиз сути ва сутнинг дастлабки томчилари жуда ифлосланган булади, шунинг учун уларни айрим идишга соғиб олиш, соғиб олинаётган огиз сутни назорат қилиб бориш керак. Огиз сутининг рангига, хиди ва куюклигига, ундаги кон аралашмасига, казеин чукмаларига ва бошка узғаришларга эътибор берадилар. Елин касалланса бузукка онасининг огиз сутини ичириш мумкин эмас. Бундай вазиятда бошка соғлом янги туккан сигирнинг огиз сутидан фойдаланиш мумкин ёки бундай имконият булмаса бузукка куйидаги рецептлар буйича сунъий огиз сути тайёрлаш лозим.

1. 1 л янги соғилган сигир сути, 10 мл (бир десерт қошиги), балик ёғи, 5 г ош тузи ва битта янги товук тухуми. Аралашма бир хил эмульсия олингунча чайкалади.

2. 0,6 л янги соғилган сут, бир тухум, 0,3 л сувда купиртирилган 1 чой қошиқ кастор мойи.

Дастлабки 2 – 3 кунларда бузуклар ҳар галда 1,0-1,5 л огиз сутини 5 – 7 марта ичадилар, яъни уларга огиз сутини ичишга имконият яратилади. Огиз сутини бузук уз ҳаётининг биринчи кунлари канчалик куп ичса, шунчалик яхши. Бузук оч колмаслиги керак. Акс ҳолда у атрофдаги ифлосланган нарсаларни эмиб бошлайди, натижада юкумли касалликлар билан оғриш эҳтимоли кескин купаяди.

Огиз сутини сургичли ичиргичларда ичирадилар (50-расм). Бу гигиена ва физиологик нуктаи-назаридаи маъкулдир. Аҳоли хонадонида огиз сутини бузук бевосита онасининг елинидан эмиб ичгани маъкул.

Биринчи кунлари бузук 5 мартагача, купинча кундузи эмади. Бузук узи эмса сут унинг ошкозониға кичик порцияларда тушади, натижада ошкозон-ичак касалликларининг пайдо булиш хавфи камаяди. Ундан ташкари, эмиш жараёнида бузук елинни яхши укалайди, бу холат елинда нормал кон айланишиға ва шишнинг камайишиға ёрдамлашади. Бузук 12-24 соат мобайнида айрим вазиятларда 3-4 кунгача онасини эмади. Сунг сургичли ичиргичдан ичиришға утказилади. Бузук сигир остида узок вақт булса она унга урганади ва уни соғиш кийин булади, (кулда сокканда сутни кийин беради).

Серсут сигирлар одатда огиз сутини янги тугилган бузук ичиб биладиганидан куп ишлаб чикарадилар. Биринчи кун соғилган сутнинг куп кисмини 2 : 1 нисбатда сув билан суюлтирадилар, каттарок ёшдаги бузукларға ичириш ёки бошқа турдаги хайвонлар – кузичок , уй паррандаларини озиклантиришда фойдаланиш мумкин. Кейинги кунларда соғилган огиз сути камрок нисбатда суюлтирилади. Янги соғилган огиз сути гигиеник шароитларда совукда, 2-3 кун мобайнида бузилмасдан сакланиши мумкин. Огиз сутидан бир неча хил махсулот тайёрланади, масалан Хоразмда огиз сутидан килинган чучварани одамлар истеъмол киладилар. Секин оловда кизитилганида огиз сути ириб колади ва хиди буйича тухумдан килинган таомларға ухшаш махсулот беради.

БУЗОКЛАРНИ НОРМА АСОСИДА ОЗИКЛАНТИРИШ

Тутри ва тула кимматли озиклар билан озиклантириш бузукни муваффакиятли устиришда бирдан-бир муҳим омилдир. Бузук усишға жуда мойил булган ҳаётининг биринчи ойларида, уни сероб озиклантириб, берилган озукани тулик ейиши ташвишида булмок керак. Бунда бериладиган пичан, омихта ем ва илдизмевалар тоза булиши учун уларни тез-тез янгилаб турмок лозим. Идишлар, охурлар, каттаклар тозалигига риоя килиш муҳимдир, озук бузилишиға йул куймаслик керак. Бузукларнинг нормал усиши ва тирик вазни муттасил ошиб бориши учун уларға ҳар хил микдордаги озукалар керак булади. Хужаликларда амалда кулланиладиган озиклантириш нормалари ва схемаларни шахсий мол эгалари ҳам куллашлари мумкин. 6 ойлик даврга келиб бузукнинг тирик вазни 135 - 150 кг булиши учун уларға куйидаги микдордаги озукаларни бериш тавсия этилади (6 ой давомида): сут 250 - 300 кг, ёғи олинган сут 350 - 400 кг, омихта ем – 130-150 кг, силос – 250 - 300 кг, илдизмевалилар - 400 - 450 кг ва пичан 200 – 220 кг. Ушбу озиклантириш нормаси кам омихта ем билан озиклантириш тури ҳисобланган. Сут ва ёғи олинган сут, илдизмевалилар ва пичаннинг мол эгасида етарли микдорда булиши 6 ойлик ёшдаги бузуклар учун куйидаги озиклантириш схемасини куллашға имкон беради. (1-схема),.

1 – схема

Келгусида сут етиштириш учун парвариш этиладиган 6 ойлик

бузукларни 6 ойгача озиклантириш схемаси , кг

		Ҳар бир Бузоқ учун кунда								Ҳар кундаги таъминот		
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
15	600	4									3,4	
60	600	4									3	
110	600	5						0,1			3	
210	600	5	2	0,1				0,1	6		3	1
310	600	4	3	0,2				0,2	9	5	3	2
410	600	3	4	0,3		1		0,2	9	8	2	2
510	600	1	5	0,4		2		0,4	9	13	1	2
610	700		5		0,5	2		0,4	12	16		2
710	700		5		0,6	2		0,6	12	20		2
810	700		4		0,8	3	1	0,8	12	22		2
910	700		3		0,9	3	2	1	15	26		2
100	800		2		1	3	2	1,2	15	30		1
110	800		2		1	3	3	1,4	15	32		1
120	800				1	3	3	1,6	17	38		3
130	800				1,2	4	3	1,8	17	40		3
140	800				1,3	4	3	2,2	18	40		3
150	800				1,4	4	4	2,4	18	40		3
160	800				1,5	4	4	2,6	18	40		3
170	800				2	5	4	2,8	18	40		3
Мажмуи		2600	1050	10	1,42	410	2900	2900	22000	41000		

Келтирилган озиклантириш нормалари ва схемалари мол эгаларидаги мавжуд имкониятларни тула ҳисобга ола олмайди. Масалан, ширали озукалардан силос, картошка, сабзи, лавлаги ва хоказолар булиши мумкин. Рацион канчалик хилма-хил булса, озукаларнинг ейимлиги шунчалик яхшиланади. Шундай булса-да озукаларнинг келтирилган умумий миқдорини бошқа тур озука билан алмаштиришга амал қилиш керак. Бу рационда озукаларни урнини босувчи озукалар – сут, ёғи олинган сут, омихта ем, пичан булиши мумкин.

Бузоқлар учун пичан ута муҳимлигини эътиборга олиб, уни тула равишда бошқа тур озука билан коплаш мумкин эмас. 6 ойликкача булган бузоқларнинг овқат хазм қилиш органлари ҳали шаклланиш босқичида булгани учун рационга донни қайта ишлаб чиқадиган қолдиқлар, жавдар ва нухат уни қаби қийин хазм булувчи озукаларни киритиш мумкин эмас. Сигирларга мулжалланган омихта ёғни бузоқлар учун фойдаланиш ман қилинади. Озиклантириш тартибини ўзгартиришни ёки бир озуқани бошқа хили билан алмаштиришни аста-секинлик билан амалга ошириш зарур. Рацион таркибида энергетик қимматга эга булмаган, лекин молнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун ута муҳим бирикмалар, аввало, витаминлар ва минерал моддалар булмоғи ута муҳимдир.

6 ОЙЛИККАЧА БУЛГАН БУЗОҚЛАРНИ ТУТРИ АСРАШ

УЧУН АСОСИЙ ЗООГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Шуни эсда тутиш керакки, соглом, юкори махсулдор молни, белгиланган озиклантириш, саклаш ва зоогигиеник талабларга риоя килган холда устириш мумкин. Бузук курук, яхши шамоллатиладиган, етарлича ёруг хоналарда сакланиши керак. Ойналар сатхининг пол сатхига булган нисбати 1:10 – 1:15, харорат кишда 12-16°C, нисбий намлик 70-80 % дан юкори булмаган холда, пол майдони – хар бир бошка 5 м² булиши лозим. Ёзда бузук молхонада сакланса мол организмнинг кизиши катта хавф тугдиради. Бунга дучор булмаслик учун хона тез-тез шамоллатиб турилмоги керак.

Мавжуд барча идишлар хар бир озиклантиришдан сунг дезинфекцион воситалар билан синчиклаб ювилиши зарур. Пластмассада килинган челақларни каустик сода эритмасига солиниб микроблардан тозаланади. Бу бузукларни ошкозон-ичак бузилишлардан саклайди.

Тугилганининг биринчи кунларида бузук тезагини сомоннинг ифлосланган катлами билан хонадан кунига бир неча марта чикариб ташлаб, тушамани тулик узгартирмай, хар куни тоза сомонни етарлича микдорини туплайдилар. Чукур тушама бузукларга дам олиш учун иссик жойни таъминлайди.

2. 3 хафталигидан бузуклар очик хавода сайр килдирилади. Сайр организмни мустахкамлайди ва чиниктиради, шамоллаш касалликларини келиб чикишининг олдини олади. Сайр давомидаги оби-хавонинг ва молнинг холатига боглик.

Ёмгирли, шамолли кунларда бузукларни сайрга чикармаслик керак. Совук, лекин шамолсиз куни бузукларнинг сайр вакти 30 дакикадан ошмаслиги лозим. Киш пайти сайрни куннинг иккинчи ярмидан утказган маъкул.

Биринчи сайрни 10 - 15 дакика давомида утказиш тавсия этилади. Сайр давомийлиги хар куни купайтириб борилади ва хафта давомида 1-1,5 соатга етказилади.

Бахорда тугилган бузукларни 1- 1,5 ойлигидан бошлаб яйловга чикариш мумкин. Айрим жойларда бузукларни боглаб табиий яйловларда, утлар ёнидаги утлоқларда бокиш тажрибасини кулланилади. Бунини одатда эрталабки соатларда амалга оширадилар. Кейинчалик эса бузук сояда, иссикда бостирма, дарахт остида, чангалзорда, панада булиши мумкин. Яйлов хосиолдорлигига караб дастлабки пайтларда бузукларни кушимча равишда омихта емлар билан озиклантиришга тугри келади (кунига 1-2 кг). Сув ва курук озукани халка шаклида ушлагичлар билан махкамланган челақларда берса булади.

БУЗОК ВА ТАНАЛАРНИ СУТ ЭМИШДАН

СУНГГИ ДАВРДА ОЗИКЛАНТИРИШ

Бузукларни 6 ойлигидан сунгги даврда озиклантиришни ташкил килишдаги асосий вазифа – келгусида катта микдорда дагал хашакни истеъмол кила биладиган ва уларни еганидан сунг юкори махсулот бера оладиган кучли, соглом молнинг шаклланишига шароит яратишдан иборат. Мол эгаси шуни билиши керакки, омихта ем билан озиклантиришга ута кизикиш

мумкин эмас ; у яхши самара бермайди. Гунажин ташки куринишда яхши семирган булиб куринади, лекин келгусида керакли микдорда дагал ва ширали озукаларни кайта ишлай олмаслиги мумкин. Ута семиз танадан яхши серсут сигир чикмайди.

Сутдор, 450-500 кг тирик вазни сигирга эга булиш учун 30-жадвалда келтирилган озиклантириш рационларини тавсия килиш мумкин. Ёзда яхши утлокларда бокилаётган гунажинлар рационига омихта емлар кушилмаса хам булади.

30 – жадвал

Киш даврида тана ва гунажинларни

озиклантириш рационлари, кг

Ёши, ой	Кундалик усиш, г	Давр охиридаги тирик вазни, кг	Озука				
			Омих-та	Ши- рали	Пи- чан	Со- мон	Ош тузи,г
7-9	550	190	1,0	10	4	2	20
10-12	550	240	0,8	10	4	3	25
13-15	500	285	0,6	12	5	3	30
16-18	500	330	0,5	13	5	3	35
19-21	450	370	0,5	13	6	3	40
22-24	450	410	0,5	13	6	3	45

Таналарнинг кук утга булган кундалик талаби 7-12 ойлигида 16-20 кг, 12 - 18 ойлигида 25 - 30 кг, 18 - 24 ойлигида 30 - 35 кг. Келтирилган озиклантириш нормалари ва рационлар мол эгаси томонидан узининг имкониятига караб узгартирилиш мумкин . Хар кандай холатда хам молларнинг озукаларига булган талаби албатта кондирилиши лозим.

Молларнинг озукага булган кундалик талабини билиб, 31 – жадвал маълумотларидан фойдаланган холда, мавжуд озукаларни тугри танлаш мураккаб иш эмас.

Мол эгалари шуни билишлари керакки, озукаларни барча озукавий моддалар буйича мутлако аник мувозанатга эришиш жуда кийин. Чунки бунда озукаларни сифати ва катор бошка омиллар хисобга олинмоги керак. Шундай булса-да рационларнинг талабга караганда огиши 3

– 5 % дан ошмаслиги керак. Рационларни протеин, фосфор ва каротин буйича аник баланслаш айникса муҳимдир, чунки уларнинг миқдори талаб қилинадиган нормалардан озунга бирлиги буйича қўй сарфланса-да қўй бўлмаслиги лозим.

Кальций ва каротиннинг қўйлиги хавфли эмас, чунки уларнинг зиёди организмдан чиқарилади. Айрим пайтларда, масалан, рацион тузилганида молларнинг тирик вазнини аниклаш керак. Лекин буни тарози бўлмаганидан ҳар доим ҳам қилиб бўлмайди. Уй шароитида молнинг тирик вазнини аниклаш учун белгиланган тана нукталаридан ўлчовлар олиниб, җадвал орқали фойдаланилади.

31 – җадвал

Ўш молларни устиришдаги озиклантириш нормалари

Ёши, ой	Тирик вазни кг	Кунда- лик усиши, г	Кунда, бир бошга талаб килинади					
			Озука бирлиги, кг	Хазмла- нувчи протеин, г	Кальций г	Фосфор,г	Каротин мг	Ош тузи, г
Тана ва гунажинлар								
1	45	600	2,2	220	10	8	30	3
2	63	600	2,4	240	15	10	35	5
3	81	600	2,7	300	20	15	50	10
4	100	650	3,0	390	25	15	65	15
5	120	650	3,4	440	30	20	80	15
6	140	650	3,9	470	30	20	95	20
7-9	190	550	4,3	490	35	25	100	25
10-12	240	550	4,6	505	40	25	140	30
13-15	285	500	5,5	570	45	30	165	40
16-18	330	500	6,1	610	50	35	180	45
19-21	370	450	6,5	650	65	40	220	50

22-24	400	450	7,0	700	70	50	240	55
25-27	440	450	7,5	750	75	55	250	60

Новвослар

7-8	198	800	4,5	500	40	25	130	25
9-10	252	800	5,8	600	55	35	185	40
11-12	297	750	6,2	620	55	30	200	45
13-14	342	750	6,5	650	65	40	220	50
15-16	384	700	7,0	700	70	50	240	55
16-17	426	700	7,6	760	76	60	260	60
17-18	470	750	8,1	810	81	70	280	65

НОВВОСЛАРНИ ГҶШТГА БОКИШ

Новвосларни шундай озиклантириш керакки, уларнинг тирик вазни бир ёшда тугилганидан 7-8 марта, бир ярим ёшида эса 11-12 марта ошган булсин.

Гўшт етиштириш учун новвосларни жадал бокиш лозим. Мол эгаси шуни билиши керакки, 1 кг усишга букачалар 5-10 % озукани ахталанганларга караганда кам сарфлайдилар. Эркак бузоклар эртарок (1-3 ойлигида), ахталанса мускул тукумасининг ривожланиши анча пасаяди, мол эрта ва кучли равишда ёг боглайди. Агарда букача 6-12 ойлигида ахталанса бундай ходиса руй бермайди, чунки бунгача жинсий безлар суяк ва скелет мускулларини ривожланишига каратилган узининг мухим вазифасини бажаришга улгуради.

Бир ёшгача булган бузок бокилганида унинг гўшти “мармарсимон”, ейимли, биологик тула кимматли, майин, ширали, мазали ва енгил хазм булувчи булади. Танкис озиклантирилганда суяк ва пай булаклари купаяди, гўшт каттик, кам ейимли, кийин хазм булувчан булади.

Мол эгасининг максади ва талабига караб новвосни бир ёшгача ёки бир ярим ёшгача бокиб гўштга суйиш мумкин. Агар у кишда суйиш учун устирилса, кузда яйловда сакланганидан сунг уларни мул озиклантириш керак.

Новвосларни гўштга бокишда кундалик нормалар, кг

Ёши, ой	Кунда- лик усиш, г	Давр охири-даги тирик вазни,кг	Озука				
			Омихта	Ширали	Пичан	Сомон	Ош тузи, г
7-8	800	220	1,0	10	5	2	30
9-10	800	270	1,0	12	5	3	40
11-12	900	325	1,5	14	5	3	40
13-14	900	375	1,5	14	5	4	45
15-16	1000	435	2,0	15	4	4	50

Агарда мол кишда суйилмайдиган булиб ёзги яйловда бокилса, у кузда уртамиёна, арзон дагал озукалар, сабзавот колдиклари билан бокилади; бунда омихта ем жуда кам берилади. Кундалик усиш бу даврда 400 - 500 граммни ташкил килади, суйиш ёки гўштга топшириш максидида молни яйловга утказиб, яйлов утида жадал усишига эришадилар. Бир ёшдаги новвос жадал устирилганда 300 - 325 кг, бир ярим ёшида эса 430 - 450 кг ва ундан ҳам куп тирик вазнга етади. Корамоллар гўшт учун хар кандай усулда бокилса-да суйишдан 2 - 3 ой олдин жадал бокишга утказилади. Новвос ва вояга етган молни бурдокига бокиш технологияси амалда бир хилдир.

Бурдокига бокиш – гўшт етказишдаги якунловчи жараён булиб, бунинг натижасида молнинг тирик вазни купайиб семизлиги ошади ва гўшт сифати яхшиланади. Тана огирлигининг айникса жадал ошиши усаётган организмда содир булади. Бурдокилашдан сунг суйим чикими 57-60 % га етади, гўштнинг туйимлилики киммати 1,5-2 марта ошади. Бурдокилаш даврида омихта емлар кисми рационларда 30-40 % га етади. Рационнинг бошка турлари арзон озукалардан ташкил топади. Бундай озукалар сабзавотчилик колдиклари булиши мумкин. Бурдокилаш учун силос, жом, пива чикиндилари, пичан ва хоказолар айникса яхшидир. Бурдокилаш даврида молларни боглаб, 2 марта озиклантириш керак. Боглаб бокишда мол купрок семиради, чунки бунда озука энергияси харакатга сарфланмайди.

Яйловда бокиш арзон бурдокилашнинг бирдан-бир усулидир, уни табиий ут етарли микдорда булган жойларда утказадилар (хар бош молга 2-3 га),. Бунда нафакат озука сарфи камаяди, меҳнат сарфи ҳам анча иктисод килинади. Моллар яйловда 15-16 соат бокилади, уларга купрок ут ейиши учун ош тузи берилади (молнинг ёши ва тирик вазнига караб кунига тахминан 50-100 г),. Яйловда доимо сув ва сояланадиган жой булмоги керак. Яйлов ути етишмаганда молни бошка кук утлар билан еганича бокадилар. Омихта емларни рацион

туйимлигининг 30 % дан кам булмаган микдорида ёки хар бошга 2-3 кг берадилар. Омихта ем ва кушимча равишдаги ут моллар кундузги ва кечки дам олишидан олдин берилади.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

МОЛ СУЙИШ

Молни суйиш учун ветеринария шифокоридан рухсатнома олиш керак. Якиндагина эмланган ёки препаратлар билан даволанган молларни суйиш мумкин эмас, чунки маълум вақт давомида молларнинг гўштида даволанган моддалар таъсирланиб туради. Суйишдан олдин мол куп йул юриб ёхуд каттик ҳаракат этиб чарчаган булмаслиги керак. Унинг тана ҳарорати нормал булиши лозим (корамол учун 38,5 – 39,5 градус),.

Суйишдан 24 соат олдин молни оч саклаб туриш, лекин сув билан таъминлаш лозим. Суйишдан 3 соат олдин сув бериш тухтатилади. Молни озиклантирмай саклаш шунинг учун керакки, тулган ошқозонда мол терисини олиш, ички органларни танадан ажратиш ва уларни тозалаш, ишлов бериш кийинлашади, овқат хазм қилиш органлари ичидаги нарсалар гўштининг ифлосланиш имкониятини кучайтиради.

Суйишдан олдин молларни ювиш керак, чунки уларнинг тозаланмаган териси гўшт ифлосланишининг бирдан-бир манбаи булиши мумкин. Молни суйишнинг энг макбул йули уни гўшт комбинатларида ва қушхоналарда амалга оширишдир. Бундай имконият булмаган жойларда суйишга тугри келса, улар махсус майдончаларда суйилгани маъқул. Қушхоналарнинг майдончаларида оддий канализация, оқар ва иссик сув ҳамда керакли асбоб-ускуналар булиши керак.

Хотиржамлик билан суйиш ва молнинг конини тула окизиш учун уни калта ип билан шохидан полга киритилган халкага боғлайдилар ва бошни пешона қисмига тукмок билан уриб ҳушидан кетказадилар. Бирдан ҳаракат булмаслиги учун мол кузи боғич билан бекитилади. Суякни майдамаслик учун 1,5-2 кг ёғоч тукмок қулланади. Ҳушидан кетиш ҳолати 2-5 дақиқа давомида уни консизлантириш керак. Бунинг учун молнинг буйин қисмида терини кесадилар, кизилунгачни ажратиб (ошқозон ичидаги нарсалар тукилмаслиги учун), уни синчиклаб, уйку артерияси ва умуртка нерв томирини кесадилар. Консизлантирилганда суйишдан олдинги тирик вазнининг тахминан 4 % микдорида қон чиқади.

Консизлантирилгандан сунг мол терисини олишга киришадилар. Терини шилишни енгиллаштириш учун мол танасини орқага қуядилар, ён томонларига эса тургун ҳолат учун иккита тахта қуядилар. Олдин илдизигача қулоқлар кесиб олинади, сунг бурун тешиги атрофида халқасимон кесиклар қилиб, қуздан шохгача, ундан энгса тожи буйича қарама-қарши шохгача ва сунг терини бошдан шилишни бошлайдилар. Шулардан сунг биринчи буйин умурткасини ва энгса суяги орасида кесик қилиб бошни танадан ажратадилар. Сунг қуқракни орқа тешиқчага буйлама кесиш, орқа тешиқ атрофида айланма, туёқдан юқорирок олдинги ва орқа оёқларда кесик қилиб,

олдинги оёкларни ички томонидан кукракнинг юкорисига кесиб, уни буйлама кесим билан бирлаштирадилар.

Олдин терини олдинги оёкларидан шиладилар ва олдинги оёкларини билак бугими буйига кесиб оладилар. Сунг терини буйин ва кукракнинг пастки кисмидан шиладилар. Остки оёкнинг халкали кесими уларнинг ички томони, чавни корин томон чизик буйича кесадилар. Ортки оёклардан терини ажратиб олиб, уларни сакраш бугими буйича кесиб оладилар. Кесиш даврида пайни шикастлантормаслик керак, чунки кейинчалик улар оркали гўшт осилади. Сунг терини човлардан, мояк халтасидан (сигирларда елинидан), сони ички томонидан, кориндан ва ёнларидан ажратиб оладилар, шундан сунг кукрак суягини булаклаб сакраш бугимларининг суяги ва пайи орасидаги кесикни оёкка куйиб, тана гўштини буйининг юкори кисмидан, оркадан думгаздан терини шилиш енгил булиши учун маълум даражада юкорига кутарадилар. Думгаза ва оркадан терини кул билан, баъзан пичок ёрдамида шиладилар. Олинган терини тенг ярмини тахлайдилар ва ички органларни чиқариб олишга киришадилар. Шундан сунг гўшт сифатини аниклаш учун ветеринария шифокорига барча гўштни курсатиш керак. Гўштни ташиш, саклаш ва келгуси етилиши учун танани умуртка буйича ёкалаб 11-12-ковургалар даражасида ярмига чопадилар.

Янги шилинган тери биринчи соатдан сунг бузилиши мумкин, шунинг учун уй шароитида уни тезда бузилмайдиган килиш жуда муҳимдир. Бунинг учун суйилган молнинг янги шилинган терисини гўшт ва ёғ қолдиқларидан артиб, дум кисмини кесиб оладилар, нажас ифлослиқларидан тозалаб, уни 1-1,5 соат мобайнида совуши учун қолдирадилар. Сунг тоза полга ош тузи сепадилар, тери жунини пастга каратиб ёзадилар ва текис тугрилайдилар. Тузлангандан сунг терини пакет шаклида жунини ташкарига ағдарадилар. Бундай ҳолатда уни камида 4 кун ёмгирдан химояланган жойда саклайдилар.

1 кг оғирлиқдаги янги терига тузнинг сарфи камида 300 граммни ташкил қилади. Суйилган молдан шилинган тери, қунчилик саноати учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади ва тайёрлов ташкилотлари уни сузсиз қабул қилишади. Тери топшириш мол эгасига ҳам фойдали, чунки 1 кг тери хомашёсига сотиш баҳолари буйича анча пул туланади. Лекин ҳамма вақт ҳам мол эгалари тери сифатига етарли эътибор бермайдилар ва шунинг учун ҳам қам моддий фойда оладилар. Келгусида бунга эътибор қаратилмоғи лозим.

ҚЎЙЧИЛИК

ҚЎЙЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонда қуйчилик қорамолчиликдан кейин ўз аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Қуйлардан турли маҳсулот - жун, қорақул тери, гўшт, ёғ ва айрим ҳолларда сут ҳам олинади.

Куйларнинг энг мухим биологик хусусиятларидан бири – уларнинг узок юра олиши ва утлик яйловлардан фойдалана олиши. Куйларнинг юпка лаблари билан уткир тишлари нихоят даражада харакатчан булиб, улар утларнинг тагидан узиб олишга хамда дагал усимликларнинг нозик баргларини ейишга имкон беради. Шунинг учун куйлар Ўзбекистонда жуда куп булган дашт, чала дашт ва кум яйловларидан бошка хайвонларга караганда яхши фойдаланадилар.

Бутун дунёдаги куйлар сони 1450 млн. бошни ташкил килади, шундан 155 млн.ни Австралияда ва 48 млн.ни Янги Зеландияда урчитилади.

Қўй зотлари


Майин жунли куйлар уч гурухга ажратилади.

1. Сержун куйлар (грозний, ставропол, меринослар ва бошкалар);
2. Сержун – гўштдор куйлар (аскания, кавказ, киргиз ва олтой зотлари);
3. Гўштдор – сержун куйлар (прекослар, архар-меринослар ва майин жунли козоки куйлар);




53-расм

Баклан шайги кучкор, караганда кучкор, кучкорин жун қирқим бадилан.



51-расм

Грозний зот кучкор. 1951 йилда БҚХВ чемпиони бўлган. Жун қирқими 18,3 кг. Жун толасининг узунлиги 9,5 см; майинлиги 64 сифат; тирик вазни 111 кг. "Червление буруни" наслчилиги совхозига қарашли бўлган.



52-расм

Цигаи зот кучкор. Бир яшарлик пайтида жун қирқими 2 кг бўлган, жун толасининг узунлиги 12 см, майинлиги 50 сифат, тирик вазни 137 кг. Роза Люксембург номидаги наслчилиги совхозига қарашли бўлган.

Яри
м
майи
н
жун
ли
куй
зотл
арид
ан ц
игай
зоти
маш


хурдир. Улар йириклиги буйича уртача куйлар жумласига киради – кучкорларнинг вазни 60-80 кг, совликларники 50 кг га якин. Кучкорлари 4 – 6 кг, совлиги 3 – 3,5 кг жун беради.

Ромни- марш зот куйлари линкольн куйларига Караганда 10 % кичикрокдир. Уларнинг жуни ингичкарок (27-40 микронгача), аммо калтарокдир.


Дагал жунли куй зотларига Урта Осиёдаги энг ахамиятлиси коракул куйлар хисобланади. Бу зот куйлар маҳаллий зот хисобланади. Улар ҳозирги пайтда Афғонистонда, Жанубий-Африка иттифоқида куплаб урчитилади.

Коракул куйларнинг совликлари 45 – 50 кг, кучкорлариники 60 - 85 кг келади. Кучкорлари одатда шохли булади, туколлари ҳам учрайди. Она куйлар эса одатда туколдирлар.

Бу зот куйларнинг гўшти сифатли, жун маҳсулдорлиги бошқа дагал жунли куйларникига караганда анча юқори. Совлик куйлар 2 киркимда 2,4 – 2,5 кг жун беради. Коракул куйлари бир ярим ёшга етганида уларнинг жуни аста-секин оқара бошлайди, факат такир жун билан копланган тумшуги, кулоклари ва оёқларидагина дастлабки ранги сакланиб қолади.



54-расм. Йирик жингалакли сур тери берадиган уч кунлик қоракул қўш.



55-расм

Тинил хисори эса 28 оқор. Тиреги вагани 100 кг. Эҳди қишқими 0,3 кг.

Кора
кул
куйл
ар
дашт,
чала
ва
кум
яйло
влард
а йил

буйи бокишга бошка хил куй зотларининг хаммасига караганда яхши мослашгандир.

Хайвонларнинг 2 тури – коракул куйлар ва туялар

Урта Осиёдаги чулларда бокиш учун энг яхши мослашгандирлар.

Коракул куйлари билан олиб бориладиган наслчилик ишлари хам узига хосдир: бу куйлар факат соф холда урчитилади; хар кандай чатиштириш коракул тери сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради.

Бу куйларнинг дастлабки бонитировкаси хаётининг биринчи кунларида, кейинчалик эса 15 – 20 кунлигида яна кайта куздан кечиради. 1,5 ёшда куйларнинг ривожланиши, конституцияси, экстеръери ва жунининг сифати юзасидан кушимча равишда бахо бериб чикилади.

Кейинги йилларда коракул куйларнинг янги хилларини етказиш борасида узбекистонлик олимлар, мутахассислар ва чупонлар билан хамкорликда купгина муваффакиятларга эришдилар. Улар энг кимматли кул ранг ва сур коракул тери берадиган куйларни купайтиришга эришдилар.

Думбали гўштдор–серёг куйлар хам Урта Осиё республикаларида кенг микёсда бокилади. Куйлар яхши шароитда бокилганда улар думбасида ёг захираси тупланади, озикланиш шароитлари ёмонлашганда бу ёг захираси ишлатилади. Думбали куйларнинг бу биологик хусусияти уларни йил давомида яйловда бокишга имкон беради. Битта куйнинг думба ёги 8 – 12 кг га етади. Ахоли думба ёгини хуш куради.

Думбали куйларнинг кузилари жуда тез етилади, гўшт – ёги сифатли, лекин жуни кам ва паст сифатлидир.

Хисори куйлар думбали куйларнинг энг йирикидир. Узбекистондаги хисори куйларнинг совликлари 72-75 кг гача, кучкорлари эса 100 кг атрофида булади, (П.Ф.Кияткин, 1962),. Хисори

куйлар хамма хил думбали куйларга караганда энг яхши гўшт-ёг сифатига эга, лекин уларнинг жуни нихоятда паст даражада ва камдир. Улардан йилига 1 – 1,2 кг жун олинади, холос.

У

55-расм.

Типик ҳисори зот қўчқор. Тирик вазни 100 кг. Жун қирқими 0,8 кг. збекистонда бокиладиган яна бир думбали куйлар «жайдари» дейилади. Бу куйларнинг сифати бир хил эмас. Жайдари совликларнинг тирик вазни 68 – 70 кг келади. Вояга етган «жайдари» куйлардан йилига 1,6 – 1,9 кг атрофида жун олинади.

Сирожи зот думбали куйлар асосан Туркманистонда бокилади, улар йирик эмасдирлар, лекин жуни бошка думбали куйларникидан анча яхши булиб, уни ярим дагал жун каторига киритиш мумкин. Бир бош совликдан 2,5 – 3 кг жун қирқиб олинади. Кузилари одатда малла жунли булиб тугилади, аммо ёши катталашган сари у оқара боради, шунинг учун ҳам бундай жун яхши буялади. Машхур туркман гиламлари сирожи зот куйлар жунидан тукилади.

Думбали куйлар бир ярим ёшга етганда бонитировка килинади.

КУЙЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИ

Жун

Тери махсули булган жун хайвонларнинг шохлари ва туёклари таркибига кирувчи моддалардан ташкил топгандир.

Жун толалари эмбрионал давридаёқ пайдо булиб уса бошлайди. Бугозликнинг туртинчи оёи охирида бешинчи оёи бошларида етилган хомиланинг усти батамом жун билан копланеди.

Жун толаларининг турт хили : тивит (остки катлами), урталик (оралик), жун, муйтаб жун, улик жун асосий ахамиятга эга. Бу турт хил жундан ташқари куйларнинг бош ва оёкларида тугри ва калта тақир жунлар ҳам булади.

Тивит деб энг майин ва жингалак жун толаларига айтилади. У ҳамма хил куй зотларида турли микдорда учрайди. Майин жунли куйларнинг жуни факат тивитдан иборат булади.

Жуннинг сифати аввало унинг бир хиллигига қараб аникланади. Майин жунли ва ярим майин жунли куйларнинг жуни бир хилда булганлигидан улар айникса қадрланади.

Жуннинг узунлиги ва ранги муҳим ахамиятга эга, у оқ булиши керак, чунки оқ жун ҳар қандай ранга яхши буялади.

Кузги жун баҳорги жундан юқори баҳоланади, чунки у майинроқ ва тозароқ булади.

Костюмбоп газламанинг бир метрига 330 граммга якин тоза майин жун ва 420 граммга ярим майин жун кетади.

КОРАКУЛ ТЕРИЛАР

Коракул деб 2 – 3 кунлик чогида суйилган жингалак жунли кузи терисига айтилади. Энг яхши терилар коракул куйлардан олинади.

Терининг жингалаки бир неча хал булади : каламгул, лублагулли, гажак; улар жингалак турига караб бахоланади. Коракул терилар жингалагининг эни кандай эканига караб майда жингалакли (эни 0,4 см гача), уртача жингалакли (0,4 – 0,8 см), ва йирик жингалакли (эни 0,8 см дан зиёд), хилларга булинади.

Онасини ичидаги 4,5 ойлик хомиладан олинган терига **коракулча** дейилади. Бундан катта даврда ич ташлаш натижасида олинган тери – коракул- коракулча дейилади. Улар коракул териларга караганда анча киммат.

Кузи териси жингалакининг ранги хам катта ахамиятга эга. Кора рангли терилар энг куп таркалгандир. Улар барча кузи териларининг 90 % дан купрогини ташкил килади. Бундан ташкари кул ранг, жигар ранг (камбар), ва сур ранглилари хам булади.

Сур коракул терининг жун толалари икки хил ранга эга : пастки кисми тук рангда, устки кисми эса очрок рангда булади. Шу туфайли бундай коракул тери узининг асосий рангига караб тилласимон ёки кумушсимон товланиб туради.

Коракул терилар жингалаклар тузилишига караб уч хурухга булинади: жакет, кавказ ва ковургасимон-ясси.

Куй терилари деб 5-7 ойлик ва ундан катта ёшдаги куйлардан олинган териларга айтилади. Бу терилар нималарга караб ишлатилашига уч гурухга – пустинбоп, муйнабоп ва терибоп хилларга булинади.

Пустинбоп куй тери деб дагал жунли куйларнинг узунлиги камида 2,5 см булган хар хил жунли терига айтилади.

Романов зотли куйларнинг 6 – 8 ойлик кузилари энг яхши тери беради : уларнинг муйтоб жуни 3 – 4 см, тивити эса 5 – 6 см узунликда булиши керак.

Цигай зот кузилардан олинадиган терилар муйнабоп булиб «Цигейка» номи билан машхурдир.

Гўшт, ёғ ва сут

Урта Осиё республикалари аҳолиси истеъмола киладиган жами гўштнинг 45 % га яқинини куй гўшти ташкил килади.

Ўзбекистонда бокилаётган куй зотлари уртадан юкори семизлик даражасида булганда 50 – 53 % гача гўшт-ёг беради.

Куй сути серёг ва унинг таркибида анча оксил бор. Куй сути эритилган сарёг, пишлок (сыр),, бринза-пишлок тайёрлаш учун ишлатилади.

Ўзбекистонда кузи суйилгандан сунг она куйлар согилади ва уни чупонлар истеъмола киладилар.

Кузилатиш ва кузиларни устириш

Ўзбекистонда думбали ва коракул куйлар одатда бахорги ойларда кузилайдилар.

Кузилатиш яқинлаши билан совликлар кишки яйловлардан бахоргисига кучирилади. Агар куйлар кузилатиладиган жойда доимий иссик хоналар булмаса, ёмгир ёккан ва совук кунларда янги тугилган кузиларни асраш учун у ерда вақтинчалик чайлалар курилади.

Тугаётган куйларни ва куйлар туғиб булгандан дастлабки вақтда уларни каровсиз колдириш мумкин эмас, чунки янги тугилган кузиларни йирткич кушлар ва хайвонлар олиб колмаслиги учун итлар катта ёрдам курсатади.

Туғиш нормал утганда совликларга ёрдам курсатилмайди. Туғиш узок ва кийин утадиган булса, ветеринария ходими ёки тажрибали чупон ёрдам килиши керак.

Ҳозирда сут зардобидан 20 дан зиёд ичимлик тайёрланмоқда ва аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади.

Шунингдек сутдан сариеғ, сметана, простокваша ва кўпгина бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Гўштга бирламчи ишлов бериш

Моллар семириши билан танасининг айрим қисмларида ёғ боғланади. Молнинг

семириш даражаси унинг ташқи кўринишига қараб, кўз чамалаб, қисмларини қўл билан ушлаб кўриш йўли билан аниқланади. Гўштдорлик даражаси талабга жавоб берса қушхонада сўйилади ёки гўшт комбинатига жўнатилади. Семизлик даражасига кўра моллар юқори семизлик, ўрта семизлик ва ўртадан паст семизлик гуруҳларига бўлинади. Мол гўштига ишлов бериш уни ейишга тайёрлашдан бошланади.

Қорамол сўйиш. Кейинги йилларда мол гўшт комбинатларида кам сўйиладиган бўлди. Кўпгина мол қушхоналарда сўйилади, олинган гўшtdан бир, икки хил маҳсулот тайёрланади холос. Шундай бўлса-да молни сўйишда барча ветеринария ва технологик тадбирлар сўзсиз бажарилиши шарт.

С),.°Фермер хўжаликидаги, аҳоли хонадониди тайёрланган молни қушхонага олиб боришдан олдин ветеринария ходимидан рухсатнома олиниси керак. Яқиндагина эмланган ёки хар хили препаратлар билан даволанган молларни сўйиш мумкин эмас, чунки маълум вақт давомида моларнинг гўштида даволанган моддалар таъсирланиб туради. Сўйишдан олдин мол кўп йўл юриб ёхуд қаттиқ ҳаракат этиб чарчаган бўлмаслиги керак. Унинг тана ҳаракати нормал бўлиши лозим, (қорамол учун 38,5-39,4

Сўйишдан 24 соат олдин молни оч сақлаб туриш, лекин у сув билан таъминланиши лозим. Сўйишдан 3 соат олдин сув бериш тўхтатилади. Молни озиклантирмай сақлаш шунинг учун керакки, тўлган ошқозонда мол терисини олиш, ички органларни танадан ажратиш ва уларни тозалаш, ишлов бериш қийинлашади, овқат хазм қилиш органлари ичидаги нарсалар гўштнинг ифлосланиш имкониятини кучайтиради.

Сўйишдан олдин молларни ювиш керак, чунки уларнинг тозаланмаган териси гўшт ифлосланишининг бирдан-бир манбаи бўлиши мумкин. Молни сўйишнинг энг мақбул йўли гўшт комбинатларида ва қушхоналарда амалга оширишдир. Бундай имконият бўлмаган жойларда сўйишга тўғри келса улар махсус майдончаларда сўйилгани маъқул. Қушхоналарнинг майдончаларида оддий канализация, оқар ва иссиқ сув ҳамда керакли асбоб-ускуналар бўлиши керак.

Хотиржамлик билан сўйиш ва молнинг қонини тўла оқизиш учун уни калта ип билан шохидан полга киритилган халқага боқлайдилар ва бошини пешона қисмига тўқмоқ билан уриб хушидан кетказадилар.

Бирдан ҳаракат бўлмаслиги учун мол кўзи боғич билан бекитилади. Суякни майдамаслик учун 1,5-2 кг ёғоч тўқмоқ қўлланади. Хушидан кетиш ҳолати 2-5 дақиқа давомида уни қонсизлантириш керак. Бунинг учун молнинг бўйин қисмида терини кесадилар, қизилунгачни ажратиб, (ошқозон ичидаги нарсалар тўкилмаслиги учун), уни синчиклаб, уйқу артерияси ва умуртқа нерв томирини кесадилар. Қонсизлантирилганда сўйишдан олдинги тирик вазнининг тахминан 4 % микдорида қон чиқади.

Қонсизлантирилгандан сўнг мол терисини олишга киришадилар. Терини шилишни енгиллаштириш учун мол танасини орқага қўядилар, ён томонларига эса турғун ҳолат учун иккита тахта қўядилар. Олдин илдизигача қулоқлар кесиб олинади, сўнг бурун

тешиги атрофида халқасимон кесиклар қилиб, кўздан шохгача, ундан энгса тожи бўйича қарама-қарши шохгача ва сунг терини бошдан шилишни бошлайдилар. Шулардан сўнг биринчи бўйин умурткасини ва энгса суяги орасида кесик қилиб бошни танадан ажратадилар. Сунг кўкракни орқа тешикчага бўйлама кесиш, орқа тешик атрофида айланма, туёқдан юқорироқ олдинги ва орқа оёқларда кесик қилиб, олдинги оёқларни ички томонидан кукракнинг юкорисигача кесиб, уни бўйлама кесим билан бирлаштирадилар.

Олдин терини олдинги оёқларидан шиладилар ва олдинги оёқларини билак бўғими бўйигача кесиб оладилар. Сўнг терини бўйин ва кўкракнинг пастки қисмидан шиладилар. Остки оёқнинг халқали кесими уларнинг ички томони, чавни қорин томон чизик бўйича кесадиладар. Ортки оёқлардан терини ажратиб олиб, уларни сакраш бугими бўйича кесиб оладилар. Кесиш даврида пайни шикастлантормаслик керак, чунки кейинчалик улар орқали гўшт осилади. Сунг терини човлардан, мояк халтасидан (сигирларда елинидан), сонни ички томонидан, қориндан ва ёнларидан ажратиб оладилар, шундан сунг кўкрак суягини бўлакча сакраш бўғимларининг суяги ва пайи орасидаги кесикни оёкка қуйиб, тана гўштини бўйининг юкори қисмидан, орқадан думгаздан терини шилиш енгил бўлиши учун маълум даражада юкорига кутарадилар. Думгаза ва орқадан терини кул билан, баъзан пичок ёрдамида шиладилар. Олинган терини тенг ярмини тахлайдилар ва ички органларни чиқариб олишга киришадилар. Шундан сунг гўшт сифатини аниқлаш учун ветеринария шифокорига барча гўштни курсатиш керак. Гўштни ташиш, саклаш ва келгуси етилиши учун танани умуртка бўйича ёкалаб 11-12-ковургалар даражасида ярмига чопадилар.

Янги шилинган тери биринчи соатдан сунг бузилиши мумкин, шунинг учун уй шароитида уни тезда бузилмайдиган қилиш жуда муҳимдир. Бунинг учун суйилган молнинг янги шилинган терисини гўшт ва ёғ қолдиқларидан артиб, дум қисмини кесиб оладилар, нажас ифлосликларидан тозалаб, уни 1-1,5 соат мобайнида совуши учун қолдирадилар. Сунг тоза полга ош тузи сепадилар, тери жунини пастга қаратиб ёзадилар ва текис тугрилайдилар. Туглангандан сунг терини пакет шаклида жунини ташқарига ағдарадилар. Бундай ҳолатда уни камида 4 кун ёмгирдан химояланган жойда саклайдилар.

1 кг огирликдаги янги терига тузнинг сарфи камида 300 граммни ташкил қилади. Суйилган молдан шилинган тери, кунчилик саноати учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади ва тайёрлов ташкилотлари уни сузсиз қабул қилишади. Тери топшириш мол эгасига ҳам фойдали, чунки 1 кг тери хомашёсига сотиш баҳолари бўйича анча пул туланади. Лекин ҳамма вақт ҳам мол эгалари тери сифатига етарли эътибор бермайдилар ва шунинг учун ҳам кам моддий фойда оладилар.

Шунинг билан бирга янги суйилган мол терисининг таркибида 65-70% сув, 28-30% ёғ ва оксил моддалар, 0,3-1% минерал моддалар, 0,2-0,5% углеводлар бор. Албатта бундай муҳим хомашёдан фойдаланган маъкул.

Суйилгандан сўнг олинган гўшт сифати қорамолнинг семизлиги, жинси, ёши ва зотиға боғлиқ. Лекин гўштни қайта ишлаш гўшт комбинати, қушхоналар ходимларининг

махоратига боғлиқ. Тайёр гўшт муҳрланади ва савдо шахобчаларига юборилади.

Теридан ташқари мол жуни, шох ва туёқлар ҳам халқ хўжалигида ишлатилади.

Моллар сўйилганидан кейин, уларнинг танаси, калла-почаси ва ички органлари қайта ишланади. Гўшт саноатига улар қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Бу маҳсулотлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Юмшоқ ва гўштли маҳсулотлар (жигар, ўпка, юрак, буйрак, талоқ, тил, мия, елин, гўшт кесиклари, диафрагма),.

2. Суякли қўшимча маҳсулотлар (молнинг калласи ва думи),.

3. Жунли маҳсулотлар (мол оёқлари, қулоқлари),.

4. Шилимшиқ маҳсулотлар (қоринлар, ширдон ва ошқозон),.

Қон таркиби 77-82% сувдан ва 18-23% қуруқ моддадан биорат. Техника мақсадлари учун, (елим тайёрлаш, бўёқчилик ишлари, тўқимачилик ва тери саноатида), қоннинг оксил қисми ишлатилади. Шунингдек, қон озик-овқат ва доришуносликда дори тайёрлашда ҳам ишлатилади. Жумладан, соғлом мол қонидан гемотоген тайёрланади. Озик-овқат учун қон колбасалари, оксилли қон, истеъмол қилинадиган альбумин тайёрланади.

Қон ҳайвонот озуқа сифатида паррандани боқишда кенг ишлатилади, ундан қон уни тайёрланади.

, ҳаво намлиги 75-85% га тенг бўлади. Қорамол таналари 24-26, қўй-эчкиларники 12 ва чўчқаларники 24 соат давомида совутилади. ° -3° Янги сўйилган молнинг гўшти узок сақланиши ва технологик жиҳатдан етилиши учун совутилмоқи керак. Бунда ҳаво ҳарорати 0

Шундан сўнг гўшт камераларда ёки қушхонадаги музлатгичларда музлатилади.

Тайёр гўшт савдо шахобчаларига, касалхоналарга, боғча-ясиларга, ҳарбий корхоналарга ўз вақтида етказиб берилади. Ундан ҳар хили колбасалар, сосискалар, серделкалар ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрланади.

Колбаса тайёрлашда хомашё учун гўшт, хом ёғ, қон, ичаклар, ҳар хил зираворлар (қалампир, саримсоқпиез, корица),, ош тузи, нитрат ва нитритлар ишлатилади.

Гўшт нимталаниб тузланади. Тайёрланган қийма шу куниек ишлатилади.

Тайёрланаётган колбаса турига қараб барча маҳсулотлар қўшилиб, аралаштирилгач колбаса қиймаси тайёр ҳолга келтирилади ва уни ичакларга солиш тадбири амалга оширилади.

Ливер колбасалар қон, ўпка, юрак, жигар ва талоқдан тайёрланади. Даставвал қон ва

унга қўшилган маҳсулотлар аралаштирилади, кейин совутилади, сўнг маҳсулот майдаланади, қийма ҳолига келтирилади ва аралаштиргичларда ишланади. Унга туз, сув, ёғ ва керакли зираворларни солиб, аралаштирилади. Маҳсулот ичакларга солиш учун тайёр ҳолга келади ва ичакларга солиш мумкин бўлади.

Гўшт колбасалар, намлиги 75-80% бўлиши талаб этилади. Қайнатиб-дудланган колбасалар осилган ҳолда сақланади.° иссиқликда 2-8 сутка давомида совуқ тутунда дудланади. Тайёр колбасалар 1-2 ой сақланиши мумкин. Уларни сақлаш омборларнинг ҳарорати 4-6° иссиқликда 20-24 соат ёки 14-19° ҳароратда қовурилади. Сосиска ва сарделкалар учун қовуриш вақти 30 минут давом этади. Қовурилгандан сўнг, колбасалар тезда қайнатилади. Шундан сўнг колбасалар дудланади, унинг қиймасига 50% дан кўпроқ чўчка гўшти қўшилади. Пишириб – дудланадиган колбасалар қайнатилиб совутилгандан кейин 40° да, кейин 90-100°ни тайёрлашда, асосан, пиширилган ва дудланган навлари қовурилади. Уларни оловдан 1,8-2 м баландликка осиб қўйиш талаб этилади. Бунда баргли дарахтлар ўтини ёқилади. Колбасалар олдин 78-90

От гўштини тоза ҳолда истеъмол қилиш билан бирга ундан лаззатли маҳсулот – қазӣ тайёрланади. Қазӣ тайёрлаш учун 2 жуфт қовурға (7 дан – 17 гача), гўшtidан фойдаланилади. Бунда қовурға атрофидаги ҳамда қорин деворларига ёпишган гўшtlар кесиб олинади. Унга таъмига қараб туз, зира ва турли хил зираворлар қўшилади ҳамда отнинг ичагига тикилади. Ичакнинг икки учини каноп ёки бир неча қаватли ип билан боғлаб, уни бир неча кун ёпиқ ҳолда сақлайдилар ва махсус тайёрланган жойларга осиб қўйилади. Сўнгра қазилар сувда 3-4 соат давомида қайнатилади ва истеъмол қилинади. Лекин бундай қазиларни қон босими юқори бўлган кишиларга ва қарияларга тавсия этиб бўлмайди.

Қазӣ таркибида оқсиллар, аминокислоталар миқдори бошқа турдаги мол гўштидагидан бирмунча кўп бўлади.

От гўшти ўзининг тўйимлилиги ва таркибида холестерин миқдори кам бўлиши, хушхўрлиги, ёқимли ҳиди ва юксак калорияли бўлиши билан бошқа мол гўшtidан ажралиб туради.

Чорва молларидан эндокрин – ферментлар инсон учун ниҳоятда зарур ҳаётий аҳамиятга эга бўлган гормон, ферментлар ва биостимулятор тайёрланади.

Сўйилган мол танасидан қуйидаги эндокрин-фермент маҳсулотлари олинади:

- барча турдаги молларнинг гипофизи, ошқозон ости бези, буйрак усти бези;
- барча турдаги бўғоз молларнинг “йўлдоши”;
- қорамолнинг гипоталамуси, букоқ бези;
- жинсий балоғатга етган урғочи мол тухумдони, сариқ таначаси, қорамол уруғдони;

- чўчқа ошқозонининг шилимшиқ қавати.

Махсус маҳсулотлардан:

- барча турдаги моллар кўзининг ойнасимон таначаси ва кўз суюқлиги;

- молларнинг жигар ўти ва эмбриони;

- қорамолни узунчоқ мияси;

- қорамол ва чўчқаларнинг қони.

Ушбу маҳсулотлар қисқа фурсатларда (1 соат ичида), тайёрланади, акс ҳолда унинг таркиби ва сифати бузилади. Маҳсулот тезда консерваланиши учун музлатилади, (Т.Х. Икрамов, 1997),.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

ВЕТЕРИНАРИЯ

АСОСЛАРИ

Ветеринария фани ва тажрибаси қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ҳар хили касалликларини олдини олиб улардан сақлаш, касалликни даволаш тадбирларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилувчи соҳадир. Шунинг билан бирга ветеринария инсониятни моллар орасидаги юқумли касалликлардан сақлайди.

Моллар касалликларини содир этувчи сабаблар ҳар хили бўлади: **механик** (лат ейиш, яралар, суяклар синиши ва бошқалар),, **физик** (куйишлар, иссиқлик уруши, совиб кетиш),, **химик** (озуқалардаги захарли аралашмалар ва захарли ўтлар билан захарланиш ва **биологик** (организмга касаллик келтирувчи микроорганизмлар, гельминтлар, каналар ва бошқа паразитлар таъсири),.

Ҳар хили ҳайвонларнинг организми ҳар хили даражада касал келтирувчи сабабларга таъсирланади, бу муносабат ўстириш, озиқлантириш ва асраш шароитларга боғлиқ. Шунинг учун бир хил шароитда айрим ҳайвонлар касалланади, бошқалари – соғлом қоладилар.

Касаллик келтирувчи сабабларни билиш касалликларни олдини олишда ва молларни даволашда катта аҳамиятга эга.

Келиб чиқиши бўйича барча касалликлар **юқумсизларга** (касал моллардан соғломларга ўтмайдиган), ва **юқумлиларга** (озуқа, ҳаво, сув, ҳар хили нарсалар билан касалланган мол тарқатувчи), бўлинади.

Молларнинг юқумсиз касалликлари ғоят катта иқтисодий зарар етказади. Юқумсиз касалликлар орасида энг кўп тарқалган овқат ҳазм қилиш ва нафас органлари касалликларидан иборат. Юқумсиз касалликлар **ташқи ва ички** касалликларга бўлинади.

Ташқи касалликлар. Яралар, тери шилиниши, лат ейиш, тери касалликлари, кўз оғриғи, оғиз ичидаги касалликлар, туёқ касалликлари ва шуларга ўхшаган бошқа касалликлар ташқи касалликлар қаторига киради. Мол яраланганида ёки терисининг бирор жойи шилинганда даставвал қон оқишни тўхтатиш керак. Бунинг учун ярага **компресс** қўйилади. Бунда бир литр сувга бир грамм аччиқ тош қўшилса компресс янада яхшироқ натижа беради. Ярадан кўп қон оқаётган бўлса, қонни тўхтатиш учун тананинг ярага яқин жойидан қисиб бойланади, сўнгра яранинг ўзи калий перманганат эритма билан ювилади. Бу эритма бир литр сувга бир грамм калий перманганат қўшиб тайёрланади. Яра ювилганидан кейин унга йод суркалиб, стрептоцид кукуни сепилади. Ёзда ярага пашша қўнмаслиги учун мол танасига креолин, нафталин сингари ўткир ҳид чиқариб турадиган дори суркалади. Ярани ифлосланишдан ва унга микроблар киришидан сақламоқ керак. Акс ҳолда яранинг тузалиши узоққа чўзилади, йиринглашади ва яранинг ўрни ямоқ бўлаб қолади. Туёққа ёки туёқ оралигига бирон ўткир нарса санчилганида бу жойни юиб, ичига йод қўйилади, сўнгра қорамой суркалади.

Лат ейиш. Молга таёқ, тош урилса ёки мол ўз танасини шохи, туёғи билан уриб олса ёки мол йиқилса, тери шикастланмагандек бўлиб кўринса ҳам териси ва унинг остидаги тўқималар (мускуллар, нервлар, қон томирлари, бўғимлар, баъзан эса ҳатто суяклар ҳам), зарарланади. Лат еган жойига совуқ сув тўлдирилган резина пуфакчаси, у бўлмаса қор ёки муз тўлдирилган халтача қўйилади, шунингдек сирка аралаш сувда қилинган лой чапилади. Кейинчалик лат еган жойини тузалиши учун, бу жойга иссиқ компресс қўйилади. Борди-ю лат еган жойда шиш пайдо бўлса, бу жой тўрт-беш ҳисса сув ёки ўсимлик мойига бир ҳисса камфора мойи ёки скипидар қўшиб тайёрланган аралашма билан массаж қилинади (уқаланади).

Ички касалликлар. Ҳазм органлари касалликлари кўпинча молларни парвариш қилиш ва суғориш қоидаларининг бузулиши натижасида юз беради.

Қизил ўнгачнинг тикилиб қолиши. Бу касаллик кўпинча лавлаги, картошка, олмага ўхшаган сабзавот ва меваларни молларга тайёрланмаган (тўғралмаган), ҳолича бериш натижасида юз беради. Мол уларни бутунлигича ютганида йирикроқлари қизил ўнгачдан ўтолмай тикилиб қолади. Қизил ўнгачга баъзан озик-овқатдан бошқа чет буюмлар ҳам тикилиб қолади. Қизил ўнгач тикилиб қолганида мол овқат емайди, сув ичмайди, қоринда газ тўпланиши сабабли қориннинг чап томони шишиб кетади.

Қизил ўнгачи тикилган молнинг оғзига 200-300 грамм ўсимлик мойи қуйилиб, сўнгра тикилган нарса қўл билан итариб юборилади.

Тимпанит (қорин шиши), касаллиги. Бу касаллик моллар сершира ўт, карам барги, сабзавот палаклари ва шудринг ёки шабнам тушган ўтларни кўп еганида ўша озиқларнинг бижғиши сабабли молнинг қоринчаси ва шўр қорнига газ тўпланиши натижасида юз беради. Бу газлар қориндаги органларни ва ўпкани сиқиб, юракни нормал ишлашига халақит беради.

Бу касалликка йўлиққан мол безовталанади, кейинги оёғи билан тепинади, қайрилиб қорнига қарайди, ётади ва яна сакраб туради.

Мол қорнида тўпланган газни чиқариш учун касал мол, унинг олдинги томони кейинги томонига қараганда баландроқ турадиган қилиб қўйилади. Сўнгра қориннинг чап томони бир сиқим похол ёки қаттиқ босиб ишқаланади. Қориннинг ичга ботиб кирган жойи мушт билан эзилади ва қоринча массаж қилинади. Касал молни кекиртирмоқ учун у керосин, қорамой суркалган ёки оддий намакопда ҳўлланган арқон ёки молнинг тили бир неча марта ташқарига қараб тортилади, совуқ сув билан клизма қилинади, чап биқинчага сув сепилади, мол секингинав юритилади, (бунда касал молни пастдан юқорига қараб юргизиш яхшироқ натижа беради),.

Касал мол қорнида газ пайдо бўлишини тўхтатиш учун бир литр сувга бир ош қошиқ туз кислотаси ёки сут кислотаси, ёки креолин ёки лизол, ёки ихтиол, ёки икки қошиқ керосин ёки формалин аралаштирилиб тайёрланган эритма молнинг оғзидан қорнига қўйилади. Шу мақсад билан ярим литр сувга 150-200 грамм ароқ қўшиб ичириш мумкин. Ҳеч қандай тадбир фойда қилмаса, молнинг қорни троакар билан тешилиб, ундаги газ чиқарилади.

Касал мол тузалганидан кейин биринчи кунда унга ем-хашак берилмайди . сўнгра икки-уч кунгача оз-оздан сифатли пичан ва кепак аталаси бериб турилади.

Нафас органлари касалликлари. Молларни зах, совуқ хоналарда, улардаги елвизакда ва моллар тиқилинч ҳолатда сақланганда нафас органлари касалланади. Нафас йўллариининг шиллик пардаси катареал яллиғланади.

Буруннинг шилик пардаси яллиғланиши – **ринит**, ҳиқилдокники – **ларингит**, бўғизники (трахея) – **трахеит**, бронхларники – **бронхит**, ўпка яллиғланиши – **пневмония**, плевра яллиғланиши – **плеврит** дейилади. Ушбу касалликларнинг биринчи белгилари кузатилса, дарҳол ветеринария шифокорига мурожаат қилиш керак. Касал молни тоза хонада, тўшамада сақлайдилар, рационига фақат сифатли озуқалар қўшилади.

Модда алмашинув касалликлари. Бу касалликлар одатда молларни нотўғри озиқлантириш ва сақлаш натижасидир. Рационларда витаминлар етишмаганда ҳамда хоналарда ҳаракатсиз (моционсиз), сақланганда моллар гипо ва авитаминозлар билан касалланадилар.

Гиповитаминозлар – молларда, айниқса ёшларининг озуқаларида узоқ вақт давом этган витаминлар етишмовчилиги оқибатида содир бўлади. Касаллик аломатлари бунни кучли равишда ифодалайди.

Озуқавий рационларда витаминлар тўлалигича бўлмаганида моллар **авитаминозлар** билан касалланади.

Молларда витаминлар етишмовчилигидан ва нотўғри минерал озиқланишидан кўпинча **рахит** ва **остеомалаяция** касалликлари учрайди.

Рахит – бир ёшгача бўлган молнинг касаллиги. Бунда мол нотўғри ўсади, скелет кучсиз равишда суякланади, жумладан суяклар бўш кучсиз бўлади, натижада умуртқа эгряди, оёқлар ва уларнинг бўғимлари қалинлашади.

Остеомалаяция – вояга етган молларда кўпроқ қорамолда учрайди. Касалликнинг бошланғич аломатлари овқат ҳазм бўлишининг бузилишидир. Моллар ялашга ва атрофдаги нарсаларни кемиришга бошлайдилар. Касал мол аста-секин ориқлайди, унинг жуни диккайган, ялтирамайди, хоҳламай ҳаракатланади, кўпроқ ётади ёки туради.

Остеомалаяция билан кураш озиқланишни, айниқса озуқаларнинг витамин ва минерал таркибини яхшилаш, кундалик сайрни ташкил қилишдан иборат.

Нафас органлари касалликлари қорамолда, айниқса бузоқларда кўп учрайди. Зах, яхши шамолламайдиган, дим молхоналарда асралган, шунингдек совуқ сут ва сув ичирилган, шабада эсиб турган жойда боқилган бузоқлар зотилжам касаллиги билан жуда кўп оғрийди. Баъзан юкумли касаллик қўзғовчи микроблар ҳам молларнинг ўпка касалликлари билан оғришларига сабаб бўлади.

Зотилжам С дан паст бўлмаслиги керак.° га етади, юраги тез-тез, бироз секин уради, бурун катакларидан шиллиқ оқиб туради, қийналиб йўталади. Бундай аломатлар пайдо бўлганида касал мол дарҳол молхонага, ёзда эса бостирмага жойланиб, тагига юмшоқ тўшама тўшалади ва сифатли ем-хашак билан боқилади. Унга ичириладиган сувнинг ҳарорати 14° касаллиги билан оғриган мол ланж бўлиб, бўшанглашиб қолади, қийналиб нафас олади, унинг тана ҳарорати 40-42

Юрак касаллиги. Юрак ёни халтачасининг шикастланиб яллиғланиши (**травматик перикардит**), касаллиги энг оғир юрак касалликларидан бири. Бу касаллик юрак ёни халтачасига ёки юрак мускулларига мих, сим, игна, шиша парчасига ўхшаган учли нарсалар санчилиши натижасида юз беради. Ем-хашак билан биргаликда ютиб юборилган учли нарсалар кўпинча тўр қоринда ушланиб қолади. Кейин тўр қориннинг деворини ва диафрагмани тешиб чиқиб, кўкрак бўшлигига ўтади ва бу жойда юрак ёни халтачасига санчилиб, унинг тўр қорнини ва диафрагманинг яллиғланишига сабаб бўлади. Касал мол овқат емай қўяди ва кавш қайтаришдан тўхтайтиди. Бундай моллар жуда эҳтиёт бўлиб юради, юриган вақтида букчайиб туради, кўпинча инграйтиди. Касалликнинг сўнгги кунларида молнинг ост жағида, бўйни атрофида ва тўши остида шиш пайдо бўлади.

Бу касалликка чалинган молларни даволаш ўта қийин. Шу сабабли касал молни сўйишга тўғри келади. Касалликнинг олдини олиш учун ем-хашакларга учли нарсалар

аралашиб

кетишига

йўл

қўймаслик

керак.

Туғишдан олдин ва туғишдан кейин учрайдиган касалликлар. Сигирлар бундай касалликлар билан кўп оғрийди. Улар оғилда боқилганида ва зоогигиена қоидаларига риоя қилинмаганида бу касалликлар айниқса кўп учрайди.

Бачадон тушиви. Бу касаллик сигир туғиши биланок юз беради – бачадон ва унинг боғичлари заифлашиб қолганлиги, сигир жуда қия полли молхонада асралиши ва қийналиб туғаётган сигирга тўғри ёрдам берилмаслиги сабаб бўлади. Бу касалликка учраган сигирнинг жинсий аъзо ёриғидан тўқ қизил рангли бачадон чиқиб осилиб туради.

Тушган бачадонни фақат ветеринар мутахассисигина кўтариб, жойига солиб қўйиши мумкин. Шунгача осилиб турган бачадонни 0,1% ли калий перманганат эритмаси ёки 1% ли лизол эритмаси ёки 3% ли аччиқтош эритмаси билан ювиш керак.

Бачадонни ифлосланиши ва шикастланишдан сақлаш учун жуда озода чойшаб ёки докага ўраб қўйиш зарур.

Йўлдошнинг ушланиб қолиши. Бу касаллик озгин ёки ортикча семирган, бўғозлик даврида яйратиб боқилмаган, витаминлар ва минерал озукалар етарли миқдорда берилмаган, айниқса кальций моддаси кам берилган, вақти етмасдан туққан ёки бола ташлаган, шунингдек бруцеллёз, туберкулёз (сил), сингари юқумли касалликлар билан оғриган сигирларда кўпроқ учрайди.

Йўлдоши ушланиб қолган сигирга 200-250 грамм шакарни бир литр сувда эритиб, уч-тўрт марта ичириш яхши ёрдам беради. Йўлдошни бачадондан ажратиш учун бачадонга 0,1% ли калий перманганат эритмаси ёки 1%ли лизол, креолин эритмаси, ёки 3% ли номакоп юбориш керак. Ушланиб қолган йўлдош 24 соатдан кейин ҳам тушмаган тақдирда уни ветеринар мутахассис ажратиб олади.

Йўлдошни тушириш учун унга оғир нарсалар осиб қўйиш, уни кўполлик билан ажратиб ёки тортиб олиш ярамайди, чунки бунда бачадон шикастланиши мумкин. Йўлдош ушланиб қолишининг олдини олиш учун бўғоз сигирларга асраш, озиқлантириш ва парвариш қилиш ишларини тўғри ташкил қилиш керак.

Сигирларда шунингдек **бачадон йўли қинининг тушуви, бачадон яллиғланиши (метрит), туққандан кейинги фалаж, елин яллиғланиши (мастит),** касалликлари учрайди.

Елин

яллиғланиши

(мастит),.

Сигирлар бу касалликка одатда сут бериш даврининг биринчи ярмида учрайдилар. Елин яллиғланиши касаллиги, асосан сут безлари тўқимасига ҳар хил касаллик қўзғатувчи микроблар кириши натижасида юз беради. Елин яхши парвариш қилинмаслиги, соғиш қоидаларининг бузилиши, сигирларни зах ва ифлос полда туриши, елиннинг лат ейиши ва яраланиши сигирнинг елини яллиғланишига сабаб

бўлади. Шунингдек, сил, актиномикоз, овсил, чечак, бачадон яллиғланиши каби касалликлар ҳам елин яллиғланишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу касалликка учраган сигирларда елиннинг яллиғланган қисми қизаради, шишади ва оғрийди, қаттиқлашади ва қўл билан пайпаслаб кўрганда унда ҳарорат борлиги сезилади. Соққанда эмчаклардан суюқ сут билан биргаликда йиринг ва шиллик парчалари, баъзан эса қон ҳам тушади.

Касал сигир ветеринария ходими кўрсатмасига мувофиқ даволанади. Елин яллиғланиши касаллигига учраган сигир бошқа моллардан ажратилиб, кенг ва қуруқ оғилда боқилади, унинг тагидаги тўшама тез-тез янгиланади ва оғир дезинфекция қилинади.

Асраш, қўлда ва механизм ёрдамида соғиш қоидаларига амал этилганида, елин пухталиқ билан парвариш қилиниб турилганида сигирларни елин яллиғланиш касаллигидан сақлаш мумкин. Мол терисининг ифлосланган жойлари сув билан ювилади. Сигирларни ҳар сафарги соғиш олдидан уларнинг елинини ҳўл латта билан артиш, массаж қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Мол касалликларининг олдини олишга қаратилган умумий тадбирларни билиш билан бирга, чорва молларида кўп учрайдиган энг хавфли касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш олиб бориш тадбирларини ҳам ўрганиб олиш зарур.

Молнинг оғриганлиги унинг ҳолатига ва касаллик аломатлари пайдо бўлишига қараб билинади. Масалан, касал мол чўчидиган бўлиб қолади, ҳаяжонланади, безовталанади ёки, аксинча, дармонсизланади, томири тортишади, фалаж бўлади, чала нафас олади, кавш қайтармайди ва ҳоказо.

Лекин баъзан касал молда кўзга ташланиб турадиган касаллик аломатлари бўлмайди. Шунга кўра, молларни кўздан кечириш вақтида уларни тана ҳароратини ўлчаш, юрак уришини ва нафас олиш органлари қай ҳолда ҳаракатланишини ҳам текшириб кўриш лозим.

чамаси ошиқроқ бўлади. Соғлом қорамоллар бир дақиқада 15 дан 80 мартагача, бузоқлар эса яна ҳам тезроқ нафас олади. Ишлаётганида, туғиш пайтида ҳамда касалланганида молнинг нафас олиши янада тезлашади. Соғлом қорамолнинг юраги бир дақиқада 50-60 марта, бузоқларники 80-100 марта уради. Қорамол юрагининг уриши думининг ички юзаси бўйлаб ўтган артерияни дум негизи пастроғидан пайпаслаб қарашда билинб туради. ° гача, бузоқларда эса 0,2-0,5° Қорамолларда нормал ҳарорат 38 дан 39,5

Юқумли

касалликлар

Касал ҳайвондан соғ ҳайвонга ўтадиган касалликлар юқумли касаллик деб аталади.

Бизни ўраб олган ташқи муҳит жуда кўп сонли ҳар хил майда, фақат микроскопда кўринадиган организмлар, микроблардан тўлиб тошган. Микроблар шакли ҳар хилдир. Бириси таёқча шаклида— бу **бактериялар**, шар шаклида — **коклар**, спирал иплардек — **спирохетлар** ва бошқалар. Айрим касалликларни кўзгатувчилар шунчалик майдадирлар, ҳаттоки микроскопда ҳам кўринмайдилар. Улар **филтрланувчи вируслар** дейилади, чунки ўта ингичка филтрдан ўтадилар, бошқа микроблар эса уларда ушланадилар.

Ўсимлик оламидан чиққан микроорганизмлар, яъни микроблар ва филтрланувчи вируслар кўзғайдиган касалликларни **инфекцион касалликлар** дейилади. Ҳайвонот оламидан чиққан паразитлар сабабчи бўладиган касалликлар **инвазион** касаллик деб аталади. Қуйидагилар инвазион касалликлар қаторига киради: а), бир хужайрали, жуда майда паразитлар (**протозоола**), кўзғайдиган **протозоо касалликлари**; б), паразит куртлар (гижжалар), кўзғайдиган **гельминтоз** касалликлар; в), кана ва ҳашоратлар кўзғайдиган **тери** касалликлари.

Ҳар бир касаллик муайян микробнинг таъсири билан бошланади. Масалан, куйдирги таёқчаси деб аталган микроб куйдирги касаллигига, туберкулёз таёқчаси деб микроб — туберкулёз касаллигига сабабчи бўлади ва ҳоказо. Соғлом мол организми микробларнинг зарарли таъсирига бардош беришига мослашган бўлади.

Чорва молларининг айрим турлари инфекцион касалликларнинг баъзилари билан ҳеч оғримайди. Инфекцион касалликларнинг айрим турлари билан молларнинг оғримаслигини организмда бўлган **иммунитетга** боғлиқ. Молни бирон юқумли касаллик билан ҳеч қачон оғримаслигига сабаб-организмда бунга туғма имунитет бор дейилади. Бирон юқумли касалликка учраб тузалган молнинг анча вақтгача ёки умрбод шу касаллик билан қайтиб оғримаслиги маълум ҳодиса. Бундай иммунитет табиий иммунитет дейилади. Табиий иммунитет — касаллик кўзгатувчи микроб билан мол организмнинг бир-бирига таъсир этиши натижасида вужудга келади.

Мол организми касаллик кўзғовчи микроб ёки вирусга қарши актив курашиб, махсус моддалар ишлаб чиқаради, бу моддалар микроблар ҳосил қилган заҳарли моддаларнинг кучини битирибгина қолмасдан микробларнинг ўзини ҳам қириб юборади. Бундай моддаларга **антижисмлар** дейилади ва юқумли касалликнинг кўзғаган микробларга қарши таъсир этади.

Касал мол тузалганидан кейин бу антижисмлар мол организмда муайян вақтгача сақланади ва шу давр давомида ўша касалликнинг қайтадан молга юқишига йўл қўйилмайди. Илмий ходимлар шунга асосланиб, мол организмда сунъий иммунитет ҳосил қилиш мақсади билан молга вакцина эмлаш усулини ўйлаб топдилар. Вакцина — биологик дори бўлиб, муайян турдаги инфекцион касалликларнинг ўлган ёки заифлашган микробларидан тайёрланади. Вакцина молни қаттиқ касаллантирмайди, аммо мол организмни ўша микробга таъсир этадиган антижисм ишлаб чиқаришга мажбур этади. Ҳозирги вақтда инфекцион касалликларнинг олдини олиш мақсадида молга вакцина эмлаш усули кенг қўлланилади.

Касал молларни даволаш тadbирлари таъсирини тезлатиш мақсадида, молларга

вакцина ўрнига зардоб (сыворотка), эмланади. Зардоб-касалланиб тузалган молнинг қонидан махсус йўл билан тайёрланади. Зардоб юборилган мол организмида антижисмлар вужудга келади ва пассив иммунитет ҳосил бўлади ва бу мол анча вақтгача ўша касаллик билан оғримайди.

Молга инфекцион касаллик юққанидан кейин касаллик аломатлари дарҳол пайдо бўла бермайди. Бу аломатлар бир мунча вақтдан кейингина билинади. Касаллик юққан пайтдан бошлаб то касалланиш аломатлари билинган пайтгача бўлган давр **инкубацион давр** дейилади.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган умумий тадбирлар

Юқумли касалликларга қарши кураш тадбирлари профилактик (олдини олиш), ва мажбурий равишда амалга оширилади.

Ветеринария низомига (устави), мувофиқ, хўжаликка четдан келтирилган мол ва паррандаларнинг ҳаммаси бир ойлик профилактик карантинга қўйилади. Карантин даврида моллар ҳар куни кўздан кечирилади, кунига икки марта молнинг тана ҳарорати ўлчанади, лаборатория текширишлари ўтказилади, зарур бўлса молларга дори ичирилади ва улар махсус йўллар билан даволанади. Профилактик карантинга қўйилган моллар орасида юқумли касалликлар билан оғриган ёки шундай касалликларга учраганлиги гумон қилинган, (тана ҳарорати ошган, бўшашиб ланж бўлган), моллар бўлганида, бу моллар дарҳол подадан ажратилади ва уни ветеринария ходими даволайди.

Пода, ферма молларининг бирон юқумли касаллик билан оғриганлиги маълум бўлса, бу пода, ферма ёки хўжалик, баъзан туман ҳам шу касаллик жиҳатидан хавотирли деб, қўшни хўжаликлар эса, (моллари соғлом бўлишига қарамасдан), хавфли деб эълон қилинади. Хавотирли деб ҳисобланган хўжаликларда карантин эълон қилинади ёки чеклаш тадбирлари амалга оширилади. Карантин хўжаликда юқумли касалликни кўзгатувчи микробларни йўқотиш учун пунктлар, моллар дезинфекция қилинади. Бунинг учун кулдан тайёрланган иссиқ ишқор, 10-12 % ли янги эритилган оҳак эритмаси ишлатилади. Нобуд бўлган моллар йиғиштирилади ва йўқ қилиш қоидаларига риоя этиш ғоят муҳимдир. Ўлимтиклардан ташқари қолган-қутган хашак, мол тагида бўлган тўшама, гўнг ҳам қўмиб ташланади. Ўлган молнинг қони, сийдиги ва суюқ тезаги оқиб чиқмаслиги ҳамда йўл-йўлакай тўкилиб –сочишиб бормаслиги учун, ўлимтикларни тунака қоқилган аравада ташиш лозим.

Мол қандай касаллик билан оғриб ўлганига қараб унинг ўлимтиги ёндирилади ёки мол мазорига қўмилади ёки чуқурлиги 10-12 метр келадиган биотермик ўрага ташланади. Мол мазори турар жойлардан ва чорвачилик иморатларидан, мол суғориладиган жойлардан 500 метр нарида, яйлов ва йўллардан четда қурилиши лозим.

Юқумли касаллик билан, оғриб ўлган молларнинг ўлимтигини ташиш вақтида ишлатилган арава, брезент, қўлқоплар ва оёқ кийимлари, шунингдек ташишда қатнашган кишилар ва мол ўлимтигига теккан буюмлар тозаланиб, дезинфекция қилинади.

Овсил – жуфт туёқли ҳайвонларни зарарлайдиган инфекцион касаллик. Овсил билан айниқса қорамол, чўчка, қўй ва эчкилар кўпроқ касалланади. Касалликни филтрланувчи вируслар келтириб чиқаради.

Овсил хўжаликка катта зарар етказади. Бу касалликдан вояга етган молнинг ўсиши жуда оз – 0,3-0,5%.

Касаллик пайтида моллар жуда ориқлайдилар, сигирлар соғимини кескин камайтирадилар. Касалланган молларни ҳар хили оғирлашишдан, паст маҳсулдорлик учун подадан четлатишга, гўштга сўйишга тўғри келади. Ҳар хил чекланганликлар (карантин, маҳсулотни қайта ишлаш, даволаш сарф, дезинфекция ва ҳоказо), хўжаликка катта иқтисодий зарар етказади.

Моллар овсил билан озуқа, сув, бошқа ҳайвонлардан юқиш, кийими, пойафзали ҳамда қўлида касалликни келтиридагин одамлар орқали касалланади. Касалликни нафақат касал, ҳаттоки яқин орада касалланиб соғайган моллар ҳам келтирадилар.

Овсилнинг инкубацион даври 2 дан 7 кунгача, айрим вазиятларда 14 кунгача давом этади.

Касал молни тана ҳарорати ошади, иштаҳаси ва кавш йўқолади, кўпикли, чўзилувчан сўлак ажралади. Касал мол лабларида, тилида, милкда, танглайда суюқликлар билан тўлган пуфакчалар, (кейинчалик улар чуқурчаларга ўзгаради), ҳосил бўлади. Шунингдек ҳолатлар елинда ва эмчакларда, туёқлар орасидаги терида, туёқ устида пайдо бўлади.

Молларда бу касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлиши биланоқ ветеринария шифокорига ва маҳаллий ҳокимиятга хабар берилиши керак. Касал моллар дарҳол ажратилади, хўжаликда карантин эълон қилинади, шундан сўнг зарарланган жойга кириш ва чиқиш ман қилинади.

да пастеризация қилиниши ёки қайнатилиши керак.°Хўл сутни одамлар ва молларда фойдаланиш қатъиян ман қилинади. Сут 30 дақиқа мобайнида 70-80

Бруцеллез бруцелла деб номланган микроб таёқча томонидан содир этилади. Бу – сурункали молларни кўпгина турларига ҳамда одамга хавфли касал.

Бруцеллез сигир, қўй, чўчка ва бошқа молларда аборт, ўлик хомила туғилишини, бачадон яллиғланишини келтириб чиқаради. Инфекция овқат-ҳазм қилиш тракт, тери ва шиллиқ пардалар орқали юқади. Энг хавфли нарса бу абортланган хомила ҳамда касал молнинг ажралмаси (сут, ҳар хили суюқликлар ва ҳоказо),. Одам учун қўй ва эчки бруцеллези айниқса хавфлидир.

Бруцеллезга бўлган шубҳани сигирлардаги беш-етти ойлик бўғозлик, қўйлардаги – учинчи-тўртинчи ойдаги, чўчқалардаги – иккинчи – учинчи ойдаги бўғозликлаги абортлар келтиради. Касалликни аниқлаш учун молнинг қони лабораторияда текширилади. Абортланган ҳомилалар бактериологик текширишларга юборилади.

Бруцеллезга қарши курашда касалликдан ҳоли бўлган хўжаликларга инфекцияни киритмасликка ҳаракат қилинади, касаллик бу хўжаликдаги молларни соғломлаштириш ва одамларни зарарланишдан сақлаш, (сутни пастеризация ва қайнатиш, гўшти тузлаш ва пишириш), чоралари қўлланилади. Касал сигирлар изолаторга қўйилади, қўй ва эчкилар сўйилади.

Бруцеллез билан касалланган молларни бруцеллезга қарши вакцина билан вакцинация қилинади. Агарда бруцеллездаги ўхшаш аборт бўлмаса, назорат текширишда вакцина урилган моллар орасида касали аниқланмаса, хўжалик соғломлаштирилган ҳисобланади ва карантин олинади.

Туберкулёз (сил), – қорамол, чўчқа, парранда ва бошқа ҳайвонлар орасида энг кўп тарқалган касалликлардан бирidir. Сил касаллиги – хўжаликка катта иқтисодий зарар етказади. Бундан ташқари сил – одам учун ҳам хавфлидир.

Туберкулёз касаллиги билан касалланган моллардан ҳамда уларнинг балғами, тезаги, сийдиги, жинсий йўлларида оқиб чиққан шиллиги ва сутидан юқади. Касаллик юкуми ҳаво, ем-хашак, сув ва шу кабиларга аралашади. Бузоқлар бруцеллез касаллиги билан оғриган сигирларнинг сутини ичиш натижасида ёки касал онасининг қорнидаёқ туберкулёз касаллигига учрайди.

Қорамолда туберкулёз касаллиги секин ва унчалик билиниб турмайдиган шаклда кечади. Туберкулёз касаллиги ўпкада бўлганида мол йўталади ва озиб қолади. Касаллик овқат ҳазм қилиш органларида бўлганида молнинг ичи кетади ва ҳаддан ташқари озиб кетади. Касаллик жинсий органларда бўлганида сигирда жуфтлашиш истаги кучаяди, жинсий аъзо қинидан йиринг оқиб туради. Касаллик елинда бўлганида елинни пайпаслаб кўришда унда ғадир-будир шишлар борлиги ва елин устидаги лимфа тугунлари катталашганлиги ҳамда қотганлиги билинади. Бу касалликда молларнинг жуни хурпаяди ва ҳидланиб қолади.

Касаллик махсус усул билан текширилади. Бундай текшириш **туберкулинизация** дейилади. Туберкулинация кўзга ва тери устига қилинади. Туберкулинация кўзга қилинганида 3-5 томчи **туберкулин** препарати кўз пўстлоғига ёки шприц билан тери қалинлигига урилади. 3-5 соатдан сўнг туберкулёз билан касал молларни кўзи қизаради ёки қовоғи шишади. Соғлом молларнинг кўзида ўзгаришлар бўлмайди. Туберкулин тери қалинлигига киритилса, шу ерда тери қалинлашади. Туберкулинация йилда 2 марта - баҳорда ва кузда қилинади. Шундан сўнг касаллик аниқ билинса, мол гўшт учун сўйилади, касаллик аломатлари аниқ билинмайдиган, аммо туберкулин эмлашда ижобий натижа берган моллар умумий подадан ажратилиб алоҳида асралади. Туберкулёз билан касалланган сигирнинг бузоқи туғилгач онасидан ажратилади, соғлом сигирлар сути билан боқилади.

С да 30 дақиқа иситилиб пастеризация қилиниши лозим.°Туберкулёз билан касалланган сигирлар сути қайнатилиши ёки 70

Чўчқалар туберкулёз билан ёшлигида касалланадилар. Зарарланиш сут ёки озуқавий қолдиқлари орқали бўлади. Касал чўчқаларни аниқлаш учун кулоқнинг сиртига туберкулин юборилади. Чўчқа касал бўлса кулоқининг териси шишади, бундай чўчқалар гўштга топширилади.

Парранда туберкулёз билан ёмон шароитда, зич ва зах паррандахонада сақланса, харакатланиш учун майдон бўлмаганида касалланади.

Куйдирги касаллиги. Бу касаллик билан қорамол, чўчқа, от ва бошқа хонаки ҳамда ёввойи ҳайвонлар касалланади. Касалланган мол одатда ўлади. Касалликнинг олдини олиш чораларига риоя этилмаганда, куйдирги одамлар учун ҳам хавфлидир. Бу касалликни куйдирги микроби кўзғайди. Бу микроблар тупроқда узоқ вақт сақланадиган споралар ҳосил қилади.

Куйдирги касаллиги молларга кўпинча шу касалликнинг споралари билан ифлосланган яйловлардан ҳамда ем-хашак, тўшама ва сувдан юқади. Куйдирги касалигининг яширин (инкубацион), даври икки-уч кун давом этади, баъзан молнинг касалланганлиги беш-етти кундан кейингина билинади.

Мол куйдирги билан касалланганлигида тана ҳаро С гача кўтарилади, иштаҳаси йўқолади, нафас олиши оғирлашади, шиллиқ пардалари қизаради ва кейинчалик кўкимтир тусга киради. Бироздан кейин мол бўшашиб, ланж бўлиб қолади, томир тортишуви бошланади ва ниҳоят, мол ўлади. Баъзан касал молнинг бурун катакчаларидан ва оғзидан қон келади, сийдиги ва тезагига ҳам қон аралашган бўлади. Аксари ҳолларда касал молнинг бўйни ҳикилдоқ атрофи, кўкраги, қорни ва елинида катта ҳамда иссиқ шиш(корбункул),лар пайдо бўлади. Касаллик жуда тез кечганида мол тўсатдан ўлиб қолади.°рати бирданига 41-42

Бу касалликдан ўлган молнинг танаси шишиб кетади, бурун катакларидан ва орқа тешигидан қорамтир қон кетади.

Куйдирги касаллиги пайдо бўлган хўжалик ёки аҳоли яшайдиган пунктда карантин эълон қилинади. Карантинни бекор қилиш учун касал молларнинг энг охиргиси ўлганидан ёки соғайиб кетганидан кейин кам деганда 15 кун вақт ўтиши шарт.

Куйдиргидан ўлган молнинг териси билан бирга шу жойнинг ўзида (яйловда), ёки мол мазоридида ёкилади. Ўлимтик етган жойга очтирилмаган оҳак сепилади ёки бу ер ёндириб юқумсизлантирилади.

Куйдирги касаллиги пайдо бўлган хўжаликларда режали равишда, ҳар йили 2 марта - кузда ва баҳорда, молларга вакцина эмланади.

Қутуриш – филтрланувчи вируслар томонидан келтириб чиқадиган ўткир

инфекцион касалликдир. Зарарланиш молни бу касаллик билан касалланиб юрган ҳайвон, кўпинча ит тишлаши натижасида рўй беради. Қутуриш вируси ярага зарарланган сўлак билан ва нерв йўлларида бош миёга етиб боради. Касаллик марказий нерв системасини зарарланиши билан содир бўлади ва кўпинча ўлим билан якунланади.

Қутуриш хўжаликка катта иқтисодий зарар етказди ва бу касаллик билан касалланган молдан зарарланиши одамлар учун ҳам хавфли. Қутуриш билан барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалланади.

Қутуришнинг инкубацион даври 2 ҳафтадан 2-3 ойгача, ҳаттоки ундан ҳам кўп вақт давом этади.

Қорамолда, отларда ва чўчқаларда қутуриш одатда кучли шаклда ўтади, ўлим касалликнинг 4-6 –кунида рўй беради. Қўйларда касаллик шу белгилар билан ўтади, лекин биров кучсиз шаклда. Парранда бу касаллик билан камдан-кам касалланади, шоллик ва ўлим касалликнинг 2-3-куни содир бўлади.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

Инвазион касалликлар

Улар юқумли касалликларга қарайдилар. Инфекцион касалликлардан фарқи шундаки, инвазион касалликларни келиб чиқарувчиларнинг келиб чиқиши ҳайвонот олаmidан.

Инвазион касалликлар 3 гуруҳга бўлинади: протозойли, гижжали ёки гельминтозлар ва кана ва ҳашоратлар қўзғатувчи касалликлар.

Инвазион касалликлар кенг тарқалган, чорвачиликка ката иқтисодий зарар етказдилар ва одамга ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу касалликларни олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этиш катта халқ- хўжалик аҳамиятига эга.

Протозоо касалликлари

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ўртасида қон паразити, яъни **гемоспоридиоз** касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар **протозоо** деб аталадиган бир хужайрали паразитларнинг таъсири билан бошланади. Бу паразитлар жуда кичик бўлиб, уларни фақат микроскоп орқали кўриш мумкин. Касаллик юқумли касал молдан соғ молга фақат яйлов канаси орқали ўтади. Протозоо (гемоспоридий)ларнинг ҳар қайси яйлов каналарининг фақат битта тури воситаси билан тарқалади. Қон паразитлари касалликлари ғоят катта зарар етказди. Бу касалликлар билан оғриган молларнинг кўпчилиги, (10-90%), ўлади. Бунинг устига қон паразити касалликлари кўп тарқалганлиги сабабли молларни маҳсулдорлигини

ошириш мақсадида Ўзбекистонга четдан зотли моллар келтиришда катта қийинчиликларга дуч келинади. Маҳаллий шароитда ўсаётган мол бу касалликлар билан ёшлигида бир марта енгил касалланади, уларда бу касалликларга қарши иммунитет ҳосил бўлади ва улар кейинчалик деярли касалланмайди. Келтирилган зотли молда эса бу касалликларга иммунитет йўқ ва улар яшаш шароитларига ҳали яхши мослашмаганлиги сабабли гемиспоридиозлар билан касалланадилар.

Гемоспоридиозлар дастлаб касаллик юқумини тарқатувчи кааналарнинг танасида, кейинчалик мол танасида ривожланади ва уларнинг ривожланиши жуда мураккаб ўтади. Касал мол қонини шимган кана бу касалликни дарҳол соғ молларга юқтира бошлайди. Гемоспоридиозлар кана организмида узоқ вақт сақланиши мумкин.

Ўзбекистондаги қорамоллар ўртасида қон паразити касалликларининг пироплазмоз, тейлериоз турлари кўпроқ учрайди.

Пироплазмоз касаллиги. С дан ошади, касал мол овқат емайди, унинг нафас олиши ва юрак уриши тезлашади. Бу касаллик жуда тез ва оғир кечади. Касалликнинг инкубацион даври икки ҳафта давом этади. Молнинг тана ҳарорати бирданига кўтарилиб, 40

Уч-тўрт кундан кейин сийдиги қизил тусга киради, шиллиқ пардалари сарғайиб кетади. Мол озади, бўшашади ва уч-олти кундан кейин нобуд бўлади.

Тейлериоз касаллиги – қорамолда бўладиган қон паразити касалликлари ўртасида энг оғир кечадиган касалликдир. Бу касалликни тарқатадиган каналар яйловларда, молхоналарда, чорвачилик иморатларида учрайди. Демак, оғилда боқилаётган моллар ҳам бу касаллик билан оғриши мумкин.

Касаллик паразити ўзидан заҳарли модда чиқаради, бу модда майда қон томирларининг деворларини парчалайди. Бунинг натижасида ҳайвон организмидаги турли аъзоларга жуда кўп қон қуйилади.

С га этади. Лимфа безлари тез катталашади. Тейлериоз касаллигига йўлиққан молнинг қорин ва ичаклари зарарланади, ичи қотади, кейинчалик ич кетиш бошланади. Юрак ҳаракати секинлашади. Тейлериоз касаллигининг яширин даври 12 кундан бошлаб 26 кунгача давом этади. Бу касалликка учраган молнинг тана ҳарорати ошиб, 40-41

Пироплазмоз билан оғриган моллар ўз вақтида даволанганида деярли ҳаммаси тузалиб кетади.

Қон паразити касалликларининг олдини олиш учун бу касалликларни тез юқтирувчи молларни яъни четдан келтирилган, тоғларда ўсган ҳамда каналар ҳужум қилаолмайдиган шароитда асралган молларни каналарнинг ҳужумидан қўриқламоқ керак. Бунинг учун баҳорда ҳаво кўтарилиши билан молларнинг канадан тозалайдиган чуқурликларда чўмилтириш ёки ветеринария ходимларининг кўрсатмасига асосан

махсус дорилар билан канага қарши даволаш – терисига арсенит натрий эритмаси суркаш, ДДТ кукуни чанглаш ва бошқа дориларни ишлатиш лозим. Айни вақтда каналарни қириб ташлайдиган тадбирлар ҳам қўлланилиши керак. Бу тадбирлар биринчи навбатда молхоналарда қўлланилади. Шу билан бирга турли ўтлар экилган сунъий яйловлардан кенг фойдаланмоқ керак. Молларни каналар айниқса кўп бўладиган пастлик ва зах жойларда ҳамда тўқайларда ўтламасликка ҳаракат қилиш лозим.

Гижжа касалликлари

(гельминтозлар),

Гижжа касалликлари уй ҳайвонлари ўртасида жуда кўп тарқалган. Бу касалликларга молларнинг турли тўқима ва органларига жойлашиб олган паразит чувалчанг (гельминт),лар сабабчи бўлади. Бу чувалчанглар мол организмга жойлашиб олганларидан кейин паразит шаклида ҳаёт кечириб, организмдаги озиқ моддалар билан овқатланади ва ўзларидан мол организмни захарлайдиган модда чиқариб туради. Бундан ташқари гижжалар тўқимани шикастлаб, касаллик қўзғайдиган микробларнинг организмга кириши учун қулай шароит туғдиради.

Гижжа касалликларига учраган мол озиб қолади, унинг маҳсулоти камаяди, ўлади, шу сабабли бу касаллик иқтисодий жиҳатдан катта зиён етказади. Гижжа касалликлари баъзан моллардан одамларга ҳам ўтиши мумкин. Моллар, одатда паразит чувалчангларнинг тухуми ёки личинкалари билан ифлосланган ем-хашакларни ейиш ёки сувни ичиш натижасида касалланади.

Қорамолда гижжа касалликларининг диктиокаулез, фасциолёз, финноз ва эхинококкоз деган турлари кўпроқ учрайди.

Диктиокаулёз (ўпка гижжаси), касаллиги. Бу касалликни бронхларда, (ўпка пуфакларида), жойлашган паразитлар қўзғайди. Касаллик юқтирган молнинг бронхлари яллиғланади ва бу ҳол узокқа чўзилади, касал мол йўталади, озиб қолади, бузоқлар эса яхши ўсмайди.

Сга етганида личинкалар ривожлана бошлайди ва уч-тўрт кун ичида молларни зарарлай оладиган ҳолатга келади. °Чувалчангларнинг урғочилари бронхларга тухум қўяди. Мол йўталганида бу тухумларни ютиб юборади. Тухумлар молнинг қорни ва ичагидан ўтиб , тезаги билан бирга организмдан ташқарига чиқади ва ўт ҳамда сувларни ифлослайди, ҳарорат 18 -27

Касалланишнинг дастлабки аломатлари 1-2,5 ойдан кейин билина бошлайди. Касал мол кўп йўталади, аксиради, бошини лиқиллатади, бурун катагидан қуюқ шиллик оқиб туради, нафас олиши қийинлашади. Молнинг қандай касаллик билан оғриганлиги тезагини текшириш йўли билан аниқланади.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун бузоқларни эски яйловларда боқмаслик, ифлосланган сувларни, хусусан, кўлмак сувларни ичирмаслик керак. Бузоқлар яйловда боқилганида яйловларни тез-тез (5-6 кунда), янгилаб туриш лозим.

Касал молларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш учун молнинг ҳикилдоғига озгина сув қўшиб тайёрланган йод эритмаси юборилади. Бу иш мутахассислар томонидан бажарилиши керак.

Эхинококкоз (пуфакчали гижжа), касаллиги

Бу касалликни кетма-кет икки организмда ривожланадиган гельминтлар (гижжалар), қўзғатади. Жинсий жиҳатдан ўсиб етилган катта гижжалар ит, бўри, тулки каби ҳайвонларнинг ичакларида яшайди. Гельминт – калла ва 3-4 та бўғимдан иборат тасмасимон қисқа қуртдир. Гельминт личинка даврида чорва моллар ва одамнинг ҳамма тўқима ва органларида яшаши мумкин. Гельминтлар ит ва бошқа ёввойи ҳайвонларнинг тезаги билан ерга тушганида уларнинг бўғимларидан тухум чиқиб, сув ва ўтларни ифлослайди. Кейин улар ўт ва сув билан бирга молнинг ичакларига ўтганидан кейин, унинг турли тўқима ҳамда органларига тарқалади ва пуфакчалардаги личинкалар рифожлана бошлайди. Пуфакчалар баъзан анча катта ва уларнинг ичи суюқлик билан тўлган бўлади. Паразит муртаги ана шу пуфакча ичида жойлашади. Ит ва ёввойи ҳайвонлар молларнинг эхинококк пуфакчалари билан ифлосланган органларини еб, ўзларига касаллик юқтирадилар. Эхинококкоз касаллиги одамга ҳам юқиши мумкин.

Эхинококкоз касаллиги тарқалишининг олдини олиш учун чорва молларга ва бошқа ёввойи ҳайвонлардан паразитлар ўтишига йўл қўймаслик керак. Бу мақсад билан молларни гўшт учун сўйиш маҳалида ҳамма вақт ветеринария ходимлари бўлишлари ва молларнинг эхинококкоздан зарарланган органларини юқумсизлантириб туришлари лозим. Бундан ташқари итларга гижжани чиқарадиган махсус дориворлар, (комала, ареколин ва шу каби дорилар), бериб, уларнинг ичакларини етук гижжалардан тозалаб, ёввойи ҳайвонларни йўқотиб туриш керак.

Фасциолёз (жигар гижжаси), касаллиги

Бу касаллик билан пастлик, зах ва ботқоқланган яйловларда ўтлатилган қорамол ҳамда қўй-эчкилар оғрийди, чунки бу касалликни қўзғотувчи паразитлар фасциолалар зах, нам ерларда ривожланади. Фасциолаларнинг ривожланиши жуда ҳам мураккабдир. Етук гижжалар жигарнинг ўт йўлларида яшайди. Уларнинг тухумлари ўт билан ичакка ўтиб, кейин тезак билан бирга организмдан ташқарига чиқиб кетади. Бу тухумлар кўлмакларга ва зах ҳамда ботқоқликлардаги яйловларга тушганида ривожланиб муртакка айланади, муртаклар сув ва зах ерлардаги шиллик қуртларнинг танасига ўтади. Ривожланишини муайян даври ўтгач муртаклар шиллик қурт танасидан чиқиб, бир мунча вақт сувда сузиб юради. Сўнггра ўтларга ёпишиб, устини

парда билан қоплаб олади. Муртаклар сув ва ўтлар билан бирга молларнинг қорнига кирганидан кейин ичакка, ундан қон томирлари бўйлаб жигарга ўтади ва бу жойда вояга етади.

Фасциолёз касаллиги билан оғриган мол овқатдан қолиб, тобора озади, камқонлик касаллигига дучор бўлади, дармонсизланади, унинг бўғимлари шишади. Ичи кетади, баъзан ичи қотади ва шилимшиқ пардалари сарғаяди. Молнинг жигар-гигжа касаллиги билан оғриганлиги тезагидан шу паразитнинг тухуми топилишига қараб аниқланади.

Баҳорда молларни яйловга ҳайдаганга қадар, кузда эса оғилга жойлаш олдидан молларга махсус дорилар берилиб, мол организми гижжалардан тозаланади. Зах ўтлоқ ва яйловларни қуриштиш, оҳаклаш, пастликлардаги ўтлоқларда мол боқишни тақиклаш молларнинг кўлоб ва ҳалқоблардаги сувларни ичишига йўл қўймаслик каби чоралар кўрилади.

Финноз касаллиги

Бу касалликни паразит шаклида одам ичагида яшайдиган тасмасимон узун гижжа (солитёр),нинг личинкаси кўзғотади. Бу гижжанинг бўйи 6-7 метрга етади. Касал одам ўз ахлатлари билан тўлган ва ҳар қайси тухумнинг ичида муртак бўлади. Қорамол ютиб юборган гижжа (солитёр), муртаги молнинг қонига ўтиб, қон билан бирга бутун танага тарқалади, кейин улар мускул тўқималарига жойлашиб олиб, унча катта бўлмаган чўзинчоқ пуфакчаларга айланади. Бу пуфакчалар **финн** деб аталади. Одамларга бу гижжа касал молнинг гўштини яхшилаб пиширмасдан ёки қовурмасдан ейиш натижасида юқади.

Финноз касаллигининг олдини олиш учун унга учраган одамларни даволаш, молхоналарни тўғри қуриш ва тозалаб туриш, чорвачилик иморатлари ва уларнинг атрофи одам ахлати билан ифлосланишига йўл қўймаслик керак. Финноз касаллиги билан оғриган мол сўйилганида унинг гўштини ейиш учун камида 2 соат қайнатиб ёки 20 кунгача тузлаб қўйиш керак.

Айланчик (ценуроз), касаллиги

Қўйларда учрайдиган оғир касаллик. Уни лентасимон чувалчанг кўзғотади, бу қуртнинг охириги хўжайини – ит, оралик хўжайини эса – қўй. Итлар тезагида айрим тухум билан паразитнинг етилган аъзочасини ажратадилар. Улар қуриб шамол билан тарқалади. Қўйлар уларни ўт ва сув билан ейдилар. Қонга тушиб паразит тухумлари қўйнинг бош миясига етиб боради, ёнғоқ катталиқда ўсади ва мия тўқимасини емиради. Пуфакча деворида кўпгина пуштлар ҳосил бўлади ва агар ит бундай пуфакча билан мияни еса, паразит эмбриони ит ичагига тушиб етилган қуртларга айланади. Ценуроз билан касалланганда қўйларда ўзгача ҳаракатлар кузатилади. Касал мол бир

жойда кўп вақт манглайи билан бирон нарсага туртиниб туриб қолади, орқасига юради ёки олдинга югуради, лекин кўпинча айлана ҳаракатларни қилади, шунинг учун ҳам касаллик айланчиқ номини олган. Натижада бу касал билан оғриган қўй ўлади.

Тери – паразитар касалликлар

Бу касалликларни ҳар хили теридаги паразитлар, кана ва ҳашоратлар кўзғатади.

Қўтир – кичима каналар билан кўзғолувчи терининг юқумли паразитлар касаллиги. Қўтир каналари жуда майда ва кўз билан уларни деярли кўриб бўлмайди.

Қўтир барча тур ҳайвонларда бўлади, кўпроқ зарарни у қўйлар ва отларга келтиради.

Қўтир канаси мол терисида тўшиб, унинг юқори қатламига киради; кана урғочиси терининг бу қатламида йўллар қилиб, уларда тухум қўяди, булардан паразитнинг янги авлоди чиқади. Каналар шикастлаган терида пуфакчалар ва йирик яралар пайдо бўлади. Терини қитиқланиши кичитқи кўзғайди ва мол терини шикастланган қисмини одатда қонатиб қашийди. Терини касалланган қисмидаги сочлар тушади. Қўтир жуда юқумлидир.

Касалликка қарши кураш касал молларни соғломларидан ажратишдадир. Касал молни ветеринария ходимининг кўрсатмасига кўра қўтирга қарши воситалар билан даволайдилар. Даволашдан ташқари молхоналарни асбоб-ускуна ва абзалларни синчиклаб тозалайдилар ва зарарсизлантирадилар.

Тери сўнаси кўпинча қорамолда учрайди. Касалланган мол соғимни кескин пасайтиради, озади ва териси сўна томонидан шикастланади. Молларни касалланиши ёзда, иссиқ вақтда рўй беради, бунда қанотли сўна учади. Сўна урғочиси қорамол жунида майда тухумларни қўяди, улардан кейинчалик капалак ривожланади. Улар мол организмга тушади ва у ерда 10 ойгача ривожланади. Қишни охирлаб улар белгача етади, бу ерда улар тишларда ва уларнинг тешикларида жойлашади. Бу тешиклардан улар нафас олади. Баҳорда етилган сўна 2 см узунликка ва 1 см қалинликка етиб, тешикдан чиқади ва ерга тушиб ғумбакка айланади, ундан 30-40 кундан сўнг сўна ривожланади. Сўна урғочиси яна тухум қўя бошлайди. Сўна ғумбакдан олган заҳира ҳисобига бир неча кун яшайди. Ўзи у озиклана олмайди, чунки уни оғзи ҳам йўқ. Тухум қўйиб сўна урғочиси ўлади. Молларни яйловга чиқаришдан уларни терисидаги ғумбакларни бармоқлар билан сиқиб чиқариш керак. Бу тadbирни ҳар 15-20 кунда қайтариш керак. Теридаги тешикларга химиявий воситаларни пуркаш йўли билан ҳам курашадилар.

Отларда сўнанинг ғумбаклари бурун бўшлигида, ошқозонда, 12 бармоқли ва тўғри ичакда жойлашадилар. Натижада отларнинг овқат ҳазм қилиш органлари касалланади ва мол озади.

Қўйлар қўй сўнасининг урғочисидан касалланади. Сўна урғочиси молнинг боши устида учиб бурнига тирик ғумбакларни киритади, улар у ерда ўсиб ривожланадилар.

Касал қўй бурнидан шилимшиқ оқади, у аксиради, бурнини ерга ишқалайди.

Касалликни олдини олиш учун июнь-сентябрь ойларида эрталаб деворларни, жанубга қараган воситаларни синчиклаб қарайдилар ва улардаги сўналарни йўқотадилар.

Бузоқларда учрайдиган юқумли касалликлар

Бузоқларнинг юқумли касалликларидан касалланишини олдини олиш мақсадида эмлаш тадбири ўтказилади. Овсил ва куйдиргига қарши эмлаш албатта ўз вақтида ўтказилиши шарт. Керак бўлган тақдирда бузоқлар бошқа касалликларга қарши ҳам эмланадилар. Эмлашни ветеринария қоидалари асосида ветеринария шифокори ўтказди.

Диспепсия - бузоқларда кенг тарқалган касаллик бўлиб, у ҳазм бўлиш жараёни, озиқланишнинг бузилиши, организмни сувсизлантириши билан тавсифланади ва ҳоказолар. Бўғоз сигирларни тўла қимматли ейимликлар билан озиқлантирмаслик ҳамда сигир ва бузоқларни сақлаш қоидаларини бузилиши—касалликнинг сабабларидир. Янги туғилган бузоқларга ўз вақтида оғиз сутини ичирмаслик, унинг сифатсизлиги диспепсия касаллигини содир этилиш сабабларидан биридир. Бунда касаллик аломатлари оғиз сутини биринчи-иккинчи марта ичирилишидан сўнг пайдо бўлади; бузоқлар ланж бўладилар, кам сув ичиб, кўпроқ ётадилар; оғиз ва бурнининг шилимшиқ пардалари оқаради, кейинчалик кўкаради. Бузоқларнинг ичи кетади. Агарда ўз вақтида чора кўрилмаса бузоқ нобуд бўлади. Биринчи ёрдам сифатида бузоқларга оғиз сутини бермаслик ёки унинг миқдорини анча камайтириш керак. Унинг ўрнига ош тузининг 1% ли эритмаси берилади. Ўсимликларнинг дамламаси ва қайнатмаси яхши даволовчи – профилактик таъсир кўрсатади. Агарда кўрилган чоралар ёрдам бермаса ветеринария шифокорига мурожаат қилиш керак.

Оқ ич кетиш (колибациллёз), – бузоқларнинг ўткир юқумли касаллиги, у ҳаётининг дастлабки 3 ҳафтасида содир бўлади. Касалликни келтириб чиқарувчи ичак таёқчаси организмга ифлос идиш орқали, девор, полларни, асбоб-ускуна ва ҳоказоларни ялаш натижасида киради. Оқ ич кетиш билан 1-3 кунлигидан то 7-8 ойгача бўлган бузоқлар касалланади.

С гача тушади. Нобуд бўлиш хавфи кучли. Бу касал билан касалланган бузоқлар ўсишдан анча орқада қоладилар. °Тана ҳароратининг кўтарилиши, озуқани емаслик касалликнинг белгисидир. Бузоқларда сариқ-қўнғир рангдаги ич кетиш пайдо бўлади, улар тезда ориқлайдилар, кучсизланадилар, кейинчалик эса ҳарорат 32-34

Даволаш препаратларидан оқ ич кетиш касаллигида кастор ёғини, (ошқозонни тозалайди), қўллайдилар ҳамда бир-икки марта сут ичиришни аччиқ чой ёки сулидан тайёрланган кофе билан алмаштирадилар. 50 граммдан бошлаб кунда дозани 50-100

граммга кўпайтириб, 30-кунда 1,5 килограммга етказиб ацидофилин (котик тури), ичириш фойдали. Ацидофилин ичакда чириш жараёнларини кучсизлантиради ва профилактик фаолият кўрсатади. Бу касалликнинг олдини олиш учун молга қарашдаги зоогигиеник қоидаларга риоя қилиш ҳамда янги туғилган бузоқларга оғиз сути кўплаб ичиришдан иборатдир.

Гастроэнтерит – овқат ҳазм бўлишининг бузилиши билан боғлиқ касаллик.

Касалликнинг сабаби – сифатсиз озуқаларни – чириган пичан, моғорлаган омехта емлар, эскирган, ёғи олинган сут ва ҳоказоларни ейиш. Совуқ, аччиқ ёки ифлосланган сутни ва оғиз сутини ичириш ҳам бузоқни бу касалликка дучор қилади. Бир озуқадан иккинчисига кескин равишда ўтиш ҳам касаллик сабаби бўлиши аниқ.

Касаллик аломатлари – организмни сувсизланишига олиб келтирувчи оғир ич кетишдир. Олдини олиш чоралари бу касалликни келтирувчи сабабларга барҳам беришдан иборат. Аввало бузоқларни сифатсиз озуқа билан озиқлантирмаслик, тўшамани ҳамда музлаган ўтни тасодифий ёйишига йўл қўймаслик. Шунинг учун ҳам эрта баҳор ва кузда бузоқларни яйловга кундузи, ўтни қуёш қизитгандан сўнг чиқариш керак. Овқат ҳазм бўлиши ҳолатлари бузилганлигининг 1-кундаёқ бузоққа сут бермайдилар, унинг ўрнига иссиқ, бирмунча тузланиб (1% дан кам туз), қайнатилган сув, 2-куни тенг қисмда тузланган сув ва соғилган сут, 3-куни – тузланган сувни кунлик ичимининг $\frac{1}{4}$ % қисмини қолдириб ичирадилар.

Ичиришнинг кунда камида бир марта амалга оширадилар. Бир марта сут ичиришни янги товуқ тухумини эритилган оксидан тайёрланган чой билан (3г оксил+10 г ош тузи 1 л чойга), алмаштириш мумкин. Чойнинг сарфи – бузоқнинг 1 кг оғирлигига 5-10 г.

Паратиф – кенг тарқалган касалликлардан бири. Касалликни келтирувчи-паратифоз таёқчаси. Одатда бузоқлар 8-кундан 2 ойгача касалланади. Касаллик сабаблари-ифлослик, намлик, тоза ҳавонинг йўқлиги ва ҳоказо.

С гача кўтарилади, нафас олиш ва томир уриши тезлашади, иштаҳа йўқолади, ич кетиш айрим пайтда қон билан пайдо бўлади. Касаллик кўпинча ўлим билан якунланади. Касалликнинг енгил шаклда ўтиши, соғайиши 5-14 кундан сўнг содир бўлади. Паратифга қарши зардоб ишланган бўлиб, у билан касал бузоқлар эмланади. Касаллик олдин билинмасдан ўтади, лекин бир ҳафтадан сўнг ўткир шаклда бўлади. Молнинг тана ҳарорати 41

Пневмония (зотилжам) ўпкаларнинг яллиғланиши – кўпинча бузоқларнинг бир ойлигида, айниқса қишқи-баҳорги даврда содир бўлади. Касалликнинг сабаблари-шамоллаш, зах, ёмон шамолланадиган хонада тўшамасиз, совуқ, зах полда сақлаш, сайрнинг йўқлиги, витамин А етишмаганлиги. Касалланган молларда нафас олиш қийинлашади, йўтал, бурун бўшлиғи ва кўзлардан ёш оқишлар, юқори тана ҳарорати, (40-42

Сальмонеллёз. Бу юқумли касаллик сальмонелла микроорганизмлари томонидан келтириб чиқаради. Бузоқ ҳаётининг 4-5 кунларидаёқ юқади, лекин одатда бу касаллик бузоқнинг 1-4 ҳафталик ёшида учрайди. Ўткир ҳолда иситма бўлади, бунда тана ҳарорати ошиб кетади.

Камроқ ифодаланган вазиятларда касалликнинг ягона аломати бу ич кетиш, кўпинча қон аралашма билан. Айрим пайтларда бузоқлар оқсайдилар. Бу бўғимлар шикастланишига боғлиқ. Касаллик бузоққа сигирдан ҳам юқиши мумкин. Касал молларнинг нажаси орқали бошқа молларга юқиши яйловда касал бузоқларни боқилиши билан боғлиқ. Даволашни фақат мутахассис амалга оширади. Касалликни олдини олиш учун бузоқлар эмлани.

Киндик сепсиси. Бу касалликда инфекция бузоқ организмига киндик орқали киради. Касаллик аломати – киндикнинг шишиши, кўпинча йиринг ҳосил бўлиб, бузоқ иштаҳасини йўқотади. Унда ҳарорат ошади, бўғимлар шишади ва оғрийди. Олдини олиш чоралари – бузоқ сақланаётган хонани дезинфекциялаш ва киндикни туғилганидан синчиклаб куйдириш.

Дифтерия. Одатда бу касаллик билан 1-6 ҳафталик бузоқлар касалланади. Касал молларнинг оғиз ва ҳиқилдоқининг шиллиқ пардасида сариқ рангли яралар пайдо бўлади. Кўпинча тил шишади. Бузоқ иштаҳасини йўқотади, унда ич кетиш аломатлари пайдо бўлади. Даволашни ветеринария шифокор ўтказди.

Рахит. Бу касаллик фосфор-кальций алмашинуви ва суяк ҳосил бўлиш жараёнининг бузилиши билан тавсифланади. Рахит билан деярли барча ёшдаги бузоқлар касалланади. Бузоқлар яйловга ва сайрга чиқарилмаса, зах, қоронғи хонада сақланса касаллик йилнинг ҳамма фаслларида ҳам содир бўлиши мумкин. Касалликнинг асосий сабаби – организмда витамин Д нинг етишмаслигидир. Бу витамин қуёшнинг ва махсус лампаларнинг ультрабинафша нурлари таъсирида организмда ҳосил бўлиши мумкин.

Рахит аломатлари – суякларнинг суст ўсиши, уларни юпқаланиши, мол оёқларининг етарлича бўлмаган қотиши ва қийшайишидир. Касалликнинг олдини олиш нур етишмовчилигини барҳам бериб, бузоқлар сайрини таъминлаш керак. Рационга витаминлашган балиқ ёғи, витамин Д препаратлари киритилади. Бузоқлар бемалол минерал озуқалардан – ош тузи, суяк ва ҳоказоларни истеъмол қилишлари лозим. Қуёшда ёки ультрабинафша нурлари остида нурланган ачитки ўта самаралидир.

Уларга соф ҳолда омихта ем едирадилар ёки сутни кунига 200 граммгача ичирадилар.

Тимпания. Дағал ва ширали ўтларни еб бошлаган 1,5-2 ойлик бузоқларда бу касаллик пайдо бўлиши мумкин. Енгил бижиган озуқаларни, ширали ўт, қарам, сабзи, лавлаги барглари ва ҳоказоларни ейиши касаллик сабаби бўла олади. Айниқса музлаган ва моғорлаган озуқаларни ҳамда кўп миқдорда омихта емларни едириш жуда хавфлидир. Қорин қаваги чап томонидан ўткир шишиши, қавшни тўхташи, нафас қисиш пайдо бўлиши касаллик аломатларидир.

Касалланган молларга тезда ёрдам кўрсатиш керак. Энг аввало мушт билан молнинг чап биқинини уқалаш зарур, бунинг билан газларни чиқариш таъминланади. Бунда бузоқ танасининг орқа қисми бироз кўтарилиб туриши керак. Газ сингдириш воситаси сифатида янги соғилган сутдан (0,5-1 л), фойдаланиш мумкин. тимпанияда бузоққа 80-150 г кунгабоқар ёки кастор ёгидан ичириб, юритиш фойдалидир. Оғир вазиятларда ёрдамни зонд киритиш йўли билан ёки троакар билан тешишни фақат ветеринария мутахассис ўтказиши керак.

Касалликнинг олдини олиш учун бузоқни шудринг ёки ёмғирдан сўнг чиқиши мумкин эмас. Кўк ўт ва омихта емларни кўп миқдорда еган бузоқларни суғориш тавсия этилмайди.

Қўтир – бу сурункали юқумли касаллик бўлиб, тери ва соч қопламанинг шикастланиши билан тавсифланади. Касаллик одамга ҳам юқиши мумкин. Касалликнинг сабаби – оддий замбуруғ бўлиб, у кўп вақт мол терисида бўлади, мақбул шароитда эса (тери бутунлиги тирналиб бузилганда, организм чидамлиги пасайганда), касалликни келтириб чиқаради. Касалликни келтирувчи замбуруғ ташқи муҳитнинг ноқулай вазиятларига чидамли, молхонада ўз ҳаётчанлиги 6-8 йил сақлайди. Уларга музлаш ва кимёвий кураш иш таъсир қилмайди. Лекин қуёшнинг тўғри нурлари замбуруғни 1 соат ичида ўлдиради.

Шунинг учун ёзда қуруқ ҳавода касалланиш камдан-кам, кузда ва қишда эса молхона нам ва ифлос бўлганида касаллик кўп учрайди.

Молларни даволаш ветеринария ходими томонидан амалга оширилади.

Қўтирга қарши самарали вакциналар яратилган, булар ичида айниқса республикамизда ишлаб чиқарилган ЛТФ-130 вакцинаси юқори самаралидир. Касалликнинг олдини олиш учун молхонани вақти-вақти билан тозалаш, креолин ёки ишқорнинг кучсиз эритмаси билан дезинфекция қилиш лозим. Молхоналарда қаровсиз мушукларни сақлаш ман қилинади, чунки улар касалликни тарқатувчи асосий манба ҳисобланади.

Тери сўнаси. Бузоқлар бу касалликдан кўп озор чекадилар. Тери сўнаси тухумни тери қопламига қўяди, улардан 4-5 кундан сўнг қурт ривожланади. Кейин бу қурт терига ўтиб у ерда етилишигача келгуси ёзгача тирик қолади. Касаллик аломатлари – терида шиш одатда орқа ва бел ҳудудида пайдо бўлади. Ёзда гурра қуртлар чиқади, ерга тушади ва ғумбакка айланадилар, 6 ҳафтадан сўнг ғумбакка етилган сўналар ҳосил бўлади. Касаллик молларни безовта қилади, уларнинг ўсиши тўхтади, териси шикастланади. Сўнадан қутуламан деб моллар кўп вазиятда шикастланадилар.

Тери сўнаси билан кураш – қуртларнинг орқанинг терисидан чиққунча йўқ қилишга боғлиқ. Бунинг учун ҳар хил кимёвий препаратлар – инсектицидлар қўлланилади. Препаратни танлаш, молларни қачон дорилашни ветеринария ходими аниқлайди.

ВЕТЕРИНАРИЯ-ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ ВА ҚОРАМОЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ

Молларнинг касалланиш ҳоллари кўп. Моллар касалланганда малакали ёрдамни ветеринария мутахассиси кўрсатади, шундай бўлсада мол эгалари энг кўп тарқалган касалликлар тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари ва биринчи ёрдам кўрсата билишлари керак. Бунинг учун мол касалланиши, аломатлари белгилари бўйича касалликларни ажрата олиш ҳамда керак пайтда даволаш воситалари ва асбобларидан фойдаланишни қўллай билишлари лозим.

Касалланган мол алоҳида эътибор, эҳтиёткорликни талаб қилади. Касал молга ёрдамлашиш пайтида тез ва кескин ҳаракат қилиш, унга қичқириш, уни уриш мумкин эмас. Эгаси молни тинчлантирмоғи, уни боғлаб бериши ва шошилмасдан керакли ишни қилмоғи лозим. Ҳар бир мол эгаси ветеринария аптекасига эга бўлмоғи талаб этилади. Унда керакли дори-дармон, боғлагичлар ва асбоблар бўлмоғи керак. Аптечка ёпиқ хонада, бегоналар ва болалар қўли етолмайдиган жойда сақланиши зарур. Аптечкада қуйидагилар бўлиши тавсия этилади: йод дамламаси, скипидар, водород пероксиди, клий перманганати, камфор ёғи, 10% камфор спирти, глауберов тузи, риванол, стрептоцид, Вишневский малҳами, дока, бинт, клеенка, тўғри ва қайрилган қайчилар, скальпель, резина зарчилвирлар, пинцетлар, троакар, туёқ пичоғи, термометр, Эсмарх кружкаси, резинали шиша, сут катетери.

Жароҳат олинганда биринчи ёрдам

Яралар. Агарда мол яраланса биринчи қилинадиган тадбир бу зич боғич ёки бовлиқ билан шикастланган жойнинг юқорисидан боғлаб, қон оқишини тўхтатиш ва водород пероксиди, скипидар ва кальций хлорнинг 10% эритмаси ва ҳоказолар билан намланган тампонлар қўйишдан иборат. Яраланган жой дезинфекция эритмаси билан артилади, яра атрофидаги жун қирқилади ва яраланган жой йод дамламаси билан суртилади. Ҳашоратлардан сақлаш ва ярани юқтирмаслик учун унинг четлари дезинфекцияланувчи ўткир ҳидли моддалар – йодоформ, лизол ва ҳоказолар билан қопланади. Келгуси даволашни мутахассис ўтказди.

Лат ейиш ва урилишларда тери бутунлигича шикастланмайди. Биринчи ёрдам шикаст ўрнига 1-2 кун мобайнида совуқ воситаларни қўллашдан иборат. Шикаст жойида жун қирқилади, 2-3%ли креолин эритмаси ёки лизол билан ишланади. Кейинчалик иситувчи компресс, енгил уқалаш ўтказиб, аччиқланувчи дахлама - йод, вазелин, скипидир билан камфора ёғи қўлланади.

ЗООГИГИЕНА АСОСЛАРИ

Чорвачилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳаёт шароитлари организмни талабларига

мос бўлгандагина моллар яхши ўсадилар, ривожланадилар ва юқори маҳсулдор бўладилар.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳаётининг муҳим шароитлари – бу яхши озиклантириш ва асрашдир. Моллар организмига ҳаво таркиби, унинг намлиги, ҳарорат ва ҳаракат, ёруғлик, молхоналар ва оғилларнинг тозаллиги ҳамда ичадиган сувнинг сифати.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари организмига ташқи муҳитнинг ҳар хили ҳолатлар таъсирини **зоогигиена** ўрганади. **Зоогигиена – молларнинг соғлигини ҳимоя қилиши тўғрисидаги фандир.** Зоогигиенанинг вазифаси – ҳар хили қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ҳимоя қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва максимал даражада уларни маҳсулдорлигини ошириш учун энг мақбул сақлаш шароитларини аниқлашдир.

Зоогигиена қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сақлаш, озиклантириш, қайта ишлаб чиқариш, уларга қараш, моллар орасида юқумли ва юқумсиз касалликларни пайдо бўлишига ва тарқалишига қарши профилактик тадбирлар ўтказиш нормативлари ва қоидаларини ишлаб чиқади.

Мол организмига ташқи шароитларни таъсири

Молларнинг ўсишига, ривожланишига, соғлигига ва маҳсулдорлигига аввало атрофдаги ҳаво, унинг таркиби ва физикавий хусусиятлари таъсир қилади.

Атмосфера ҳавоси газлар, сув буғлари ва механик аралашмалардан иборат. Ҳаво таркибига 79,04% азот ва бошқа газлар, 20,93% - кислород ва 0,03% - карбонат ангидрид киради. Нафас олганда ҳаво кислороди қон билан шимилади ва бутун тана бўйлаб тарқалади. Нафас чиқаргандаги ҳавода кислород миқдори 15-18% га камаяди ва карбонат ангидрид миқдори 100-130 марта – 3-4% га кўпаяди. Нафас олиш ҳавосида сув буғларининг миқдори анча кўпаяди.

Шундай қилиб, моллар нафас олганида улар сақланаётган хона ҳавоси ифлосланади. Ундан ташқари моллар томонидан ичак газлари-метан, водород сульфиди ва бошқалар ҳамда гўнг ва гўнг шалтоқи аммиак ҳосил бўлиб чириши натижасида ҳаво ифлосланади. Чангли озуқа ва тўшамани нафас олганда чанг ва микроорганизмлар миқдори кўпаяди.

Карбонат ангидрид, аммиак, водород сульфиди ва бошқа газлар ҳамда чанг ва микроблар хоналар ҳавосига тўпланиб, молларнинг соғлиги ва маҳсулдорликка зарарли таъсир қилади. Бундай ҳаво фермада ишлаётган одамлар учун ҳам зарарли.

Аммиак билан нафас олинганида моллар қонида гемоглабин миқдори камаяди, организмнинг инфекцион касалликларга чидамлилиги пасаяди.

Водород ангидриди шиллиқ пардаларни яллиғланишига, нерв системаси фаолиятини

бузилишига, қон гемоглабинининг темирини темир ангидридга ўтказди, шунинг учун молларда кислород очлиги бўй беради.

Чорвачилик хоналарида ҳавода карбонат ангидрид газининг миқдори қорамол учун 0,25% дан молларнинг бошқа турлари учун 0,3% дан, аммиак миқдори 0,001% дан ошиши мумкин эмас. Молхонадаги ҳаво таркиби доимо назорат қилиниши, молларни етарли миқдорда газ сингдирувчи тўшамалар билан таъминлаш канализация ва вентиляция бузилмаслиги учун кузатув қилиниши керак.

Ҳаво ҳарорати ва намлик, иссиқлик ҳосил бўлиш ва организм томонидан иссиқликни бериш жараёнларига катта таъсир қилади. Паст ҳарорат таъсирида терининг қон томирлари рефлекс равишда турадилар, қон теридан оқиб кетиб бироз совийди. Шунинг учун иссиқликни бериш камаёди. Бундан ташқари, иссиқлик энергиясини ажралишида диссимилияция жараёнлари кучаяди. Ҳаво ҳарорати кўтарилганда терининг қон томирлари рефлекс равишда кенгаяди ва уларда оқибатган қон миқдори кўпаяди, натижада тери ҳарорати ошади, иссиқликни ташқи муҳитга берилиши кучаяди, организмда иссиқлик ҳосил бўлиши кучсизланади.

Ҳавонинг нами зиёд бўлса организмнинг иссиқликни бошқариш нормал жараёни бузилади. Ҳаво қанчалик кўп сув буғлари билан тўйинади, шунчалик унинг иссиқлик ўтказиши ва иссиқлик ҳажми юқори бўлади. Шунинг учун паст ҳароратда ҳавонинг зиёд намлигида организм томонидан иссиқликни бериш кўпаяди, мол совийди ва бу шамоллаш касалликлари – ўпкани яллиғланиши, ревматизм, мастит ва бошқаларга келтиради. Ундан ташқари, ҳавони зиёд намлиги моллар соғлигига зарарли микроорганизмларни ривожланишига қулай бўлади.

Баланд ҳароратда ҳавонинг юқори намлиги, аксинча, организм томонидан тери юзасидан ва нафас йўллариининг шиллиқ пардасидан иссиқлик беришни қийинлаштиради.

Бу жараён танани исиб кетишига ва иссиқлик зарбасига олиб келиши мумкин.

Чорвачилик хоналардаги ҳавода сув буғлари доимо тўлиб боради. Ишотланганки, сутка давомида сигир ўртача 7 кг, чўчқа – 3 кг атрофида, қўй – 1,5 кг сув буғларини ажратади. Пол, суғорғич, намли озуқа юзасидан нам буғланади. Натижада хоналарда ҳавони кўтарилган намлиги содир бўлиши мумкин.

Ҳаво намлиги **абсолют**–ҳозирги пайтда 1м³ ҳаводаги сув буғларининг миқдори; **максимал**–ҳозирги ҳароратда ҳавони бойтадиган сув буғларининг миқдори **ванисбий** – абсолют намликни максимал намликка бўлган нисбати ва фоизда ифодаланган.

60-70% нисбий намлик мол учун қулай 85% гача иситилмайдиган хоналардаги нисбий намликни кўтарилиши охири даража ҳисобланади.

Ҳавонинг зиёд намлигини ташқи кўрсаткичи захликни ва сув томчиларини шифтлар деворларда, айниқса юқоридаги бурчакларда пайдо бўлишидир.

Ҳаво намлигини аниқ билиш учун психометр, гигрометр ва гигрофлардан фойдаланилади. Моллар учун хонадаги ҳаво қуруқ ва кучли шамол бўлмаса ҳаво энг қулай ҳисобланади. Булар касалликларга қарши туришини кучайтиради.

Ҳавони ҳаддан ташқари паст ва юқори ҳаво ҳарорати ҳамда ҳароратни кескин ўзгариши мол организмга ноқулай таъсир қилади. Паст ҳароратларда тананинг нозик қисмлари совуқ урушлар бўлиши, баланд ҳароратда – умумий ҳолсизланиш, нафас сиқилиши ва иштаҳа камайиши содир бўлади.

ҳарорат энг қулай ҳисобланади.°, бузоқхона ва чўчқахонада +12° +8° Сигирхонадаги +6

Чорвачилик биноларида ҳаво ҳарорати ва намликни яхши вентиляция ва канализация куриб, нам тортадиган тўшмадан фойдаланиб, хоналарни иситиб ва молларни нормал зичликда жойлаштириб бошқариш мумкин.

Ҳаво ҳарорати қатор шароитлар, аввало ҳаво ҳарорати ва намлиги билан мол организмга қулай ёки ноқулай таъсир қилади. Ёзнинг энг иссиқ пайтида молларга мўтаъдил шамол фойдали. Қишда совуқ шамол, айниқса юқори ҳаво намлигида, шамоллаш касалликлари, эмчак ва бошқа органларни совуқ уриши билан молларга таъсир қилади. Шунинг учун чорвачилик биноларини ва мол чиқиб юрадиган жойларни қуришда устун шамоллар йўналишини ҳисобга олиш ва хоналарни дарахт экиб ҳимоялаш лозим.

Ҳавонинг хоналардаги ҳаракати вентиляция сифатига боғлиқ. Яқин вентиляцияда хона ҳавоси соат ичида 3-4 марта ўлчаниши керак. Бу хонадан чангни ва микроорганизмларни йўқолишига ёрдамлашади. Қишда човачилик биноларида елвизакни бўлишини олди олинмоқи лозим.

Қуёш ёруғлиги, айниқса, ультрабинафша нурлари мол организмга жуда ижобий таъсир кўрсатади. У нерв системани кўзғатади, модда алмашинуви ва қон ҳосил қилувчи органлар фаолиятини кучайтиради, теридаги провитаминни Д витаминга ўзгарилишини таъминлайди, оқибатда минерал моддалари тўғри алмашинади, рахитни олди олинади ва ёш моллар яхши ўсади. Ультрабинафша нурлар бактерицид хусусиятларга эга – микробларни ўлдиради ва яраларни тезроқ битишига кўмаклашади.

Ёруғлик етишмовчилигида молларда модда алмашинуви пасаяди, кам қонлик ва туберкулёз, рахит ва бошқа касалликларни юқтириш содир бўлади, маҳсулдорлик пасаяди.

Қуёш нурларининг етишмаслиги киш даврида молларни хоналарда сақланганлигида айниқса катта. Шунинг учун хоналар ёруғ бўлишини таъминлаш керак. Нурли коэффициент, яъни ойналар сатҳини пол сатҳига бўлган нисбати сигирхоналарда 1:10, 1:12, боғламасдан боқилганда 1:15 дан 1:30 гача. Қишда ойналар доимо артилиши керак, молларни ҳар куни сайрга чиқариш керак. Барча қишлоқ хўжалик

хайвонларининг ёшларини ўстиришда қиш даврида симоб-чақмоқтош лампалар билан сунъий нурлантирмоқ керак, бу уларни модда алмашинувини яхшилайдди.

ЧОРВАЧИЛИК БИНОЛАРИГА БЎЛГАН

ЗООГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Чорвачилик биноларини қуриш учун зоогигиена талабларига тўғри келадиган майдон танланади. Бу майдон пичанзорларга ёки ем-хашак алмашлаб экиш жорий қилинган далаларга яқинроқ бўлиши керак. Майдон танланганда молларни яйловга ҳайдаб бориш ва ҳўжалик билан яқин алоқада бўлиб туриш учун қулай йўллар бўлиши зарурлиги ҳам ҳисобга олиниши лозим. Майдон ишлаб чиқариш иморатлари ва турар жойлар қуришга ҳамда чорва сонини янада кўпайтирилишига имкон берадиган даражада катта бўлмоғи керак. Танланган майдонда талабни тўла таъмин этадиган миқдорда сифатли сув манбаи бўлиши лозим.

Бино ва иморатлар қуриш учун текис, қуруқ ва ер ости суви чуқурроқ жойлашган ҳамда ёмғир ва қор сувларининг оқиб кетиши учун нишаброқ ерларни танламоқ керак. Ўзбекистон шароитида танланган майдоннинг нишаби шарқ ва жанубий – шарқ ёки жанубий-ғарб томонга, ҳеч бўлмаганда ғарб томонга қараган бўлиши яхшироқдир. Майдоннинг тупроғи сувни яхши ўтказадиган, ёмғир ва қор сувлари билан ювилиб кетмайдиган бўлиши керак.

Илгари юқумли касалликлар билан оғриган моллар турган жойларга чорвачилик бинолари қуриш ярамайди.

Чорвачилик бинолари аҳоли яшайдиган қишлоқдан катта йўллардан ва мол ҳайдаб ўтиладиган йўллардан камида 200 метр, дарё ва ҳовузлардан камида 500 метр нарида қурилмоғи лозим.

Танланган майдондаги бино ва иморатнинг бир-биридан узоқлиги 40-50 метрдан кам бўлмаслиги керак. Турар жойлар ва чорвачиликка доир ишлар бажариладиган бинолар, (ферма ходимлари яшайдиган уйлар ҳамда сут маҳсулотлари ишланадиган бинолар, ем-хашак омборлари ва шу кабилар), майдоннинг нишабли жойида шамол эсадиган томонга қаратиб қурилади, гўнғхоналар, ветеринария иморатлари (шифохона, изолятор ва бошқалар), эса шамол эсмайдиган томондаги пастлик ерларга қурилади.

Ичиш чувига зоогигиеник талаблар

Сув молга нормал физиологик фаолият учун органларини ўсиш ва ривожланишини таъминлаш учун керак. Мол танасида 70% гача сув бор. У ҳужайраларда ва тўқималарда бўлиб, қон, лимфа ва сутнинг муҳим ҳажмини ташкил қилади. Сув овқат

ҳазм қилиш шираларининг таркибига киради. У тер шаклида ажралади ва тери сатҳидан буғланиб организмда иссиқни бошқаришни таъминлайди; минерал моддалар - хлорли натрий ва бошқа тузлар алмашинувида ҳамда организмдан сийдик шаклида модда алмашинув маҳсулотларини чиқаришда қатнашади.

Сув етишмаганда организмда физиологик жараёнларни нормал намоён бўлиши бузилади, моллар маҳсулдорлиги пасаяди, организмдан 20% сув йўқолганда ҳаётий жараёнлар тўхтаб мол ўлади.

Тўғри ва сероб суғориш – моллар маҳсулдорлиги ошишининг зарурий шартидир. Сувга бўлган суткадаги талаб (молга қарашга сарф қилинадиган миқдори билан), қуйидагича: соғиладиган сигирлар учун – 90 дан 115 литр, бузоқлар учун – 30-35 литр, болалари билан она чўчқалар учун 75-100 л, бўрдоқидаги чўчқа учун 25 л, қўй учун- 10 л, парранда учун 0,5 л, ўрдак ва ғозлар учун – 1л.

Сув ичиш сифатли – тиниқ, рангсиз, ҳидсиз, таъми яхши, организм учун зарарли аралашмасиз, касал келтирувчи микроорганизмларсиз, гижжаларнинг тухумисиз бўлиши керак. Айрим кўлларнинг, ҳовузларнинг, чуқур бўлмаган қудуқларнинг ичадиган сувида организмга керак бўлган йод тузлари бўлмайди. Молларга бундай сув ичириш қалқонсимон безларни, кейинчалик юрак-томир системаси касалланишига олиб келади.

бўлиши керак. Жуда совуқ сувни иситиш учун организмнинг қўшимча энергияси сарфланади ва ундан ташқари молларда овқат ҳазм қилишини бузади. Шунинг учун қишда соовуқ кунлари сувни иситиш керак.°Мол ичадиган сувнинг ҳарорати +8 +12

Сув фермага механизация воситалари ёрдамида келтирилиб моллар автопчирғичлардан сув ичишлари лозим. Бу молларни сувга бўлган талабини тўлиқ қондиради, уни келтиришга ва меҳнат учун кетган ҳаракатни камайтиради.

Моллар озукасига зоогигиеник талаблар

Организмга керакли бўлган барча озукавий моддаларга эга бўлган сифатли ва ҳар хили озукалар билан молларни мўл озиқлантириш уларни соғлиқини ва юқори маҳсулдорликни таъминлайди, касалликларга қаршилигини кучайтиради.

Ёш молларни етарлича озиқлантирмаслик уларни ўсишини ва ривожлантиришини тўхтатади, тана тузилишида етишмовчиликлар пайдо бўлади ва келгусида бундай моллар кам маҳсулдор бўладилар. Вояга етган моллар қониқарсиз озиқлантирилганда озадилар, маҳсулдорликни пасайтирадилар. Ҳар хил касалликларга енгил таъсирланувчан бўладилар.

Молларни сифатсиз озукалар билан боқмаслик керак, (ачиган, музлаган моғорланган, захарли ўтлар, тупроқ ва ҳоказолар билан аралаш), чунки бундай озукалар молларда ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни келтириб чиқарадилар.

Сифатсиз озуқалар билан бўғоз ва ёш молларни озиқлантириш айниқса хавфли: она молларда аборт, ёшларида-овқат ҳазм бўлиш бузилиши, натижада ўсишда орқада қолади, озади, ҳатто нобуд ҳам бўлади.

Молларга қараш бўйича зоогигиеник талаблар

Қиш пайтида молларни ёруғ, қуруқ, яхши шамоллатиладиган хоналарда сақлашда тоза, қуруқ тўшама бериш, терини тозалаш, тананинг ифлосланган қисмини ювиш, қуп-қуруқ артиш, туёқларни профилактик тарзда тозалаш, шамол ва кучли совуқ кунларидан бошқаларида сайрга чиқариш керак.

Терини доимо тозалаш, уни химоя хусусиятларини кучлантиради, чунки бунда тер ва ёғ безларининг чанг ажралмалари, яъни касаллик қўзғатувчи бактериялар ривожланиши учун мос муҳим йўқотилади.

Молларга доимий равишда қараш - уларнинг нормал ҳаётий фаолиятини, соғлиқини ва сермахсулдорлигини сақлашнинг зарур шароитларидир.

Моллардаги юқумли касалликларни олдини олиш

Чорвачилик хоналарида молларга кундалик қарашдан ташқари қуйидаги профилактик тадбирлар ўтказилади. Хонага киришда 3-5% ли креолин ёки бошқа дезинфекцияланувчи модда билан сингдирилган гиламчалар ёки кутида қипиқни хоналарга касаллик қўзғатувчиларни оёқ қиёми билан келтирмаслик учун қўядилар. Йилда камида икки марта – баҳорда ва кузда, бутун хоналар ва асбоб-ускуналар дарахтларни кули ёки 10-20% ли янги сўлдирилган оҳак эритмаси билан оҳаклаш керак. Чивин ва кемирувчиларни, бошқа юқумли касалликларни тарқатувчиларни, молларни ошқозон-ичак ва нафас йўлларидаги ҳамда тупрокдаги ва гўнгдаги паразитларни доривор воситалар ёрдамида йўқотиш лозим.

Ҳар куни охурлар озуқа қолдиқидан тозаланмоқи, санитар кунларда эса улар иссиқ сув билан ювилмоқи, автоичарғичлар тозаланмоғи, полларга етарли тўшама ёйилиши, вентиляция ва канализация бузилмай ишлашини назорат қилиш зарур.

Хўжаликда юқумли касаллик содир бўлса касал моллар ажратилган хонага ўтказилиши ва ҳар 3-7 кун мобайнида касалликни батамом йўқолишигача дезинфекция қилиниши лозим.

Дезинфекция қилувчи воситалар қилиб янги сўлдирилган оҳак, хлор оҳаки, креолин, лизол, ўювчи натрий ва бошқалар ишлатилади.

Юқумли касалликларни кенг тарқалишини олдини олиш учун карантин ўрнатилади.

Карантин эълон қилинганидан сўнг қуйидагилар ман қилинади: захарланган майдондан мол келтириш ёки чиқариш, ушбу касалликка мойил молларни келтириш ёки чиқариш, касал моллар сақланган хонага четдан одамларни киритиш. Бошқа хўжаликлардан олинган мол учун ҳам карантин ўрнатилади.

Чивинларни, каналарни ва бошқа қон сўрувчи ҳашоратларни қириш учун ДДТ, гексохлоран ва хлорофан препаратларининг кукунини, эритмасини ва эмульциясини қўллайдилар. Сичқон ва каламушларга қарши хар хили қопқонлар ва захарланган озуқавий чақирувчи воситалар ишлатилади.

Фермалардаги кун тартибига зоогигиеник талаблар

Мол организмини ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси шартсиз ва шартли рефлекслар билан нерв системаси орқали амалга ошади. Ташқи шароитларни суткалик ва фаслли ўзгаришларга моллар физиологик омиллар – нафас олишнинг тезлиги ва чуқурлиги, модда алмашинувининг жадаллиги ва бошқаларни рефлексор ўзгариш йўлларига мослашадилар.

Шартсиз ва шартли рефлекслар ёрдамида моллар организми фермадаги кун тартибига ҳам таъсирланади. Шартли рефлекслар молларда соғишни тозалашни, сайрга чиқаришни ва бошқа жараёнларга яъни белгиланган вақтда бажариладиган тадбирларга қарата тадбиқ қилинади. Фермада ўрнатилган кун тартибига мувофиқ молларда шартли рефлекслар ёрдамида барча органларда физиологик фаолиятнинг маълум мароми ўрнатилади.

Фермада ўрнатилган кун тартибини бузилиши молларда шартли рефлексларни тормозланишига ва ўрнатилган физиологик фаолиятни бузилишига олиб келади. Бу молларни безовталанишида ва маҳсулдорликни камайишида юзага чиқади.

Шунинг учун фермаларда маълум кун тартиби ўрнатилиши ва унга қаттиқ риоя қилиш зарур. Хоналарда сукунат сақланиши лозим, югурмаслик, бақирмаслик, моллар билан хотиржамлик билан муомала қилиш, барча ишлар қатъий равишда ўрнатилган вақтда бажарилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

- | | |
|---------------------|--|
| 1. Абдолниёзов Б.О. | - Хоразм чорвачилиги. Қизил чўл зотли қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилашнинг илмий асослари, докторлик диссертацияси, 1999 йил. |
|---------------------|--|

2. Абдолниёзов Б.О. - Аҳоли хонадонида қорамол асраш, “Фан” нашриёти, Тошкент, 2006 йил.
3. Акмальханов Ш.А. - Биологические и зоотехнические основы ведения скотоводства в Узбекистане, “Меҳнат”. Ташкент, 1993 йил.
4. Акмалхонов Ш.
Ражабов А. - Сут соғувчи оператор китоби, “Меҳнат”, Тошкент, 1988 йил.
5. Богданов Е.А. - Происхождение домашних животных, М, 1937 год.
6. Икрамов Т.Х. - Чорвачилик асослари, «Ўқитувчи», 1986 йил.
7. Икрамов Т.Х. - Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси, «Ўқитувчи”, Тошкент, 1997 йил.
8. Кияткин П.Ф. - Ўзбекистонда қўйчилик, Ўздавнашр, Тошкент, 1962 йил.
9. Мавлонов Н.О. - Қорамолчилик, “Ўқитувчи”, Тошкент, 1968 йил.
10. Мавлонов Н.О. - Чўчкачилик, «Ўқитувчи”, Тошкент, 1969 йил.
11. Носиров У.Н. - Гўштдор қорамолчилик, “Ўзбекистон”, Тошкент, 1971 йил.
12. Носиров У.Н. - Қорамолчилик, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти”, Тошкент, 2001 йил.
13. Скотоводство, “Москва”, Колос, 1977 год.
14. Справочник птицевода Узбекистана, Тошкент, 1967 год.
15. Томмэ М.Ф. - Умумий зоотехния. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1966 йил.

16. Тўрақулов З.Т.

•

Қорамолчиликдан практикум,

Биселова Н.И.

“Ўқитувчи”, Тошкент, 1977йил

17. Шчекин В.А.

- Чорвачилик, “Ўқитувчи”, Тошкент, 1968 йил

18. Эйдригевич Е.В.

•

Интерьер сельскохозяйственных

Раевская В.В.

животных, 1966 год.

1. [/Chorvachilik asoslari.doc](#) Б. О. Абдолниёзов чорвачилик асослари

МУНДАРИЖА

Кириш.....4

Чорвачиликни халқ хўжалигидаги аҳамияти.....4

Биринчи бўлим

Умумий чорвачилик

Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши.....	6
Молларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш.....	6
Уй-ҳайвонларининг ёввойи аجدодлари.....	8
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг анатомик-физиологик ва маҳсулдорлик йўналишининг хусусиятлари.....	17
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг озиқлантириш асослари.....	25
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг тўғри озиқлантиришда озуқа базасининг аҳамияти.....	25
Озуқаларнинг химиявий таркиби.....	26
Таъсир килувчи омиллар.....	32
Озуқалар тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши.....	33
Озуқалар турлари ва уларнинг тавсифи.....	36
Озуқаларни молларга беришга тайёрлаш.....	50
Чорва молларини боқиш.....	52
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланиши.....	53
Ҳайвонлар экстеръери, интерьери ва конституцияси.....	55
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлиги.....	74
Ҳайвонлар маҳсулдорлигининг асосий турлари.....	74
Сут маҳсулдорлиги.....	75
Гўшт маҳсулдорлиги.....	82

Жун маҳсулдорлиги.....	84
Ишчи маҳсулдорлиги.....	85
Парранданинг тухум етказиш маҳсулдорлиги.....	85
Ҳайвонлар маҳсулдорлигига таъсир қилувчи омиллар.....	87
Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигини ошириш йўллари.....	92
Гўнг.....	92
қолиш ҳоллари ва уларга қарши кураш чоралари.....	96

Иккинчи бўлим

Хусусий чорвачилик

Қорамолчилиكنинг аҳамияти, биологик хусусиятлари.....	98
Қорамол зотлари.....	100
Қора-ола зоти.....	100
Қорамолнинг қизил зотлари.....	101
Қизил чўл зоти.....	101
Англери зоти.....	103
Дания қизил зоти.....	103
Болтиқ бўйи қизил зотлар.....	103
Бушуев зоти.....	104
Маҳаллий зебусимон моллар	105
Қўш маҳсулдорли зотлар.....	105
Қозоқи оқ бош зоти.....	106
Санта-гертруда зоти.....	106

Абердин-ангусс зоти.....	107
Зот тўғрисида тушунча.....	108
Зотларни районлаштириш.....	109
Чорвачиликда наслчилик ишлари.....	109
Моллар банитировкаси.....	110
Зоотехника ҳисоботи.....	112
Молларни урчитиш усуллари ва техникаси.....	112
Молларни физиологик ва жинсий етилиши.....	115
Жинсий майл.....	116
Қочириш усуллари.....	118
Қорамол боқиш, асраш ва парваришlash.....	119
Бўғоз ва сутдан чиққан сигирларни озиқлантириш.....	121
Бўғоз, сутдан чиққан сигирларни асраш.....	125
Соғимдаги сигирларни озиқлантириш.....	127
Сигирларни қиш даврида озиқлантириш.....	130
Йилнинг турли фаслларида молни асраш ва унга қаров.....	133
Сигирларни соғиш техникаси ва уларнинг серсутлигини ошириш.....	135
Соғлом бузоқ олиш йўллари.....	138
Сигирга туққанидан сўнг қараш.....	142
Оғиз сути даври.....	142
Бузоқларни норма асосида озиқлантириш.....	145
6 ойликгача бўлган бузоқларни тўғри	

асраш учун асосий зоогигиеник талаблар.....	147
Бузоқ ва таналарни сут	
эмишдан сўнгги даврда озиқлантириш.....	148
Новвосларни гўштга боқиш.....	150
Мол сўйиш.....	152
Қўйчилик.....	155
Қўйчилик маҳсулотлари.....	158
Қўзилатиш ва қўзиларни ўстириш.....	160
Қўйларни асраш.....	161
Эчкичилик.....	161
Паррандачилик.....	163
Паррандани озиқлантириш ва асраш.....	165
Парранда зотлари.....	167
Ғозлар зотлари.....	169
Қурка зотлари.....	170
Ўрдақлар зотлари.....	171
Чўчқачилик.....	172
Чўчқаларни озиқлантириш.....	173
Чўчқалар зотлари.....	174
Йилқичилик.....	175
Отларни гўшт ва сут маҳсулдорлиги.....	177
Туячилик.....	179
Қуёнчилик.....	180

Куён зотлари.....	181
Чорвачилик маҳсулотларига дастлабки	
ишлов бериш ва сақлаш технологияси.....	183
Сутга бирламчи ишлов бериш.....	183
Сут маҳсулотларини тайёрлаш технологияси.....	184
Гўштга бирламчи ишлов бериш.....	187
Ветеринария асослари.....	192
Юқумсиз касалликлар.....	192
Ташқи касалликлар.....	193
Ички касалликлар.....	193
Юқумли касалликлар.....	198
Юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган умумий тадбирлар.....	200
Инвазион касалликлар.....	205
Бузоқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	212
Зоогигиена асослари.....	218
Мол организмига ташқи шароитларни таъсири.....	218
Чорвачилик биноларига бўлган зоогигиеник талаблар.....	222
Ичиш сувга зоогигиеник талаблар.....	222
Моллар озукасига зоогигиеник талаблар.....	223
Молларга қараш бўйича зоогигиеник талаблар.....	224
Фермалардаги кун тартибига зоогигиеник талаблар.....	225
Фойдаланилган адабиётлар.....	227

Б.О. Абдоллӣёзов

ЧОРВАЧИЛИК АСОСЛАРИ

Муҳаррир: **Н. Остонов**

Мусахҳиҳ: **Д. Мамадалиева**

Рассом: **Ш. Одилов**

Саҳифадорчи: **С. Пулатов**

Босишга рухсат этилди 04.07.2010 й. Бичими 60x84 1/4
«Times TAD» гарнитураси. Босма таъбири 14.0. Алади 300 нуска.

Буюрма № 15.

«NOSHIR» нашриёти, Тошкент ш., Навоий кўчаси сакко расталари.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг
босмахонасида chop этилди.

Тошкент ш., Навоий кўчаси сакко расталари.

